


R 496
1996 5

اینگذشت



۳۳۳
۲


بایستی در مقام نوبت که حقیقت دارد
خستگان را چه آید که کار از آنجا



МУҚОВАНИНГ ИККИНЧИ
ВА УЧИНЧИ БЕТЛАРИДА.
МУСАВВИР РУСТАМ ЭРМАТОВ
ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР.

Машраб НУРИНБОЕВ сувратга олган.

ҚИШ.



МАТЛУБА.



5
1996

Иجتимой-сиёсий, илмий-оммабон
ва бадиий-беақли журнал

Журнал икки ойда
бир марта чиқади.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги


Бош муҳаррир:

Тилаб МАҲМУДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Абдумўмин БОЙМАТОВ,
Жуманиё ЖАББОРОВ,
Асқар МАҲКАМ
(масъул котиб),
Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,
Михли САФАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам ХУЖАЕВ,
Муҳсин ҚОДИРОВ,
Туреулал ҚЎЗИЕВ,
Тўхтаев ҒОФУРБЕКОВ.

Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган.



Ислом КАРИМОВ:

«Юздан ортиқ миллат вакили истиқомат қилаётган Ўзбекистонда уларнинг барчасига ўз миллий маданиятлари, анъаналари ва тилларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар бериб қўйилган.

Биз ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳукм сураётгани, инсоннинг тинч ҳаёт кечирish ва умргузаронлик қилишдек муқаддас ҳуқуқи таъминланаётгани билан фахрланамиз.

Ўзбекистон битмас-туганмас табиий ва минерал хом ашё бойликларига, қудратли илмий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология, тарих ва археология соҳаларида олиб бораётган тадқиқотлар минтақамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур.

Бироқ, бизнинг энг катта бойлигимиз — тикланиш, ислохотлар ва янгиликлар йўлидан дадил бораётган оққўнғил, меҳнаткаш, меҳмондўст ва мағрур халқимиздир».

Президент Ислам КАРИМОВнинг ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан.

МУҚОВАНИНГ БИРИНЧИ БЕТИДА:

Шарқ миниатюра
мактаби намунаси.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ЮНЕСКО ҚАРОҒОҲИДАГИ КУРГАЗМАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам Федерико Майор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темури тавалду-нинг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» дафталигини ўтказишга эътибори ва мадади учун ЮНЕСКО раҳбариятига самий миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсизлар.

XIV асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда — Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўриниб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий гузалик шаҳрида бошла-наётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бутун оқиллаётган ва Амир Темури ҳамда temuрийлар даврининг улугвор маданий ютуқларига асосланган кургазма ўтмиш даврлардаги бебаҳо ёдгорликлар, Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқ ижодиёти намуналари билан танишиш учун ажойиб имкониятдир.

Тарихда «Турон», «Туркистон» ва «Мовароуннаҳр» номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдиради.

Ўзбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан буён турли қарвон йўллари, дуненинг турли томонларидан келадиган савдо-сотик, иқтисодий алоқалар йўллари ва, албатта, халқаро алоқалар: иқтисодий алмашув, ҳунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қор томири бўлган Буюк ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

Қадимги Сугд, Хоразм, Бактрия, Қушон, Парфия, Эфталитлар подшоҳлиқлари жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва мейморларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешиғидир.

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан фخرланади.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хева, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишёр Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Хонимлар ва жаноблар!

Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистон уз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайди.

Утган йиллар еш республика учун янги давлатчиликнинг қарор топиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётининг шаклланиш йиллари бўлди.

Энг муҳими — бу маънавият манбаларига, миллий илдишларимизга қайтиш, тарихий хотирани, маданият ва маънавиятни қайта тиклаш йиллари бўлди.

Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа Фарб мамлакатларида Амир Темури шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди.

Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурига ёдгорлик ўрнатилиб, унга «Европанинг халоскорига» деган чуқур рамзий маъноли сузлар ёзиб қўйилган.

Айни Амир Темури босқинчи тудаларнинг Европа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ мuddатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайдми.

Маърифати Мовароуннаҳр руҳи, temuрийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаста-баста таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига қумақлашганини аниқлаб факрланамиз.

«Сенгасда маслаҳат, мулоҳазакорлик, уйлаб иш қилиш қурол кучидан қура ун баравар фойдалироқдир» деган доно сузлар

Амир Темурига мансубдир. Бу сузлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, оғоҳлантирувчи дипломатия йўли билан халқ қилишни билдиради.

Амир Темурининг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари тўғрисида Осиё ва Европа давлатлари тарихида биринчи марта ягона жүрғофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзаллиқига эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўқсинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Узаро ишонч, ҳамкорлик, умумий муроसाга келиш мумкинлигига аминлик уша мураккаб ва жушқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.

Буюк стратег, моҳир сийосатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчиси, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темури «Қонуллар ва урф-одатларга асосланган» давлатни барпо этди.

ЮНЕСКО қароргоҳидаги ушбу кургазма Амир Темурининг «Чиндан ҳам ишларимиз бизни қўратиб туради!» деган машҳур сузларини яққол тасдиқламоқда.

Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини урганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг қўшган улушини Ўзбекистон юксак даражада қадрайди.

Бу Ўзбекистон учун, айниқса, қимматлидир. Ўзбекистонда, маълумки, машҳур совет даврида қўлаб маданият ёдгорликлари бўзиб юборилган, ер билан яқсон қилинган эди.

Шу сабабли бу амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, ахуссан, Ўзбекистон ҳудудларида археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрайимиз.

Қуриқуна мажмуаларидаги таъмирлаш ишларида, мамлакатимизда ҳалқаро туризм индустриясини барпо этишда катта ёрдам қўратилмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКОдаги кургазма ҳаммагиз учун Ўзбекистонга, Амир Темури Ваганига боришга эзига ҳос тақлифномадир.

Ишончим қомилки, мейморчилик ёдгорликлари, қадимги қўлазмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улугворлиги ва бадий шаклларнинг пухталлиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлик билан занқ бағишлайди.

Улар ақл-идроқни юксаликка қутаради ва ҳозирги инсон Фарбадаи ёқи Шарқдаи — қарда яшамасин, унинг қалбига етиб боради.

Куз олдингида очилган кургазма маънавий ва маданий қадриятлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган, ҳамжихатликка эришишда ердан берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойлик эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Темури замонасида яққол намоён бўлган бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бутун бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилаверсин.

Қадим-қадим замонларда вужудга келган Буюк ипак йўли яшайверсин, қайта тиклансин, Шарқ билан Фарб ҳамжихатлигига, тинч ва бунёдкорлик алоқаларига хизмат қилаверсин.

Хонимлар ва жаноблар!

Бутун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Франциянинг таниқли олими, профессор Люсьен Керан Амир Темури ҳасти ва фаволятини, temuрийлар даврининг бой маънавий қадриятларини куп йиллар давомида самарали илмий талқик этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжихатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат муқофоти — «Шўҳрат» медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.

Этиборларингиз учун ташаққур.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ижроия Кенгаш раиси жаноблари!

Бош директор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга анжуманингизда, жаҳондаги атоқли интеллектуал кучлар анжуманида Ўзбекистон номидан гапириш шарафи муяссар бўлгани учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан сиз — анжуман иштирокчиларини шонли юбилей — жаҳон назарида ҳақли равишда энг нуфузли маънавият ва эзгулик ташкилоти ҳисобланадиган ЮНЕСКОнинг 50 йиллиги билан муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этди.

ЮНЕСКОнинг ноёблигини биз, энг аввало, сайёраимиздаги катта ва кичик халқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бир хил ҳурмат ҳамда авайлаб қилинаётган муносабатни сақлаб қолган ҳолда, ЮНЕСКО доирасида узига хос ва бетакрор миллий маданиятлар ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини кенг намойиш этиш учун гузал имкониятлар яратилаётганида кураимиз.

ЮНЕСКО — халқаро ташкилот сифатида бугунги кунда илм-фан, маданият ва маорифнинг миллий тизимларини бирлаштирган ҳолда, айни пайтда уларни жаҳон интеллектуал тараққиётининг интеграция тажрибаси билан бойитаятган, халқларни бутун инсониятнинг жуда бой маънавий мероси билан ошно қилаётган куприкка айланган.

ЮНЕСКОнинг барчага — катта ва кам сонли халқларга уз тарихий ва маданий ютуқларини намойиш этиш, уларнинг жаҳон интеллектуал маконига интеграциялашуви йўлидаги интилишларини рубга чиқариш учун мутлақо бир хил имконият яратиб бераётган муҳим халқаро анжуман сифатида тугган ўрни бебаҳолик.

Биз ўтмишсиз келажак бўлмаганидек, ҳамкорлик ҳамда маданий ва интеллектуал маконнинг интеграцияси-сиз тараққиёт ҳам бўлмаслигига аминимиз.

Шунинг учун ҳам тараққиётнинг мустақил йўлидан бораётган Ўзбекистон ЮНЕСКО билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда, жаҳоннинг эзгулик сиёсатини ривожлантиришда иштирок этиш мақсидда халқаро миқёсда маънавий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун олдимизда очилаётган имкониятлардан фойдаланиш билан фойдаланмоқда.

Бош директор Федерико Майор жанобларининг яқинда мамлакатимизга ташрифи ЮНЕСКО билан алоқаларимизни янада янги босқичга кутарганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ЮНЕСКО Ўзбекистонга бераётган эътибор учун жуда миннатдоримиз. Бу — илдизлари асрлар қаърига туташган, уч минг йилликдан қўнарқоқ тарихимизга бўлган эътиромдир. Биз бунда қадимий маданиятимиз, ноёб маънавий қадриятлар ҳамда ўлкаимизнинг улкан салоҳиятига бўлган қизиқишни кураимиз. Ниҳоят бу —

ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қушган улкан ҳиссасининг эътироф этилишидир.

Амударё билан Сирдарё уртасида жойлашган ҳамда Мовароуннаҳр ёки Туркистон номлари билан машҳур ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланган, Буюк ипақ йўлидаги боғловчи марказий халқа, Шарқ ва Ғарб учрашадиган, уларнинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғиладиган жой бўлган.

Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бойдир. Биз буюк аждодларимиз — Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур ва бугунги кунда бутун дунёга машҳур бошқа шарқ донишмандларини ёд этамиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо — Амир Темурнинг туғган ўрни ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталишни истар эдим. Амир Темур жаҳон тарихига қудратли ва гулбал-яшнаган давлат барпо этиб, урта асрдунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан машҳур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина кирган эмас.

Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизу машшоқларга гомхурлик қилишда ҳам ном қозongan эди. Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад раванқ топишини таъминлаган Шарқ уйғониш даври эди.

Биз бу йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга қарор қилгани учун ЮНЕСКОдан самимий миннатдоримиз.

Бугун Парижда силарнинг иштирокингизда очилadиган маданият ҳафталиги тарихдаги бу буюк шахсининг кенг миқёсда шарафланишининг бошланишидир. Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни шу йил октябр ойида Тошкент ва Самарқандда утказиладиган юбилей байрамимизга тақдир этишни истаримиз.

1997 йилда ЮНЕСКОнинг қарорига биноан Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Ўзбекистонда жаҳон маданиятининг ноёб гавҳарлари бўлган, жаҳон мероси руйхатига киритилган бу қадимий шаҳарлар юбилейига қизгин тайёргарлик куришмоқда. Ўзбекистон — тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни санаб адоғига етиш қийин бўлган мамлакатдир.

Уларни объектив равишда илмий урганиш учун тинимсиз тадқиқотлар олиб бориш керак.

Шу муносабат билан қадимий Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этгани учун ЮНЕСКОга самимий миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Маъмур институт бу қадимий минтақадаги цивилиза-

циянинг мислсиз парвозлари ва оғир қулашлари тарихини урганишда уз ҳиссасини қўшишга, шунингдек бу минтақанинг XXI асрда турғираб ривожланиши истиқболлари ҳусусида жиддий илмий мунозаралар уюштириб, бу истиқболларни қидириб топиш йўлларини аниқлашга аминман.

Мен, Ўзбекистон Президенти сифатида, турли мамлакатлар олимларининг Самарқанд институти раҳнамолигида гузал кўп жиддий халқро талқиди — «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» сингари йирик-илмий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш борасидаги сай-ҳаракатларига ҳар томонлама ёрдам беришга ва уларни тула қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Раис жаноблари!

Қайтадан уз эрки ва мустақиллигини қўлга киритган янги Ўзбекистоннинг асосий вазифасини тавсифлашга ҳаракат қиладиган бўлсак, бу вазифа энг аввало мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига фаол ва табиий равишда кириб бориши, узининг тинчликка, тенг ҳамкорликка, демократияга, инсон ҳуқуқларига, асл умуминсоний қадриятларга содиқ эканини курсатишдан иборат бўлади.

Инсон ҳуқуқлари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эркесвар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тула мос келади.

Ўзбекистон жаҳон, айниқса, Европа тузилмалари билан кенг интеграциянинг энг фаол тарафлари бўлгани билан, у бундан фақат иқтисодий мақсадларинигина кузламайди. Биз энг аввало маънавият, илм-фан, маданият, маориф ва ахборот соҳаларида интеграциялашшига даъват этамиз.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистоннинг узига мос янгилашниш ва тараққиёт йули қуйидаги учта муҳим шартга асосланади:

— умуминсоний қадриятларга содиқлик;

— миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз маънавий меросини ривожлантириш, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан бойитиш;

— ва, ниҳоят, инсон уз салоҳияти ва истёдодини эркин равишда намоён қила олиши учун шароит яратиш.

Юздан ортиқ миллат вакили истиқомат қилаётган Ўзбекистонда уларнинг барчасига уз миллий маданиятлари, анъаналари ва тилларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар бериб қўйилган. Биз ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро товулик ҳўкм сураётгани, инсоннинг тинч ҳаёт кечириш ва умргузаронлик қилишдек муқалдас ҳуқуқи таъминланаётгани билан фахрланамиз.

Ўзбекистон битгмас-туганмас табиий ва минерал хом ашё бойликларига, қудратли илмий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология, тарих ва археология соҳаларида олиб бораётган талдиқотлар минтақамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур.

Бирок, бизнинг энг катта бойлигимиз — тикланиш, ислохотлар ва янгилашиллар йўлидан дадил бораётган оққунгил, меҳнатқаш, меҳмондўст ва мағрур халқимизлар.

Бугунги кунда, айниқса собиқ советлар ҳудудида (СССРнинг собиқ ҳудудида) дунёда ҳаммабеп, барча учун мос келадиган тараққиёт модели йўқ экани аён

булиб қолди. Бирорта модель, бирорта схемани шу туришида барча мамлакатларга тағбиқ қилиб бўлмайд.

Шуниси диққатга сазоворки, ЮНЕСКОнинг тажрибаси ва фаолияти маълум даражада давлатларнинг ижтимоий соҳасида бир хил ривожланиши моделининг помакўбл экани ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Биз ЮНЕСКО мисолида ижтимоий ва интеллектуал ҳамкорлик муаммоларида янги ижтимоий ендашувлар ишлаб чиқувчи ноёб манбани кураим.

Ўзбекистон ЮНЕСКО Бош директорининг ЮНЕСКО низомидоги асосий қондалар: кишилар онгига тинчлик гоёсини синдириш ҳамда барқарор тараққиётга қумаклашишга содиқлигини сақлаб қолишига қаратилган сай-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Шу муносабат билан ЮНЕСКОнинг «Урта муддатли стратегия»си барқарор тараққиётнинг инсон ултовиға жамланган янги шакллари тинимсиз изланаётганидан дарақ беришини сезмаслик мумкин эмас.

Бош директор Майор жаноблари мамлакатимизга сафари пайтида бугунги кунда Ўзбекистоннинг қиёфасини тинчлик ва осойишталик, диний ҳамда умуман мафқуравий муроса, маданиятларнинг уйғунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият ҳаётида тенглик асосида иштирок этиши белгилашига гувоҳ бўлди.

Муроса мадора асрлар давомида халқнинг асосий белгиси бўлиб келган Ўзбекистон БМТнинг навбатдаги сессиясида муроса тамойиллари баённомасини фаол қўллаб-қувватлаш ниятидадир.

Бизда муросанинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳудудида исломнинг улмас ва мангу қадамжолари билан япон олими Като Сурхондарё воҳасида топган ноёб будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиратгоҳлари бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Бугунги кунда шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар — мусылмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яҳудий синагогаларини, католик ва протестант мазабларининг турли шохобчаларига оид ибодатхоналарни қуришингиз мумкин.

Раис жаноблари!

Назаримизда, ЮНЕСКО ёшлар муаммоларида жиддий ёттибор бериши зарур. Биз замин ва дунёни мерос қилиб қолдирадиган авлодларнинг эҳтиёжларига қаратилган келажак авлодлар ҳуқуқлари конвенциясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёрмиз.

Бизнинг булажак тараққиетими асоси ҳам мана шунда. Айнан ёшлар орқалигина келажак жамиятлар шурига маданият маънавиятини, тараққиётнинг интеллектуал қадриятларини сингдира оламиз.

Бу ҳол — бизга жуда ҳам таниш. Чунки, Ўзбекистон аҳолисининг ярмини 18 ёшгача болганлар ташкил этади. Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» декларацияси қабул қилинган, халқро жамгарма ишлаб турибди, усиб келаётган авлод тарбиясига қушилан улкан ҳисса учун бериладиган «Соғлом авлод учун» олий давлат ордени таъсис этилган.

Ўзбекистоннинг ҳамми республика бюджетининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган ижтимоий дастурларга аёлларга алоҳида урин ажратилган. Биз бундан буён ҳам аёлларнинг жамиятдоги урнини яхшилашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган барча ташаббусларни қўллаб-қувватлайверамиз.

Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг тағлим тизимини тақомиллаштириш, илм-фанни ривожлантириш, маданий ва табиий меросини сақлаш борасидаги сай-ҳаракатла-

ри юксак баҳоланмоқда. ЮНЕСКОнинг Шарқ меъморлиги жавоҳирлари — Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хевалаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва табиий офатлардан сақлаш бўйича халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги ҳиссаси ҳам жуда сезиларлидир.

Биз БМТнинг, ЮНЕСКОнинг таълимий секторлар бўйича таҳлил қилиш бўйича қўшма лойиҳаларига фаоллик билан қўшилганмиз. Аҳолиси мулоқот саводхон бўлган Ўзбекистон бу лойиҳалар доирасида АКШ, Франция, Буюк Британия, Германия ва бошқа мамлакатларнинг давлат муассасалари билан ҳам, давлатга тобе бўлмаган ташкилотлари билан ҳам самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ЮНЕСКО ҳомийлигида бу йил Тошкентда ўтказиш мўлжалланаётган фундаментал фанларни ривожлантириш бўйича минтақавий семинарнинг муваффақиятли ишлаши учун зарур бўлган барча шароитни яратди. Мазкур семинар олий таълим ва фундаментал фанлар бўйича жаҳон конференциясига зарур тайёргарлик босқичи бўлиши шубҳасиз.

Раис жаноблари!

Биз истиқболли, ўтмишнинг эзгу анъаналарини тикловчи ҳамда тинчлик ва инсоний мулоқотлар сари янги йул очувчи «Ипак йули — мулоқот йули» дастурини амалга оширишда бундан буён ҳам фаол иштирок этамиз. Шу муносабат билан мазкур дастурни янаги ун йилликка узайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу лойиҳада Ўзбекистон 1997 йилда Бухорода ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг барча ҳурматли аъзолари иштирокида «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка» деб номланган кенг миқёсдаги халқаро симпозиумни ўтказиш бўйича таъкидлий масалаларни ўз зиммасига олишга тайёр.

Ҳурматли Ижроия Кенгаши аъзолари!

Тақлиф тариқасида эътиборларингизни турли минтакаларда экология муаммоларини ҳал этиш бўйича ишларни кучайтириш зарурлигига қаратмоқчи эдим.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё экология ҳалокатининг марказида туриб қолган. 60 миллиондан ортиқ киши бу ҳалокат оқибатларини бошдан кечирмоқда. Мен атроф-муҳит билан стратегик хавфсизлик муаммоларининг узаро бир-бирига таъсирига яққол мисол бўлиб турган Орол фожиясини назарда тутяман.

Бугунги кунда оламшумул аҳамият касб этаётган Орол муаммоси экология масалалари билангина чекланиб қолмаслигига менинг ишончим қомил.

Бу, шунингдек, инсониятнинг бир-бирининг дардига шерик бўлиш ва ҳамкорлик қилиш қобилиятини синовдан ўтказадиган маънавий муаммо ҳамдир.

Бизнинг тажрибамиз экология ўлчовларини халқаро гуманитар сиёсатнинг муҳим мезонларидан бирига айлантириш зарурлигини курсатиб турибди.

Ҳалокатнинг оламшумул миқёсларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг жаҳон ҳамжамиятининг интеллектуал ва моддий-техник кучларини мана шу экология фожиясини ҳал этишга жалб қилишдаги ҳиссасини қўлайди. Биз атроф-муҳит соҳасидаги таълим бўйича учинчи халқаро конференция ўтказиш гоёсини қўлаб-қувватлаймиз.

Хошимлар ва жаноблар!

Жаҳон мамлакатлари ҳукуматлари ЮНЕСКО усиб, ривожланиб бораётган ташкилот эканига тобора қудроқ амин бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, ривожланиш

жараёнининг ўзи бу ташкилотнинг мазмуни ва ташкилий жиҳатдан янада такомиллашувига, унинг фаолият доираси янада кенгайтиришга қумаклашишига шубҳа йўқ.

Шу муносабат билан биз ЮНЕСКОнинг Тошкентда қароргоҳи барпо этилишини қизгин қутлаган бўлур эдик.

Ўзбекистон ҳукумати бу қароргоҳнинг минтақада жаҳоннинг гуманитар сиёсатини амалга ошириш бўйича самарали мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб қолиши учун барча зарур шароитни яратиб беради, деб сизларни ишонтирёман.

Муҳтарам раис!

Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман.

Мен ақл-идрок ва инсонийлик кучлари галаба қозониши кераклигига ишонаман.

Сайёрамиздаги халқаро ва давлатларнинг тадрижий тараққиети тантана қилишига имоним қомил.

Назаримда, инсоният тараққиётининг минтақи ҳам шунда. Бу буюк ва олижаноб мақсадга эришишнинг асосий шarti — Сизлар, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг ҳурматли аъзолари намояндаси бўлган, ЮНЕСКО ўзида жамланган бирдамлик ҳамда интеллектуал кучларнинг, ақл-идрок кучининг, эзгулик ва адолат кучининг тантанаси ҳисобланади.

Мен барчангизни биз Ўзбекистонда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, ЮНЕСКО низомида курсатилган олижаноб мақсадларни ҳаёtgа татбиқ этиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз, деб ишонтиришни истар эдим.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг умумий маънавият ва маданият йўлидаги бу сессияси иштига муваффақият тилашга ижозат бергайсизлар.

Бугун барчамиз Ўзбекистоннинг теурийдлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнашига бағишланган янги кургазмасининг очилишида азиз меҳмонимиз бўлишингизга умид қиламан. Сизларни қабул маросимида азиз меҳмонимиз сифатида, шунингдек ЮНЕСКОнинг мажлислар залидаги Ўзбекистон санъат усталари концертида курсам хурсанд бўлар эдим.

Раис жаноблари!

ЮНЕСКОга миннатдорлик рамзи сифатида Ижроия Кенгашига машхур ўзбек рассомининг суратини тақдим этмоқчиман.

Хонимлар ва жаноблар!

Менга, шунингдек бу хуш имкониятдан фойдаланиб, ЮНЕСКОнинг Бош директори жаноб Федерико Майор ЮНЕСКО билан Ўзбекистон уртасидаги маданий ҳамкорликни мустақкамлашдаги бекиёс хизматлари, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси, «Ипак йули — мулоқот йули» халқаро дастурини амалга ошириши учун Ўзбекистон Республикасининг олий мукофоти — «Дустлик» ордени билан мукофотланганини маълум қилишга ижозат бергайсизлар.

Жаноб Федерико Майорни бу юксак мукофот билан чин қалбимдан табриқлайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»НИНГ АХЛОҚИЙ САБОҚЛАРИ

* «Гулистон» ойнамаси 1967 йили, ҳали буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур номига яхшилик билан тилга олиш мумкин бўлмаган бир даврда «Темур тузуклари»нинг дастлабки таржимасини ўз саҳифаларида чоп этганди. Таржимани аллома Алихон Тура Соғуний амалга оширган эди.

Оралдан қарийб чорак аср ўтгач, Ватанимиз мустақиллик байрогини баланд кутарди. Аввал ман этилган барча қадриятларимиз қатори, Амир Темур номи ҳам узининг улуг мавқенини тиклади. Буюк соҳибқиронга бағишланган талай китоблар ёруғлик кўрди. Бу китобларнинг ҳар бирида ҳам юрт ифтихори, миллат қайғуси уфуриб тургани сир эмас. 1991 йили Гафур Ғуллом нашриети «Темур тузуклари»ни 160 минг нусхада чоп этди. Китобнинг тез тарқаб кетгани — уқувчиларнинг Амир Темурга, унинг даврига катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан қараётганининг яна бир далилидир.

«Темур тузуклари» пундай бир қомусий асарки, ўз даврида ундан давлат арбоби ҳам, оддий бир сипоҳий ҳам ўзига керакли ва зарур сабоқни чиқариб олган. Шу боис, биз «Темур тузуклари»дан умумий сабоқлар чиқарибгина қолмай, уни ниҳоятда чуқур ўрганишимиз, шу асосда мактаб уқувчилари учун, талабалар учун, ҳарбийлар учун алоҳида-алоҳида дастуруламалар ишлаб чиқмоғимиз лозим. Зеро, мустақил мамлакатнинг фуқароси ўз ахлоқига эга бўлиши, бу ахлоқ эса қадриятлар, урф-удумлар, миллий қарашлар замирида шаклланиши зарур экан, шу жиҳатдан олиб қаралганда ҳам «Темур тузуклари» жуда катта тарбия ва таълим манбаидир. Ёшларнинг алоҳида баркамол, мард, келажаги буюк давлат қурувчилари бўлиб етиштишларида «Темур тузуклари»даги ҳикमतларнинг, йул-йуриқларнинг аҳамияти беқиссидир.

Маълумки, пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламга нозил қилинган Қуръонни қарим ахлоқнинг энг гузал, энг инсоний, энг содда ва буюк намуналарини ўзида муҳассас этган.

Амир Темур ёзади:

«Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олгач, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим».

Демак, Амир Темур фаолиятининг асосида Қуръон ва унинг ҳукми этади. «Темур тузуклари»ни уқирканисез, босиқлик, кециримлилик, мардлиқ, ота-боболар рўҳига чексиз ҳурмат каби аjoyиб фазилатлар Амир Темур

шахсида муҳассамлашганини кураимиз. Келинг, Темур бобомизнинг ҳикматли сўзларидан яна намуналар уқийлик:

«Мен улуг боболаримизнинг сўз ва номаларини қабул қилиб, сипоҳсолорлик қилишга рози бўлдим».

«Тажрибамда қурилганким, ишбилармон, мардлиқ ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир».

«Салтанатни эгаллашга даъвогарлик қилиб ҳуруж қилган экансан, салтанат шаъни ва мартабасига лойиқ иш тутишинг зарур. Жангга кириб э сафар кучиб голиб бўлгансан, еҳуд улдирилгайсан».

«Ун икки ёшимдан турли диерларни кездим, ранжу меҳнат тортидим». «Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди».

«Уламо билан сўхбатда буддим ва пок нягтли, тоза қалбли кишиларга талпиндим».

«Дарвиш, фақир ва мискинларни узимга яқин тутдим, уларнинг кунгилларини орғитмадим ва бирон талабларини рад этмадим».

«Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зехним, вужудим билан чоғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим».

«Ҳеч кимга газаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим».

«Райият аҳволидан огоҳ буддим, улугларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим».

«Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четда қолдирмадим».

«Ерга еткур сабо, ким мақр қилмишидир манга, қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга».

Амир Темурнинг ахлоқий қарашларини акс эттирган бундай ҳикматомуз гапларни «Темур тузуклари»дан жуда қулаб келтириш мумкин. Буюк соҳибқирон ҳаётига ҳавас қилгучи мактаб уқувчиларининг қалбига бундай ҳикматлар тез урнашади. Адабиёт ва тарих, ахлоқ-одоб дарсларида ўрни билан бу ҳикматлардан фойдаланиш, айниқса, Амир Темурнинг ўзи айтган гапларига қай тарзда амал қилганлигини уқувчиларга мисоллар билан тушунтириб бориш зарурдир. Ҳар қандай тарбия, шу жумладан, ахлоқий тарбия ҳам кунгилдан бошланади. «Темур тузуклари»дан алоҳида-алоҳида те-

риб олинган ҳар бир ҳикмат уқувчини беихтиёр уйга толдиради. Уни ўзи ҳақида ўйлашга, буюк жаҳонгирга муносиб ворис бўлиш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида фикр юритишга даъват этади.

Ўз-ўзини англашга, ўз-ўзини тузатишга интилиш ахлоқий баркамолликка ҳавас қилишининг энг тўғри йулидир. Урф-удумларимиз, феъл-атворимиз, яшаш тарзимиз ота-боболаримиздан мерос бўлгани сингари, узлигимиз ҳам, гузал ва баркамол ахлоқимиз ҳам ота-боболаримиздан қолган ибратларсиз мукаммал бўлмайди.

Маълумки, Амир Темурнинг Йилдириш Боязид устидан қозонган ғалабаси Оврунони катта-катта хавф-хатардан озод қилди.

Боязид Темурга асир тушади.

«Темур тузуклари»да Амир Темур бу урушни бошлашга шонимлагани, босиқлик қилганини кураимиз. Айниқса, жаҳонгирнинг Йилдириш Боязидга йўллаган мактуби Амир Темурнинг ахлоқий принциплари нақадар юксак даражада бўлганини кўрсатади.

«Еру кукни яратган Тангри таолога чексиз шукрлар бўлсинким, — деб ёзади ўз мактубида соҳибқирон, — етти иқлим мамлакатларининг қўшини менинг фармонимга киргизди ва олам султонлари ва ҳокимлари менга эғлиб, итоат этиш ҳалқасини жон қўлоқларига тақдилар. Ўз қадрини билди, ҳалдидан ошмай ҳасорат оёқларини тийган бандасини Тангри ерлақасин. Сенинг насли-насабинг ким эканлиги жаҳон халқи олдига маълумдир. Шундай экан, ҳолингга муносиб иш тутиб, журъат егини олдингга қўймаки, ранжу меҳнат балчиғига боғиб, бало чўқурига йиқилгайсан. Иқбол эшигиндан ҳайдалган бир тўда ивogar кишилар гарази ишларини бажариш учун сенинг паноҳиндан жой олиб, ухлаб ётган Фитнани уйғотмишлар. Яна ушаларнинг ивгоси билан офат ва бало эшигини давлатнинг юзига очмагил. (Мақзур мактуб етиши билан) Қора Юсуфни менинг олдимга юборил. Йўқ эса тақдир пардаси икки лашкар сафлари тўқнашганда юзинга очилгусидир».

Йилдириш Боязид мактубдаги рост сўзларни англамай, ўз билганидан қолмай иш тутгани тарих гилдирагини мутлақо бошқа томонга буриб юборди.

Демак, ёшларнинг ахлоқий тарбиясида «Темур тузуклари» тенгсиз асар, ноёб хазинадир.

Дилором ЗИЁЕВА,
ТошДУ аспиранти.

«У ФОНИЙ БЎЛМАГАН...»

(АМИР ТЕМУР ВА ТАСАВВУФ)

Тасаввуф — ислом таълимотининг турли соҳалари: қонуншунослик (шариат), фалсафа, сиёсат, ахлоқ мезонлари, санъат ва айниқса, адабиётга, ҳусусан, Шарқ классик шеърлигига кучли таъсир қурсатган ҳодисадир. Лекин, шу кунгача суфизмни ҳеч қандай илмийликка асосланмаган мистик оқим сифатида тафаккурдан чиқариб ташлашга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга маънавий-маданий меросимизнинг бу фалсафий негизи билан биз бевосита ва билвосита ҳар доим тўқнаш келар эдик.

Илмий жамоатчиликдаги бундай ҳаракатларни сезган шарқшунос олим М. Хайруллоев шундай ёзган эди: «Маънавий тарихимизда жуда катта ўрин тутган тасаввуф — суфизм ва унинг мактабларини урганишни инкор этиб келдик. Ҳолбуки, бу дунё илмий адабиётда жуда кенг урганлайётган мавзулардан бири ҳисобланади. Биз жуда кўп мутафаккир адибларимизнинг (Румий, Саъдий, Дехлавий, Жомий, Навоий, Машраб ва бошқалар) ижодий-маънавий дунёсини ва маданиятимиз тарихига қўшган ҳақиқий ҳиссасини суфийлик назариси ва амалиятини урганмай қўлиб холис еритолмаймиз».

Мустақиллик шарофати туйғайли тарихимиз, маънавий меросимизнинг турли соҳаларига, жумладан, тасаввуфга янгича ёндошиш ва унинг инсоният тафаккури тараққиётида тутган муҳим ўрнини белгилаб бериш учун интилишлар кўтаймоқда. Натيجасида сунгги йилларда М. Т. Степанянц, З. Қудизода, М. Ҳазратқуллов, А. Мухаммадхужаев, О. Бозоров, Р. Шолиев, Б. Валихужаев, Х. Алиқуллов, А. Зоҳидийларнинг бу таълимотга бағишланган илмий асарлари нашр қилинди. Тасаввуф тариқатининг йirik намояндалари булган Хожа Аҳмад Ясавий, Сулаймон Боқирғоний, Суфи Оллоер, Баҳауддин Нақибанд, Хожа Аҳрор, Мақдуми Аъзам, Даҳбедий каби мутасаввуфларнинг асарлари нашр этилиб, илмий жамоатчилик томонидан қизиқиш билан урганилмоқда.

Суфизм моҳиятан дастлабки даврлариданоқ ислом динининг софлигини сақлаш, ижтимоий-исломий муносабатларда, олоб-ахлоқда мукаллас асарларга қайтишни тарғиб қилиб келди.

Бизнинг фикримизча, тасаввуфнинг халқчилик хусусиятларини асл исломга қарама-қарши қўйиш учун ҳеч бир асос йўқ. Аксинча, тасаввуфнинг

бундай халқчилик хусусиятларини ислоннинг ички негизидан излаш керак. Араб олими С. Н. Наср ҳам тасаввуфнинг юқоридоғи қабида танқид қилинишининг асосиз эканлигини таъкидлаб, тасаввуф ислом моҳиятига хос бўлиб, амалда унинг аниқ ўзаги, улчовидир, деб ёзган эди.

Тадқиқотлар шуни таъкидламоқдаки, суфийлик ислом асосида пайдо бўлган, узининг қонун-қоидаларини мукаллас Қуръон ва Мухаммад пайгамбар ҳадисларига асослаган бўлса-да, шу билан бирга мусулмон динигача мавжуд бошқа диний таълимотларнинг энг муҳим тамойиллари билан ўйгунлик хусусиятига эга.

А. В. Агасъев бу ўзига хос жараёни таърифлаб, қуйидагича ёзди: «Суфийлар расмий суратда Қуръони қарима асосланган бўлсаларда, лекин улар кўпроқ мусулмончиликкача бўлган таълимотларга яқин туришарди. Суфийларнинг Аллоҳ ва унга яқинлашиш восталари кўпроқ инглиз фалсафаси вакиллари — неоплатониклар таълимотини эслатар, шу билан бирга уларда Шарқ буддизми ва Ҳинд таркидунечилик хусусиятлари ҳам сезилиб турир эди».

Тасаввуфда қадимги юнон фалсафаси йўналишлари, монихейлик, зардуштийлик, буддаистлик каби турли диний-фалсафий таълимотлар таъсири сезилиб турса-да, тасаввуфни исломдан ажратиш ва унга қарама-қарши қўйиш асло мумкин эмас.

Суфийлик назаритчиси Абул Ҳасан Жулаб Ҳуживрий (467) 1074 йилда вафот этган) узининг «Қашф ал-мажжуб» («Тусиқ ортга яширинганнинг очиллиши») рисолисида Мовароуннаҳр суфийлик мактаби оқимларини қайд этиб, Х асрда бу тупроқда суфийлик кенг тарқалганлигига гувоҳлик беради. Олим суфийлик оқимларини 22 мактабга бўлади. Улардан 2 таси (мардул), яъни, инкор қилинган, 10 таси тан олинган (мақбул). Мақбуллари қуйидагилар: биринчи — Муҳасибийа, иккинчи — Кассарийа, учинчи — Тайфурийа, тўртинчи — Жунайдийа, бешинчи — Нурийа, олтинчи — Саҳдийа, еттинчи — Ҳакимийа, саккинчи — Харрозийа, тўққизинчи — Ҳафийрийа, унчинчи — Сайерийа. Бу оқимларнинг ҳаммаси ҳақиқат изидан борувчи эътиқодли сунналар ва мусулмонлар жамоаларидир.

Бизнинг фикримизча, И. П. Петру-

шевский ҳам Мовароуннаҳр мамлақати XV асрда суфизмнинг марказларидан бирига айланганлиги ва бу эрда дарвеш хонақоҳларининг ўзи 200 дан ортиқ бўлганлиги ҳақида ёзганда, Жулаб Ҳуживрийнинг «Қашф ал-мажжуб» асарига таянган бўлса керак.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Шарқ тараққиётининг маркази — Мовароуннаҳр тупроғи тасаввуф таълимоти ватанларидан бири бўлган.

1899 йилда нашр этилган «Мусулмонлик ҳақида тўплам» (Сборник материалов по мусулманству) айтилишича, «Урта Осиё тасаввуфнинг қадимий (классик) ватанидир. Бу ерда суфийлик оқимларидан Нақибандийлик, Кубровийлик ва Ясавийлик кенг тарқалгандир».

Тасаввуфнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсирини урганар эканмиз, у зининг чуқур тарихига эга эканлигини намоян қилади. Айниқса, XI асрда келганда суфийликнинг йirik намояндалари Аҳмад Жом, Абдуллоҳ Ансорий, Абул Қосим Қушайрийлар уларнинг Хуросон мактаби қошида мақомотининг илоҳий етукликка етишиш босқичларини баён қилиб, тариқатнинг муҳим равияларини яратган эдилар. Рус олими А. Н. Болдирев суфийларнинг Пири Ҳирий раҳбарлигидаги Ҳирот мактаби намояндалари қарашларини урганиб, уларни «Исломда энг фаол ҳаракатлар» қаторига қўшган эди.

Шарқшунос олим В. В. Бартольд қайд этишича, Мовароуннаҳрда тасаввуфнинг кенг ёйилиши XV асрнинг йirik руҳонийси Юсуф Ҳамалоний мактабидан бошланади. И. М. Муминов ва А. М. Баҳоудинлов ҳам В. В. Бартольднинг фикрига қўшилиб, Мовароуннаҳрда суфийликнинг ёйилишини Юсуф Ҳамалоний мактабига нисбат берадилар. Лекин, тарихий манбалар Урта Осиё шариатида XII асрда ҳам суфийлик тариқатлари мавжуд бўлганлигини ва булар Ҳакимийа, Сайерийа каби оқимлардан иборат эканлигини таъкидламоқчимиз.

XIII асрда келиб суфийликнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсири пунчалик кучайиб кетдики, у, ҳатто ўз олдига суфизмни тарғиб қилишни мақсад қилиб қўймаган асарларда ҳам пайдо бўлади. Шу даврдан бошлаб тасаввуфнинг йirik вакилларини уларнинг «пир»лари деб қабул қилиш барча йirik мутафаккир ва давлат раҳбарлари учун одаг тусига кириб борди.



Рассом Рустам ЭРМАТОВ.

Бугунги тарғиботчилар ҳам суфизмнинг урта аср Шарқда адабиёт ва санъатта улкан таъсирини таъкидлаб, турли рангларда ва шаклларда илоҳий гузалликнинг манзараларини тасвирлашни буюк ва савобли иш деб ҳисоблайдилар ва унга чақирадилар.

Тасаввуф уз моҳиятига қура, хур фикрликка мойил фалсафий оқимдир. Шу билан бирга, XIII-XIV асрлардан бошлаб баъзи бир тасавуф мактаблари хур фикрликни ифода этишнинг унгай, тушунарли ва оммабоп шакли бўлиб хизмат қилди. Бу оқимлар уз навбатига уша давр мутафаккирларнинг ижтимоий масалаларда илғор истеҳкомларни эътилоб туришларига имконият яратди.

Бу даврнинг ижтимоий ва инсонпарварлик гоялари тасавуфнинг сул оқими билан боғлиқ бўлиб, у Урта аср халқ ҳаракатлари, ғалаёнлари билан чагишиб кетган эди.

XIII-XIV асрлардан бошлаб тасавуф адабиёти шаклланди. Шоирлар тасавуф қонун-қоидаларига тулик амал қилиб, шеърлар ёздилар. Тасавуфнинг шундай вакиллари етишиб чиқдики, улар уз рисоаларида бу дунё ишларида фаол қатнашишга тарғиб эта бошладилар.

Шунинг учун ҳам давр мутафаккирлари Улғубек, Шоҳруҳ, Носир Бухорий, Исмаат Бухорий, Анвар Қосимий, Воиз Кошпийий, Навоий, Жомий ва бошқалар тасавуф қонун-қоидаларига, унинг ҳар хил маъзаб ва оқимларига эътиқод қилган бўлсалар-да, суфизм-

нинг тараққийпарвар томонларини ривожлантирдилар, бу дунё роҳат-фароғатдан юз утириш ва таркидунечилик гояларининг мазмун моҳиятини очиб бердилар.

Тасавуф фалсафаси шоҳларни бу дунёни дузаҳга айлантирмасликка, нафс-ҳавога берилиб, халқ бошига қулфат солмасликка, барча масалаларни ҳал қилишда дин қудратидан фойдаланишга даъват этади.

Суфийлар назарида нафсга эрк берган шоҳда ҳам, олдий кишида ҳам иймон, Ватан, эрк тушунчалари бўлмайди. Нафсни тийиш кучли ирода, сабр-бардош талаб қилади. Бу инсоннинг маънавий баркамоллигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Нажмиддин Кубро нафсни довга қиес қилиб, шундай ёзди:

*Иймон не эканлигин минг
анлатсам ҳам,
Қофир у ашаддий, ҳеч мусулмон
бўлмас.*

Сўфий дарвешлар халқ ҳимоячилари сифатида ҳар доим халқни золим подшоҳлардан ҳимоя қилиб келган кучли ижтимоий қатлам эдилар. Суфийлар назарида ҳар қандай подшо халққа таянган тақдирдагина сиёсатни туғри қурган бўлади ва ҳар қандай душманни мағлуб қилади. Бу ҳақда Шерозий узининг «Гулистон»-ида «Ожиз раиятга лутф ва марҳамат қил, то қавий душмандин зуру заҳмат қурмагайсен», — деб ёзган.

Суфийларнинг подшоҳлардан талаб қиладиган асосий нарсаси қарам ва ади бўлган. Бу ҳақда Шерозий яна шундай ёзди: «Подшоҳ қарам қилмоқ керакдир, то ҳалойиқ атофига келгайлар ва ади этмак керакдур, то сояий давлатида фароғат била ором қилгайлар».

Суфийлар назарида адолат ва қарамнинг қалити салтанатни раият учун хизмат қилдиришдадир. Подшонинг узи эса раият учун қўйилган зотдир, лекин раият — халқ подшо хизмати учун яратилмаган.

Суфийлар адолатли ва кучли сиёсат тарафдорлари бўлганлар, лекин уларнинг назарида кучли сиёсат — нифок, адолат бўлмаган улкалагина бўлади ва шундагина адолатсиз қурилган ҳар бир подшо салтанатини ағлариб, дунёга ҳукмронлик қилиш мумкин. Бу ҳақда буюк мутасавуф мутафаккир Қосимий узининг «Маснавий»-сида шундай ёзди:

*Орада гар бўлмаса кибру нифок
Олса бўлур дунени боиттнфок.*

Соҳибқирон Амир Темури тарикатини ҳар қандай ҳақсизлик, зино, ёвузлик, таъмағирлик, гина-қудурат, ҳасад-гуйлик, қотиллик, жанжалкашлик, фирибгарлик, бадфёзлик, худобезорлик, андишасизлик, бевафоллик, илтифотсизлик, мағурлик, балчиқчилик, ота-онага итотсизлик, мурасасизлик, бераҳмлик каби инсон табиатида учрайдиган ёмон сифатларга қарши қурашувчи куч сифатида билади. Шу нуқтаи назардан

хам соҳибқирон билиб ва билмай қилган ҳар бир гуноҳни илоҳий қонун — Қуръон ва шарии асосида суд қилган.

Соҳибқирон назарида мусулмон зоҳиран эмас, балки ботинан пок бўлгандагина ҳақиқий мусулмон бўлади.

Лекин бу билан Темур узини ҳақиқий солик киши сифатида қўрсатмоқчи эмас. Чунки, унинг назарида, барча оламлар, ҳатто подшолар ҳам гуноҳ қилади ва ҳеч бўлмас гуноҳнинг таъсирида бўлиши мумкин. Илоҳий қонун кузгусида ҳар бир мусулмон киши ўз гуноҳларини янада ойдинроқ қуриши мумкин. Дунёвий қонуни бажариш ва унга амал қилиш билан ҳеч бир мусулмон Худо олдида ўзини оқлай олмайди. Шу маънода Темур учун аввало Илоҳий қонун ва унинг тамойиллари энг мўтабар бўлган.

Тариқат қоидаларини яхши билган Амир Темур ҳар бир мусулмоннинг хоҳишиятга бўйсунishi шарт, деб ҳисоблайди. Чунки, соҳибқирон назарида, Худо буюрмаган ҳокимият йўқ, мавжуд ҳокимиятнинг барчаси Худонинг хоҳиши. Англашиладики, Темур учун салтанатга қарши чиқиш Худонинг амрига қарши чиқишдир. Салтанатга қаршилик қилувчилар узларни-узлари Худонинг ҳукмига мубалоа қиладилар. Подшо эса, Темур назарида, халқнинг манфаатини ифодаловчи Худонинг хизматқоридир. Шу ўринда подшога бўйсунish фақат қурқиб туфайли эмас, балки виждон амири билан иттифоқ қилишдир.

Тариқат илмини қалбига сингдирган ва дарवेशлик ҳаёли билан умр кечирган Амир Темур ўз салтанатига адолат билан иш тутиб, инсоф доирасида сиёсат тизimini тузиб, халқ гами ва ташвиши учун ўз вақтини ва ҳаётини сарф қилганлигини ва бу иш Аллоҳ йўлидаги мағфиратли иш эканлигини чуқур ҳис қилган. Райят Худо олдида унинг сиёсатини гувоҳлик берувчи эканлигини ҳис қилган соҳибқирон шундай эъзади: «Яхши ҳукмдор ҳеч қачон ҳукм суриш учун етарлича вақт топа олмайди, биз доим Аллоҳ муқаддас омонат сингари бизнинг ихтиёрига топширган фуқаролар манфаати учун меҳнат қилишга мажбурмиз. Менинг асосий бурчим доим аша шундан иборат бўлади, зеро, оҳират куни бевабюралар менинг эътигимга ёпишиб Аллоҳдан менга лаънатлар тиламасинлар».

Қуришиб турбидики, Темур тасаввуф ривожини янгича ҳусусият билан бойитган ва унинг дунёвий асосларини янада кенгайтирган. Чунки, Темур учун ҳар бир фуқаро подшога Хуло томонидан топширилган муқаддас жондир. Шунинг учун ҳам Темур ўз халқининг ташвиши ва гами билан ениб яшаган. Лекин Темур учун халқ гами-ташвиши, унинг истақ орзуларини тушуниш ва уларга имконият доирасида қўмақлашш учун подшо етарли даражада билим ва тафаккур соҳиб бўлиши керак. Мукаммал маърифатли бўлиши ке-

раклигини тушуниган ва унга интилиб яшаган соҳибқирон ўз замонасининг энг маърифатли ва илгор мутафаккири даражасига етишган. Жумладан, Ибн Арабшох ҳам узининг «Аҳойиб-ал мақдур фи тарихи Таймур» асарига Темурнинг тафаккур ва маърифат ҳофизасини қаъри йўқ денгизга ўхшатади ва уни билиш, унга етишиш имконияти йўқлигини ёзган эди. «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на гадр-будир орқали йўл топилади».

Темур ўз санъати сиёсатини амалга оширишда ислом, шариат, тарихат, футувват илмларини тула эгаллаш билангина эмас, балки дунёвий илмларини, сиёсат тамойилларини, утмиш подшоҳлар фаолиятини ўрганиш ва уларни қабул қилиш билан муваффақиятли раҳбарлик юргизиш мумкинлигини англаётган.

Амир Темурнинг тасаввуфга муносабатини ўрганар эканмиз, ул ҳазратни тулик маънодаги, яъни ҳам амалий, ҳам назарий маънодаги суфий, деб айта олмаймиз. Чунки, биринчидан, Темур ва темурийларнинг давлат, сиёсат билан машғулиги ва сиёсатни амалга ошириш ташвишлари уларга суфийликнинг амалий руки ва қонун-қоидаларини бажаришга имкон бермасди. Шунинг учун ҳам Темур ва темурийларни мутасаввуфлар, яъни, асосий мақсади билан илк манзила турган соликлар, деб айтиш хато бўлмайди. Бундай тоифа кишилар ҳам XIV-XV эрларда мутасаввуф номини олган эдилар. Шу билан бирга, Темур ва темурийларни суфийларнинг муоширлари (суҳбатдошлари, шериклари), яъни тасаввуф аҳдининг мухлислари, дустлари деб айтиш янада мувофиқ келади. Темур ва темурийларнинг шайх ва сайидларга ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, улардан маслаҳат ва йўл-йўриқ, фотоҳа олишлари, ўз мажлисларига иштирок қилишларини ташминлашлари бунга далолатдир. Иккинчидан, Темур ва темурийларни, маълум маънода, мутараслар деб ҳам айтилиши мумкин. Чунки, темурий шахзодалар тулик маънода дарवेशларнинг расму одатларига эргашмаган бўлсалар-да, лекин уларга ҳар доим ердан бериб, хайрихоҳлик қилганлар. Учунчидан, Темур ва темурийлар шунинг учун ҳам тулик маънодаги суфий эмас эдиларки, яъни суфийларнинг ҳақиқий тоифаси — муҳакқиклар, яъни суф (ҳун кийим) кийиб юрувчилар, дунёни тарк этган ва эзгулик йўлида сулук билан шуғулланиб, дунё молини тарк этиб, доимо қалб сафосига интилувчилардир. Лекин салтанат ва райят ҳамда дунё ташвишлари Темур ва темурийларни дунё молини тарк этишлари ва фақат эзгулик йўлида сулук билан шуғулланишларига имкон бермас эди. Чунки, салтанат, райят ташвишлари Темурни доимо банд этарди. Ле-

кин, Темур бу ташвишларни эзгулик билган. Тасаввуфнинг энг муҳим қоидаи булган нафси тийишши ўз эътиқодига ва сиёсатига бўйсундира олган. Туртинчидан, суфийликнинг суфийлар ва мутасаввуфлар талқинидаги маъноси ҳам Темур ва темурийларнинг тулик маънодаги суфий деишлишига имкон бермайди. Чунки, суфийликнинг маъноси булган зоҳирий тоат-ибодат ва ботинан дунёвий алоқалардан узилиш Темур амалияти ва сиёсати билан гишиша олмаган. Шу билан бирга суфий ҳеч нарсага банд ва гирифтор бўлмаслиги керак. Лекин халқ гами, унинг ташвиши билан яшаган Темурни қайту бандида бўлмаган, дея олмаймиз. Темур халқ хизматини Худо олдидаги энг маърифатли иш деб билган. Худди шунинг учун ҳам у бутун умри давомида башарий сифат ва ташвишлардан қўтилган эмас. Демак, у фоний бўлмаган. Айни шу нарса Темурни азалий фикрдан қўтилишга имкон бермаган ва аслий бойлигига етишишига ҳам тўсқинлик қилмаган. Бешинчидан, Темур узини ҳеч қачон биринчи сафда турвчи суфий ҳисобламаган. Чунки, у ҳар бир нафасини доимий ибодатга улай олмаслигини тула ҳис қиларди. Суфийликнинг асл маъносини, қонун-қоидаларини чуқур билган соҳибқирон Темур уларга ҳурмат билан қараган.

Лекин, бизнинг назаримизда, Темур суфийликнинг «суфух» мақомига мос келувчи суфий ҳақдир. Бунинг маъноси: «Бирор нарсанинг ҳулосаси халқнинг ҳулосасидир». Зотан, Темур ўз гоъси, эътиқоди, сиёсати билан халқ ҳулосасини олган суфий эди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Темурдаги мавжуд сифатлар тасаввуф солиқларининг жуда кўп сифатларига тула мувофиқ келарди. Аввало, Темурдаги қалб мусаффолиги, ботиний тафаккурга мойиллиги, ақл муаллолиги, нафе гирдонини тийиб, ўз эътиқодига хизмат қилириши, оҳиратни иқбол деб билиши, ибодатни имконият доирасида қанда қилмаслиги, сафога интилиши, ҳилм ва қаҳрнинг мувозанати, саховатлиги, ўз халқи, Ватани, миллати вафодорлиги, ҳақиқий ошқинлик, пулар жумласидандир.

Яна шуну ҳам алоҳида таъкидлаб утиш жоизки, Ансорий, Сухравардий, Газзолий, Нақибандий, Ясавий, Қосими Анвор, Чархӣ, Жомий, Кошифӣ, Муҳаммад Бухорий (Порсо), Маҳдуми Аъзам каби буюк мутасаввуф мутафаккирлар тушунчасидаги «тасаввуф» ва «суфий» маънолари Амир Темур фаолиятида яққол кузга ташланган. Жумладан, Кошифӣ утмиш шайх суфийлар ижодига таяниб «тасаввуф» ҳарфлари маъносини қўйидагича талқин қилади: «Т—тажрид, яъни зоҳирда таълуқларни тарк этмок, С—сидқ сафо, яъни, ботиний оламни равшан этмок, В—вафо, яъни аҳда ва муҳаббатга вафо қилмок, Ф—фано бўлмок, яъни узини илоҳий жамол денгизига гарк ҳисоблаб, мушоҳада юргизмок».



Эргаш УМАРОВ

Алишер
Навоий
асарларида
туркий
уруғлар

ИЛМИЙ АДАБИЕТЛАРДА Алишер Навоий асарлари асосида қайси шевар ётади, деган мунозара юради. Айрим олимлар шoir асарлари асосида Мирзо Бобур маълумотига суяниб, Андижон шеvasи ётади десалар, А. К. Боровков Қўқон шеvasи, Х. Дониров қичқок шевалари, Д. Абдурахмонов, Б. Хасанов барлос шеvasи, деган фикрни билдирганлар. Шoir асарларини чуқуррок урганиш бу масалага бирмунча аниқлик билан жавоб беришга ердан беради, деб ўйлаймиз. Бизнинг кузатишларимиз шoir асарлари асосида турк туркий шевалар билан бирга, Қашқа ва Сурхон вохаларидаги уруғлар тили катта урин эгаллашини курсатади. Бунинг тарихий асослари бор, албатта.

Тарихий ва лисоний маълумотларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Алишер Навоий Хиротдан Самарқандга ўқишга бораётганида ва у ердан қайтаётганида ҳозирги Қашқа ва Сурхон вохалари орқали утадиган қарвон йулларинан юрган. Шoir қарвон билан юрар экан, иқлим шароити билан кечаси юриб, кундузи эса бу вохаларда яшаб, кейинчалик ўзбек халқи ва тилининг шаклланишида бевосита иштирок этган туркий уруғлар билан мулоқотда бўлган. Уларнинг расм-русумларини кузатган, шакл-шамойилини урганган, улар ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Дастлаб шуни айтиш керакки, Алишер Навоий туркий қавм, уруғларни умумлаштирувчи турк этноними билан атайди:

*Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фанонани ҳикоят.*

Ёки:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам.*

Шу билан бирга, турк уругини ҳам бу атама билан номлайди:

*Кунгул бермиш сузумга турк, жон
дам,*

Не ёлгуз турк, балким туркмон ҳам.

Алишер Навоий асарларида бир неча жойда ўзбек сузи қаламга олинган.

*Яна юз, минг, ўзбек, мугул бирла
зам,*

Юз эдик минг ул сори қалмоқ ҳам.

Ёки:

*Шоҳу тожу хильатеким, мен
томоша қилгани,*

*Ўзбеким бошида қалпоқ, эғнида
ширлоғи бас.*

Сулдуз уругини XV асрда тузилган «Балоеъ ул-луғат» муаллифи Толей Хиравий туркий ҳисоблайди:

*Навоий севди бир дўлини кездик
рубъи масқунда,*

*Агар арлот, агар барлос, агар тархон,
агар сулдуз.*

Кейинчалик, XX асрда келиб бу уруғ бошқа элатлар билан аралашиб кетганидан, Жанубий Ўзбекистон этник таркибининг йирик талқиқотчиси Б. Қармишева уни мугул сифатида қайд этиб, Денов белкигида яшаганигини курсатиб ўтади.

Арлот ва билпут этноними «Фавойид

ул-кибар»да бир неча жойда учрайди:

*Эй, Навоий, мени зор айлади бир
лудиваш,*

*Ким ҳам арлот унут будди манга,
ҳам билгут.*

Бу уруғлар ҳам Ўзбекистон ҳудудида яшайдилар. Бухоронинг Олот тумани арлот уруги номи билан боғлиқ. «Арлот» сузи талаффузда олот шаклини олган. Билпут уруги бошқа элатлар билан қўшилиб кетганидан бўлса керак, ҳозирча учратмадик.

«Фавойид ул-кибар»да учровчи яғмо қавми ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин:

*Чу курдим оғзию зулфини, ҳушум
борди яғмонга,*

*Ки мул кайфияти фаҳм ўлди анинг
миму домидин.*

«Наводир уш-шабоб»даги қунгирот уруги:

*Мен тилаб ҳусн, вале шох тилаб
наслу насаб,*

*Менга лули билан ҳинду, анга
қунгироту қиёт.*

Ҳозир ҳам мазкур уруғлар Қашқа ва Сурхон вохаларининг қўпгина жойларида яшайдилар.

«Ғаройиб ус-сигар»да туркий малиш, малаш ва барлос уруғлари қаламга олинган:

*Эй, Навоий, найлай, эл тархон
билан барлосни,*

*Ким берур қунгелмуға ҳоло малиш
ул шўҳ малаш.*

Бу уруғлардан малиш ва малашни ҳозир учратмадик, аммо барлослар, асосан, Қашқалар ва Сурхондареда яшайдилар. Тарихдан маълумки, урта асрларда барлослар жамият ҳаётида нуфузли уринни эгаллаганлар. Профессор А. Ю. Якубовскийнинг курсатишича, Алишер Навоий ҳам барлос уругидан чиққан.

Қашқалареда мирак билан боғлиқ анчагина атамалар бор: Мирак тоғи, Мирак қишлоғи. Урта асрларнинг машҳур расмони Мирак Наққош исмидаги биринчи суз ҳам мирак уруги билан боғлиқ. Бу атамалар бевосита Навоий қаламига мансуб сатрлардаги мирак уруги билан боғлиқ. Мисоллардан қуринишича, улар юриш-туриши, гузаллиги билан ажралиб турганлар. «Ғаройиб ус-сигар»даги:

*Чаманда савсану раъно қалига
мойилмен,*

*Ки савсани тун ила жилва қилур
мирагим.*

Алишер Навоий Жанубий Ўзбекистонда илгари ҳам, ҳозир ҳам яшовчи қиёт уругини бир неча марта қаламга олади:

*Эй, Навоий, чу гадосен сену бир
лудиваш,*

*Шоҳга мирзоу мирак, хонга қиету
қунгирот.*

Шoir асарларида ҳозирда Ғузур ва Қамаш, шунингдек, Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманларида истиқомат қилувчи туркман уруги ҳам қаламга олинган:

*Навоий гуркларнинг тарки тутса, айб
қилмангим,*

*Анга бир туркман махваш гами
дулошибдур.*

Қипчоқ шевасига хос бу уруг вакиллари узларини уғуз шевасига хос туркманларга ҳеч қандай алоқалари йўқлигини таъкидлайдилар.

Шоир асарларидаги чигатой ва ҳажаз уруғлари ҳам учрайди:

*Навойи, иста мазоҳирда чехрай
мақсуд.*

*Араб ва гар чигатой, йўқса,
туркману ҳажаз.*

Этнограф олимлар таъкидлашчи, булар республикамиким жанубига хос атамалардир. Масалан, олимларнинг курсатишича, ҳозир ҳам Бойсунда, Шеробода, Дарбондда, Кухитанг тизмалари атрофида чигатой уругига мансуб одамлар яшайдилар.

Б. Кармишева Жанубий Ўзбекистон вохаларини синчковлик билан текширар экан, Сангардакда (Узун тумани) муқимий уруги булганлигини курсатади. Ўзбекининг бу уруги Навойининг «Балоеъ ул-васат» девонининг 511 рақамли газалида учрайди:

*Соқиб, айлар хуморим қасди жон,
қилсам не айб,*

*Хаста жонимни муқимий куйи
хаммор орзу.*

Байт мазмунидан кўриниб турибдики, шоир соқийга мурожаат этиб, хумор мени улдирмоқда, агар муқимий каби хаста жоним ичқилик орзу қилса, не айб демоқда. Афсуски, бу уругни ҳам ҳозирча учратмадик.

Шоирнинг «Вақфий» асаридла қиёт, кунгирот, барлос, арлот билан биргаликда қовчин ва жалойир уруги ҳам учрайди: «... ва жалойир гавгоси ва қовчин алолоси мавжуд эрди...»

Айниқса, бу ердаги қовчин уруги диққатга сазовор. Бу уруг вакиллари бутунги кунда Қашаши, Яккабоғ туманларида яшайдилар.

«Фавойид ул-қибар»да ужа-уча уругига ҳам дуч келамиз:

*Сочинг ҳаросида юз минг тибету
татар,*

*Қадинг ҳавосида минг сарв ужау
халлук.*

Мазкур уруг Жанубий Ўзбекистонда яшаган. Ҳозир бу уруг бошқа элатлар билан қўшилиб кетганидан бўлса керак, яққа ҳолда учрамайди. Шоир асарларида учровчи ҳужа ва сарой уруғлари:

*Неча ҳужа, сарой бирла қаниз,
Тутқали сарви сиймбарни азиз, —*

ҳозир ҳам Қашқадарь ва Сурхондаре вохаларида яшайдилар.

«Фавойид ул-қибар»да чигил уруги каламақ олинган:

*Поклар чину чигил ҳусни аро
булгон ила,*

*Кимса олоийш олар жонибига йул
бермас.*

Ҳозир, асосан, Чироқчида яшовчи чуот-жуот уруги «Фавойид ул-қибар»да қайд қилинган:

*Эй, Навойи, айлида дуливаше
қунгудмини қайд,*

*Халқни атрок асир этги вале бизни
жуот.*

Алишер Навойининг «Наводир уш-шабоб» девонидаги оқар уруги:

*Эй, Навойи, манга бас ул санам
дуливаш,*

*Беска қипчоку оқар, шохга қиету
билтул, —*

ҳозир бошқа уруғлар билан қўшилиб кетган. Лекин у жой номи сифатида сақланиб қолган. Масалан, Зомин туманидаги «Прогресс» давлат ҳужалитидаги Оқар қишлоғи тапмизининг исботи бўлиши мумкин.

Қашқа ва Сурхон вохаларида яшовчи минг ва юз уруғлари «Фарход ва Ширин»да қайд қилинган:

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса
мингдур,*

Муайян турк улуси худ менингдур.

Навойининг «Ғаройиб ус-сират» девонидла бир неча марта мизар уруги каламақ олинган:

*Ҳўблут муқлида юз шох улса,
Бирлу булғайму бизнинг мирзадек.*

Еки:

*Мени бир мугбача ошқуфтау йўлх
қилминш,*

*Найлай ислом аро гар кўп эса
мирзаву мирак.*

Шевашунос Б. Жураевнинг курсатишича, бу уруг узнинг бир бутини сифатида ҳозир ҳам Чироқчи туманида яшайди.

«Наводир уш-шабоб»даги тўғмон уругини ҳозирча учратмаган бўлсак-да, у Урта асрларда бу вохаларида яшаганини шубҳасиз:

*Ўзбек муғул улғай анинг оддила
муслмон,*

*Билмон они қалмоқмудур, йул эса
туғмоқ.*

«Балоеъ ул-васат»да бек уруги учрайди. Аёл жинси бека шаклида ишлатилган:

*Ишқ агар бўлса ҳавойи нафсдин пок,
эй кунгул,*

*Йўқ тафовут, дилбаринг гар бека
булсун, гар мирак.*

Ҳозир Шаҳрисабзда яшовчи бетзода уруги бу сўз билан боғлиқ бўлса керак, деган фикрдамиз.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, шоир асарларидаги уруғлар, асосан, Қашқа ва Сурхон вохаларида яшаган.

Бинобарин, бу ҳол Алишер Навойи тилидаги туркий сўз ва иборалар маъносини бу воҳа шеваларидан излаш кераклигини курсатади. Дарҳақиқат, шоир асарларидаги сўз маъноларини аниқлашда бу воҳада ишлатиладиган сузлар катта аҳамиятга эга. Воҳада бутунги кунда ҳам ишлатилиб, шоир асарларини тушунишга ердан берадиган сўз ва иборалардан айрим мисоллар келтирамиз.

1. Шоир «Лайли ва Мажнун»да «қичигламоқ» феълини ишлатади:

*Кўз қўйди табони узра йиллаб,
Уйғотғали кирпиги қичиглаб.*

Бу феъл узбек шеваларидан шаҳрисабзликлар тилида қитигламоқ маъносидла ишлатилиши сабабли юқоридаги байт маъноси уқувчига аниқ булади: (Лайлининг онаси) киприги билан

уйғотиш учун қузини қизининг товонига қўйди.

2. «Фарход ва Ширин»да пору сузи учрайди:

Ва е пору билан кор артурот эл.

Воҳа деҳқонларни қишда еққан қорни эритиш учун пору, яъни гўнлдан фойдаланишига сабабли ушбу мисра маъноси аниқ булади.

3. Қашқа ва Сурхон воҳа аҳолиси сув ювиб кетиш натижасида ҳосил булган уйиқ жой, горни камар деб атайдилар. Бу сўз «Фарход ва Ширин»да бир неча марта учрайди:

*Суга ариг шигофин очти чун чуст,
Бурун нову камарни боғлабон руст.*

Мазмун: (Фарход) сув очиш учун аввал ариқнинг тешик ва уйиқ жойларини беркитди.

Қуйидаги байтда шоир камар боғлаб иборасини ийҳом санъатидан фойдаланган икки: 1) уйиқ жойни беркитиш; 2) астойдил ҳаракат қилиш маъноларида ишлатилди:

*Камар боғлаб йиқарга чун ҳажарини,
Йиқиб ҳар зарби дасти бир*

камарни.

Агар биринчи маъно ҳисобга олинса, байт қуйидагича изоҳланади: (Фарход) уйиқ жойни беркитиш мақсадидла тош йилди, ҳар зарби билан бир уйиқ жойни беркитди.

Агар иккинчи маъно (камар-буёғ) ҳисобга олинса, байтни қуйидагича изоҳлаш мумкин: (Фарход) тош йиғиш учун астойдил ҳаракат қилди, ҳар зарби билан бир уйиқ жойни беркитди.

Қуйидаги байтда шоир янги камар-бур — уйиқ жой ясовчи сузини яратган:

*Курардин йўқ камарбурларга
туёмқ,*

Не ҳадди ерга пушти даст қўймоқ.

Маъноси: (Ширин) уйиқ жой, гор ясовчилар ишига қараб туёмасди, шу сабабли улар бундай вақтда қул қовуштириб утар олмас эдилар.

4. Воҳанин айрим жойларида ҳуз — уй (уй) деб юритилиши сабабли қуйидаги байт маъноси аниқлашди:

*Қассобдин уйга гар хуришдур,
Утурғали они парваришдур.*

Мазмун: қассобнинг ҳўқзини парваришдан мақсади уни суйишдир.

5. Қашқа воҳаси уруғлари тилида ҳайдамоқ маъносидла «қавмак» ва «қуримоқ» феъллари ишлатилди. Қуйидаги байт маъноси шу сузлар орқали ойдинлашди:

*Йўқ анга чиниб қўрур мажолни,
Қўш қувғали худ не иҳтимоли?*

Мазмун: пашпани ҳайдагани мажолни йўқ-қу, қўшни қандай ҳайлайди.

6. Сурхон воҳасининг айрим жойларида қатиқ маъносидла «журот» сузини ишлатдилар. Шевалдаги бу сўз тўғайли «Садди Искандарий»даги ушбу байт мазмунини тушуниш имкони туғилди:

*Ани уйга келтурди тортиб инон,
Равон моҳазар чекти — журоту нон.*

Мазмун: у (шоҳин) уйига келтириб, уша ондаёқ қатиқ ва нон қўйди.

7. Навойининг уруғлар тилидан фойдаланганлигини, айниқса, том су-

зи мисолида яққол қуришимиз мумкин. Бу сузни шоир икки маънода ишлатган: 1) унинг томи; 2) девор. Биринчи маъно кўпчилик ўзбек шеваларида ишлатилади, иккинчи маъно Қашқардагилар туркман уруғи тилида учрайди. Айнан шу маъно «Лайли ва Мажнун»да ҳам қайд қилинган:

*Гоҳ тоғга қўпуб минар эли чуст,
Хар сори айсларин элиб руст.*

Мазмуни: (Мажнун) гоҳ деворга тез сақраб минар, оёқларини хар томонга қимирларат эди.

8. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида учир маъносига «итик» сузи ишлатилади. Шевадаги бу суз қуйидаги байт мазмунини очишга ёрдам беради:

*Добонким, «Скандар йиборган битик,
Ки самдин ачигдур, қилчидан итик.*

Мазмуни: айтди: Искандарнинг юборган мактуби захардан ачигу, қилчидан утирди.

9. «Маҳбуб ул-қулуб» асарига оқ суңган уйини қаламга олинган:

*Андин кечалар атрок зуфоси иши
арғуштан ва атфол варзиши оқ суңгак.*

Мазмуни: у (Одил подшоҳ) туғайли турк хотинлариниғ иши уйин-қулгу, болалар уйини оқ суңгак.

Бу уйин қондаси сурхонлик ёзувчи Тоғай Муроднинг «Қушиқ» асарига қуйидаги тасвирланган: «Туйхоннинг кўнчиқаридаги қисирпоёда болалар икки тарафга бўлинди. Биринчи тараф тескари утирилиб, қузарини чирт юмиб турди. Иккинчисидан қулочи катаргоғи молнинг бир қаричча опшоқ суягини қулочкашлаб отиб юборди. Суяк тушган ердан чанг кутарилиди. Улар бўлиди, дегач, рақиблари утирилди, хар тарафга ёйилиб, суякни излаб кетди. Суяк отган болалар қаторлашиб утириб, уларни кутди. Болалар суякни излай бериб, охири тошларди. Агар топмаганларида суякни отган болаларнинг узи топиб, ота бериб, уларни сарсон қиларди. Энди суякни отиш гали уни топиб келганларга. Буни оқ суяк уйини дейдилар».

10. Хўсайн Бойқаро буйруғи билан тузилган «Бадоеъ ул-луғат»да лутгачи Алиншер Навоий «ултурмоқ» фельнини икки маънолиги (1) улдирмақ; 2) утирмақ) туғайли суз уйини яратганлигини таъкидлайди:

*Муносиб қурмади шоҳ ултурмоқ,
Яқинида буйурди ултурмоқ.*

11. Шоир асарларида сўралаш, авраш маъносига «арбағ» сузи ишлатилган. Бу феъл Тоғай Муроднинг «Қушиқ» асарига учрайди:

*Полвонлар бир-бирини руҳан
арбағити.*

12. Қашқа воҳасида қўпол маъносига «ирик» сузи ишлатилади. Бу суз «Садди Искандарий»да қўп учрайди:

*Агар номасин ул ёзидур ирик,
Вале мен ирикликка урмон илик.*

Мазмуни: агар у қўполлик билан ёзган бўлса, мен қўполликка қўл урмайман.

13. Қашқадарелиқлар танғбай маъно-

сида «қумакай» сузини ишлатадилар. Бу сузни «Бадоеъ ул-васат»да қуриш мумкин:

*Куйдум ғами ишқимни аён
айлмагимдин,
Чеккай эдилар кош тилимни
қумакаймдин.*

Мазмуни: ишқимни баён айландан куйдим, копки танғлаймдан тилимни узиб олсалар эди.

14. Тўққиз табак, Бу ибора «Лайли ва Мажнун» дostonида Мажнун билан Навфал қизининг никоҳ кечасига бағишланган бўлимида учрайди:

*Ой бирла қуешни айледи ақл,
Боши ура сочдилар баса нақл.
Чун меҳр келин киби ёшунди,
Тун ерга куев киби бўқунди.
Гардун курубон бу иш мувофиқ,
Келтурди тўққиз табақда сочик.*

Бу ердаги тўққиз табак ибораси асосида қадимда қувнинг келин уйига борганда унинг олдига қуйиладиган тўққиз хил совғаси назарда тутилмоқда. Бу олди хали ҳам Қашқадар, Сурхондаредаги туйларда бор. Бу ердаги туйларда шу кеча-қундузда ҳам қув олдига тўққиз хил овқат келтирилади: 1. Ширбиринч; 2. Мояк (тукму); 3. Гилминди; 4. Холвайтар; 5. Қаржилик (ошиқчи илик); 6. Новот; 7. Қалпапача; 8. Қат патир; 9. Қатлама.

15. Алиншер Навоий асарлари халқчи бўлиши учун жула қўп халқ ибораларидан фойдаланган. Улардан бири сабр қилмоқ, чидамко маъноларилати бағрига тиш беркитмоқ иборасидир. «Наводир уш-шабоб»да:

*Ёр жоним қасдига хар дамки
тишлар дълигини,
Маҳкам айлармен фиғон қилмай
дебон бағримга тиш.*

«Лисон ул-тайр»да:

*Махфий асрордан утубдур чун бу
иш,
Дермен эмди беркийти бағримга
тиш.*

Ушбу ибора тарихига назар ташлаш, унинг чорвалор ўзбекларга оид расм-русум асосида вужудга келганлигини кўрсатади.

Мазлумки, ўзбек чорвалор уруғлари бурини азалдан муқаддас санаб, унга ситинганлар. Шу сабабли бурига оид ҳамма нараса авайлаб асралган. Жумладан, унинг териси пўстак сифатида ҳэтиёт қилинган. Болани ёвуз кучлардан сақлаш учун бурининг ошигини момолар унинг бешинига боғлаб қўйганлар. Бури қалласининг суяги ёмон қулардан асраш учун утов, оқ уйининг эшиги тепасига осиб қўйилган. Оилада агар чақалоқ тиши билан тутилса, унинг исмини Буривой еки Бурихон қўйишган.

Хуллас, бурига оид ҳамма нарсалар муқаддас саналган. Бағрига тиш беркитмоқ иборасининг тарихи бевосита ана шу бурига бориб тақалади. Кишилар қийинчиликларга сабрли, тоқатли бўлишлари учун бурининг озука тишини кўчракларига (Навоийда бағир сузи кўчрак маъносини ҳам аниқлатади) осиб юганлар. Ота-боболаримиз фикрича, бури тиши муқаддас саналиб, ки-

шиларни чидамли, бардошли бўлишга ундатган. Қуринадики, юқоридаги ибора асосида бури тиши билан боғлиқ қадимги расм-русум этади. Қизиги шундаки, бу расм-русум, удум ҳозир ҳам Сурхон воҳасидаги чорвалор қўнғиротлар орасида сақланиб қолган. Улар ҳанузга қадар қадимги удум сифатида бури тишини буйнларига осиб юрадилар.

16. Профессор А. Шерматов маълумоти қараганда, Қашқа воҳаси аҳолиси синган соғол қузани мунди деб атайдилар. Бу суз ҳам «Лайли ва Мажнун»да учрайди:

*Дема бу сипаҳни ҳайли ҳинду,
Чин дашти кийикларига мунду.*

Байт мазмунига диққат қилинса, қадимда воҳа аҳолиси кийикларга синган қузада овқатлар бериб овлаганлари маълум бўлади.

17. Қашқа ва Сурхон воҳалари қадимда ҳайвонот дунёси билан машқур бўлган. Бу ерда турли ҳайвон ва паррандалар, жумладан, дулту деган ҳайвон ҳам яплаган. Сарноселиклар маълумотига қараганда, у буридан кичик бўлиб, улакка ёйди. Ҳозир у Дулта-қарма, Дултахона каби жой номлари таркибида сақланиб қолган. Бу ҳайвон номи ҳам «Лайли ва Мажнун»да учрайди:

*Махр ила саводи анбаролу,
Дулту тушугига солибон дул.*

Байтдан қуринишича, бу ҳайвонни уясидан чиқариш учун инининг ичига тутун юбордилар.

18. «Лайли ва Мажнун»даги «чукурмоқ» феъли ҳам бу воҳа шеvasига хос:

*Бу ҳолат ичинда топқоч они,
Бир нока чукурдилар равони.*

19. Хар тарафга тарқалмоқ маъносига «бутрашмоқ» сузи ҳам 92 бовли ўзбек уруғлари шеvasида учрайди:

*Бутрашти чу хар бириси бир ен,
Қолди орада гарибни тирен.*

20. Шевашнос Б. Жўраев маълумотига қараганда, юқори Қашқадарё шеваларида қўйлаб маъносига «курта» сузи ишлатилади. Бу суз «Насойим ул-муҳаббат» асарига учрайди:

*Ул курта жуббани ул дарवेशа
бердим.*

Юқоридаги мисоллардан қуришиб турибдики, шоир асарлари асосида турли шевалар билан бирга, юқорида номлари қайд қилинган уруғлар тили қата уринини эгаллайди. Демак, шоир асарлари асосини аниқлаётганда Қашқа ва Сурхон воҳалариниғ уруғлар тилини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Бу ҳол улар тилини чуқурроқ ўрганишни тақозо қилади. Афсус, ҳозир айрим уруғлар бошқа уруғлар билан қўпилиб кетган. Лекин шунга қарамай, баҳтимизга қўпгина уруғлар сақланиб қолган. Олимиздаги вазифа бу уруғлар тилини хар тарафлама ва кенг тадқиқ қилишдан иборат. Агар юқорида қайд қилинган уруғлар тили чуқур ўрганилса, шоир асарларида ҳозирча ноаниқ бўлиб келатган қўпгина сузаларнинг маъноси ойдинлашади. Бу эса байтларнинг маъносини тушунишга ёрдам беради.

Мухсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик доктори

НАВОИЙ ДАВРИ АНЪАНАВИЙ ТЕАТРИ

Атоқли санъатшунос олим М. Х. Қодиров «Алишер Навоий давридаги анъанавий кули театри» номи китоб ёзди. Китобда халқ театри жанрлари, хиллари ва бу санъат намоёндалари ҳақида қизиқарли далиллар, маълумотлар келтирилган. Қуйида эълон қилинаётган парчалар ушбу асардан бир шингил, холос.

ГИЁС МАСХАРА

Алишер Навоий даврида саройларда аслзодаларга хизмат қилувчи ҳамда халқ орасида фаолият кўрсатувчи иски тоифа масхарагар бўлган. Афсуски, шоир халқ масхарагарининг исму шарифларини айтмайди. Аммо Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур саройларида, шунингдек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий мажлисларида камрабаста бўлган Гиёс масхара (аслзода Сайид Гиёсиддин) тўғрисида маълумотлар бор. Навоийнинг ёзишча, Сайид Гиёсиддин асли машҳадлик, аслзода, «ақли ва мулоим кишидур», назм илмидан хабардор. Суз охирида унинг форча қуйидаги байти мисол қилиб келтирилади:

*Даме аз дасти дунӣ во нарастам,
Бие, соқӣ, ки якдам майпарастам.
(Дуне ташвишидан бир дам қўйламадим,
Кел, эй, соқӣ, бир нафас майпараст бўлай).*

Навоийнинг Сайид Гиёсиддинга берган қисқа, бироқ турмаъло тавсифи қимматли манбадир. «Мазоҳ ва мутаййба мизожига голибдур, — деб ёзади Навоий. — Шухликдан файласуфваш ва улви насабдин таазир ва бузургманшиликда беихтиёр тшубутур». Бу — Гиёсиддиннинг кулги санъатига алоқдорлигидан далолат. Аввало шунини айтиш керакки, Навоий бу уринда Гиёсиддиннинг саҳиясига нисбатан «мазоҳ» ва «мутаййба» ибораларини ишлатади. Мутаййба — ҳазилга яқин, чиройли сўз уйинлари, лутф билан суҳбатдошига тегиб утиш, латифа айтиб, кулдириш. Мазоҳ — бу энди ҳажв дегани, рақибининг ёки ҳаётдаги ёмон одамнинг жиддий нуқсонларини бурттириб тасвирлаб, шармандайи шармисор қилиш, дегани. Винобарин, Сайид Гиёсиддин мутаййбадан ҳам, мазоҳдан ҳам тўла хабардор. Хабардоргина эмас, балки мазоҳ ва мутаййбани ўзига касб қилиб олган соҳибхўна санъаткордир. «Мазоҳ ва мутаййба мизожига голибдур», — деган жумла шунга ишора. Яъни ҳажв ва ҳазил Гиёсиддиннинг табиғатига шу қадар сингиб кетганки, ҳатто аслзодалигини ҳам унутиб қўйган. Навоий «шухликдин файласуфваш» дейиш билан Сайид Гиёсиддинни шунчаки қизиқчи, шунчаки ҳазилкаш эмас, балки кулги санъатини пухта өгаллаган, юксак малакали эканини янада қатъийроқ таъкидлайди. Гарчи Навоий Гиёсиддинни масхара деб атаган бўлмасда-да, мухтарас таъриф-тавсифдан шундай маъно келиб чиқади: шоир «мазоҳ» сузини биринчи уринга қўйиш билан шоир Гиёсиддин фаолиятида ҳажв, масхарабозликнинг устуворлигини таъкидлайди. Гиёсиддин малакали уйинчи-масхара бўлгани учун ҳам Алишер Навоий унга аския ёзиб қолдирган. «Сайиднинг ҳумоюн башараларида сафрат голибдур, — деб ёзади Навоий. — «Сайид ширга» дерлар. Баъзи маймунга ҳам ташбих қи-

лурлар. Фақир худ бу навъ густоҳлиқлар қила олмасмен, аммо Мирнинг маркабин (уловини — М. Қ.) ул итга ўхшатибманки, анга бир маймунни миन्दуррулар». Қаранг, Навоий Гиёсиддинни бошқалардек «Сайид ширга, маймун» деб утирмайман дейди-ю, сўз уйини қилиб, ажабтовур зукколик билан уни тагин маймунга ўхшатади. «Агарчи Мирга нохуш келур, аммо ҳал билга уткарур» деб бу томонини текислаб қўяди. Мевимча, Навоий Сайид Гиёсиддиннинг масхара сифатида ҳар қандай аччиқ ҳазилни ҳам қутаришини яхши билган, у билан жуда кўп учрашган, ҳазиллашган. Юқорида ёзиб қолдирилган ҳазил ҳам аслида ушандай учрашувардан бирида бадиҳа йўли билан айтилган бўлса, ажаб эмас.

Алишер Навоийнинг «Маҷолис ун-нафоис» таъзираси XV асрнинг 90-йилларида яратилган. Бундан чиқадики, шоир ушангача Гиёсиддинни яхши билган. Келтирилган таъриф-тавсиф, умумлашма ҳам шундан гувоҳлик беради. Таъриф-тавсифдан яна шу нарса ёвники, Гиёсиддиннинг еши Навоийдан кичикроқ бўлса керак, шу боис шоир унга нисбатан эркин ва аччиқ ҳазил қилади, кинолар ишлатади. Киноя, лутф, «сиз»лаб туриб айтилган дастлабки сузалардаёқ намоен бўлади. Чунончи, «Сайиднинг ҳумоюн башараларида сафрат голибдур» деган жумлада бир-бирини инкор этувчи ташбеҳларни кўрамыз: ҳумоюн (яъни қўтлуг, равшан) бўлса, башара бўлмайди, башарани ҳеч қачон ҳумоюн деб таърифлаш мумкин эмас. Навоий Сайидни бир чимдиб олиш, кулги чиқариш учун атайлаб шу усулни қўлайди. Сайиднинг минган отини итга, узини маймунга ўхшатиш билан эса киноя ҳажвга айланиб кетади.

Хиротдан келган Гиёс масхара Бобуршоҳнинг 1520 йилда Қобулда бўлиб ўтган бир-икки мажлисида хизматда бўлган. «Бобурнома»да шундай мажлислардан бири ҳақида маълумот берилади. Маълум бўлишича, Гиёс масхара Бобуршоҳнинг рухсати билан Шоҳ Ҳасан Шоҳбек томонидан унинг паравога уюштирилган зиёфатда ўз санъатини намойиш этган. Зиёфат чинор боғида бўлиб ўтган. Унда Бобур Мирзо, Ҳожа Муҳаммад Али, Шоҳ Ҳасан Юсуф Али, Гадоий тағои ва яна баъзи беклар қатнашган. «Чинор боғининг эшигида солгон суратхонанинг шарқи-жануб сари ёнида, — деб ҳикоя қилади Бобур, — кичикроқ оққина уй тикилиб эди, гоҳи анда ултурур олим, анда мажлис бўлди. Сунгра Гиёс масхара келди, неча қатла мажлисдин мутояба тарийқи билга буюруддиким, ихрок қилдилар. Охир шалоийн бўлур, масхаралик билга мажлисда йўл топди» (Бобур. Асарлар, 3 т. 56-бет).

Қурииб турибдики, Навоий уни ўз номи билан Сайид Гиёсиддин деб тилга олади, Бобур эса уни тўғридан-тўғри Гиёс масхара деб атади. Чунки орадан 25-30 йилгача

вақт утган. Сайид Гие Siddin ҳажв ва ҳазилда катта ма- лалка орттирган. У Хусайн Бойқаро ва унинг уғилларига хизмат қилиб юрган. Шайбонийхон Хуросон ва унинг пойтахти Ҳиротни босиб олгач, Қобул томонларга келиб қолган бўлса, ажаб эмас.

Бобурнинг қисқа маълумотидан баъзи тафсилотларни фаҳмлаш мумкин. Чинор боғидаги уйда 7-8 киши қат- нашган бўлса керак. Нағма аҳли бирин-кетин хизматини қилиб бўлиб, ташқарига чиқиб, алоҳида ўтирган. Гиеc масхарадан кейин эса Турди Муҳаммад қипчоқ билан Мул- ло Китобдор таклиф қилинган. «Мажлисқа тиладук», — дейди Бобур. Улар иккаласи узаро савол-жавоб қилиб, мажлис аҳлини кулдирган бўлса керак. Аммо хилват базм марказини барбир Гиеc масхара эгаллаган. Шу боис, унинг номи алоҳида қайд этилади.

Хуш, Гиеc масхара Бобур Мирзо ҳузурда нималарни ижро этдйкин? Аввало у узининг ҳозиржавоб муқаллид эканлигини, яъни истаган мавзуда кулгили қилиб ҳи- коят тўқини ва мажлисдаги кишиларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатини масхараомуз қилиб тавдалантириш қо- билиятини намойиш этган. Бобурнинг «неча қатла маж- лисдин мутюба тарийқи била буюрулдиким, ижроз қил- дилар», деган гапи шуни билдиради. Кейин Гиеc масхара ўзи илгаритдан кўрсатиб юрган уйинларини намойиш қил- ган. Томоша пайтида кулги кўзгочуви либослардан фойда- ланган, ҳатто юзига ниқоб торган бўлиши оҳтимождан ҳоли эмас. «Охир шалойин бўлуб, масхаралик била маж- лисда йул топди», — деган жумла шунга тааллуқли. Гиеc масхара кўпичча ёлғиз ўзи уйнаган, лекин анъанавий уйинлар ижросида мажлисдаги бир-икки нафар киши бил- ан савол-жавоб қилиб турган бўлиши мумкин. Ана шу воқеалар Сайид Гиеc Siddin билан Гиеc масхара бир киши дейишга асос бўлди-ку, лекин тасдиқ қоңиқарли эмас эди. Чунки далил, исбот етарли эмас эди.

Алишер Навоийнинг «Хамеатул мутаҳаййирин» номли асарини ўқир эканман, бир воқеа баёни беихтиёр эътибор- имни тортди. Илгари эътибор бермай, ўтказиб юборган- нимга ажабландим. Гап уша Сайид Гиеc Siddin эки Гиеc масхара тўғрисида борарди:

«Подшоҳ (Хусайн Бойқаро — М. Қ.) ул йилки Хуросон тахтин олгондаким, Жаҳоноро боғи тарҳин солдилар. Бир панжшанба қуни ул ҳазрат (Абдурахмон Жомий — М. Қ.) хизматларида Сайид Гиеcким ул боғнинг таъмир ва боғбонлиги анга мутааийин эрди, йулда йулиқтиким, аро- баларга улдуроқ сарв йиғочларин боғлардин сотуб олиб, кунгариб юкляб Жаҳоноро боғига алтадур эрди. Ул ҳаз-

ратга салом бериб, алар илтифот қилиб, мутюба била дедилар:

— Яна ҳеч сарв йиғочи қолдиму? Небўйла сарв йиғочи юклябсен, оё неча йиғон бўлғай?

Ул дедиким:

— Санаббиз, юз турт аладдур.

Алар дедиларким:

— Ажаб аладдур.

Фақир дедиким:

— Муносиб аладдур, невчунким, «қад» алади била му- носибдур.

Алар дедиларким:

— Ростдур, — дағи фақирни таҳсин қилдилар.

Ушбу ҳикоячадан Гиеc масхара тўғрисида кўпгина маълумотларни илғаб ола билади. Аввало шуки, воқеа Хусайн Бойқаронинг Хуросон тахтини эгаллаган 1469 йи- ли руй берган. Подшоҳ Сайид Гиеcни узининг Жаҳоноро боғига бош боғбон қилиб тайинлаб, ўз лойиҳаси бўйича боғни таъмирлашни топширган. Сайид Гиеc турли боғ- лардан сарв ёғочлари сотиб олиб, бир неча аравага ортиб кетаётган бўлади. Шунда Жомий билан Навоийга дуч келади. Бундан чиқадими, Сайид Гиеc Siddinнинг асли кас- би боғбонлик бўлиб, кулиш-кулдиришдан ташқари, му- қим бўлмаса-да, баъзи-баъзида боғ ишлари билан машғул бўлиб турган. Иккинчидан, Жомий ҳам, Навоий ҳам Са- йид Гиеcни яхши билишган экан. Нега деганда, ёғоч ор- тилган араваларда бошқалар ҳам бўлгандир, лекин улар айнан Сайид Гиеcни танлаб, ҳазил-мутюйба қилишган- ки, бу унинг уша пайтдаёқ зодагонлар орасида эътибор қозонганидан далолат беради. Учтинчидан, Сайид Гиеc Жо- мийдан хийла ёш бўлган кўринади. Навоийнинг «Ул (Са- йид Гиеc — М. Қ.) ҳазратга салом бериб, алар илтифот қилиб, мутюйба била дедилар», — деган гапи Жомий билан Сайид Гиеc учрашув ҳолатини маълум даражада изоҳлайди. Сайид Гиеc таъзим ила салом бериб, ҳазрат- нинг этагини ушган, ҳазрат тавозедан руҳланиб кетиб, унга «илтифот» юзасидан сенлаб мутюйба қилган бўлса- лар керак. Сайид Гиеc ҳатто Навоийдан ҳам ёшроққа ўхшайди. Чунки шоир уни ўз ҳикоясида Сайид Гиеc деб атайдди. Аслида бу — чала атама, бундай шакл ўзбеклар орасида ҳаётда кичикларга нисбатан қўлланилади. «Ма- жжлис ун-нафонс»да эса Навоий уни Сайид Гиеc Siddin деб расмий тилга олади.

Келтирилган мутюбада Сайид Гиеcнинг сузга усталиги кўринмайди. У Жомий ҳазратлари билан Навоий жаноб- лари олдида ҳокисор бўлиб, ортиқча гап-суздан узини



тийиб турган, чамаси. Жомийнинг ҳазиломуз саволига «санаббиз, юз турт ададдур» деб турги жавоб қайтарган, холос. Жомий билан Навоий унинг «ададдур» деган сўзини илиб олиб, Жомий ажабланган (нега энди, айнан, юз турт донга? дегандай), Навоий эса «муносиб ададдур, невчунки, «қад» адади билан муносибдур» деб муаммо егандай лутф ишлатган, зарифлигини намойиш этган. Чунки «қад» сўзи эски завуда икки ҳарф ҳисобланиб, аждаҳ ҳисоби билан рақамга айлантирилса, 104 бўлади.

Мана энди Гиёс масҳара хуусида баъзи умумий фикрларга келишимиз мумкин. Агар Гиёс масҳарани Навоийдан 4-5 ёш кичик деб оладиган бўлсак, у тахминан 1446 йилда туғилган бўлиб чиқади. Гиёс масҳара Жомий билан Навоийга даур келганда, 23 яшар қирчиллама йигит, «Мажолис ун-нафое»да тилга олинган маҳал эллики қоралаб қолган хушчақчақ эркак, Бобуршоҳ ҳузурнда эса қулги санъатида бутун Хуросонда танилган 74 ёшли мўсафид сифатида тасавур қилса бўлади. Ёши улғайиб, ижрочиликда маҳорати олган сайин унинг исми шарифи, лақаби ҳам узгариб боради. Йигитлигида Сайид Гиёс, урта яшарида Сайид Гиёсиддин, Сайид ширға, XV аср бошларида эса Гиёс масҳара деб аталган.

Гиёс масҳара асли машҳаллик бўлса-да туркигуй қавмлардан. У ҳам Хуросондаги бошқа олиму санъаткорлар қатори икки тилли (зуллисоний)дир. Юқорида унинг форс тилидаги Навоий эслаб ўтган бир байтини кўрдик. Жомий, Навоий ва Гиёс масҳара уртасидаги савол-жавоб эса узбек тилида бўлиб ўтган.

Хулласи калом юқорида келтирилган далиллар Сайид Гиёсиддин масҳарани ўз даврининг атоқли қулги устаси, анъанавий театрининг моҳир ижрочиси, дейишга тула асос бўла олади.

ТАҚЛИД ВА УНИНГ НАМОЯНДАЛАРИ

Алишер Навоий даврида қулги санъатининг тақлид номли тури кенг ёйилган. Унинг эркин намояндалари муқаллидлар деб аталган. Муқаллидлар чоғроқ йигиларда (меҳмонхона ва махсус зифатларда) якка-якка ҳолда олад-да ўз кийимларида чиқишган. Ҳаётдаги қулгили воқеалар, ҳолатларини бадиҳа йўли билан бургиртий тасвирлашган, аниқ шахсларни ҳазил-мазаҳ қилишган. Қўш ёки ҳайвонларга тақлид қилган вақтда қиёфаларини ҳам узгариштирган. Улар суздан кура купроқ имо-шпора, ҳаракат усулларидан фойдаланганлар. Муқаллидларнинг ўз маъромалари бўлса-да, баъзан зифат ёки тўй этганини буюртмаси билан ўшиб издиҳомда иштирок этаётган айрим кишиларга тақлид қилди қулчиликни бадиҳий қулдиришган.

Алишер Навоийнинг тақлид санъатида муносибати ижобийроқ. Буни шоирнинг халқ масҳараларига бўлган қарши билан қиёс қилганда, янада ойдинлашади. «Маҳбул-қулуб» асарига бу хуусида бир танбиҳи бор. «Разли дониёсим, — деб ёзади шоир, — ҳазил қилиги бўлмай, қулдурмак учун тобонинг қичиги бўлмай. Фасақа хайлида муқаллидеки, гарази эл қулусидур, гўё фоҳишаи қаҳбанинг кўргани кургузган кўзусидур. Рақик ҳал иштиголикни бўлмай биронинг мужибни инфилои ёмонларга ширдур ва яхшиларга андин ордур».

Қўрииб турибдики, бу парчанинг дафъатан мағзини чақиб қийин. Шу боисдан бўлса керак, Алишер Навоийнинг ўн беш жилдик асарлари мажмуасида «Маҳбул-қулуб» маъмуни тўлалигича ҳозирги тилимизга кўчирилган-у, лекин шу 74-танбиҳ таърифи қолдирилган. Мен шу парчани қуйидагича англадим: «Пасткаш одамнинг қилиги ҳазил бўлади, тобонни қитиқлаб қулдиригандай қулди-редди. Сўз усталари ичида муқаллид борки, нияти элини қулдиришидир, гўё кўзгуда бузуқ фоҳишанинг кўрганини кўрсатгандай бўлади. Суюқ ҳазил машғулотни биронинг ҳижолатига сабабчи бўлади, бу ўз навабатида ёмонларга

шиордур, яхшилар ундан орланадилар». Наазиримда, Навоий бемаврид ҳазилдан муқаллидни устун қўймоқда. Муқаллид, унинг фикрича, кўзгудай гап, томошабинлар ҳаётдаги ярамас одатларнинг аксини кўрадилар. Бемаврид ва суюқ ҳазил эса қитиқлаб қулдиригандай мажбурийдир, яхши кишини ҳижолатга солиб, уялтириб қўяди, ёмон кимсага эса аини мудоа.

Алишер Навоий даврида муқаллидлар анчагина бўлиб, баъзи бирлари саройларда ҳам хизмат қилганлар. Юқорида эслаб ўтганимиз Гиёс масҳара ҳам ўттир муқаллид бўлган экан. Негаки, Бобуршоҳ баъзда утирганлардан неча кишини тақлид қилишни буюрган бўлса, барчасини бажарган. Умуман, малакали масҳараларнинг ҳаммаси ҳам тақлидга уста бўлишган. Шу билан бирга фақат тақлид, латифа сингари кичик қулгили жанрлар билан шугулланиб келганлар ҳам оз эмас. «Мажолис ун-нафое»да муқаллидлардан Мавлоно Абдулусеъ, Абдулло Девона, Хожа Дехдор, Амир Низом муқаллид, Мир Муртоз (Вали Шалойин) ҳақида муҳим маълумотлар берилди. Алишер Навоий уларни ҳўрмат билан тилга олади.

Чуночки, Мавлоно Номий деган шоирга берилган тавсифда қуйидагиларни ўқиймиз: «...Шайх Абдулло Девона ва Хожаи Дехдорки, ҳазрат подшоҳ мажлисида надимлик юзидин кўп элни тақлид ва ташбиҳ қилур, мустаҳсан тушар. Мавлононинг (сўз Номий ҳақида — М. Қ.) тақаллумида бир ҳол борким, ани анга ташбиҳ қилиб-тур, сабўн чайнайдур ва оғиздин мағзоба зоҳир буладур ва тақаллумини ҳам тақлид қилурда иккаласини аҳли идрок кўп таҳсин қилурлар».

Демак, шайх Абдулло Девона билан Хожа Дехдор подшоҳ саройида муқаллид сифатида тез-тез кўриниб турган, улуглар хоҳиши билан «кўп элни тақлид ва ташбиҳ» этиб, аҳли давлатни, асладоларни қулдириб юрган. Уларнинг тақлид нишонларидан бири бечора мавлоно Номий бўлган экан. Чунки мавлоно гапни чайналиб, эзмаланиб гапирган ва худди совун чайнагандай оғзидан қулпик сараб турган. Мавлоно Номийдаги мана шу камчилики Абдулло Девона билан Хожа Дехдор шундай қотириб тақлид қилишганки, кўрганлар уларнинг ижро маҳоратига таҳсиян ўқишган.

Навоий маълумотидан англашладикки, Шайх Абдулло Девона билан Хожа Дехдор подшоҳ мажлисида купинча бирга бўлиб, тақлид қилишган. Лекин алоҳида-алоҳида ўйнаган, иккаласи бир тақлидда икки ролда бир вақтининг ўзига чиқмаган бўлса керак. Аммо бир тақлидни бйрин-кетин мустақил бажаришган ва узаро тортишган. Жумладан, мавлоно Номий тақлидда Абдулло Девона ҳам, Хожа Дехдор ҳам зўр бўлган. Навоийнинг «кўп элни тақлид ва ташбиҳ қилур мустаҳсан (чиройли — М. Қ.) тушар» деган жумласи шундан дарак беради. Аммо шоир тақлидлар ичида биттасини, яъни ўзига жуда ёққанини алоҳида қайд этади.

Юқоридаги тавсифда Алишер Навоий Абдулло Девона билан Хожа Дехдорни подшоҳ мажлисларида надимлик қилганини тилга олади. «Надим» йнгиини, баъзни, томошани бошлаб берувчи деган маънони билдиради. Оврўпода бундай вазифагагилар церемонемейстер деб аталган. Бу осон иш эмас. Айниқса, подшоҳ йнгилиларни маъмули ва қизқарғили қилиб уюштириш катта билим, сўз-моллик, маҳорат талаб қилган. Бундан чиқадики, Абдулло Девона билан Хожа Дехдор шунчаки муқаллид эмас, кучли базоро, бадиҳагуй ҳам бўлишган экан.

Шайх Абдулло Девона замонасининг баркамол кишиларидан ҳисобланган. Таъкирда унга шундай баҳо берилди: «Шайх Абдулло — даги агарчи мажнуншоир кишидур, аммо чун солим фитрати бор, гоҳ-гоҳ тилига наамлар утар... Деса булурким, анинг уйда зано-марди ҳуш таъбдурлар». Ушбу муъжазига тавсифдан шуни фаҳмлаш мумкинки, Навоий аввало, Абдулло Девонани бутун оиласи билан яхши билган, унинг солим табиати, мажнуншоирлиги, хуштаъблги учун чуқур ҳўрмат қилган.

ТУРКЎЙ ХАЛҚЛАР ШАЖАРАСИ

Кейинги йилларда жаҳон харитасида янги мустақил туркий давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Озарбайжоннинг пайдо бўлиши муносабати билан узимиздагина эмас, бутун дунёда ҳам туркий халқларнинг тарихий илдизларига қизиқиш кучайди. Ҳатто, XXI аср халқаро муносабатларида уларнинг иштироки сезиларли бўлиши тўғрисида башоратлар бор. Аммо туркий халқлар тарихи, уларнинг келиб чиқиши ва қадимий илдизлари хусусида ҳамон бир-бирига зид қарашлар, ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Шоир ва журналист Носир Муҳаммаднинг Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Гога Хидоятлов билан суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

— Гога Аброрович, сизни «Менинг жонажон тарихим» китобининг муаллифи, мамлакатимиз тарихи билан узоқ йиллардан бўви шугулланган қалаётган олим сифатида яхши биламиз. Айтган-чи, туркий халқларнинг шаклланиши қандай ва қаерда кечган? Туркшунос олимларнинг кўпчилиги фикрича, туркий халқлар тарихи эрамининг биринчи асрларидан бошланади ва Олтой уларнинг асл ватанидир. Жумладан, сиз ҳам юқорида номи тилга олинган китобингизда бу қарашни қўллаб-қувватлагансиз. Ҳозир ҳам шу фикрдамыз?

— Йўқ, кейинги тадқиқотлар бу қарашларнинг нотўғри эканлигини кўрсатди. Аслида, бу фикр дастлаб рус шарқшунос олимлари томонидан илгари сурилган. А. Кляшторний сингари йирик туркшунослар уни янада ривожлантирган эдилар. Аммо кейинги йилларда тулланган қўлдан-қўл янги маълумотлар, ўрганилган тарихий манбалар туфайли бу борадаги тасаввурларимиз анча кенгайди. Турклар — жаҳондаги энг қадимий халқлардан бири. Уларнинг шаклланиши Евроасиё мивтақасининг катта қисмида — Урта Осиёда Сирдарё, Зарафшон ва Орол денгизи ҳавзаларида, Олтой ва Сибирда Енисей, Иртиш, Тоболь ва Урхун дарёлари бўйича кечган. Бу жойлар Амурдан Днепргача, Енисейдан Амударёгача чўзилган бук дашт туфайли бир-бири билан туташган. Ана шу даштда турмуш тарзи, тил, анъаналар бирлиги вужудга келган, турли қабилалар заминида турк этноси пайдо бўлган.

Визингича, турклар дастлаб Урта Осиёда пайдо бўлган. Хитой манбаларида эрамининг I асрларидек бу жой «Туркистон» деб аталганлиги бежиз эмас. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, эрамаздан аввалги XV асрда турклар шу ерда яшаган. Академик С. П. Толстов Амударёнинг қўйи оқимида яшган Калтаминоор маданияти вакиллари ана шу туркларнинг аجدди, деб ҳисоблаган. Олимнинг фикрича, кейинчалик улар «Афросиёб турклари» номи билан машҳур бўлган. Бу эса эрамаздан олдинги III-IV минг йилликка тўғри келади.

Туркий халқлар турли тилларда турлича номланган. Рус солномаларида улар «печенеглар», «кипчоқлар» ва «булғорлар» деб аталган, юнон тарихчилари уларни «скифлар». Хитой манбаларида «хунлар» деб номланган. Аммо эрамининг I асрларидан бошлаб, улар ягона «турк» номи билан атала бошлаган.

Таъқиқ рус шарқшуноси И. Вичурин шундай деб ёзган эди: «Шарқий Океандан (яъни Тич океанидан) Гурга то Каспий денгизигача бўлган Урта Осиёнинг бутун ҳудудида қадимда ҳам бу мамлакатда ҳозир яшаб турган халқлар яшаган, авлодлари икки минг йил ўтгандан кейин ҳам риюя қилаётган турмуш тарзига риюя қилган,

авлодлари ҳозир ҳам яшаб турган ҳудудларда истиқомат қилган».

— Қадим замонларда Урта Осиёда фақат турклар эмас, балки бошқа халқлар ҳам яшаган. Алишер Навоий узининг «Муҳокамат ул-лугатайн» асарида шундай ривоятни келтирди: Нуҳ пайғамбарнинг уч угли бўлган — Ўфас, Сом ва Ҳом. Ўфасдан туркий халқлар, Сомдан форслар, Ҳомдан ҳиндлар тарқалган эмиш. Бу ривоят учала халқнинг ҳам илдизлари ниҳоятда теран эканлигидан далолат беради. Ҳуш, Эронийнажод халқлар Марказий Осиёда қачон пайдо бўлишган?

— Урта Осиёда қадимдан икки гуруҳ халқлар ёнма-ён яшаган. Туркларнинг аجدдлари, асосан, Сирдарё ва Орол бўйларига яшаган бўлса, Амударё ёқалаб Орий қабилалар истиқомат қилган. Олимларнинг аниқлашича, Орий қабилалар эрамаздан олдинги XV асрда аста-секин Жануб томонга силжий бошлаган. Эҳтимол, бу минтақада иқлимнинг совуқлашиб бориши ва турмуш шароитларининг узғариши билан боғлиқдир. Улар Копетдоғдан ўтиб, Эрон паё текислигига қўним тодилар. Юнон тарихчилари бу қабилаларни «орийлар» деб атай бошладилар. Амударёнинг юқори қисмидаги қабилалар Ҳиндикуш тоғидан ўтиб, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда жойлашишди. Улар бу ерда яшаётган халқлар билан аралашиб, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларининг таркибий қисмларига айландилар. Уларнинг айрим гуруҳлари Хоразмда, Сугда, Қашқадарё ва Сурхондарёда, шунингдек, Амударёнинг юқори қисмидаги Бадахшон тоғ водийларида яшаб қолдилар.

Айни пайтда, туркий халқлар нуфузи тез суръатлар билан орта борди. Улар узтарган шароитларга тез мослашдилар. Беноён дашт кенгликлари, сувларнинг сероблиги, қўлай иқлим амалда аҳолининг тез ўсишига замин яратди. Вазиятга қараб, турклар кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ тарзда турмуш кечирдилар. Тарихда биринчилардан бўлиб ҳайвонлари кулга ўргатдилар. Улар маданийлаштирган отлар кўчманчи ҳужалиқнинг асоси бўлиб қолди. Турк қабилалари қиёқа фурсатда орий қабилалар ўрнида қолган бўшлиқни тўлдирдилар.

Даштнинг мураккаб шароитида усган турклар ўзларининг чидамлиги, серҳаркатлиги, кучи ва топқирлиги билан ажралиб турарди. Улар орасида ўтроқ яшайдиган моҳир деҳқонлар ҳам, кўчманчи ҳаёт кечирадиган чорводорлар ҳам, ўрмонларда кун ўтказадиган дарахт кесувчилар, ҳайвон овловчилар ҳам бор эди. Дарё ва кўл қирғоқларида балиқ овлаш ва қайиқсозлик билан шугулланардилар. Хуллас, тоғдами, чўлдами, текислик ва водийлардами, қаерда бўлмасин, шароитга тез мослашшар, ўзларини керакли турмуш воситалари билан татминлай олардилар.

Туркий халқларнинг бирлашувида туркий давлатчиликнинг шаклланиши ҳам муҳим аҳамията эга бўлди. Улардан биринчиси Ҳузохон империяси эди (эрамазгача 214-176 йиллар). Қумон давлати, Эфгалитлар давлати, Турк хоқонлиги, Уйғур хоқонлиги, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Салжуқийлар, Разнавийлар, Султон Санжар давлати туркий халқларнинг бирлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳудудий яхлитлиги ва миллий ўз-ўзини англаши, ягона анъана ва урф-одатлар, ягона тилининг шаклланишида муҳим босқич бўлди. Урхун-Енисей ёзувида ягона турк эли, яъни бир халқ, бир ватанга мансублик туйғуси яққол сезилди.

Мовароуннаҳрда Сомонийлар давлати қолдирган изни ҳам айтиб ўтиш керак. Унинг форс ва араб тили ҳукмдорлари ана шу икки тили, араб ёзувини ёшида кўп иш қилдилар. Аммо Қорахонийлар ҳукмронлигидан кейин турклар Мовароуннаҳрнинг мадания, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида яна етакчи ўринни эгалладилар. Барча туркий халқлар Исламини қабул қилдилар. Бу диний ёйишда бошқалардан ҳам кўпроқ жидду жаҳд курсатдилар. Исламнинг сунний маъзаби ва турк тили туркий халқ-

ларнинг Х асрадаги бирлашувини таъминлаган муштақам замин ваифасини ўтади.

Араб тарихчиси Табарийнинг ёзишича, VII-VIII асрлардаёқ Балх, Тоҳаристон (яъни ҳозирги Афғонистоннинг марказий қисми), Бодғис, Сарахс, Чағонён, Бухоро, Самарқанд, Ташкент, Фарғона аҳолисининг асосий қисми турк бўлган. XI асрда Маҳмуд Қошғарий Касийй денгиздан Хитойгача бўлган барча ҳудудлар туркий халқлар ери эканлигини ёзган эди. У Самарқанд, Ташкент, Узкент, Хуқанд, Тунқанд каби шаҳарларнинг номлари ҳақида гапириб: «Канд — туркча «шаҳар» демакдир. Бу шаҳарларни улар қурдилар ва улар номладилар», деб таъкидлаган эди. VII асрдаёқ туркларнинг ўз ёзуви бўлган, улар ўз фарзандларини саводхон қилишга интилганлар. Амалда икки хил ёзув бўлган — 25 ҳарфдан иборат сўғд ёзуви ва 28 ҳарфдан иборат тоқузғуз, яъни уйғур ёзуви. Иккала ёзув ҳам ундан чапга қараб ёзилган, ҳарфлар бир-бири билан болганмаган.

Сомониёлар даврида уч марказий шаҳар — Бухоро, Сўғд (Мароқанда) ва Марвда асосан форс тилида сузлашувчи аҳоли яшарди. Турклар уларни «тожиқ» деб атайдилар. Бу шаҳарлар узнга хос уч орол эди. Аммо кўп ўтмай салжуқийлар ва қорахонийлар вааянтин тубдан ўзгартирилди. Марв ва Нишопур салжуқийлар томонидан, Мароқанда ва Бухоро қорахонийлар томонидан эгалланди. Турклар янги Самарқанд, Хуқанд, Ташкент шаҳарларига асос соддилар. XI асрда барча собиқ Эрон вилоятлари турклар қўл остига ўтди. Шундан сўнг эронийлашад халқлар Мовароуннаҳрда ўз давлатларини тўза олмадилар ва сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётга сезиларли таъсир ўткази олмадилар.

XI-XII асрда форс тили саводли ва маълумотли одамлар тили эди. Ҳатто, турклар ҳам, гарчи ёзувлари уйғур ёзуви бўлса-да, бу тилин ўзлаштиришга интилар эдилар. Бу жараён, асосан, марказий шаҳарларда кетган. Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давридан бошлаб шаҳарларда ҳам туркий аҳоли нуфуси орта борди. Масалан, Гурганч Текиш даврида унинг хотини Туркон хотунга қарашли ҳарбий бирлашмаларнинг жангчилари билан тўғлиб-тошган эди. XIII асрда Чингизхон юришлари тўғайли шаҳарлар аҳолиси таркиби кескин ўзгарди. Олдинги аҳоли қочиб кетди ёки жангларда ҳалок бўлди. Улар урнини Чингизхон лашкарлари билан келган туркий қавмлар эгалладилар.

— Дарвоқе, Чингизхон, билан туркий қабилалар уртасидаги муносабатларга тўхталсангиз. Амир Темур шажарасини ёзган барча тарихчилар унинг мўғуллар билан қариндошлигини таъкидлайди. Бобуршоҳ империяси эса Ғарба «Буёқ мўғуллар империяси» деб номланган. Хуллас, мўғуллар ва турклар уртасида қандай ақинлик бор?

— Боя Уғузонинг улкан империяси ҳақида гаплашган эдик. У уша пайтда Мугулистонни забт этиб, 20 дан ортқик турк қабиласини уша ҳудудга жойлаштирган эди. Шунингдек, Афғонистон ва Шимолӣ Хиндистонни эгаллаб, икки йирик турк қабиласини — қарлуқлар ва қалачларни (халаяқлар) жойлаштирди.

Тарихчи Хондамир XV асрда Мугулистонни «Туркистон» деб атайди. Бу, албатта, бежиз эмас эди. Чингизхоннинг Урта Осиёга юришига қадар Мугулистон аҳолисининг катта қисми турк эди. Абдулоқо Буходирхон бу ерда яшаган 22 турк қабиласи номларини санаб ўтади.

Бунга Рашидиддин қайд этган яна бир неча қабилани илова қилишимиз мумкин. Улар орасида найманлар, 700 йил кейин Хива хонлигининг узагини ташкил этган қўнғиротлар, Бухоро амриригида мангитлар сулоласига асос солган мангитлар каби қудратли қабилалар бор эди. Айни пайтда бутун Туркистон бўйлаб ёйилиб кетган қабилаларни ҳам қуриш мумкин эди. Масалан, халаяқлар Балхда, Или бўйларига, Олтой ва Мугулистонда яшаган бўлса, қарлуқлар ҳам жуда кенг ҳудудда истиқомат қилган.

Мугулистон Уғузон империясининг шимолӣ шарқий чегарасида жойлашган эди. Кейинчалик уни ўз давлатининг таянч қисмига айлантирди. Янги пойтахт — Қоракўрумга (яъни Қоракўм) асос солди. Бу шаҳар сўнгга мугул давлатининг ягона пойтахти сифатида Урга, Улан-Ватор номлари билан аталди. Ун икки аср мобайнида бу ерга турк қабилаларининг кўчиб ўтиш жараёни давом этди. Урхун, Ёнисей, Селенга дарёлари бўйида улар ўз тараққийлари учун қулай шароит топдилар. Ана шу мўдатда маҳаллий мўғул қабилаларининг туркийлашуви жараёни давом этди. Улар турк атанавалари, урф-одатлари ва тилини қабул қилдилар. Уғузондан 15 аср кейин

Чингизхонни Уғузон одатига қўра тахтга қўтардилар. Чингизхон ўз ясаида Уғузоннинг барча қонуларини амалда тақрорлади. Мугулистон туркий халқлар конфедерацияси бўлиб, турклар унда етакчи сиёсий куч эдилар.

Чингизхоннинг ўзи ким эди — туркми ёки мўғулми деган саволга очиқ-ойдин жавоб бериш қийин. Абдулоқо уни турк деб атайди.

Бунинг, албатта, маълум сабаблари бор. Чингизхоннинг отаси Ёсугай баҳодирнинг лақаби «Бурчиган» бўлган. Турк тилида бу «Шахло қўзи» деган маънони аналтди. Абдулоқоннинг фикрича, бу таъриф мўғулларга хос эмас. Чунки улар тунгуслардан бўлиб, қиёфалари бўртган ёноқ суяклари ва қийқ қўзалари билан ажралаб турган.

Чингизхон найман, боёвут, қўнғирот ва барлос сингари кучли турк уруғлари ичиде ягона етган. Унинг катта хотини — Бурта Фуджин қўнғиротлар оқсоқолининг қизи эди. Бу қабила кериатлар билан бирга Чингизхоннинг тахт учун курашида ва хон деб эълон қилинишида муҳим ўрин тутган. Кериатлар бошлиги билан у ота-бала тунтинган эди. Чингизхоннинг болалари ҳам унинг турк хотинларидан турилган. Жўчи ва Сартак қўнғирот уруғидан бўлган хотиндан турилган. Жўчининг ўғли Урланинг уч хотини Қўнғирот уруғидан эди. Унинг бошқа фарзандлари марикт, кериат, найман, аргун, жалор уруғларидан уйланган эдилар.

Чингизхоннинг онаси Олул деб аталган турк уруғидан эди. Исми ҳам Олул бўлган. Қудратли ҳўкмдор турк тилини ундан урганган бўлса керакки, одатда туркча сузлашган. Фақатгина сузлашиб қолмай, шу тилда шеърлар ҳам тўққиган. Нақл қилишларича, бир куни буёқ оқин унга Жўчининг улими ҳақида шеърини шаклда хабар берганида, Чингизхон худди шу тарада унга жавоб қайтарган.

Оқин — улуг жирчи унга шундай дейди:

*Тенгиз баштин булганди, ким тиндурур, о хоним?
Терек тубдин жигилди, ким тургузур, о хоним?*

Чингиз унга жавобан дейди:

*Тенгиз баштин булганса, тиндурур улим Жўчидур,
Терек тубдан жигилса, тургузур улим Жўчидур.*

Улуг жирчи қўзидаги ёшни қургач, Чингизхон яна шундай дейди:

*Қузуиғ ёшни чуқуртур, қўнғулдунг тўлди булғайми?
Жиринг қўнғул ўқуртур, Жўчи улди булғайми?*

Чингизхон ўз саройига маъмурулар, мираазлар, маслаҳатчилар ва вазирулар тарзида уйғурлар ҳамда Урта Осиёдан борганларни қабул қилганлиги ҳам бежиз эмас.

Бу даврга келиб уйғурлар ўз ёзувларини яратинди ва шу асосда энг қадимий турк адабиёти вужудга келди. Ҳалигача унинг турк халқлари маданияти ранвақида тутган аҳамияти тўлиқ очиб берилмаган. Бу адабиёт тилига эрон, сўғд, санскрит ва хитой тилларидан жуда кўп матнлар уғирилган. Бу эса кейинчалик турк ва, аввало, мбор, ўзбек маданиятининг шаклланишида муҳим замин ваифасини ўтади.

Уйғурлар Чингизхон саройининг амалдорлари сифатида унинг Урта Осиёга юришида иштирок этди. Улар Мовароуннаҳрда, Хурсонда, Эронда хонинг фарзандлари ва невараларига хизмат қилди. Чингизхоннинг урта асосий маслаҳатчиси бор эди: уйғур Тат-Тюн, хоразмлик Маҳмуд Ялавчо ва Хитой қабиласидан Ялу Чинк-пэй. Биринчиси фарзандларига ўқитувчилик қилиб, уйғур ёзувини ургатарди, иккинчиси иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича маслаҳат берад, учинчиси эса Хитой билан муносабатлар бўйича маслаҳатчи эди.

Чингизхон ўз империясини ўғилларига бўлаётиб, Мовароуннаҳрни Чигатойга берди ва «Чигатой улуси» деб номлади. Чингизхон ана шу улусни ўз империясининг муҳим қисми ҳисоблаб, у ерда ягона бошқарувни ташкил этиш учун Тат-Тюн ва Маҳмуд Ялавочни Чигатойга ёрдамчи сифатида қолдирди. Ҳақиқатан, улар Урта Осиёга ягона фуқаро бошқарувини ташкил этишди. Янги қўчиб келган турк қабилаларини уларга ажратилган ҳудудларга жойлаштиришди. Лекин уларнинг энг буёқ хизмати янги «Чигатой» турк тилининг вужудга келишида бўлди. Бу тил бутун Мовароуннаҳрда яшаётган халқлар уртасида муомала воситасига ва шу ҳудудда расмий иш юритиш тилига айлиниши керак эди. Назаримда, бу тил уйғур тили ҳамда унга яқин бўлган қорахонийлар (қорлуқ, тўхси

ва чигилай) тилининг элементлари асосида ташкил топган ва Чигатоё томонидан бутун Урта Осиёга жорий этилган. Бу жуда қийин ва мураккаб жараён эди. Чунки, уша даврдага адабиётда ва иш юритишда мусулмон шарқида кенг ёйилган араб ёзуви асосидаги форс тили ҳукмрон эди. Янги Чигатоё тили уйғур ёзувиغا асосланган эди. Зеро уша пайтда Урта Осиёда келиб чиқиши туркий бўлган тахминан 42 қабилла яшар, уларнинг тили ягона туркий асосга эга бўлса-да, луғавий захираси бир-биридан фарқ қилар эди. Бу тилининг ёйилиши яна 150 йил керак бўлди. Фақатгина Амир Темур даврига келиб, ҳали унинг саройидаги котиб ва солнамачилар форс тилидан фойдаланган бир пайтда уйғур ёзувидаги янги чигатоё тили расмий давлат тилига айланди. Навоий чигатоё тилини шеърятга олиб кирди. Шундан сўнг бу тил бутун турк халқлари Уртаосида кенг тарқала бошлади.

— Марказий Осиё ўз тарихи давомида қўлланб босқинларини шоҳиди бўлган. Табиийки, аҳолининг этник таркиби ҳам ўзгара борган. Чингизхоннинг юриши ҳам бундан мустасно эмас. Шу ҳақда нима дейсиз?

— Мен бун «юриш» деб эмас, балки, жуда кўп миқдордаги турк халқларининг ўз тарихий ватанлари, яъни Урта Осиёга қайтиши деб атаган бўлардим. Ассосан, Мугулистон ва ҳозирги Чита вилояти худудидоги ҳамма туркий халқлар Чингизхон қўшинига кирган эди. Унинг таркибида жами 600 мингга яқин одам бор эди. Улар ичидо нафақат жангчилар, уларнинг уруғлари ва оилалари, аёллари ва болалари ҳам бор эди. Бу турк халқларининг буюк кучиши эди. Улар бўш водийлар, паст текисликларда, баъзилари шаҳар ва шаҳар атрофларида жойлашдилар. Янги шаҳар ва қишлоқлар пайдо бўлди (Қўнғирот, Нукус, Аргун, Бовбув ва бошқалар). Улар тезда маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетиши ва янги турк давлатининг асосини ташкил этишиди. Урта Осиё аҳолиси нуфузи жуда тез оша бошлади. Темур даврида турк уруғларининг сония 42 та бўлса, XIX асрга келиб 92 тага етди.

Кастияя қиронининг элиси Клавихонинг XV асрда Темур саройига саёхати пайтида ёзишча, бутун Мовароуннаҳр аҳолиси туркий тилда гаплашар экан. Бундан ташқари, Чингизхоннинг асосий ҳужумлари шаҳарларга қаратилди. Қаршилик кўрсатган шаҳарлар яқсон қилинар ва ёқиб юборилар эди. Шаҳар аҳолисининг бир қисми ҳалок бўлар, қолган қисми қувгинга учурди. Шаҳарларнинг қайтадан тикланиши Чингизхон билан келган янги аҳолига боғлиқ эди.

Турклар доимо моҳир ҳўнарманд бўлганлар. Темирчи, кўчи, қурувчи, қуролсоз, эгарсоз, ёғоч усталари шулар жумласидандир. Улар қайтадан тикланган шаҳарларнинг аҳолиси ва қурувчиларига айланди.

— «Узбек» деган сўзининг миллат номига айланиши борасида ҳам туркча қарашлар бор. Амир Темур, Хусайн Бойқаро, Бобур ҳақидаги тарихларда уларнинг «узбеклар» билан кураши ҳақида сўз боради. Бу эса тарихдан унча бохабар бўлмаган одамда нотўғри тасаввур уюлганда. Хўш, биз қачон «турк»дан «узбек»ка айланиб қолдик? Бу жараён қандай кечган?

— Маълумки, тили ва маданияти бир хил, урф-одати, анъаналари ва иқтисоди умумий бўлган барқарор этник гуруҳ ривожланишининг маълум босқичида миллат шаклланади. Аммо бу шартли тушунча, умумий қабул қилинган андоза бўлиб, ундан мустасно ҳоллар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, арабларни фақат тили ва дини бирлаштириб туради. Шундай бўлса-да, ҳамма жойда «араб» деб ёзилди. Ёки яҳудийларни олак, уларнинг давлати Иудея эрамининг I асридаёқ яқсон қилинган эди. Улар бутун ер юзига тарқалиб кетган бўлса-да, уларини яҳудий миллатига мансуб деб билишари ва аксарият ҳоziр-гача қадимги Иудея ёки Исроилда урнатилган урф-одатларга амал қилишари.

Узбекларнинг миллат сифатида шаклланиши жуда узоқ йўлни босиб ўтган. Ҳозирги вақтда ҳеч ким бу тарих қайси даврдан бошланганини аниқ айтиб беролмайди. Назаримда, бу биз учун унчалик ҳам муҳим аҳамиятга эга эмас. Чунки биз туркий халқларнинг бир бўлганимиз, улар билан бизни қон-қардошлик ришталари боғлаб туради. Бу бизнинг умумий оиламиз. Агарда кимдасим узбек халқининг тарихий илдияни бундан бошқа жойдан қидиришга ҳаракат қилса, у, албатта, тарихий маълумотларни ўзининг хаёлий тахминларига мослаштириш бўлади ва тарихни бузиб кўрсата бошлайди. Биз ҳазир нари борса «узбеклар» атамаси қандай, қачон ва қарерда пайдо бўлганини аниқлашимиз мумкин. Узбекларнинг тарихи

ҳақидаги маълумотлар урушдан олдин ҳам маълум эди. Афусуски, бизнинг йирик олимларимиз, неғадир, ундан фойдаланмайдилар.

«Узбеклар» атамасининг келиб чиқиш тарихи, албатта, Олтин урда хони — Узбекхон (1313-1349) номи билан боғлиқ. Олтин урда тахти учун курашда у ўз рақибларини енгиб, 1321 йилда яқна ҳокимиятини урнатди ва Ислонми қабул қилди. Бу воқеа Дашти қишлоқдоги вазиетни тубдан ўзгартириб юборди. У ўз қизини Миер ҳукмдори Малик Носирга турмушга бериб, Ислон дувеси билан яқиндан алоқа урнатди. Дашти қишлоқда Ислонми ёя бошлади. Масжид ва мадрасаларнинг қурилиши кенг қўлоқ ёйди. Тез орада Олтин урда ҳудудида Ислон дини устувор бўлиб қолди. Шундай қилиб, турли уруғлардан иборат Жўчи улуси бир динга боғланди, ҳам сивсий, ҳам этник жиҳатдан ягона бирликка айланди. Шундан сўнг Жўчи улуси узбек улуси деб атала бошлади. Ушанда илк бор Эрон тарихчиси ва географ Хамидуллоҳ Қазвиний (1281-1350) янги давлат пайдо бўлганини қайд этган эди. У бутун Олтин урда қўшинини «узбеклар», давлатини эса «узбек мамлакати» («Мамлақати узбек») деб атади. Ундан кейинги яна бир Эрон тарихчиси — Муҳаммад Мирхонд (1433-1498) ўзининг 7 жилдлий умумий тарихга оид муҳим асарига Олтин урдани аниқ равишда «Узбеклар мамлакати» деб атайди.

Шундай қилиб, давлат бошлигининг исми этнонимга айланиди ҳамда уша ерда яшаётган халқнинг ва давлатнинг номини ифодалайди. Ҳар қалай, узбеклар салтанати Абулхайрхондан эмас, Узбекхондан, яъни юз йил олдин бошланган дейиш мумкин. Узбекхон авлиё Зағни ота ва Саид отани ўзининг маънавий ырлари деб қабул қилган эди. Саид ота уни Султон Муҳаммад Узбекхон деб эълон қилди ва ўз элини, яъни ўз уруғини Мовароуннаҳрда жуғатайча қудирди. Бу юришга шахсан Саид отанинг ўзи бош бўлди. Йўлда учраганлар ким ва қарердан келётганликларини сўрашганда, улар: «Биз Узбекхоннинг фуқароларимиз, узбекларимиз», — деб янаво беришарди. Демак, «узбек» этнонимини олдин эмас, XIV асрга келиб пайдо бўлади ва бу, албатта, Олтин урда хони — Узбекхон исми билан боғлиқ. Шунингдек, Дашти қишлоқ аҳолисини ҳам узбеклар деб атай бошлади. Узбек элининг шаклланиши ҳақида муҳим ва фавуқлода қизиқ маълумоти биз «Шаҳарат ул-атроқ»да ҳам қуришимиз мумкин («Узбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарининг қайта ишланган варианты»). Шунинг учун ҳам шу даврдан бошлаб, бу одамлар узбек деб атала бошлади», — деб ёзди муаллиф. Янги халқнинг қандай шаклланаганини кўрсатиб, яна дейди: «Улар Туркистон ерига келганларидан сўнг узоқ мудат ўтгач, келиб чиқиши турк бўлган одамлар аввалдан яқин бўлган Узбекхон улусига қўшилиб кетдилар». Узбекхон улусига, яъни узбекларга бошқа уруғларнинг қўшилиши ва уларини «узбеклар» деб аташи аввалги уруғчилик тўсиқларини синдириб, янги этник бирлик пайдо бўлаётганидан далолат беради.

Узбек халқининг шаклланиши жараёнида Амир Темур даври муҳим аҳамиятга эга бўлди. Амир Темур вафотидан юз йил сўнг Марказий Осиёда ҳокимият тепасига Шайбонийхон келди ва шу даврдан бошлаб бутун Марказий Осиё «Узбекистон» деб атала бошлади. Европа адабиётинида Марказий Осиёни аниқлаган «Узбекистон» сўзи биринчи марта 1642 йили пайдо бўлди. Буюк Бобуршоҳ авлоди Шоҳ Ҳаёхон саройида шифокорлик қилган француз Бернье «Буюк мугуллар давлати» китобида шундай деб ёзган эди. 1735 йилда Италияда чоп этилган харитада Тянь-Шаньдан то каспий денгизигача бўлган ҳудуд «Узбекистон» деб белгиланган.

Бу давлат қудратининг юқори чуққиси Абдуллоҳ (1534-1598) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. У 15 йил хон бўлди. Аммо шу давр ичидо ҳозирги Марказий Осиёни то Балхгача забт этди.

Шундай қилиб, номи Дашти қишлоқдан келган бўлса-да, узбек халқининг шаклланишида Марказий Осиёдаги турк уруғлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Қолаверса, тарихда бундай ҳодисалар жуда кўп учрайди. Инглиз халқи ўз номиини Скандинавиядан келган «англ» уруғидан олган, руслар ўз номларини скандинавиялик князь Росс номи билан боғлайдилар. Америка аҳолиси асосан инглизлар, испанлар ва французлар бўлса-да, халқ номи португалиялик денгиз сайёҳи Америго де Веспуччидан олинган.

— Қизиқарли сўхбатингиза учун раҳмат, Гога Аборович. Келгуси илмий изланишларингизга муваффақият тилаб қоламиз.

ҚАДИМИЙ АЖДОДЛАРИМИЗ — ТУРОЛАР

(ХИТОЙ МАНБАЛАРИ АСОСИДА)

Ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези)ни урганиш масаласи қупдан бери нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё олимлари эгибдорини жалб қилиб келаётган муҳим илмий муаммодир. Айниқса, Ўзбекистон муस्ताқил давлатга айлангани ва миллий мафкурасининг шаклланиши зарурияти муносабати билан халқимизда ўз тарихини, жумладан, келиб чиқиш тарихини билишга интилиш кучаймоқда. Ўзбек халқининг келиб чиқишини аниқлаш учун барча туркий халқларнинг ва улар билан ёнма-ён яшаган, яшаётган бутун Марказий Осиё халқларининг этногенезини, уларнинг муносабатларини урганиш ва манбалардаги маълумотларни илмий муомалага киритиш зарур. Шу билан бирга «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши асосида ушбу халқнинг этногенези ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди. Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудуди асосидаги ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг ажлодлари, таркибига кирган уруғ ва қабидалар, улар яшаган жойлар ҳақида ҳукм чиқариш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Бинобарин, ҳозирги ўзбек ажлодлари Марказий Осиёнинг ҳар хил жойларида истиқомат қилган ва фаолият кўрсатган.

Мазкур долзарб ва мураккаб масалани урганишда хитой эъма манбалари бениҳоя аҳамиятлидир. Зотан, аввалли манбаларда VIII асрдан маҳаллий ажлодларимиз ҳақида етарли даражада аниқ маълумотлар топилмайди, хитой манбаларида эса бундай маълумотлар кўп учрайди. Бинобарин, Хитой анбанашига кўра, милоддан аввалги 2005-1766 йилларида мавжуд бўлган ва Шя номи билан аталган кичик хонлик (ҳокимлик) давридан бошлаб, муҳим воқеаларни тош, суяк, хитой қамишларига тасвирий белгилар (иероглифлар) билан хотирлаш учун махсус амалдорлар белгиланган ва булар томонидан ёзилган хотиралар тангри амри билан амалга оширил-

ган муқаддас иш — аъмол деб қабул қилинган ҳамда авлоддан-авлодга қолдирилган. Шундай амалдорлар қаторида Су Же ва Рюй Сунлар биринчи уришларни эгалаганлар. Мана шу даврдан бошлаб то милоддан аввалги II асргача 200 га яқин хотиралар битилган. Бир томондан мазкур хотиралар хитой иероглифларининг шаклланишига асос бўлган бўлса, иккинчи томондан, аynи замонда Си Мочян (милоддан аввал 145 йилда тутилган) томонидан «Тарихий хотиралар» («Ши жи») номли асарнинг ёзилишига замин яратилган.

Гарбий Хан сулоласи (милоддан аввалги 206 ва милодий 8 йил) давридан бошлаб, ҳоқонлар амрига кўра сулодалар тарихини ёзиш анъанага айланган. Бундан ташқари, хитойлар (қадимда шялар) ўз атрофидаги қўшни халқлар, жумладан узларнинг шимолий ва гарбий ҳудудларида яшаган туркий халқлар билан яқин муносабатларда бўлганлиги, улар билан ер таллашиб, жангу жадаллар қилганлиги туфайли буларнинг, айниқса, ички вазият ва узаро курашлари, зиддиятларини ўрганганлар ва кўп маълумотларни эсдалик қилиб қолдирганлар.

Қадимги Хитой тарихчилари томонидан битилган тарихий хотиралар «ҳукмдорлар кузгуси» деб ҳисобланган. Албатта, Хитой манбаларида айрим камчиликлар йўқ эмас. Масалан, қадим замонларда хитойлар ўз мамлакатини дуненинг маркази ва маданият учоғи деб билиб, қўшни халқларни ёввойлар деб ҳисоблаганлар, хитой ҳоқонларини эса тангри фарзанди (тянзи) деб, ер юзидаги барча халқларни унинг фуқароси деб тушунаганлар. Шу асосда тарихий шахсларга ва воқеаларга баҳо беришган.

Бундан ташқари, хитой манбаларида келтириладиган маълумотларнинг кўп қисми хитой сайёҳлари томонидан эслаб қолинган кўрсатмаларга асосланган. Ушбу сайёҳлар эса узлари учун қизиқарли ва нота-

нинг бўлган нарсаларни, урф-одатларни, табиий шароитларини ва йулларини кўпроқ ёзиб қолдирганлар.

Бу жиҳатдан қадимги ажлодларимиз туролар таркибини ташкил этган қабидалар номлари ва улар яшаган жойлар ҳақидаги маълумотлар кимматлидир. Мазкур маълумотлар «Шимолий сулодалар тарихи» («Бэйши») ва «Суй сулоласи тарихи» («Суйшу») каби асарларда кўпроқ учрайди. Ушбу маълумотларга кўра туро (теолар) қуйидаги 44 қабиладан иборат бўлган:

- 1) путу (бугу, буку ёки беркут);
- 2) тушлу (тушро); 3) вэйхэ (уйгур);
- 4) боугу (бойиргу, бойирку); 5) фу ёки фуфуло, фуло (буркли); 6) мэнчэн (минчин, мкнчин ёки муйчин);
- 7) турухэ (туругур, турухур); 8) хун (хун); 9) се ёки ше (сир); 10) ху (хур); 11) сижэ (изгил); 12) чиби (чибни, чевик, жабирқо); 13) булу (бури, буру, буржи); 14) жиңде (жида, озий); 15) супу, субу (суг, суй?); 16) нохэ (нок, ног, баъзилар супу билан нохчи қўшиб сутноқ деб атайдилар); 17) уху ёки угу (угуз); 18) хэгу (қирғиз); 19) еде (иртиш); 20) юйниху (уйнугур, уранхай); 21) шяянто (сиртолуш, ше ва янто, сир ва толуш қабидаларининг бирикмаси); 22) делээр (длер, жарук); 23) шибан, шибан (забандер, забиндир); 24) лачи (?); 25) хэде ёки оде (одиз); 26) хэжэ (хозор); 27) буху (булгор, булгор); 28) бэйган (печенег, бачжмоқ); 29) жоухай (туғой, турғой, қуғой); 30) хэбэйши (абуси, қипчоқ, босмил); 31) хэсу (буртас?); 32) субо (свор, сор, сибир); 33) ему (емак, емук, емок); 34) кэдо (гот, гоч); 35) служэ (сароугур, саригур); 36) сансуян (саксин, соқсин); 37) мезу (моқшос, муқшус); 38) соху (черкес); 39) энчюй (онгор, онгор); 40) жоулифу (кутригур, кутир-гур); 41) олан (айрун, олон); 42) бэйфу (бошқирд); 43) вохун (оворхун, овор-хун); 44) дубо (гуво, губо).

Мазкур туро қабидаларининг номи баъзан ҳайвон, баъзан ер, даре ёки ўсимлик номлари билан боғ-

лик булган. Масалан: буку — буқа ёки буга, мичин — маймун, булу — бури каби қабилалар ҳайвон номи билан аталган. Иртиш — Иртиш дарёси, одиз — Сирдарёнинг бир тармоғи (ҳозир Ясси дарёси) билан номланган. Ҳозирча ҳамма туро қабилаларнинг номлари этимологияси аниқлангани йўқ. Лекин бу муҳим масала устида олимлар бош қотириб келмоқдалар, албатта, бу ишнинг натижаси ижобий булади, деган умиддамиз.

Туро қабилалари 7 гуруҳга бўлиниб, шарқда Байкал кули, Мугулустон ҳудудидаги Туро (Туло) дарёси атрофидан ва Шарқий Туркистон ҳудудидаги Кумул (Хами) вилоятидан бошлаб, ғарбда ушам замондаги Рим давлати чегарасигача булган улкан заминда яшаганлиги кўрсатилган. Масалан: буку, тунгро, уйгур, байиргу, фуло, (фу, фуфуло, бурклик, эркин), мичин, турсоғур, хун, ху (хур), ше, изгил каби 11 қабилани бир гуруҳ бўлиб, Туро (Туло) дарёси атрофида яшаган ва 20 минг кишилик қўшинга эга булган (айрим манба ва адабиётларда ху ва ше қабилалари бир қабилани деб кўрсатилади).

Чибни, булу (бури), жиди, супо, наҳэ, угуз, қирғиз, иртиш (еле), урнхай (юйниху) каби 9 қабилани иккинчи бир гуруҳ бўлиб, Шарқий Туркистоннинг шимолий ҳудудида, аниқроғи, Кумул вилояти ғарбидagi ва Қорашар дарёсининг шимол томонида яшаган бўлиб, уларнинг ҳам 20 минг кишидан иборат қўшини булган.

Сир-тодлуш, дилар, забандлар (пийпан) ва дади каби 4 қабилани учинчи бир гуруҳ бўлиб, Олтойнинг жанубий-ғарбий томонида яшаган. Бу гуруҳ 10 минг кишилик қўшинга эга булган.

Туртинчи бир гуруҳ туролар адиэ, хазар, булгор (буху), пеценег, гутай (жухай, чигай, жигай), босмил, хэсу, сибир (суба), емак (емо) ва гот (кэдо) каби уш қабилдан иборат бўлиб, Самарқанднинг Шимолида ва Сирдарёнинг юқори қисми атрофида яшаган. Улар ихтиёрида 30 минг кишидан иборат қўшин булган.

Бешинчи бир гуруҳ туролар саригур (сулудже), саксин, моқшос (мезу) ва черкес каби 4 қабилдан иборат бўлиб, Каспий денгизининг (Дейхай) шарқий ва ғарбий томонларида яшаган. Улар ихтиёрида 8 минг кишилик қўшин булган.

Олтинчи бир гуруҳ туролар онгор (энчюй), айрун, (олан), бейру жюлифу (кутригур), авархун (фува-

хун) каби 5 қабилдан иборат бўлиб, Рим давлатининг шарқий томонида яшаган. Улар ихтиёрида 20 минг кишидан иборат қўшин булган.

Еттинчи гуруҳ туролар таркибиди биргина тува (дула, тубо) қабиласи бўлиб, у шарқда Байкал кули атрофида яшаган. Булар ихтиёридаги қўшин сони кўрсатилмаган.

Мазкур маълумотлар бир томондан туро қабилаларининг таркибини ва яшаган жойларини кўрсатса, иккинчи томондан уларнинг умумий сони ҳақида ҳам тушунча беради. Бинобарин, ушбу маълумотга кура туро қабилалари ихтиёрида ҳаммаси бўлиб 108 минг кишилик қўшин булганлиги аниқ. Агар биз уртача 5 кишидан иборат ҳар бир оиладан бир киши ҳарбий хизматга жалб қилинган деб ҳисоблаганимизда туроларнинг жами сони 600 минг кишидан ортиқ бўлиб чиқади.


Хитой манбаларида Ғарбда яшаган туролар ҳақида маълумотлар кам, аммо, шарқий туроларга оид хабарлар кўп учрайди. Масалан, мазкур манбаларда хунлар давлати барбод булганидан кейинги бир неча асрлар давомида туро қабилалари гуруҳларининг таркиби ва турган жойлари мунтазам булмаганлиги зикр этилади. Бунинг мисоли тариқасида хитой манбаларидан қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин. Тонг сулоласи кўхна тарихнинг 195 бобида Янди (Дая) ҳоқон тахтага утирган йили, яъни 605 йили буку, тунгро, уйгур, байиргу ва фуфуло (фуло, сижан) каби туро қабилалари бирлашиб, бир иттифоқ тузганлиги ва бу иттифоқнинг номи Уйгур деб аталганлиги, уларнинг умумий сони 100 минг кишидан иборат булганлиги ва Шарқий турк ҳоқони Чулу ҳоқонга (619-621 йиллар) қарши жанг қилиш учун 50 минг кишидан иборат қўшин тузилганлиги кўрсатилган.

Мазкур манбанинг 99-бобида келтирилган маълумотларга кура, Сиртодлуш қабиласи олдинги турган жойидан, яъни ҳозирги Қозоғистон ва Шарқий Туркистон ҳудудидаги Олтойнинг шимолий томонидаги заминга кўчиб боради. У ерда шарқий турк ҳоқони Чулу ҳоқон (619-621 йиллар) даврида ушбу қабилани кўчайиб кетади, лекин у 648 йили бирлашган убку, тунгро, уйгур, байиргу қабилалари билан булган узаро курашда мағлубиятга учраганлиги тўғайи Уйгур деб аталган қабилалар иттифоқи таркибига кириб кетади.

Тонг сулоласи янги тарихининг 217-бобида уйгур, сиртодлуш, чибни, тува, кувиқон (гулган), телангут (дулангэ), буку, байиргу, тунгро, хун, изгил, хуше (хушут?), чигил, адиэ, барсуқ каби 15 қабилани бир иттифоқ булганлигини ва булар ҳам уйгур деб аталганини акс эттирилади. Тонг сулоласи кўхна тарихининг 199-боби иккинчи қисмида мазкур 15 қабилани ғарбий улкалардан қумлиқнинг шимолига, яъни Мугулустон ҳудудида кўчиб кетганлиги айтилади. Мазкур 15 туро қабилалари орасида юқорида кўрсатилган биринчи гуруҳ туро қабилалари таркибида булса, чибни қабиласи иккинчи гуруҳ сир-тодлуш қабиласи учинчи гуруҳ, одиз қабиласи эса туртинчи гуруҳ орасидан жой олган.

Турк ҳоқонлиги ташкил топганидан кейин туро қабилаларининг бирлашиш жараёни бошланди. Ушбу жараён тарихий адабиётларда батафсилроқ ёритилган. Бу ҳақдаги хитой манбаларининг кўрсатмалари илмий муомалаларга кўпроқ киритилган. Бу тўғрисида суз қиритишни ушбу мақоламиз доирасига киритишни маъқул топмадик. Аммо мазкур жараён натижасида туро атамаси аста-секин муомаладан чиқа бошлади, унинг урнига тужюэ (қадимги хитой талаффузида тукюю, дукию), яъни турк атамаси ишлатилди. Дастлаб ушбу атамани бир қабиланинг номи сифатида майдонга келган булса-да, VII асрдан бошлаб у туро қабилаларининг умумий номига айланади. Масалан: Тонг сулоласи кўхна тарихининг 99-бобида (15395-бет) ғарбий турк ҳоқони Чулу ҳоқон (600-611 йилларда тахтага утирган) кучайганидан кейин ҳамма туро (тэлэ) қабилалари унга итоат қилиб, узларини турк деб атай бошлади, деб ёзилганлигини учратамиз. Шимолий сулола тарихида эса туролар чавандозликда ва камон отишда моҳир булганлиги тўғайи турк ҳоқонлигини ташкил этишда катта хизмат кўрсатган, урушларда асосий юкни ўз зиммасига олган, деб кўрсатилган. Демак, қадимги туролар кейин узларини турк деб аташган.

Юқорида зикр этилганлар асосида айтиш мумкинки, туркий халқларнинг, жумладан ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини урганишда хитой манбаларининг аҳамияти бениҳоят катта. Улардаги маълумотлар илмий муомалаларга қанча кўп киритилса, ҳозиргача кам ўрганилган ёки жумбоқ бўлиб турган илмий масалаларни ечиш енгиллашади.



Совет даврида ҳам қаландар қиёфасида эди. Қайси даракдан кесиб олганини билмадим, аммо ушангаеқ гоҳо — эри-бутри бир таскни тутиб юришни суярди. У пайтда унинг каби фан докторлари, санъат арбоблари президиумларда утиришар, социализм ҳақида томликлар ёзишарди. Гардишли эски овурача қаппоқ, тузиб кетган костюм ё плащ-чолвор. Унинг бисоти ана шулар эди.

Рафаил бобо Тоқтош.

Мапхур тотор шоири Ҳоди Тоқтошнинг узли. Санъатшунослик доктори. Ун бир номдаги талқиқот муаллифи. 300 дан ортиқ мақола, шеърлар, сувратлар...

Санъатшунослик фани нима? Санъат — ғайриинсоний соҳа. Аммо уни инсон инсон учун яратди. Авом вайрона Оксаройга, ёхуд валангор Бибихоним жомесига озини ланг очиб тикилади. Ким яратди экан буни? Албатта, уста яратган. Лекин уста авом эмас. Уни Худо ёрлақаган. Бироз баландроқ заковат ва яна бироз теранроқ қалб ато этган.

Санъатшунос Худо ато этган шу заковат ва шу қалбдан нисбатан кучлироқ таъсирланадиган зот. У Бибихоним жомесига тикилиб туриб: «Буни ким курди? Буни ким бузди?» — демайди. У қурган одамнинг маҳоратидан завқланади ва бу маҳоратнинг сири нимада эканини узига хос синчковлик билан қидира бошлайди. Бузган одамни (агар у ОДАМ бўлса...) лаънатлашдан чарчамайди.

Санъат — шу... Санъатшунос ҳам лундаси — шу...

Рафаил бобо. Фарғонага боради-

ми, Бухорога борадими, бир дунё истеъодни кашф этиб келади. Кейин идораларнинг эпитгани қоқади, тахририятларни оёққа турғизади. «Бор, ёзинлар!» ёхуд «босинлар...»

Ўзбек тасвирий санъатининг бугунги аҳволи, ундаги йўналишлар, миллий хусусиятлар, умуминсоний гоёлар ва ҳоказо.

Бугун замон узгарди.

Ҳаммамиз узгардик...

Яқинда тахририятда бу кекса санъат билимдони билан икки оғиз суҳбат бўлди. Негадир мен ҳаёт агар шу одамнинг ҳам мафқурасини узгартирган бўлса, демак ҳақиқатан қандайдир узгариш содир булган, деган қарорга келдим. Рафаил Тоқтош этиб келган тириклик манзили жуда баланд жой. 70 еш. Бу ешда ҳаёт, унинг мақсад ва мазмуни, тирикликдан муддао ва шу каби абалдий чигалликлар бир қадар ечилгандек бўлади. Чунки энди уёғига Тоқтош қайтиб яшармайди, ҳаёт эса темир қонунини зигирча узгартирмасдан энг қайсар дарёдек уз жараёнида давом этаверади. Мен Тоқтош этиб келган манзил йўловчиларига одатда илоҳиёт ҳақида савол бериш уринли деб билдим.

— Худого ишонасизми?

— Менда унга ишонч саксонинчи йиллардан бошланди, шекилли. Тугри, менинг ҳам ота-боболарим мусулмон бўлишган. (Шу нуқтада Тоқтош саксонинчи йилларда ёзган шеърини ўқий бошлади. Шеър рус тилида эди. Ҳозир мазмуни ҳам едимда қолмабди. Хайтовур уша ишонч ҳақида эди, чамаси). Мен алоҳида насроний ёхуд ислом худосига эмас, умуман бир олий онг мавжудлигига, руҳнинг сунмаслиги-

га ишонаман. (Муйсафид негадир жуда купчилик донишмандлар тухтаб қолган манзилга келди. У билан баҳслашиб утиришни истамадим. Хайтовур, куни кеча «Худо қани? Курсат!» деб ёқалашиб юрган телбалар бутун авлиёлар ҳақида китоб, шайхлар ҳақида дostonлар ёзишяпти. Шунисига ҳам шуқр. Ҳаёт секин-аста узгаради. Мафқура яратип, уни буткул йўқ қилиш ҳам осон иш эмас).

Тоқтошнинг қиёфасида англандас руҳоният бор. Буни унинг узи ҳам билмас керак. Билганда ҳайкаллар ҳақида китоб ёзиб юрмасдан Яратганга тазаррулар келтирувчи ориф бўлармиди? Худо билсин.

— Бу ёғи нима бўлади?— дейман дабдурустдан кукдан ерга тушиб.


— Нима буларди. Капитализм бўлади. Одамларнинг тирикчилик даражалари узгаради. Тўқлар пайдо бўлади...

Ун йил бурун қаттиқ бетоб эдим. Ҳиндулар, тургироғи йоглар таълимоти ҳақидаги китобни келтириб, шу асосда даволан, деди у. Бир-икки варақлаб, қўлимдан келмаслигини билча, қайтариб бердим. Шу тобла уша воқеани эслатсам, у ҳамон қандайдир йоглар ҳақидаги китобларни мутолаа қилаётгани ҳақида гаширди.

Демак, Тоқтош ўқияпти. У файласуф бўлибди. Ўқувчиликча қолаверибди.

Эҳтимол, бу унинг ҳали узок-узок йиллар яшашига далолатдир. Аллоҳнинг урганишида булган бир бандаси то Ҳақни топмагунча фано бўлмайди. Биз ҳам шуни жуда истагимиз.

ТААЖЖУБ ШАКЛЛАРИ



Икром ОТАМУРОД

 Сен — ловуллаб турган лаҳча чўғ,
 қўлларимга олов сапчир
 силасам агар.

 Сунги поезднинг
 сунги вагонига
 чиқди...
 Утирди
 сунги уриндиққа
 сунги йуловчи...
 Уйлаб кетди
 сунгра
 йўл бўйи,
 сунги йўқ нимарсаларни.

 Ширт этиб узилди —
 янтоқнинг қовжираган барги,
 ҳуркиб кетди жиҳлон.

 Олдга юрмай,
 бирдайин ортга
 тайсанлаб тисарилар қирчанғи.

 Кун утди...
 урчигин йигириб...
 Тун кирди...
 чархин айлантириб...
 Тонгтача...
 Эҳ-ҳе...
 узоқ масофа —
 гафлат кечуви...

 Уйлов доим урталикқа тортали,
 юрак — қон тулган соғар.

 Гапириб-гапириб тугали гапи,
 зерикали энди гапи йўқлигидан,
 одамлар уни эшитиб зериккан каби.

 Салақани ҳисоблаб, ҳар гал,
 овозга куч берар қайтадан,
 хайрга қўл чузиб тиланчи,
 тушум мулжалла етгунга қалар.

 Туполон кутариб юғураб гирвол
 ебоннинг йиртиқ яқтагин юлқилаб.

 Узоқ чузилган яланғоч ақраб:
 қалдирғочлар ризкин яхлатиб,
 қарғаларининг кунин туздираб.

 Йўлга чиқмоққа чоғланган одам,
 ҳаво авзойига қарайди,
 қарайди
 осмон кошиларига,
 абрлар резиси борми-йўқ дея...
 Очиқ осмонни кўмиб бағрига —
 ҳаво авзойидан қилдираб умид...
 Йўлга чиқмоққа чоғланган одам...

 Иккон —
 ғаним дастидан мижиқланган топ,
 ақрабо дилдан тукилган меҳр.

 Куннинг қай пайтида,
 туннинг қай пайти,
 йўлингни тусиб чиққанлар,
 иккита нарсани қилар баҳона:
 ё гўлур, ё соғат...

 Сунги иш — чала, ярим,
 қисмати — қора.
 Бошида синди ханжар.

 Қадим қургон вайронасида
 чирқиллайди изгири.

 Поезд ойнасига тегди дайди тош.
 Ойна синди.
 Лат ели сенинг пешонанг.
 Уйлар гирлобига ботиб хайронсан —
 дайди тош мулжали не эди асли:
 озиб-эзиб йўлга чиққан сенмидинг,
 ҳар кун угаётган поездмиди ё?!

 Таҳқирга чидолмай бақирар эшик:
 ташқарига учиб чиқар ҳиёнат,
 ичқарида ҳиқиллайди пушаймон.

 Чопиб бораётиб йиқилиб тушди —
 тойилиб жангалнинг устига гурур.

 Келиш — кетишнинг қайтуви...

Кетиш —
 келишнинг қайтуви...
 қайтув-келиш-кетиш...

Камбағалнинг
 ҳеч бўлмаганда,
 биттагина дўсти бор
 содиқ —
 камбағаллик.
 Бойваччала шу ҳам йўқ.
 Афсус!.. Афсус!..

Тушунтириш хати —
 тулда келган айб учун
 кундуз қилинган тавба.

Вақтни утказди армонсиз.
 Юғурди армонсиз.
 Елди армонсиз.
 Қолмади у юрмаган куча,
 Қолмади у қирмаган сарой.
 Қолмади у қурмаган ҳашам.
 Қолмади у қилмаган ишрат.
 Қолмади у тотмаган таом.
 Қолмади у киймаган либос.
 Қолмади у тақмаган зийнат.
 Сунгра... кетди бари...
 Сунгра... ҳавога учди —
 шамолда соврилган қипиқ сингари.
 Сунгра... ҳувиллаган қунғулда қолди
 армон армонсиз...

Туши юрагига солар хавотир —
 тушидан сесканиб, учиб тушар оғри.

Совуққина тиржайиб унинг
 оғзида яттилар темирлар.

Елғиз чуқиртакнинг тупроғи снги,
 териси юлқа.
 Изларидан кутарилган чанг,
 анчагина тузғир ҳавога.

Булоқлар — бойчечак қони,
 йиғлаб-йиғлаб кур бўлган қулар.

Бир лаҳза бўлса-да,
 ҳақиқатни сез.
 Бағрига отилган,
 бу аччиқ Бахтнинг.

Кучаларда оғир юк чуққан,
 узок сафардан сунг
 тин олар чарчок.
 Олис йўл олдидан
 тонг рўстлар нафас.

Блебон — сукулат.
 Кунғулда азоби тахланган бева.

Кун узоғи дайдиб, тун эниб,
 қуналагга қайтган қаргалар,
 дарахларнинг бошига миниб,
 жой таллашиб боғда лод солар.

Умид — эшикларни қоқаятган гудак.
 Меҳр кургазинг унга,
 унга очинг Ишонч эшикларини.

Юсуф ЖУМАЕВ

ҲАР ФИДОЙИ — СҮНМАС БАРҚДИР

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Бухоролик шоир Юсуф ЖУМАЕВ шеърият мухлисларига яхши таниш. У 1958 йил Қорақулда туғилган. Вилоят педагогика институтини тамомлаган. «Ҳақиқатнинг олтин олмаси», «Юракдаги ханжар», «Хаёлот манзаралари» китоблари нашр қилинган. Тарих ва замон, халқ ва Ватан тақдири, долзарб маънавий муаммолар мавзуда битган дostonлари ҳам бор. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу шеърлар шоирнинг янги ижод намуналаридан сараланди.

УСТОЗ ШУКРУЛЛОГА

Фитрат — халқдир, Чулпон —
халқдир.

Бу бағри тор кимсалар
Кенг дунё бўла олмас.
Барча қўлмак жамланас —
Сирдарё бўла олмас.

Қодирий — халқ, ҳар бир сўзи
Юртнинг улмас аскардир.
Шайхзоданинг наъралари —
Туркистоннинг лашкаридир.

Эй, Сиз гаддор бандалар,
Қўрқоқ, мурдор бандалар,
Хайли соя бирлашса —
Нур, зиё бўла олмас.

Нафас йўқдир ёвга юртда,
Ёв бугилган, ёв бугилар.
Туркистонда халқ туғилган,
Туркистонда халқ туғилар!!!

Ушбу оламда ҳақ сўз
Бисмиллодек муқаддас,
Бекордир барча калом —
Бисмилло бўла олмас.

Янтоққа бир қучоқ гул берган олам,
Менга ҳам бир дона гул берсанг,
нетгай?

Оғир кунда қочгавлар,
Дузахга йул очганлар,
Балчиқлар — тоғ бўлалмас,
Чанг — само бўла олмас.

Нодонга беҳисоб йул берган олам,
Менга ҳам ёр сари йул берсанг,
нетгай?

Гарчи сенга дунё тор,
Бағри кенг устодинг бор,
Юсуф қалбида ҳеч ким
Шукрулло бўла олмас.

Калхатга берибсан шундоқ самони,
Илонга беканор, бук дарёни,
Хурламай меңдайин бағри ярони,
Дилимни англашга дил берсанг,
нетгай?

Халқ чиқмади қарилардан,
Бир-бирин сотиб еди.
Отиб еди Фитратини,
Чулпонини отиб еди.

Роса ейишарлар, сунг ётажақлар,
Туймаган кўзларда мунг,
ётажақлар,
У ёқда ҳаммаси тенг ётажақлар,
Менга эл дегулик эл берсанг,
нетгай?

Халқ чиқмади ёшлардан ҳам,
Булмас мардин эмасалар.
Ҳалолларни оттирсалар,
Донишларни қамасалар.

Нотавон дилларга шеърият дармон,
Шу дармон манзили қадимий
Турон,
Тангриси — Навоий, Бобури —
султон,
Номурод Юсуфни қул берсанг,
нетгай?

Йўқ, йўқ дейман ўзимга, йўқ,
Ҳар фидойи — сунмас барқдир.
Халқ эмасдир аҳли хоин,

Уйи куйди шўрлик йигитнинг,
Ёнди икки жаҳони, бори.
Утда эмас, йиглайди ҳунг-ҳунг,
Хиёнатда куйдирди ёри.

Диллар бу кун вафодан йироқ,
Алданганда сомондир руйлар.
Утда куйса тикланар, бироқ
Хиёнатдан куймасин уйлар!

Қарзга ботиб кетди бечора ҳалол,
Мисли чўкканидек ёмби ботқоққа.
Ҳали бир қарзига етмасдан завол
Унта қарз қўшилар... борсин
қаёққа?

... У шод: чопачопа букилганда бел,
Энг сунгги қарзидан қутилган эди.
Вайрон эшигидан кирди Азройил,
Менинг ҳам қарзимни тулаб қўй,
деди.

Магар сени еб бошласа ёв,
Йиллар керак битиргунча то.
Дуст емоқчи бўлса, беаяв —
Ой утмайин айлағай адо.

Бисёр бўлсин дунёда рузинг,
Кулфат чекма, утга кирасан.
Магар есанг ўзингни ўзинг,
Бир нафасда еб битирасан.

Ҳеч кимнинг жанг қилгиси
келмас,

Лекин ҳамма зафар истайдн.
Ҳеч ким ҳатто чумчуққа елмас,
Лекин ҳамма шаҳар истайдн.

Гуё бир зум бўлмай талаба,
Булмоқчилар олими жаҳон.
Ҳамма истар жангсиз галаба,
Ҳамма бўлса жангсиз қаҳрамон...

Рости, бургут қила олмас
Тулпор қилган юмушни.
Вафодор ит қила олмас
Хар битирган кўп ишни.

Мен эшакни қадрласам,
Зинҳор қулма, дуст, зинҳор.
Урни бордир тулпорнинг ҳам,
Эшакнинг ҳам урни бор.

* * * * *

МАШАҚҚАТ ЗАВҚИ

*Алишер Навоий газаллари
Фаттоҳхон МАМАДАЛИЕВнинг
муסיкий талқинида*

Бундан 555 йил муқаддам таваллуд топган Низомиддин Мир Алишердан қолган улкан бадийий-илмий мерос замонлар оша Инсоннинг маънавий камолоти йўлида баҳоли қудрат хизмат қилиб келмоқда. Ушбу узун ва низоҳатда мазмундор маданий-тарихий жараённинг салмоқли жабҳаси муסיқа санъати билан бевосита боғланганлиги аёнлир. Хусусан, бобокалониимиз назмининг кутлаб навобахш куринишлари муסיқа ижодкорларига кўп асрлардан бери илҳом бағишлаб, янги-янги ажойиб ва ноёб муסיқий-алабий асарларнинг юзага келишига замин у сабабкор булган.

Даҳо шоирга замондош мусанниф, мутриб ва муғанинлардан Ҳожи Юсуф Бурҳон Андижоний, Паҳлавон Муҳаммад, Ҳожи Абдулло Марваридлардан тортиб, шу кунларда фаолият курсатаётган бастакору ҳофизларга қадар ҳазрат Навоий қаламига мансуб мафтункор сатрлар турлича шакл ва услубларда ўз бадийий-муסיқий ифодасини топган ва топмоқда. Мазкур ижодий жараённинг эътиборга молик томонлари-дан бири шундаки, у нафақат ўзбек, балки бошқа туркий ва форсийзабон халқларда муштарак ҳамда энг ардоқли анъанага айланган. Демак, ушбу мерос муסיқий Навоийнома-нинг халқаро қудамда аллақачон узил-кесил шакланганлигидан далолат беради. Бинобарин, Навоий сузларига айтилувчи юзлаб ашула, катта ашула, сувора, амал, нақш, тарона, мақом йўлилари мумтоз ўзбек муסיқий хазинасидан энг нуфузли урин эгаллаб келмоқда.

Афсуски, XV аср жонли муסיқа санъатини билвосита, турли-туман манбалар ёрдамида тахминий тарзда тасаввур этишимиз мумкин, ҳолос. Ҳар ҳолда шоирнинг сузларига басталанган бадий баркамол асарлар маънавий бисотимизни янада бойитиб, унинг ажралмас қисмига айланиб қолган.

XV аср давомида ўзбек муסיқий Навоийномаси мавжуд мумтоз намуналарнинг узгача ижро талқинлари орқали, шунингдек, қўмнатли ижодий кашфийлар билан тобора тулиб борди. Булардан Ҳожи Абдулазиз Абдурауловнинг «Гул узорим», Жураҳон Султоновнинг «Улмасун», «Мубталоман», «Яхширок», Юнус Ражабийнинг «Қоши I, II», «Жудо», «Қалаҳ», Комилжон Жабборовнинг «Назвора қил», «Навбахор», «Жафо қилмиш», Саиджон Калоновнинг «Тотмадим», «Эй, насимий», «Гулери айтиб кел», Фахриддин Содиковнинг «Паришон будди гул», «Булбул», Мамадазиз Ниезовнинг «Мубтало буддим санга», Дони Зокировнинг «Эй, сабо», «Қурмадим», Отавали Нуридиновнинг «Не ажаб», Фанижон Тошмадовнинг «Истаддий», «Кезарман», Орифхон Ҳотамовнинг «Будмиш», «Қоши есинму лейин», Холқужа Тухтаиновнинг «Айлагач» сингари қуркам ашулаларини эслаб утишининг узи кифоя. Атоқли ҳофиз, моҳир созанда ва бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев ҳам бир қанча самарали ижодий изланишлари тўғрйли ана шу фахрли қаторда муносив урин эгаллашга лойиқдир.

Ўзбекистонда бунёд этилган, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий мероси билан узвий боғлиқ жамия муסיқий махсулот, асосан, икки йирик йўналишда гавдаланади. Нисбий тарзда биринчисини «анъанавий», иккинчисини эса «нонъа-



навий» деб номлаш мумкин. Биринчи йўналишни ташкил этувчи асарлар ўз навбатида куйидаги гуруҳларга тақсимланади:

а) халқ муסיқаси намуналари (ашула, катта ашула ва бошқалар);

б) мақомат таркибидаги, яъни Тошкент-Фарғона, Хоразм, Бухоро мақом туркумлари, мақом номи ва услубидати алоҳида-алоҳида асарлар;

в) ҳозирги замон бастакорлик асарлари.

Иккинчи йўналиш композиторлик ижодиети намуналаридан иборат. У ҳам ўз навбатида хилма-хил шакл, жанр ва услубий оқимларни қамраб олади. Мазкур соҳа танланган мавзуга тегишли эмаслиги сабабли унга тўхталмаймиз.

Навоийшунос олимлар улуг адиб ва мутафаккир назмининг юксак даражадаги муסיқий сифатларини ҳақли равишда қайта-қайта таъкидлашган. Назаримизда нафақат Шарқ, балки жаҳон адабиети тарихида муסיқий воситалардан Навоийчаллик кўп ва хуб фойдаланган, муסיқани у қалар поэктиктаб, кенг идрок ва теран ҳис-туйғулар ила малҳ эъта олган шоир топилмаса керак.

«Бадойиъ ул-васат» девонига киритилган том маънодаги муסיқий газаллардан бир нечаси ижодкорларга даъват этиш йўсинида битилган. Мисол тариқасида улардан бирини келтиришимизнинг боиси шундаки, муаллифнинг самимий дил сузлари, доно фикр-мулоҳазалари худди замондош бастакорларга бағишловек янрайди:

*Эй муганний, чун ниҳон розим билурсан — соз туз,
Тортибон мунглуг наво созинг била, овоз туз.*

*Навха оҳанги тузуб, оғоз қил маҳзун суруд,
У суруд ичра ҳазин кунгдумга маҳфий роз туз.*

*Тузма оғоз айлабон Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Десагг эл куйсун, менинг дардим қилиб оғоз туз.*

*Истасангим, наманг ичра кун халойққ улмағай,
Ул иккадин кун, вале мендин тарона оз туз.*

*Гар менинг ҳолим десагг туз барча достони ниез,
Дилбаримдин нағма соз эсанг, суруди ноз туз,
Чун бу гулшанда насимин қилгали қўймас ҳазон,
Гул фироқи савтин, эй булбул, қилиб парвоз туз.*

*Базм аро уртар Навойини ниҳон мунглуг суруд,
Эй, муганний, чун ниҳон розим билурсан — соз туз.*

Фаттоҳон Мамадалиевнинг ижрочилиги ҳамда ижодкорлик борасидаги савий-ҳаракатларини қузатар эканмиз, катта ҳаётин ва ижодий йўлини босиб ўтган санъаткор бу даврларга амал қилганганини, Навойи газалларининг янги-янги мусиқий талқинларини яратишда салмоқли унш қўшагинини эътироф қилишимиз шарт.

Ўзбекистон халқ ҳофизин, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси профессори Ф. Мамадалиев салохитли ижрочи сифатида ҳам, изланувчан бастакор сифатида ҳам Навойи газаларига тез-тез мурожаат этиб, диққатга сазовор фаолит кўрсатиб келмоқда. У, авваломбор, беназир, танҳо ўзига ҳос дардли, ширалор, шу билан бирга, кучли ва ниҳоятда кенг қўламли овоз соҳибидир. Устоз қурган ҳофиз касбий фазилатларининг энг муҳимларидан бири — овозга жур будлуғини «етақичи» танбур ҳамда «мукаммал» гижжакни пухта улаштирган моҳир созандалигида деб айтиш лозим. Ф. Мамадалиевнинг жуда бой, ранг-ранг, серқирра ижро бисотида расмана эл мусиқаси намуналари, ўтмиш ва ҳозирги замон ўзбек бастакорларининг куй, қўшиқ, ашула ва катта ашулалари, Тошкент-Фарғона мақом йўллари, Шаҳмақом шўббалари, шунингдек, ўз ижодий маҳсули асосий ўрин эгаллайти. Булар орасида Алишер Навойи газалларига айтиладиганлари каттагина қисмини ташкил этади.

Фаттоҳон Мамадалиевнинг ижрочилигига назар ташлар эканмиз, у «иҳтиро» этган ижро услуби заминида қилинган дардли, изтиробли ички кечинмаларини ифода этишга мойил овоз ва соз уйғунлиги, уларнинг мунгли ва таъсирчан нолалари етади. Ҳассос ҳофиз асарларининг «асл нусха»сига монанд тарзда берилишига, шеър ва куй матнларининг тула ва бешкаст баён этилишига эришди. Шунинг билан бир қаторда, санъаткор мавжуд бошқа ижро йўл ва услубларнинг фарқли жиҳатларини яхши англаган ҳолда, уларнинг ютуқ ҳамда камчиликларини ҳолисона кўрсата олишга қодирлиги тубоҳи бўлишимиз мумкин. Устоз шеърини ва мусиқий жумлаларни алоҳида-алоҳида таҳлилдан ўтказиб билан бирга, уларни маънан ва мантиқан узаро тўғри баҳолай олиш, мутаносиблик даражасини мароматга етказиш имкониятига эга. Демак, Ф. Мамадалиев мисолида аруз шеърини ҳамда мусиқий қонунларини замирида узаро бирикма ҳосил қилиш сирларидан кўпроқ ижро орқали воқиф бўлиб, бастакорлик амалига ўттиб афзаллигини кўрамыз.

Кези келганда шунини ҳам айтиш жоизки, Ўзбекистонда Навойи шеърлари билан ашула айтайдиган хонанда топилмас керак. Бундай мумтоз намуналар уз навбатида ҳар қандай ижрочига жиддий синов вазифасини ўтган ҳолда, кўпчилик учун ҳаваскорликдан санъаткорликка, ижодий етукликка ўтиш борасида олий мезон бўлиб хизмат қилади.

Навойи газалларига яратилган халқ ва мумтоз ашулалар Фаттоҳон ҳофиз ижрочилигига муҳим ўрин тутади. Унинг овозида янтраганлардан «Баёт II, III», «Чоргоҳ III», «Қашқарчаи Савти Чоргоҳ», Д. Зокировнинг «Эй, сабо», Ғ. Тошматовнинг «Истадим», О. Хотамовнинг «Қоши есиному дейин» ва бошқалар ўзгача мусиқий талқини билан ажралиб

туради. Улар хонанданинг бирмунча вақтин, салобатли, мунгли ва дардли нафасига мос тушган ҳолда садоланади. Навойи фалсафаси, пурмаъно ишқий байтлари Ф. Мамадалиев ендлашувида шоир истаган «мунглуг наво» билан ҳамнафаслик қилади. Бунда хонанда ҳеч қимга тақдир қилмасдан, танҳо ўз кифеасини ақс эттиради. Қизити шундаки, улқамизда мазкур ижро услубини тула улаштириб олганлар камдан-кам учрайди.

Фаттоҳон Мамадалиев ўз бастакорлик изланишларида, аввало, Фарғона водийси мумтоз ашулачиллик аъёналарига таъинган ҳолда иш тутгани яққол сезилади. У назари тушган шеърга лойиқ мусиқий вазн таллаб, унга монанд оҳанглошликни юзага чиқаради. Навойи газалларидан илҳом топар экан, бастакор мусиқий воситалар ила баён этилган назмий мазмунни янада таъсирлироқ ифода этишга интилади. Шунингдек, йиллар давомидаги муаллифлик ижро этилиши жараенида бундай асарлар янада сайқаллашиб боради. Бошқа машҳур ижрочи-бастакорларимиз каби Фаттоҳон Мамадалиев Навойи газалиётдан ўзига маъқул, ашулага мойилларини халқчил-аъғанавий йўналишда гавдалантиради. Бунинг натижасида у ғоир шир япаган замоннинг мусиқий тилида сузлашгангадек туюлади. Санъаткорнинг мусиқий нуқтини, айниқса, ижро услубини бошқа бировники билан аллаштириш қийин.

Бастакор сифатида Ф. Мамадалиев Алишер Навойи газалига илк бор 1960 йилда мурожаат этиб, «Ер улмағай» ашуласини яратди. Шу кунга қадар у шоир қаламига мансуб яна 10 газал, 1 мухаммасга мусиқа боғлади. Жумладан, «Оқибат», «Интзор» («Қурбон қайтарма» номли чолғу куйи асосида), «Ишқ боғи», «Фош улсун» асарлари фикримизга далилдир. 90-йилларнинг биринчи ярмида устознинг ижодий изланишлари катта самара берди. Хусусан, «Ушшоқ» мақом йўли тулқин туркумга айланттирилиб, «Ушшоқ Савти Талқинча»сига «Фигонким», яқуний «Ушшоқ Савти Уфорта» «Дилдорлиг билмас» газаллари боғланди. Асли чолғу йўли бўлмиш «Мунолож» турт қисмли ашула туркумида, ва ниҳоят, «Насруллоий» туркумининг бош қисмида ҳам Навойи газалларидан фойдаланилди. Мазкур намуналардан мисол тариқасида бастакорнинг «Фош улсун» ашуласида алоҳида тўхталишни лозим деб топдик. Назаримизда ушбу асарда Ф. Мамадалиевнинг ижодий-ижровий фазилатлари ерқинроқ намоён бўлиди.

«Бадойиъ ул-бодя» девонидан урин олган «Улсун» радибли аjoyиб бир газал ишқий мавзуда бўлиб, фалсафий теранлиги, олам-олам маъно ва ҳис-туйғуларни ўзгача ифода этиши билан бастакорни ром этди, ҳайратга солди. Бу газалнинг бадийи кифеалар силсиласи, мазмунан алча мураккаблиги, ҳажми катталиги, қолаверса, ҳофизлар бисотида учрамаганлиги мусиқачини чўчқитмади. У мавжуд, ун бир байтдан фақат бештасини ашула матни учун таллаб олар экан, мусиқий шакл тузилиши ҳамда куй ривожини мантиқидан келиб чиқади. Натижада куйидаги сатрлар «Фош улсун» ашуласининг тулқин шеърини маъни сифатида хизмат қилади:

*Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош улсун,
Нишона ҳар бирита дермен ушбу хаста бош улсун.*

*Қуешни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбиҳ,
Оғир гар зарра, Чулпон — қуз, янги ой анга қош улсун.*

*Агар лайқонларин қуз истабон топти кунгул, гам йуқ,
Келиб йиллар маҳал ул қатра сувлар қўзга еш улсун.*

*Қўнғулда сирри ишқин асрай-асрай ўлдум, эй соқий,
Қалаҳ гутким, харобот ахлига фош улсун.*


*Навойи ашқ дурридек тиларким қўзда ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош улсун.*

Асарнинг бошидан охиригача турт чоракли вазн улқамиди ҳиссалари тенг бўлган салобатли усул: яъни «бак-бак-бум-бум» — куй пойдеворини вазифасини бажаради. Ушбу нисбатан содда, мувозанати яхши сақланган иқоъ жараени шеърини баён табиатида ниҳоятда мос тушган. Шунингдек, даст-

лабки байтнинг бош мисраси, иккинчи, учинчи ва охири байтларнинг эса иккинчи мисралари уз жойида такроран айтилгани бежиз эмас. Бу — адабий-мусликий ривожланиш муштараклигини янада кучайтиришга қаратилган муҳим воситалардир.


Ишқий мавзудаги бу ашуланинг парда тузилиши «ошиқлар» маъносини биддирувчи «Ушшоқ» номли мақомга тугри келиши устоз Фаттоҳхон Мамадалиевнинг илмий-ижодий ендашувидан дарак берса ажаб эмас. Товушлар доираси заминда дарди, нолали, шу билан бирга, руҳан тетик, умидбахш куй «қалдини ростлайди». Барча мусликий жумлалар газал мисраларининг андозаси буйича туқилганлиги, оҳанглар тизими гўе сузларни ифодали ўқиш садоларидан пайдо булиши, айниқса, радифа боғланувчи қофиядош сузларга ургули-чүзимли хиссада мутаносиб парданинг мунтазам уйғунлиги асарга бадий баркамоллик бағишлайди.

Ихчамгина чолгу муқаддимадан сунг баен этилалдиган бош куй мавзуи настки уч поғона уртасидаги ҳаракатдан ҳосил булиб, равонлиги билан ажралиб туради:



Бунда товушлар алмашинуви бевосита суз бутинлари сифатидан келиб чиққандек туюлади. Куйнинг, асосан, поғонамапоғона силлиқ ҳаракатланиши, учинчи парда таянчлилар урнида икки маротаба ургули-чүзимли даражада курсатилиши бошлангич шеърый мисранинг ифодали-маънодор мусликий ўқилишини таъминлайди, унга кўтаринки кайфият бағишлайди. Ашула давомида мунтазам янграб турувчи чолгу нақорат ҳам айнан бош куй жумласининг чолгулаштирадиган йули дейиш мумкин.

Асарнинг авж палласи учинчи байт ўқилишидан бошланиб, то охири байтнинг биринчи мисрасига қадар давом этади. Унинг мусликий шаклланиши мақом қисмларига ўшап: етакчи куй жумласи бир оз узгарган ҳолда бир октава юқорига кўтарилиши орқали бешинчи поғонага аввал қайтиб келиб:



сунгра яна бир маротаба шижоат билан ундан ҳам хийла баландроқ пардаларнинг забт этилишидан иборат. «Фош улсун»нинг хотима қисмида бош куй мавзуи асл қуринишида қайта намоён булиб, «ераман» сузига оҳанг улаиб, якун ясалди.

Фаттоҳхон Мамадалиев бундан ун беш йил аввал яратган, ўзи бекаму куст ижро этиб келатган ушбу ашулани тингла эканмиз, бизга замондош булган йирик санъаткоримиз ҳазрат Алишер Навоий даъватига замонлар оша яна бир бора амал қилиб, зур муваффақият қозонганидан, чинакам ижодий кашфиёт қила олганидан қушлимиз ҳузур топади. Дарҳақиқат, «Фош улсун» ашуласи ўзбек мусликий Навоийномасига яна бир мумтоз асар булиб қушилди.

Забардаст ҳофиз-бастакорнинг ижодий фаоллиги, муҳими—бадий юксак самарадорлиги ёш ва етуқ санъаткорларга урناк булаётгани шубҳасиздир.

Олам-олам маъно ва мазмунни узида мужассам қилган, теран фикр, бой ва ранг-баранг хис-туйғуларни баралла тараннум этувчи Навоий газалиетига Фаттоҳхон Мамадалиев устоз-санъаткор сифатида алоҳида меҳр билан ендашганини, узоқ йиллар давомида чеккан машаққати завқини туюётганини қурамыз. У узининг жарангдор, нақшинкор сози, беназир сернолали овози, тинимсиз изланувчан яратувчилиги билан ўзбек Навоийномаси хазинасига муносиб хисса қўшиб келмоқда.





Сирожиддин РАХМАТУЛЛАЕВ (ургада) шоғирдлари — Иброҳим МУҲАМЕДОВ ва Ҳасан ОДИЛОВлар билан иш устида.

Кейинги вақтларда амалий санъатга, хусусан, ёғоч ўймакорлигига бўлган талаб ва эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Буни Ўзбекистоннинг барча вилоятларида қўрилаётган мейморчилик иншоотларининг купчилигини ёғоч ўймакорлик санъати намуналари безаб турганидан ҳам билса бўлади. Лекин, шунга айтиш керакки, ёғочдан том маънодаги санъат асари бунёд этиш осон эмас. Бунинг учун кишида дид, қунт, муҳими, истеъдод бўлиши лозим.

«Усто» халқ амалий санъати бирлашмасининг «Думробод» устахонасида узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган Сирожиддин Раҳматуллаев бугунги кунда бу ердаги ижодкорларнинг сардоридир. Ҳа, уларни ижодкор деб атасак янглишмаган бўламыз. Чунки усталарнинг сеҳрли, мўъжизакор қўллари бир зум бўлса-да, тиним билмайди. Улар бу ишга наинки қўллари, бутун вужудлари билан берилгандирлар. Олдийгина ёғочдан нафис гул ундирган Сирожиддин ака бошчилигидаги усталарнинг қалби биронта буюм тайёр булгач завқ-шавққа чулланади.

Мана, искананинг йуналиши, болганинг бир маромдаги зарби натижасида янгидан-янги пайдо бўлаётган анвойи туллар, нақшларни олдий куз қуриб ўлуриши қийин. Уйилган нақшлар билан бирга, унинг асосий уртасида пайдо бўлган нур ва соя жиҳаси кунглингизга пукуҳ бағишлайди.

Мен Сирожиддин аканинг ишлари билан бурноғи йили бўлиб ўтган Ҳунармандларнинг I-республика ярмаркасида танишган эдим. Ушанда Сирожиддин аканинг олти қиррали столи, 14 та очилалган лавҳ, ёнгоқдан ясалган уйма қутичалардаги нақшлар қузимга жуда бошқача қуриганди. У киши менинг ҳайрагланган турганимни қуриб: «Синглим, булар майда ишлар, «Туркистон», «Халқлар дўстлиги» саройларига борганмисиз? Уша муҳташам саройларнинг эшиклари ҳам бизнинг қўлимиздан чиққан», дели мийғида кулганча.

Инсоннинг яшаши ва узидан ном қолириши учун жуда қисқа муддат инъом этилган. Сирожиддин ака эса эндигина 42 баҳор яшадилар. Аммо уларнинг шоғирдлари билан бирликда амалга оширган ишларининг сон-саногии йўқ. Агар ёдингизда бўлса, 1978 йилда «Усто» бирлашмаси тузилганди, худди шу йили еш уста ҳам П. Беньков номли билим юрти муваффақиятли тамомлаганди. Сирожиддин ака мана шу ерда уз меҳнат фаолиятини бошлади. Усто-зи, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган санъат арбоби Ортиқ Файзуллаев сабоқларини дилининг туб-тубига жойлаган еш устанинг ишлари юришиб кетди. У ишлаган уйма қутича, лаган, панжара, эшиклар қўлмақул бўлиб кетди. Изланишлар, меҳнат машаққатлари, бир хонада эрта тонгдан тунга қадар «мих»ланиб ўтиришлар... Бунга ҳамма ҳам дош

ИСТЕЪ- ДОДЛИ ЖАМОА

(ХАЛҚ УСТАЛАРИ
ҲАҚИДА ФИКР)

беравермайди. Буларнинг натижасида халқимизнинг сир-асорига тула классик ўймакорлик нақш тури—ислимий (усимликсимон нақш) шакл, унинг жуда қўшлаб турлари чирой очди. Анъанавий усимликлар олами санъаткорнинг асосий мавзуларидан ҳисобланади. Шу боис, унинг нақшларида гуллар, усимликлар ҳаёлий бир манзара касб этади.

Ижодий мушоҳаласи бойиган Сирожиддин Раҳматуллаевнинг республикамизнинг турли бурчакларига ишга чорлашади. Уста ҳамма жойда ҳам бир қолипдаги нақшни қўлламайди. Зеро, бу ҳақиқий ўймакор шайнига тугри келмайди ҳам. Бундан ташқари, ҳар бир жойнинг узига хос анъанаси бор. У турли шаҳарларда булганида мана шунга ҳам эътиборини қаратади. Сиз уста Сирожиддин ижодига мансуб нақшлар қаршисида беихтиёр тўхтаб қоласиз, чунки нафис нақшларнинг бир-бирига гоятда мутаносиб эканлигини ҳис қицасиз-да, бирлашиб, бир бутунлик ҳосил қилганига тан бери-сиз. Куз унгиғизда теран кашфиёт, мўъжиза намоён бўлади.

Кези келганида ўймакорнинг гирих (геометрик шакл ва чизиқлардан иборат нақшлар мажмуаси) услубида ҳам тенгсиз эканлигини айтиш утмоқ жоиздир. Нақшнинг мураккаблиги шундаки, агар уста иш жараёнида бир миллиметрга янглишса ҳам асар муваффақиятли чиқмайди, туғунлар аниқ болганмай қолади, нақш гузаллигини йўқотади.

Мазкур услубдаги нақшлар узунасига, кундалангига ёхуд турбурчак тарзида жойлаштирилади, шу тарика бир-бири билан ҳамбарчас боғланиб кетали.

Назаримизда ёғочга нақш беришнинг утмишдаги энг яхши усуллари, юксак бадий аънаналари сақланиб қолиши ва ҳозирги кунда янги йўналишлар пайдо қилини шуни курсатиб турибдики, халқ хунарамандчилиги ёғоч уймакорлиги санъати абадий ва безаволдир.

Йиллар инсоннинг қарётганини англатиб, пешонасига ажинлар солиб кетар экан. Аммо, 18 йиллик иш фаолияти давомида Сирожиддин ака фақат одамларнинг олқишини олди, ҳар бир узбек хонадонига узидан нимадир қолдирди, йиллар утгани сайн тажрибаси ошди. Ҳаттоки шу ипни деб бир бармоғидан айрилди, лекин жоначон ипидан воз кечмади. Ҳар сафар бир буюмни тамомлаб эгасига топшираётганида назарида ёшаратгандай туюлади.




Республикамиз мустақилликка эришгач, усталар учун ҳам уз ишларини чет мамлакатларда намойиш этиш имкониятлари кенгайди. Сирожиддин ака 1994 йили Малайзияда бўлиб утган ривожланган Ислам мамлакатлари халқ усталари фестивалида қатнашди. Францияда бўлиб уз санъатини, Узбекистон деб аталмиш бир юрт гузаллигини тараннум этувчи уйма кутчалару, лавҳ, лаганларни намойиш этди. Улар фақат буюмларгина эмас, балки санъат асарларидир. Уларда гуллар бир қушқ куйлайди. Қушққи, ундан ҳар бир киши баҳра-топади.

Сирожиддин ака билан суҳбатлашар экансиз, унинг тирач сузларидаги катта маъно, ҳазилқашлиги ва қувноқлиги, уз ишининг моҳири эканлигидан суюниб кетасиз. У угли Камолиддин ва шоғирдлари Иброҳим Мухамедов, Севдудин Урмонбеков, Абдулла Абдуразоқов, Комиш Турдиқуловлардай ипини давом эттирувчилар бор эканлигидан фахрланади.

Йиллар утади, аммо Сирожиддин Раҳматуллаев ишлаган санъат асарлари одамлар кuzини қувонтириб, уз жилосини йўқотмай, авлодларга қолади.

Маътура НАБИЕВА,
Журналистлар уюммаси аъзоси;
Мансур БЕКМУРОДОВ,
педагогика фанлари номзоди.

УСТАНИНГ ИШЛАРИДАН НАМУНАЛАР.




XX АСР МИЛЛИЙ Уйғониш даври адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Абдурауф Фитрат асарлари фалсафий тафаккур тараққиётида ноёб ҳодисадир. Фитратнинг Ватан муҳаббати, миллат дарди билан йўғрилган узига хос фалсафий назари унинг барча асарлари мағзига синггиб кетган, уларнинг қон томирини ташкил қиладди. Улардан бири форс тилида ёзилб, 1915 йили Петербургда нашр этилган «Раҳбари нажот» дир.

«Раҳбари нажот» ижтимоий-фалсафий, оилавий-ахлоқий масалаларга бағишланган қомусий асар. Фикримизча, муаллиф уз фикр ва ҳулосаларини Қуръон оятлари ва ҳадислар орқали исботлангани, Бухоро ҳаётида нотинчликлар айна авжга чиққан бир пайтда ундаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ҳал қилишда диний китоблар моҳият эътибори билан нажот йўллари эканлигини исботлаб бергани учун ҳам уз асарининг номи «Раҳбари нажот» деб номланган.

Абдурауф Фитратнинг «Раҳбари нажот»да баён этилган фанлар туркуми уз даврига нисбатан прогрессив ҳодиса эди. Бу аъñana Урта аср Шарқ файласуфлари ижодида хос бўлса-да, Фитратгача ва у билан замондош олимлар ижодида учрамайди. «Раҳбари нажот»да фанлар туркумининг берилишига асосий сабаб, биринчидан, уша пайтда даврдан оқсаб қолиб кетаётган диний илмларни назарий ривожлантиришга эътиборни қаратиш; иккинчидан, мадрасаларда дарс жадвалидан олиб ташланган дунёвий фанлар ҳақида атрофлича маълумот бериш, уларни тарғиб ва ташвиқ қилиш эди. Шу нуқтаи назардан қараганда фанлар туркуми жуда катта бир мақсадни узиди ифодалар эди.

Фитратнинг фанлар туркумида аъñanaга асосан назарий ва тажрибавий ёки табиий ва ижтимоий фанларга ажратилмайди. У фанларни шу асосда туркумлийдик, катта бир туркум фанлар инсонларнинг нақл қилишлари орқали, яъни инсонларнинг бир-бирларига сузлаб ривоят қилишлари орқали узатилса, иккинчи туркуми инсон ақли кашфиётлари натижасида ривожланган ақл илмлари, яъни «улуми ҳикмат» дир. Илми нақлия фан туркумига кирувчи фан йўналишлари дин илмлари ва дунёвий илмлар — тил илми, тарих илми, география ақсарият авлоддан-авлодга етказиш орқали мавжуд бўлади. Фитрат дин илмлари таркибига фан илми, яъни теологияни киритмайди. Теология ҳикмат илмларининг бир туркуми бўлган фалсафа илмлари таркибидадир. Бу дегани илоҳиёт фани инсон ақли кашфиётлари билан ривожлантирилади, яъни худони англаш илм ёрдамида амалга ошади. У илоҳиёт илми шундай таъриф беради: «Ил-



АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ «РАҲБАРИ НАЖОТ» КИТОБИ ҲАҚИДА

ми илоҳий шундай илмдирки, Олло таъоло мавжудлигини ва унинг сифатларини бизга ақлий равишда тушунтириб беради. Албатта, биз Олло таъоло мавжудлигини ва унинг сифатларини ақл билан билишимиз керак». Дин илмларига жиддий назарий муносабатда бўлиш ва Олло таъолони ақл орқали билишга даъват этиш ҳар қандай хурофотдан тозаланиш учун ягона йул эди. Дин илмларининг бундай туркумлиниши бир томондан табиий бўлса, иккинчи томондан, Фитрат бунинг ердаида келгусида бутун бир ўлканинг маданий ва иқтисодий ривож учун тўқсиз бўладиган хурофотнинг олди олиншини мақсад қилиб қўйган.

Нақия илмларининг иккинчи туркумини дунёвий илмлар ташкил этади. Қизиги шундаки, бугунги кунга келиб, дунёвий илмлар деганда физика, химия, алгебра каби аниқ фанлар тушунилади. Лекин, Фитрат назарда тутган дунёвий илмлар ҳақиқатан ҳам дунё ҳақида умумий бир тасаввур ҳосил қиладиган илмлар ёки қўлами жиҳатидан дунёвий воқеа-ҳодисаларни қамраб оладиган билимлар туркуמידир. Бунга тил илмлари, тарих илми, география кирази. Фитрат бу фанларга таъриф бериш билан бирга уларнинг халқлар, миллатлар тақдирини ролни таъкидлаб утади: «Ҳар бир миллат ҳаёт кечириши хоҳласа, у миллат йўқолмасин деса, албатта у тарихини билиши шартдир. Зеро, тарих кузгу бўлиб ҳисобланади».

Фанлар туркумидаги иккинчи катта бир бўлим ақлия илмларидир ва бу илмлар, Фитрат таъкидлагандек, инсониятнинг кашфиётлари натижасидир. Ақлия илмлари хусусий бўлмасдан, балки, умумий ҳисобланади. «Яъни, бу фанлардан бирортасини ҳам илми насора ёки илми ислом деб айтиш дуруст эмас. Бу фанлар бутун инсониятга тегишлидир. Бу илмини умумий қилиб ҳикмат деб атайди. Ҳикмат ёки илми ақлия учта катта қисмга бўлинади: 1) тиббиёт

илмлари, 2) риёзиёт илмлари, 3) фалсафа илмлари».

Абдурауф Фитрат бу фанларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида сўз юритиб, уларнинг таърифини берар экан, таъбат илмларига алоҳида эътибор қаратади. Бунга Фитратнинг қуйдаги сўзлари жавоб бўлиши мумкин: «Бизнинг мамлакатимиз аҳолисининг яшаш тарзи беморлар ҳаётига ўхшайди, кундан-кунга заиф ва қонлари камайиб бормоқда. Агар донишманд табибларга бориб қаратмасалар уша кунги ёки эртаси уларни улим олиб кетишига шубҳа йўқдир. Бу кунларда сохта илм асосида ҳаёт кечираётганимизни ҳар бир киши инкор қилмайди. Ҳаётимиз шундай кетаберса, юз йиллардан сўнг миллатимизнинг қолишига бирорта уламо ёки донишманд жавоб бера олмайди... Насл баракоти уртадан кутарилиб кетмоқда». Фитрат астраномия фанига алоҳида эътибор бериб, шундай дейди: «Бу илми билиш инсон имонини комил этар. Баъзи ҳақамлар ҳатто айтганларки, ким ҳаётга илмини билмаса, Олло дўдиратининг камодини ҳам тушунмайди».

Фалсафа фанларининг вужудга келиши инсон ва унинг ахлоқи вазибаларининг нимада эканлигини англашга бўлган ҳаракат натижасидир. Фитрат бун шундай изоҳлайди: «Кимки ўз руҳиятини таниса, ўз худосини танийди. Лекин одамод ўз нафсини билишга ҳам қаноат қилмайди. Бу руҳни бизга ким ато этган? Бизнинг вазиғамиз нима? Илоҳий ақлий илм ва ахлоқ илми шу саволлар натижасида юзага келган». Унинг фикрича, инсон руҳи инсон тирикчилигининг нишонасидир. Руҳнинг нима эканлиги ва сифатлари ҳақида одамлар тафаккурга ботиб ҳаракат қиладилар. Илми руҳ шу тафаккур ва ҳаракат натижасидир ва унинг таърифи қуйидагича: «Илми руҳ шундай илми, руҳ пайдоиши ва унинг сифатларидан баҳс қилади. Бу илмининг фойдаси нафсининг таърифотидан иборат, нафсининг маърифати эса вожибдир». Фитрат инсон

руҳини тадқиқот этишни илгари сурадики, бу бугунги кун фани олдида турган муаммолардан биридир.

«Раҳбари нажот»да ахлоқ илмининг аҳамияти шундан иборатдир: «Масалан, биров ўзганинг манфаатини узига зарар, деб билади. Шу аксарият манфаатларнинг қаршиликларигина, душманлик, кек ва ҳасадга сабаб бўлади. Шундай экан одамларга бир қонун керакки, одамларни бундай мусибатлардан танг этиб, инсонларнинг фазили, инсонларнинг яхши вазифаларидан уларга таълим берсин. Шу қонун ахлоқ илми бўлади ва унинг илмига ҳеч бир шубҳа бўлмаслиги лозим».

Диний, ижтимоий ва шахсий ишларда катта зарар топишга сабаб, Фитрат фикрича тафаккур ва муҳокама йулларини билмаслик натижасидир. Шунинг учун бу зарарларга дуч келмаслик учун киши мантиқ илмини билиши керак.

Фитрат илмларни тадқиқ қилар экан, «Раҳбари нажот»да қуйидаги хулосаларга келади: 1. Илм таҳлили мусулмонлар учун шаръан ва ақлан лозимдур. 2. Илмлар турлари жуда кўпдир, уларни фақат ўзимизга фойдалиб бўлганларининг таҳлил этишимиз керак. 3. Илмсиз саодатга етиш мумкин эмас. Ҳар бир инсон бу илмларнинг маълум соҳаларини ўрганиши шарт, чунки бутун илмларни ўрганиш учун бир инсон умри етмайди.

Илм ўрганишдан мақсад нима? Фитрат фикрича, илм ўрганишдан мақсад инсон ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этувчи ҳаёт гоёси — Ҳазрати Ҳолиқи Оламга (Худонинг сифатларидан бири — Ш.Г.) етишидир. Унга етишиш учун инсон икки дунё саодатига (саодати дорайн) эришиши керак. Бунда Худо томонидан инсонга ато этилган ақлу заковат нажот йулланмасидир.

Абдурауф Фитрат «Раҳбари нажот»нинг Карам (саховат) сарлавҳали қисмида дунёвий илмларни ўрганиш жамият тараққиётида катта аҳамиятга эга эканлигини, бу илмлар воситасида техника тараққиётига эришиш мумкинлигини баён қилади.

Фитрат барча асарларида миллат истиқболи, унинг бахту саодатга эришиш йули фақат маърифатда эканлигини таъкидлаб келди. Унинг ўзи бир неча унлаб фан соҳаларида ижод этган қомусий билим эгаси эди. Фитратнинг илмфан ҳақидаги, миллат хурлиги ва бахтли истиқбол ҳақидаги орауумидлари бугун рўебга чиқмоқда.

Шаҳноза ГОЙИБОВА,

ТошДУ фалсафа тарихи ва мантиқ кафедраси ўқитувчиси.

ВАТАН БЕШИГИ ТЕПАСИДА

Тулроқ замонларда яшаш осон кечмайди, дейишади. Эҳтимол. Бир маромдаги, тўксис ва осуда турмуш кўпинг, айниқса, аёлларимизнинг муроди. Бунда улар ўзларидан кўра кўпроқ оилалари, фарзандларини ўлайдилар.

Шундай бўлса-да, ўтиш даври мураккабликлари, қийинчиликларидан холи бўлмаган бугунги кунимизнинг алоҳида бир шукҳи бор. Вақт ўтиб, биз гувоҳ бўлаётган кундалик ва оламшумул воқеалар тарих раваракларидан жоқ олади. Ушанда авлодларимиз ҳозирги беҳаловат онларни бошидан кечирётган бизларга ҳавас қилишларига ишончим комил. Асрлар давомида орзуланган Истиқлол шохиди, келажаги буюк давлат бунё джорларига ҳавас қилмай буладими, ахир!

Муствақиллик энг олий неъмат эканлигини унинг биринчи тетапол одимлариданоқ қалбдан ҳис этдик ва унинг самараларидан ўзимиз баҳраманд бўляпмиз.

Кечаги кунингга, тарихингга — у қандай бўлишидан қатъи назар — қора лой чаплайвериш инсофдан эмас. Бироқ, муствабид тузум гамгусаларини, унинг бошимизга ёғдирган кулфатларини унутиб буладими?

Бир эслайлик: коммунистлар салтанати даврида эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги тузумнинг энг улкан ютуғи сифатида осмонга кутарилмасмиди? Ҳа, хотин-қизлар эрлар билан баб-баравар ишлаш ҳуқуқига эга эдилар. Бу «ҳуқуқ» асоратлари — минглаб, ўн, юз минглаб аёлларимизнинг камқонлилик, бошқа турли касалликларга мубтало бўлганликлари билан «аксадо» бермоқда. Кимёвий дорилар билан заҳарланган пахтазорларда йил — ун икки ой қад ростламай меҳнат қилиш оқибатлари бундан бошқача бўлиши мумкин эмасди. Марказнинг буйруғи... зугуми билан қатъий белгилаб қўйилган миллион-миллион тонналик пахта тайёрлаш режасини бажариш учун ҳомилдор аёл ҳам, қақалоғи кук-

рагидан узилмаган она ҳам далага чиқишга, кетмон чопишга, пахта теришга мажбур эди!

Қадим-қадимда Тумарисдек жасур ва мард, Бибиҳонимдек оқила ва зукко, Увайсий ва Нодирабегимдек ёркин истеъод соҳибаларига бой бўлган диёримиз қайси аёлларининг номлари Шурулар даврида довол ошди? Улар ҳақиқатан ҳам меҳнатда фидойилик кўрсатиб, илм-фанда муъжизалар яратар, жаҳон маданиятини бойитар эдилар, аммо хорижий мамлакатлар учун «ёпиқ дастурхон» бўлиб қолавердилар.

Истиқлол офтоби нодир истеъод соҳибаларининг юзини ёруғ қилди. Самарқанд паразитология илмий-текшириш институти олимаси Роҳат Носирова Америка Қўшма Штатларидаги Шимолий Каролина география институти томонидан «1995 йил кишини» фахрий номига муносиб топилди. Ўзбек олимасининг дунёдаги кўплаб мамлакатлар аҳолисига таҳдид солаётган лейшманиоз касаллигини қўзғатувчи микробларга қарши дори ишлаб чиқиб, жаҳон тиббиёт фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ана шундай юқори баҳоланди.

Яна бир ватандошимиз, филология фанлари доктори Фозила Сулаймонова Франция олимларининг фахрий мукофоти — Палма академисини зобити белгисига сазовор бўлди. Уни Гарб, хусусан, француз адабиёти тарихининг зукко билимдони сифатида жуда яхши билишади. Фозила опанинг буюк француз ёзувчиси Стендаль ҳақидаги монографияси жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган.

Муствақиллик шарофати ила ўзбек аёллари курраи заминимиздаги дугоналари билан қалин алоқа ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлдилар, уларнинг мағрур овози жаҳон минбарларидан баралла янграй бошлади. Утган йил кузида Ўзбекистон хотин-қизлар делегацияси илк бор Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекинда

ўтказилган IV Жаҳон хотин-қизларининг анжуманида иштирок этди. Бугунги кунда республика Хотин-қизлар қўмитасида дунёнинг турли бурчакларидан келган делегациялар билан учрашувлар, мулоқотлар оддий воқеликка айланиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов: «Ватан бешигини тебратган ҳам, аслида, аёл. Истиқболимизни вояга етказувчи ҳам аёл», — деганларида минг бор ҳақдилар. Ўзбек аёли фидойилиги, меҳридарёлиги, саховати билан Ватанимиз қўдратига-қўдрат қўшмоқда, муствақиллигимизни муствақамлапти. Азалдан меҳнаткаш, тadbиркор бўлган опа-сингилларимизга бугунги кунда ўз салоҳиятларини намоён этиш учун чексиз имкониятлар очилди. Биргина республика тadbиркор аёллар уюшмаси атрофига 3 мингдан кўпроқ хотин-қизлар бирлашган. Уюшма қошида «Зумрад» маданият маркази ҳам ўз фаолиятини бошлаган. Бу марказ ёрдамида истеъодли ўзбек муствабир аёллари ўз асарларини чет эллардаги кургазмаларда намоён этиш имконига эга бўлмоқдалар. Марказ босмаҳонасида эса иждокор аёллар асарларини чоп этишга киришилди.

Яқинда Япония ҳукумати Ўзбекистон тadbиркор аёллар уюшмасига 57,5 минг доллар миқдорда бегараз ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Бу маблардан ишбилармон дугоналаримизни қўллаб-қувватлаш мақсадларида фойдаланилади.

Ўзбекистон тadbиркор аёллар уюшмаси АҚШнинг машҳур ҳуқуқий консорциуми, Германиянинг Конрад Аданауэр жағмаряниг, Карл Дусберг, Баҳрайндаги «Она ва бола» жағмиятлари, Бутунжаҳон аёллар жағмаряси сингари қатор халқаро ташкилотлар билан ҳам алоқа болган.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш турғисида»ги

МУҲАММАД АЛАЙҲИС- САЛОМ ВАСИЯТЛАРИ

Фармонида кўзда тутилган ҳуқуқ ва ваколатлар аёлларимиз жамоатчилик ташкилотларининг нуфузини мислсиз даражага кўтарди. Уларнинг ўз ҳозирги пайтда жуда кўп нарсаларга қодир бўлиб қолдилар. Хотин-қизлар қўмиталари ана шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда, аёлларни иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, миллий маданият ва тарихий қадриятларимизни эъзозлаш учун кўп иш қилаётирлар.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитларида аёлларни иш билан таъминлаш энг долзарб муаммодир. Бунинг учун қишлоқ жойларига корхоналар, цехлар ташкил этиш, «Маҳалла — корхона» тизimini яратиш, касаначиликни кенг ривожлантириш зарур.

Мутахассисларнинг таҳлиллари бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул барча хотин-қизларнинг 45 фоизга яқини бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд эканлигидан далолат берапти. Аёлларни оғир жисмоний меҳнат билан боғлиқ ишлаб чиқариш соҳасидан хизмат кўрсатиш тармоқларига ўтказиш хотин-қизлар қўмиталарининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Иш билан банд аёл меҳнаткаш, ходима бўлибгина қолмасдан она ҳамдир. Жамият унинг зиммасига улкан масъулият — келажаки буюк давлатнинг муносиб фуқароларини тарбиялаб вояга етказиш вазифасини юклаган. Мустақиллик шарқона фазилатларнинг бутун қирраларини янада яқриратиб юборди. Ўзбекиона лутф, ўзбекиона хулқ, ўзбекиона ахлоқ бизни кашф этган дунё халқларини дол қолдирди.

Ана шундай шароитларда гуруҳ орасидаги курмакдек чиқиб қолаётган нохуш воқеалар одами ранжитмай қолмайди. Бу ҳақда юртбошимиз халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида куйиниб гапирдилар: «Вилоятда Шарқ аёлларига хос бўлмаган ҳодисалар юз бермоқда. Жумладан, улар ўртасида товламачилик, ўғирлик, ўз шаънига доғ тушириш каби жиноятлар кўпайиб кетган».

Нақадар оғир бўлса-да ҳамма нарсани ўз номи билан атаган маъқул. Ҳозирги вақтинчалик турмуш қийинчиликлари баҳонасида анчагина аёлларимиз уларни тижоратга урдилар. Ўзининг дуруст-

гина билими, малакаси, иш тажрибаси бўлган оқитувчилар, врачлар, бошқа олий маълумотли баъзи мутахассис оша-сингилларимизнинг хориждан мол олиб келиб сотишга шўнғиб кетганларида ҳаммамиз хабардормиз. Ароғнга олиб қимматга сотиш балойи нафеи уларни қайси кўчаларга етаклаётгани ҳам сир эмас.

Биз жаҳон ҳамжамиятига қўшилган эканмиз, ривожланган давлатларнинг қизларни тарбиялаш, камол топтиришдаги ибратли тажрибаларидан фойдаланишимиз зарур. Жаҳондаги юздан ортиқ мамлакатда авж олган «фаол қизлар» (инглизчасига герл-гайдлов) ҳаракати эргашса буладиган ана шундай эътиборга молик оммавий ташкилотдир. У қизларнинг жамоатчилик асосида фаолият юргизадиغان ташкилотидир. Ҳаракатта миллати, ирқи, эътиқодидан қатъи назар, ҳамма қизлар аъзо бўлишлари мумкин. Фаол қизлар билан билимли, тажрибали мураббийлар машғулотлар олиб боради. Асосан уйин, баҳо-мунозара шаклида олиб бориладиган бу машғулотларда қизларга ўз Ватани, миллати, тарихи, маданияти, урф-одатларига ҳурмат уйғотиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, ҳаракат аъзолари учун уларда ташаббускорлик, тadbirkorлик хислатлари шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Шуничи қувончлики, Умумжаҳон герл-гайдлов Ўзбекистон миллий бўлимини тузиш учун ҳаракат бошланди. Хусусан, Топкент шаҳридаги Акмал Икромов тумани хотин-қизлар қўмитаси хузурида дастлабки «Фаол қизлар уюшмаси» иш бошлади. Бу ҳаракат бутун республикамиз бўйлаб қанот эса, шаҳар ва қишлоқларимиздаги унлаб, юзлаб, минглаб ташкилотчилик қобилиятига эга, фидойи, сергайрат, ташаббускор қизлар Ватанимизни равнақ топтириш, мустақиллигимизни мустақамлаш ишига муносиб улушларини қўшган булардирлар.

Биз истиқлолимизнинг беш йиллиги билан юз кўришдик. Бу вақт тарих учун сониядек гап. Аммо шу қисқа даврда диёримизда нақадар оламшумул воқеалар руй берганлигини жуда яхши биламиз. Биз, буюк Амир Темураждодлари яна узлигимизда танидик. Бизни эса жаҳон тавди илтифати бошлади.

Фарида СОИФНАЗАРОВА,
фалсафа фанлари номзоди.

Ҳазрати Али каррамаллоху ваҳҳидин ривоят қилибдурларки, айтдиларки: «Бир кун сарвари олам — Муҳаммад Мустафо саллаллоху алайҳи васаллам мени хузурларига талаб қилдилар. Вақтики, хизматларига бордим, менга меҳрибонликлар қилиб айтдилар: «Ё Али, сен менга Мусо алайҳиссаломнинг Ҳорун деган акаси каби яқинсан. Лекин Ҳорун каби пайгамбар эмассан. Чунки мендин сунгра пайгамбар чиқмас.

— Ё Али, бу кун сенга бир васият қилурманки, уни асрасанг дунёда яхши ҳолда бўлгайсан. Агар улсанг шаҳид бўлгайсан». Аввалги ва охириги илмлар ушбу васиятномада айтилгандир.

Эй мусулмонлар, ҳар кун бу «Васиятнома»ни ўқинглар ва унга амал қилинглар ва бу васиятларни бажо келтиринглар. Дунё ва охирагда балолардан халос ва эмин буларсизлар, оқил ва доно бўлгайсизлар. Айтдилар:

— Ё Али, мунофиқнинг уч аломати бордир: сузласа ёлгон сузлар; ваъдасига хилоф иш тутар; хиёнат қилар.

— Ё Али, золимнинг уч аломати бордир: қул остидагиларга жабр-ситам қилар; узилан зурлар олдида одоб сақлаб, узини паст тутар, халқ ош-нонини ноҳақ ер.

— Ё Али, ҳосид, яъни ҳасад этувчининг уч аломати бордир: сени олдинда жугилик қилар, орангдан гийбат қилар; агар сенга бирор мусибат ё гам етса, унга хурсанд ва шодмон булар.

— Ё Али, оқилнинг уч аломати бордир: дунёни хор ва тубан тутар; жафога сабр этар; қийинчиликларга чидар.

«ТУРК ҲОҶОНИ ШУ ВА ИСКАНДАР» ДОСТОНИ

МАХМУД ҚОШГАРИЙНИНГ «Девону луготит турк» китоби қомусий билимлар муҳассамлашган асардир. Унда тил, тарих, адабиёт, жуғрофия ва бошқа соҳаларга оид ноҳур матнлар мавжуд. Девон туркий халқлар адабиётининг антик даврларида яратилган адабий парчаларни бизгача етказиб бергани билан ҳам гоят қимматлидир. Китобда куплаб халқ мақоллари, кичик масал ва мунозаралар, шеърӣ парчалар билан бирга иккита тугал сюжетга эга булган дoston ҳам ўрин олган. Достоннинг биринчиси Алп Эр Тунга — туркийларнинг милoddан аввалги VII асрларда яшаган ҳоқонига бағишланган. Иккинчисидан эса грек-македон босқинчиларининг Марказий Осиёга бостириб келиши ва турк қавмининг уларга қарши кураши уз ифодасини топган. Достоннинг биринчиси шеърӣ, иккинчиси насрий йул билан битилган. Албатта, ҳар икки дoston «Девону луготит турк»да яхлит асар сифатида саҳифама-саҳифа берилган эмас, улар уч китобдан иборат девоннинг турли саҳифаларига сочилиб кетгандир. Чунки, улуг тилшунос адабий парчаларни тилшунослик нуқтаи назаридан фойдаланган, улардан савод (грамматик) қоидаларига бўйсинувчи мисоллар топган.

Маҳмуд Қошгарий туркий халқлар ўртасида булиб, уларнинг ўфодати, тил ва адабий бойликларини урганиб юрар экан, унга Алп Эр Тунга авлодларидан булган Муҳаммад Жақир Тунқахоннинг угли Исрофил Тугантегин отасидан эшитган турк ҳоқони Шу ҳақидаги бир ривоятни айтиб беради. Бу ривоятда Искандар турклар мамлакатига бостириб келганида, Шу исмли ҳоқон унга қарши курашганлиги воқеалари ас этган. Ривоят девоннинг I ва III китобларида ўрин олган. Парчаларни мазмунан бир-бирига боғлаганимизда улардан тугал бир сюжетга эга булган асар юзага келади. Биз бу асар сюжетини ривожлантирувчи қаҳрамонлар номи билан шартли тарада «Турк ҳоқони Шу ва Искандар» дostonи деб атадик. Асар сюжети шундай:

Искандар Зулқарнайн туркларнинг шаҳар ва қишлоқларини босиб ола бошлади. У Самарқанддан ўтиб, туркларнинг бошқа шаҳарлари томон йул олган вақтларда турклар шоҳи Шу исмли бир ёш

ийигит эди. Ҳоқон Шу катта ва қудратли қўшин эғаси булган. Баласогун яқинидаги Шу шаҳрини мазкур шоҳ фатҳ қилган ва қурдирган эди. Бу шаҳарда ҳар куни беклар учун уч юз олтимиш марта довул чалинаар эди.

Турклар Искандар бостириб келишайтганлигини эшитиб, ваҳимага туша бошладилар. Ҳоқон Шунинг яқинларидан бири журъат этиб, унга шундай деди:

— Искандар яқин келиб қолибди. Бизлар у билан уришамизми? Нима чора буюрасиз?

Шоҳ Шу ёш булса-да, тадбиркор, ҳарбий сирларни эҳтиёт қилувчи, лекин душманини мағлубиятга уч-

ларга узининг кумуш ҳовузини қурсаиб, шундай деди:

— Ҳоз, урдакларга қаранглар, улар сувга қандай шўнгишади.

Шоҳнинг кумушдан ясалган ҳовузи-идиши бор эди. Шоҳ сафарга чиққанида уни ҳам ўзи билан бирга олиб кетарди. Ҳовузга сув тулдирилгач, ғоз, урдаклар унга шўнгишар эди.

«Искандар билан урушамизми, нима буюрасиз?» — деган саволга шоҳ Шунинг берган жавоби одамларни ўйлатиб қўйди. Улар бу гапдан:

— «Шоҳ Искандар билан урушмоқчи ҳам эмас, бирор ёққа чекинмоқчи ҳам эмас», — деб гумон қилдилар.

Искандар турк шаҳри ёнидан ўтди. Айгоқчилар унинг ўтганини шоҳга кечаси келиб етказдилар. Турк ҳоқони уша кечасиёқ довул чалдирди ва Шарқ томонга йул олди. Шоҳлари ҳеч бир тайёргарликсиз йулга чиққанини қурган халқ орасида бирор кунгилсизлик юз бермаса эди, деган ташвишли гумонлар пайдо булди. Улов топганлар шойилганча ҳоқон орқасидан юрдилар. Шойилганларидан у бунинг улловини, бу унинг улловини эгаллаб олишган эди. Тонг отгунча лашкароҳ банд ер шаклига кирди. У вақтларда Тироз, Исфижоб, Баласогун ва бошқа шаҳарлар бино қилинмаган эди. Шоҳ ва унинг қўшинлари билан кетиш учун улов тополмай йигирма икки киши оиласи ва бола-чақалари билан у ерларда қолиб кетган эди.

Шоҳ Шу қўшинларига эргаша олмасдан қолган оилалар бошлқларининг номи шундай: Қиниқ, Қайиғ, Байун, Ива, Солгур, Офшор, Бегтили, Вуктус, Воёғ, Ёғир, Эймур, Қорабулук, Олқабулук, Игдар, Уракир, Тутирқа, Улаюндлуг, Тугар, Важанак, Жуволдор, Жапни, Жаруглуқ. Бу йигирма икки оила ҳоқон Шу орқасидан яёв бориш ёки ўз жойларида тура бериш ҳақида маслаҳат қилаётган эдилар, уларнинг ёнига яна икки киши келиб қўшилди. Вола-чақаси ҳам улар билан бирга эди. Улар юкларини орқаларига ортиб олган ҳолда қўшин орқасидан бораётган эдилар. Бечоралар чарчаб қийналишган, оғир юк кутаришдан терга тушишган эди. Улар қолиб кетган йигирма икки оилга йўлиққач, қўшин кетидан бормаслик тўғрисида кенгашилди.

Икки оила уларга айтди:



Турк ҳоқони ШУ.

ратининг жуда кўп усулларини биладиган киши эди. Шу боис Искандарнинг яқин келиб қолганидан ваҳимага тушмади. Шоҳ Шу аллақачонлар Искандар армияси яқин қолганлигини эшитган, унинг шаҳар атрофидан ўтиб кетишини билиб, хабар бериш учун Хужанд дарёси қирғоғига бир гуруҳ айгоқчиларни юборган эди. Лекин айгоқчилар яширинча кетишгани учун шоҳнинг яқин кишиларидан бирортаси ҳам айгоқчиларнинг кетганини билмас эди. Шоҳнинг кўнгли бу масалада тинч эди.

Шоҳ Шу «Искандар билан курашамизми?» деб савол берган киши-

ШАРҚОНА ЁДГОРЛИК УРНАТИЛСА...

Ўзбек халқида минглаб тузал расм-русумлар борки, биз шулардан бирини ҳисоб қилиб, ўз таклиф-мулоҳазаларимизни ихор қилмоқчимиз.

Илгари одамлар қабристонга гоят эҳтиром, ихлос ила муносабатда бўлишган. Мозор оқидан еки ичидан югур-гилмай, бош эгиб, аста-оҳиста утишган. Кишилар қабристонга яқинлашишлари биланок от еки аравада бўлсалар ундан тушганлар, сукут сақлаб, аста-секин оқидлаб шу ердан унган аждоғлар руҳи-поклари билан унган узиниз диллашиб гаплашганлар... Кейин маълум масофага боргач, яна от ва араларига миниб кетаверганлар. Шу ўринда соҳибқирон Амир Темуриунг «Азизу авлидалар, саҳобалар макбараларини, қутлуг қаламжоларни зиерат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиератгоҳлар оқидла отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб, зиератни уринлатдим.

Аркуно давлат, барча мулозимларим ҳам зиератгоҳларни ана шундай тавафқ этмоқни одат билишди», деган муқаддас сузларни ҳаммамизга ибратлидир.

Бизнинг тезкор асримизда нима бўляпти? «Чоп-чопга учраган биз, бандалар на қабристонни, на у ерда ётган маркумларни эсламай, билсак ҳам аҳамият бермай машинада, турт гилдирак устида гизиллаб утиб кетамиз. Ким бизни қуваяпти? Қаярга шошиб кетаямиз? Бу ҳам маънавий лоқайдлик аломати эмасми?

Юракдан шуларни уйлаб, бизда қадим удумларимизга сунган ҳолда, бир мулоҳаза-ғояни қўчилик фикрига ташламоқчимиз. Шаҳар кучалари ва хиёбаноларига аждоғларни хотирлаб ҳайкаллар урнатили. Бу яхши. Шу билан бирга қабристонлар одилдиги серқатнов йўлар чеккасига миллий анъаналарни акс эттирадиган, одамлар нигоҳи тушиши билан уйлатадиган ва инсон қалбига таъсир этадиган шарқона мазмуни тасвир-ҳайкал мажмуаси яратилса, қандай бўларкин?

Масалан, Амир Темуриунг Зангиота жомисини бунёд этишда бевосита иштирок этгани тарихдан маълум. Зангиота эса Тошкентнинг диққатга сазов остоналаридан ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда, Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги хотираси азиз инсонлар қабристонини енидан утдиган Форобий кучаси кенгайтирилиши ва шўх кучага айлантирилиши муносабати билан бирон мажмуа учун шу ердан жой ажратиш мумкин.

Бундай зиератгоҳлар ривожланган кўпгина мамлакатларда бор. Бу шаҳарларга ташриф бўюрган меҳмонлар ав-

— Эй, одамлар, Искандар йулочи одамдир. У бир ерда турмайди. Бизнинг ерларда қолиб кетмай, утиб кетади. Ўз еримизда ўзимиз қоламиз.

Йигирма икки оила икки оилага айтадилар:

— Қал, ач! Шу ерда туринглар!

Уларнинг бу сўзларидега «оч қонилнглар», деган маъно бор эди. Ана шу икки оиладан туркийларнинг халач қабиласи юзага келди. Халачлар икки қабиладир.

Йигирма икки оиладан эса турк ўгузларнинг 22 қабиласи юзага келди ва қабила оила бошлиқларининг номи билан аталди.

Искандар йигирма икки қабила шўх Шунинг орқасидан кета олмасдан тупланиб турган жойга етиб келди. Тупланган кишилар Искандарга идрокли одамлар бўлиб қуринди. Уларда туркларнинг нишонаси бор эди. Искандар бу одамларнинг кимлигини сўрамасдан «туркмонанд» деди. Булар туркларга ухшашдирлар, демақдир. Шундан сўнг «туркман» номи уларга нисбатан айтадиган бўлди. Аслида улар йигирма турт қабиладир. Лекин халачлардан икки қабила баъзи сабаблардан уларини булардан айирадилар. Шунинг учун улар ўгузлардан ҳисобланади.

Шўх Шу Чин шаҳрига етиб келди. У Искандарнинг орқасидан тушган эди. Уйғурларга яқин бир жойда шўх Шу Искандарга қарши қўшин юборди. Аввал шўх Шу Искандар билан уришиш учун ёш йигитлардан иборат аскарларни йўлаган эди. Вазир шўхга айтди:

— Сиз бутунлай ёшларни чиқардингиз. Аслида катта ёшли, уруш ишларидега тажрибаси бор одамларни юбориш керак эди.

Шўх Шу айбини тан олади. Урушга катта ёшли кишиларни йўлайди. Искандарга қарши урушга турт минг одам жунатилди. Турк аскарларининг бошларидаги баланд қалпоқ, парлари ҳудди лочин қанотидай эди. Турк аскарлари ўқни олдидан қандай моҳирлик билан отсалар, орқадан ҳам шундай усталик билан отар эдилар. Буларга Искандар ҳайрон қолди ва форсча «инан худ ҳуранд!» — «булар ўзи топиб егувчилар», бошқаларга муҳтож бўлмоқчилар, яъни булардан оғ қочиб қутулмайди, қачон хоҳласалар отиб ейдилар, деди. Шундан сўнг вилоят Худхур деб атади.

Турк аскарлари кечаси Искандарнинг олдинги қўшинларига ҳужум қилиб, уларни енгишди. Уруш жуда даҳшатли қуринишда бўлган эди. Ҳоқон Шунинг йигитларидан бири Искандар аскарларидан бирини қилич билан уриб, киндигига-ча иккига ажратиб юборди. Ўлган

аскарнинг белбоғида олтин ҳамён бор эди. Ҳамёнга қилич тегиб, кесилиб кетади. Ундан қонга бўялган олтинлар ерга сочилиди. Эрта-си қуни турк аскарлари қонга бўялган олтинларни қуришиб, бир-бирларига «бу нима?» дейишар ва «олтин қан» — «қонли олтин» деб айтишар эдилар. Бу жойдаги катта тоғ шу ном билан аталадиган бўлди. Уйғурлар ақинидаги бу тоғ атрофида қўпгина кўчманчи турклар яшар эдилар.

Искандар аргулар шаҳрига етганида қаттиқ ёмғир ёғиб, ерлар лой, ботқоқ бўлади. Искандар лойда юрولмасдан қолади. У хафа бўлиб, форсча «ин чи гил аст» — «бу қандай лой», бундан қўтила олмаймиз, деб газабланган. Искандар бу ерда бир вино қуришни буюрди. Кейинги даврда бу жойда Чигил деб аталувчи бир қўрғон ҳам қурилди. У ерда яшовчи туркий қабилалар ҳам шу ном билан «чигил» деб аталадиган бўлди. Шундан сўнг бу ном ҳар томонга тарқалди. Ўгузлар чигиллар билан ҳар вақт уришар эдилар.

Оғир урушлардан сўнг Искандарнинг аскарлари толиқга бошладди. Озиқлари қамайдди. Аскарлари очликдан қуришиб, Искандарга бизни оч қўйма, оч тутма мазмунида «бизни тутма ач» — қўйиб юбор, юртимизга кетайлик, деган. Искандар билимдонлар билан кенашган ва улар тўғимли бир хил овқатни тайёрлашни маслаҳат берганлар. Бу овқат ҳазм бўлгач, сувидан ҳам ичилар эди. Турклар бу овқатни қуришгач, уни «тутмач» деб атадилар. Аслида, «тутма ач», яъни «оч тутма» демақдир.

Даҳшатли урушлар ва аскарларнинг қийноқ-азобларига тушишидан сўнг Искандар турк ҳоқони Шу билан сулҳ тузди. Искандар келишувга биноан уйғур шаҳарларини вино қилди. Вир неча вақт шу ерда турди. Искандар турк ҳоқони билан тузган битимга қура бешта шаҳар қурди. Улар қуйидагилар: Сулми, Кужу, Жанбалиқ, Бешбалиқ, Янги балиқ. Бешта шаҳарни бирлаштирган вилоятнинг номи Уйғурдир.

Искандар турклар мамлакатидан ўз юртига қайтиб кетгач, шўх Шу Баласоғунга қадар бўлган жойларни ўзига қаратди. Ўз номи билан аталган Шу шаҳарини қурдири. У ерда бир тилсим ясашни буюрди. Ҳозиргача учиб келаятган лайлак ҳам у тилсимли шаҳар тепасига келганида тўхтаб қолади, ундан ута олмайди.

Маҳмуд ҚОШГАРИЙнинг «Девону луғотит турк» китоби асосида нашрга тайёрловчи: филология фанлари номзоди Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ.

вало улуг зиератхларни тавоф этиб, кейин бошқа юмушларга киришганлар. Фикримизча, одамларни иймон-диенатга ундайдиган бундай мажмуа курилса, юртимиз учун, Турон замин учун узига хос булган тарихий ва ибратли, инсонийликка даъват этувчи зиераттох, қолаверса пойтахтимиз Тошкентнинг еки вилоятларнинг табаррук остонаси булур эди.

Бизнингча, бу азиз жойда икки катта ҳажмдаги мрамар тошда (4—5) абдиат битиклари ёзилгани маъқул. Биринчи мрамар тошда соҳибқирон Амир Темурнинг юқорида таъкидланган муқаддас сузалари...

Худди шу лавҳа ҳажмида мрамар тошда мажмуанинг иккинчи қанотиға: «Огоҳ булинг, одамлар!» даъват-ҳайкирини ёзилган булади.

Мажмуада жуда нафис гулзор ташкил этилиб, муаттар гул ва райҳон исларни таратувчи боғ бағрида мрамар тошларда (маълум ҳажм ва чиройли нақшларда) Ҳалислардан олинган умрбоқийлик ҳақидаги намуналар битилади. (Чамаси, эндиликда мрамарларни қабристонларга эмас, масканларга ишлатайлик). Айниқса, боғ уртасидаги нақши, худди узукка қуз қуйгандек оппоқ мрамар шийпон қурилади. Шийпон устунлари-ю панжаралари ҳам нақшланган, енида қулай уриндиклар булади.

Зиератта келганлар мажмуани айлана-б-сунг ушбу мрамар шийпонга аста келиб утирадилар. Маълум дақиқалардан сунг жуда майин, одамларнинг эт-тини жимирлатиб юборадиган ҳолда Курьон тиловати (стерео ёзувда) ижро этилади. Одамлар руҳий мадал олиб аста қайтадилар...

Ниятимиз, ушбу зиераттох ташриф буюрувчилар ва йулвочларининг қалбига нур сочиб турса деймиз. Бу каби хайрли ишлар, эзгу тилаклардан мурод — одамлар қалб кузини очилдир. Бу масканлар тиссолида бир дақиқа, оний лаҳза одамлар диққатини тортиб янашдан мақсад яхшилик эканлигини ва охиратини ўйлатишдир. Ҳозирги «чоп-чоп» даврда инсон умрининг азизлигини, ҳаммамиз бу дунёнинг меҳмони эканимизни англатиш савоб ишдир.

Уйлаймизки, ушбу мажмуа Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, қолаверса, узоқ ва яқиндан келган меҳмонлар, пойтахтимизга ташриф буюрган хорижий давлат раҳбарларининг ҳам эътиборидан четда қолмайди. Дарвоқе, кўпгина давлатларда меҳмонлар ташрифи биринчи гафта утганларни едга олишдан, зиератдан бошланади.

Таклиф этаётган мажмуа-комплексни «Аждодларга таъзим — ибрат» деб аталса яхши булур эди.

Ҳамид ЗИЕЕВ,
Ўзбекистонда хизмат курсатган
фан арбиби, профессор;
Абдул АМИНОВ,
эллишунос олим.

ДИЛДАН ГУРУНГ

БҮЙИНСИН- МАС ТУРКҲИ ИРОДА

(Мухтор Ашрафий номдаги Тошкент Давлат консерваторияси Анъанавий ижрочилик кафедрасининг катта ўқитувчиси Иқболхон ТОШПУЛАТОВА билан бугунги муסיқа ҳақида ошқора суҳбат)

— Ушбу таъбирни инкор этмасангиз, мен дуторни юракка ухшатмоқчи эдим. Назаримда, дунёдаги ҳамма нарса — инсоний кургуликлар, тириклик фожиа ва қайтулари, бахт ва бахтсизлик, умид ва армонлар, муҳаббат ва ҳижрон — бари жамулжам юракдан бошланиб, юракда тугайдигандек.

Муқаддас китобларда «қалб»га узалуксиз хитоб қилиниши бежиз эмас. Қаерададир «Қалб Аллоҳ назаргоҳидир» деган теран бир ҳикматни ўқиганим бор.

Хуллас, Иқболхон, бу узундан-узун таърифдан муддаоим шуки, аввало, Сиз дуторнинг юрак рамзи эканига қўшилсизми? Сониян юқорида санаб утилган ҳодисаларни Сизнинг қўлингиздаги сеҳрли саз нечоғли ифодалай олади?

— Дутор бу — «икки тор» дегани. Тугри айтдингиз, у шаклан юракка ухшайди. Аммо, дутор маънан юракнинг ўзи. Мен бу нозик икки сим Навоий ва Бедилни, Бобур ва Машрабни, ва яна юзлаб улар каби даҳолар маънавий оламини ифода эта олишига ҳамон ҳайратланаман. Қаранг-а, улуг шоирнинг биргини «Келмади» газалига басталанган куй ва унинг ёлғиз икки симдаги ифодаси. Бу мисли қурилмаган инсоний кашфиятларнинг бири эмасми? Бизнинг Шарқда яратилган куйлар моҳиятига қўра жуда теран фалсафийдир. Бунинг боиси нимада,



Иқбол ТОШПУЛАТОВА

деб кўплаб зотларнинг ҳайратдан лол қолганига гувоҳ булганман. Афсуски, баъзан ҳайратнинг ҳам умри қисқа буларканда, биз нечоғли оғир юкни елкага олганимизни унутиб қўярсанми. Мудом мени бир муаммо беовта қилади. Шарқ нега шундай «оғир юк»ни елкага олди экан? Беихтиёр қуз унгимизда халқимизнинг ўтмишдаги «олтин давр»лари намён булади. Ҳазрат Навоий бадиий даҳосига туртки берган, Камолиддин Бехзоднинг нозик самовий муйқаламини «чархлаган» омиллар «икки сим» билан олами титратган бастакор даҳосига туртки бермадимикан? Табиий, Навоий ултирган хонанинг турида ҳам, пойгада ҳам ул зотга бақамти асҳоблар ултиришган. Шарқ фалсафий тафаккурдаги теран одамийлик, эътиқод ва иймон, темир низомлари булган ахлоқ, умуман, шарқона маданият ҳукмрон булган муҳитда бугун биз бот-бот гувоҳ булаётган «аҳ-



Мақсуда АБДУЛЛАЁРОВА

лоқсиз мусиқа» пайдо булиши ақлга сигмас ҳолдир.

— Суҳбатимиз уз-узидан мусиқада ахлоқ ва ахлоқсизлик, мусиқавий савянинг даражаси, бугун, умуман, мусиқа қандай аҳволда эканлиги хусусидаги муаммоларга келиб тақалди. Назаримда тиниқ сойлар атрофида бутана анҳорлар булгани каби бугунги мусиқа гулзорида гулларга чирмашган зарпечаклар ҳам оз эмас. Бу ҳол охириқибат жамиятнинг муайян бир қатламида дидсизлик касалини келтириб чиқармасмикин?

— Тугри айтдингиз. Биз кўп ҳолларда ошқора зарарли ҳодисаларни «майли, ёшларбоп экан» ёхуд «бугунги ёшлар узи шунақа» қабилдаги хом тасаллилар билан хаспўшлаган бўламиз. Айтилик, «сойларда тулиб-тошиб қизлар оқиб келаяпти», «мовий кўз, шаҳло кўз менинг суйганим», «туйингни ҳам бузаман» каби юзлаб چاپани ашулалар ва бу «чapanи»ларга

«белбог» булган шу қадар «мусиқа» лашкарларининг оммавий босқини руй бераётган шаронг-да тинглашдан узга имкони бўлмаган ёшларнинг гуноҳи нима? Ёшлик дегани бу нуқул бебошлик эмас-ку?.. Йўқ. Бунинг боиси бошқа ерда. Аввало одамзот табиятидаги нозик бир жиҳатга аҳамият берайлик. Одам боласи, кўпчиликнинг ақидасига кўнучван ёхуд буйсунувчан бўлади. Камдан-кам зотлар оммавий ҳодисаларга танқид назари билан қарайди, дейлик. Бутун Отчопарда кимдир нуқул «Сенинг йўлинг — менинг йўлим...» деб бақираётган бўлса, (ашула айтипти — М. А.) демак бир гап бор. Чунки, ҳамма эшитяпти. Чунки, ҳамма эшитмаяпти. Ва ҳеч ким «ҳой, бу қандай шовқин?» демайди. Бу омmanın табияти. Бу оммавий сукунат узининг аксини пайдо қилади, яъни кимнингдир сурони аниқ қулоқларни батанг қилиши мумкин. Майли, аллакимнинг йўли, сойдаги ҳодисалар ҳақидаги қушиқларнинг бемаънилигини охириқибат тўшуниб етасиз ва шу билан «сой қуриб», «йўллар тугайди». Аммо яқин ўтмишда болалар боғчаларига кириб борган «Ломбада» билан кўни кеча бутун Тошкент осмонини қоплаган қандайдир немисча «ашула»нинг «юксак парвози»га нима дейсиз? Бунинг боиси — оммавий эҳтиёждан эмас, аксинча, мажбурий эшиттириш эҳтиёжидан келиб чиқади. Кўчада ҳар қадамда одам тўпланадиган «мусиқафурушлик дуконча»ларида оёқларини чалиштириб, тамаки тутаётган «бизнесмен уяхон»ларимиз варанглашиб айлантираётган кассеталардан нималар таралаётгани, улар ақалли қайси тилда эканини биров уйлаб кўрдимикин? Эҳтимол, улардан бирида зўравонлик «тараннум» этилиб, яна бирида оммавий ахлоқсизликка даъват этилаётгандир.

Давлатимиз раҳбарлари Миллий мафкура деган қўтлуг туйғуни қандай қилиб одамларимиз онгига синдириш йўлларини

уйлаб заҳмат чекаётган бир пайтда ҳар қандай миллий мафкурага зарар етказувчи ҳодисаларнинг олдига гов қўйиш фурсати етди. Аксинча, кеч бўлиши ёхуд касаллик авж олиши эҳтимол..

— Қаранг, суҳбатимиз «икки сим»дан бошланиб, «узун-узун аргамчи»га туташибди. Модомики, мусиқачиларимиз уртасида ана шундай соғлом ақида бор экан, демак умидсизликка урин йўқ. Утиш даврининг мураккаб жараёналари кечаётган бугунги кунда халқимизга чин дилдан ҳамдард бўлаётганларнинг атрофида эҳтимол «қани оёғидан бир чалай-чи, бурни қонармикин» деб юрган кимсалар ҳам бордир. Аммо бу хас-хашаклар буюк ўзбек миллий мусиқаси қошида, бўйинсинмас туркий ирода наздида кулмакнинг бир заиф тебранишдир, холос.

Суҳбатингиз учун раҳмат.


М. АБДУЛЛАЁРОВА
суҳбатлашди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Муҳтарам муштарий! Сиз санъатсевар ва мураббий Иқболхон Тошпулатова билан булган қисқача суҳбат билан танишингиз. Иқболхоннинг бугунги мусиқага муносабати қай даражада тугри? «Куча мусиқачилиги» ёхуд «бизнесмен мусиқафурушлар» ҳақидаги қарашлари ҳақиқатга мос келадими? Чиндан ҳам бугунги миллий мафкурамиз тамойилларига зид булган «санъат» борми? Агар бор бўлса уларга сизнинг теварак-атрофинидаги ёру дўстларингизнинг муносабати қандай? Дарҳақиқат, вазият Иқболхон айтганчалик жиддийми?

Сиз нима дейсиз? Бизга ёзиб юборинг.





Фалсафа фанлари номзоди, доцент, эстетика фанида кузга куринган олим Аҳмаджон Эшонқулов 1936 йили Навоий вилоятининг Кармана қишлоғида таваллуд топган. Самарқанд университетининг филология факультетини тамомлаган. Москвада собиқ СССР ФА фалсафа институтига эстетика бўйича аспирантурада ўқиб, «Дунёқараш ва ижодий жараён» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Мана, 35 йилдан буён санъатшунослик, адабиётшунослик, маданиятшунослик, этика ва эстетика борасида қалам тебратиб келмоқда. У «Санъатда дунёқараш муаммоси» номли монография, «Дунёқараш ва ижод», «Айб эмасдир семвоқ-севилмоқ», «Эстетик тарбия хусусида қайдлар» сингари рисоалар ҳамда 100 дан орტიқ илмий, публицистик мақолалар муаллифи.

Аҳмаджон Эшонқулов серқиррали ва истеъдодли олим. Унинг илмий ва оммабоп асарларида маънавий камолотнинг долзарб ва мураккаб масалалари тадқиқ этилади.

Журналимизнинг фаол муаллифларидан Аҳмаджон Эшонқуловни муборак 60 ёши билан табриклаймиз ва унинг миллий муносабатларга доир мақоласини ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз.

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР МЕЗОНИ

Миллий муносабатлар, яъни миллатлар уртасидаги муносабатлар маънавийнинг энг муҳим ва мураккаб томонидир. Бу муаммо азалий, шу билан бирга, ҳозирги куннинг энг долзарб масаласидир.

Турли-туман миллатлар, халқлар ёна-ён яшаб, бир-бири билан иқтисодий, социал, маданий ҳамкорлик қилишар экан, демак бу муносабатларнинг узаро таъсирлари ва ҳамкорликнинг маълум улчовлари, меъерлари бўлиши керак.

Нега миллатлар уртасида низолар, келтишмовчиликлар чиқиб туради? Бунинг бир неча сабаблари бор.

ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА. Бир миллат кутроқ, иккинчиси камроқ ривожланган бўлган тақдирда ривожланган миллат камроқ ривожланган миллатга дўқ-пўтиса қилса, камроқ ривожланган миллат ҳам уз навбатига дўқ-пўтисага ҳудди шу йўсида жавоб қайтаради. Бундай воқеалар катта ва кичик миллат уртасида ҳам руй бериб туради. Баъзан кучли, катта миллат кучсиз, кичик миллат ерларини зўрлик билан босиб олиб, уни зағира тобе қилишга ҳаракат қилади. Уртада тўқнашувлар келиб чиқади.

МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДА. Хар бир миллатнинг уз она тили бор, уз миллий маданияти, миллий маданий мероси, миллий анъанаси, туйғулари бор. Миллий белгилар, хусусиятлар шу миллат учун муқаддасдир. Бошқа миллат шу миллий белгиларга таъжовуз қилса, миллатнинг миллий тили, маданияти, мероси, анъаналарини камситса, албатта, миллатлар уртасида маъзур низолар чиқиши табиийдир.

Умуман, бир миллат иккинчи миллат манфаатларига (иқтисодийи, маънавийи — бундан қатъи назар) таъжовуз қилса, миллатлар уртасида дус-

тона муносабатлар барҳам топади. Купинча бу масалала айб катта, ривожланган миллат устига тушади, чунки узравонлик ҳисси аксарият ҳолатда катта, ривожланган кучли миллатларга хос бўлади. Миллат қачалик кичик, камсонли, бунинг устига тараққиётнинг паст даражасида турган бўлса, бу дунёда унга яшаш шунчалик қийин бўлади, уни асоратга солишга интилувчи «ака»лари купайиб кетади.

Миллатлар уртасида низоларни бартаф қилиш, дустона муносабатлар урнатилишини шарт-шароитлари нималар иборат?

Миллат уртасидаги муносабат икки йўналишда давом этади. Бир — икки мамлакат, икки давлат уртасидаги узаро муносабатлар акс этувчи миллий муносабатлар, иккинчиси — бир мамлакат, давлат ичидаги турли миллатлар уртасидаги миллий муносабатлар. Хар иккисида ҳам узаро муносабатларнинг мезони битта: тепша-тенглик, узаро ҳурмат, узаро манфаатдорлик. Қасрдаки шу қоидалар бузилса — уша ерда миллатлар уртасида низолар чиқа бошлайди.

Бир мамлакат, давлат ичидаги турли миллатлар масаласига келсак, бир миллат вақилининг бошқа миллат ҳудудида истиқомат қилиши, бу, янгилик эмас. Умуман, соф, юз фоиз бир миллатдан ташкил топган давлатни топиш қийин. Турки, гайримиллатлар озчилики еки кутчиликни тапқил қилиши мумкин, аммо бир миллат вақилининг бошқа миллат ҳудудида яшашини зарурят бўлганда қонун йўли билан чеклаш мумкин, аммо мутлақо ман қилиш мумкин эмас. Хусусан, собиқ СССР территориясидаги мустақил давлатларнинг аксарияти куп миллатли мамлакатлардир. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам 100 дан ортиқ миллат, элалар яшайди. Ўзбекларнинг узларини

ҳам дуненинг деярли барча мамлакатларида учратса бўлади.

Демак, гап бир миллат вақилининг бошқа мамлакат заминига яшашига ҳам эмас, гап «Миллатлар уртасида муносабатлар қандай қарор топиши керак ва бу жараёни қандай бошқариб бориш мумкин?» деган савол борасида.

Миллатларнинг узаро муносабатида биринчи навбатда самимийлик ва бегарозлик бўлиши керак. Маълум бир фарз билан муносабатда фақат яқшилик қилишни зарур. Миллатлар қанчалик яқинлашиб, қўшилиб яшамасинлар, барибир хар бир миллат уз миллий қадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир. Бунга таъйиқ қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Миллатлар уртасидаги муносабатлар ута нозик, шу билан бирга, ута мураккаб жараендир. Бу жараён у еки бу томонга тез-тез узариб туради, бу жараёнга ижобий еки салбий таъсир қилувчи сабаблар истаганча топилиб туради. Шунинг учун ҳам жамиятда ҳукмронлик қилувчи мафкура бу жараёнга бевосита ижобий таъсир қилиб туриб, анриқроқ, бу жараённи оқлона ва илмий бошқариб бориши керак. Миграция, тил, маданият масалалари бўйича мунтазам солиқлиқ тадқиқотлар олиб борилиши, ҳосил қилинган ҳулосалар зудлик билан ҳаётга талдик қилиниши зарур.

Биз юқорида миллий масалага оид айрим илмий-назарий фикрларни баён қилдик. Энди ана шу фикрларга таяниб, СССРда миллий масала қандай ҳал қилинган эди? Ҳозир мустақил давлатларда қандай ҳал қилинмоқда ва келажакда бу масалада қандай узғаришлар рўй бериши мумкин?! деган муаммоларни қараб чиқайлик.

Хорижий шурошуносно Абдурахмон Авторхоновнинг «Кремль салтанати» номи кейинги китоби собиқ СССРда мавжуд бўлган миллий сиеатта бағишланган. Муаллиф асл ҳужжатларни ўрганиш асосида жула қимматли фикрларини ўртага ташлайди. Шу китобдан каттароқ бичимларни келтириб ўтайлик: «...Ана шундай миллатларнинг қўшилиб кетиши» Лениннинг ҳақиқий пиروвард мақсади эди. У бошқа миллатларни ўришлар билан қўшилиб, суний равишда тили битта ягона халқ яратмоқчи эди. Ленин худди шундай ёзган эди: «Бир давлатнинг ичиди турли миллатлар бўлиши зарарлидир, биз, марксчилар, уларни яқинлаштириб қўшиб юборишга интиламиз (В. И. Ленин. «Миллий ва миллий-колониал масала ҳусусида», 113-бет). Бошқа ўринда: «Марксизм ҳар қандай миллатчилик ўрнига — байналмиллатчилик, барча миллатларнинг олий бирликда қўшилишини олга сурлади» (Уша асар, 128-129-бетлар). Учинчи ўринда: «Социализмнинг мақсади нафақат майда давлатлар парчаланганлигининг йўқотилиши... нафақат миллатлар яқинлашувидир, социализмнинг мақсади — миллатларни қўшилиб кетишидир. (Уша асар, 261-бет). «Демократизининг айрим талаблари, — деб ёзди Ленин, — жумладан, ўз тақдирини ўзи белгилаш мутлоқ нарсаси эмас, дунёвий умумдемokratик, (ҳозир умумсоциалистик) ҳаракатнинг бўлакчасидир. Ҳоҳида бўлакча умумга қарши келиши мумкинки, шундай пайтда бу бўлакчадан воз кечиш керак. (Ленин, 19-том, 257-258-бетлар). Октябрь инқилоби амалга ошгач, Ленин қоризм империясининг қоқ ярмини ташкил этган, ўрис бўлмаган халкларни «мутлоқ нарсаси эмас», «бўлакча» деб ҳисоблади ва халкларни Қизил Армиянинг милтиқлари билан янги Совет империясига зўрлаб киритди»¹.

Авторхоновнинг бу асари қизқаркли, мазмунли, кўп масалаларга катта аниқлик киритадиган қимматли асар. Унда собиқ СССРда миллий масалани ҳал қилишининг ҳам назарий, ҳам амалий томонлари эркин кўрсатиб берилган.

Дарвоқе, биз миллатларнинг яқинлашуви, келажакда қўшилиб кетиши ва ягона битта миллат, битта тилининг қарор топиши ҳақида туқиниланиб гапирар эдик. Ахир, қўпинча, биз бу гапни мажбур бўлиб эмас, ихтиёрий равишда гурур билан тилга олардик, миллий маданиятлар раванга миллатларнинг қўшилиб кетишига монелик қилмайд деб ўқитар эдик. Ҳа, биз шу рудда тарбияланган эдик, марксизм қондаларини ижодий эмас, балки қурқуна қабул қилишга одалганиб қолган эдик.

Миллатларнинг қўшилиб кетиши миллий маданият, миллий тил, миллий анъаналар ривожига нега тусиқ бўлмас экан? Ахир айнан шундоқ бўлиши

олдий ҳақиқат-ку! Миллатлар қўшилиб кетганидан бўлса, бу ҳолат фақат миллий тил, миллий маданият, миллий туйғунинг барҳам топиши эвазига рўй берилади-ку! Миллатларнинг қўшилиб кетишини тан олар эканмиз, демак, биз барча миллий кадрятлар (тил, маданият ва бошқа барча кадрятлар)нинг инкор қилишимиз эки аксинча йул тутадиган бўлсак, унда миллатларнинг қўшилиб кетишини рад этишимиз керак.

Аслида-ку миллатларнинг қўшилиб кетиши, юздан ортик миллат, элат, халкларнинг қўшилиб, битта миллатга айланиши, унлаб миллий тиллар бириктириб, битта тил ҳосил бўлиши ҳақидаги гоғ ғирт ёлгон афеонадир. Миллатлар қанчалик яқинлашиб айлмасин, қанчалик улар бир-бирларига тасйир қилинмасин, сиебатдонлар уларни қўшиб юборишга қанчалик интилимасин, барибир, кўп миллатлардан ягона миллат келиб чиқмайди. Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз миллий белгилари — миллий тили, маданияти, туйғуларидан воз кечмайди. Буни куч билан ҳам амалга ошириб бўлмайди. Ҳаётда шундай ҳолисалар бўладики, улар миллий рухининг наслдан-насла ўтишини исботлайди. Янги тутилган чакалоқни бошқа миллат вакили олиб тарбиялаганда ҳам, бола катта бўлгандан сунг ўз миллати белгиларини, миллий рўни, миллий характери ни намоён қилиб туради.

Ленин ҳам, Сталин ҳам миллатларнинг қўшилиб кетиши ҳақидаги назарини нима учун бунчалик ҳимоя қилдилар ва нима учун уни амалга ошириш учун курашадилар? Бунинг учун сабаби бор:

Биринчидан, ер юзининг олтидан бир қисми бўлган каттақон худудда, битта мамлакат, битта давлат тузиш — яъни ягона империяни қарор топтириш уларнинг орзулари эди. Юздан ортик миллатнинг бириктиб, чатишиб, оқибатда битта миллат бўлиб яшашу уларнинг сиесати учун энг қулай йул эди. Шунда СССР составидан чиқкишга ўринишлар ҳам, миллий низолар ҳам барҳам толарди. «Ҳаммаёқ сув сеппиландек сип-силлик, обод-фаровон, хотиржам, қандай яхши, бундай мамлакатни бошқариш қанчалик осон!» Минг афеусеки, бу амалга ошмайдиган орзу эди.

Иккинчидан, гап русларга кам сонли қардош мамлакатларни қўшиб юбориш ҳақида борарди. Бунда рус миллати ҳеч нарсаси йўқотмайди, унинг барча миллий белгилари сақланиб қолади. Бошқа майда миллатлар ўз миллий белгиларидан воз кечиб, русларга мослаштирилиб керак эди.

Учинчидан, болшевиклар назариди умумий ягона сиебат олиб бориш натижасида майда миллатлар, хоҳайдиларми-йўқми, барибир қўшилиб кетлади, бу ўнчалик қийин нп эмаслек туюлади. Буни амалга оширишнинг барча амалий чоралари ишлаб чиқилди ва бу гоғ зур ташвиқот қилиниб халқнинг онгига синдирилди.

Миллий муносабатлар ҳамма замоналар учун бўлганидек, ҳозир ҳам долзарб масалалар. Агар миллий масала турғи ҳал қилинмаса, жамият икки томонлама зарар қуради. Бир томондан мамлакат ичиди миллатлар ўртасида чи-

қишмовчилик, низолар чикиб туради, бу эса иқтисодий ривожланиш ҳам, маънавий юксалиш ҳам салбий тасйир қилади. Иккинчи томондан, давлатнинг чет эл давлатлари билан бўладиган муносабатларига ҳам рахна тушлади.

Лекин масаланинг бошқа бир томи ҳам бор. Унда миллатлар ўртасида норозилик туғилмасин, деб уларнинг барча хоҳиш-истакларини бажаверсанг, унда ери миллатларнинг манфаати салбий тасйир қиласан, натижада уларнинг норозилигига ўрайсиб. Мана шунларданқоқ қуринаяптики, миллий масала қийин ва нозик масала.

Бунинг учун ерли миллат вакилларига ҳам, уза миллат вакилларига ҳам баъ-баравар хизмат қиладиган сиебат олиб бориш керак. Бу сиебатни олдий истак, хоҳиш билан олиб бориб бўлмайди.

Бунинг бирдан-бир ягона йули — ҳамма томонни ҳисобга оладиган, оқилона қонун қабул қилиб, бу қонунни барча миллат вакиллари маъқулаштириб, сунг унга қатъий амал қилишидир. Энг маъқул йул шу, яъни қонун олдиди ҳамма тенг, баробар, қонундан чекинган эки унга амал қилмаган ҳар қандай инсон жазоланиши керак!

Ҳозир Ўзбекистонда биз юқорида айтганимиздек, ҳамма учун баъ-баравар иэтил сиебат олиб боришмоқда. Ўзбекистон Конституцияси кенг муҳокама қилиниб, сунг кўпчилик томонидан қабул қилинди. Мана шу Конституция миллий муносабатларни изга солиб туртиришнинг гаровидир. Унга оғинмай амал қилиш зарур.

Кейинги йилларда икки фуқаролик масаласи кенг муҳокама қилинди. Икки фуқаролик бир ўқ билан икки қуёни ўришга интилиб, униси бўлмаса буниси деб ялаш деган гап. Аммо фуқаролик олдий коптоқ уйини эмас, бу — жиддий, узоқ муддатли тарихий ҳолисаси, айниқса, фуқаролик — бу катта масъулият.

Яна бир гап. Айрим рус оилаларининг кучиб кетишадиганининг сабаблари бошқа томонда. Айримлар бунди иқтисодий қийинчиликларни рўқач қилишайпти, аммо бу ҳам асосий сабаб эмас, чунки иқтисодий қийинчиликлар ҳозир ҳамма еқда бор. Тилини рўқач қилишайпти, аммо бу ҳам асосий сабаб эмас, чунки тилини билмайсан деб ҳеч қим уларни исканжга олаётган йўқ. Унлаб рус мактаблари бор, олий ўқув юртиларида рус тугрухлари мавжуд. Русча газеталар чиқиб турибди, русча эшиттиришлар берилипти, русларга ҳурмат-эҳтиром давом этаяпти. Кучиб кетадиганлар миғдан битта, ушалар ҳам айрим қариндошларининг ташвиқотларига учиб кетишмоқда. Кетганларнинг ҳам анча-мунчаси яна қайтиб келишмоқда. Чунки Ўзбекистондек тинч, хотиржам, баракали жой ҳеч қаерда йўқлигини улар қуриб-билиб қайтиб келишмоқда.

Ўзбекистонда миллий муносабатлар бошқа жойларга нисбатан ҳар ҳолда нормал ривожланиб бормоқда. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Бизнинг бутун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлидимики ишончи, мамлакатимизда ҳўкм суратган халқаро дустлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир».

¹ А. Авторхонов. Кремль салтанати. Т.: «Чулпон», 1993 йил. 9—11-бетлар.



КАЮМХОН ОЛИМОВИЧ-НИНГ уйда зур тантана.

Шаҳарнинг кузга куриган одамлари таклиф этилган. Икки қаватли коттеджнинг ҳовлиси тахта сурилар, институт ошхонасидан келтирилган стол-стулар билан безатилган. Столларнинг устидаги оппоқ дастурхонлар қуёш нурларида уйнаб, кузни қамаштиради. Ҳаммаёқ гулга кумилиб кетган. Бехосдан ҳовлига кириб қолган одам домла стол-стуларнинг устида, суриларда гул ундирганими, деб ҳайрон бўлади.

Фан номзодининг студентлар ётоқхонасида истиқомат қилиб юрган чоғи ими-жимиди утган ниқоҳ туйи юрагида армон булиб қолганими, бугунги кунни узининг ҳақиқий туйи деб ҳисоблаган Қаюмхон Олимович деворларга кузни қамаштиргучи каттакич гиламларни осиб ташлаган.

Студентлар бир чеккада самовар қуйган, чойнак-пиелаларни ювиб, артишган, қули туртга, оёғи олтига булиб у ёқдан-бу ёққа нарса ташиган, домланинг куз қири тушиб қолармикан деган ниғда кунгли эриб хизмат қилишарди. Дарвоза олдидаги аспирантлар эса келганларнинг қўлига, чиққанларнинг қовоғига қараб серкак туришарди. Кимдир телефонларни тартибга келтирар, ҳали замон хушхабарни етказувчи бу қора қутичаларни авайлаб кутариб, иккинчи қаватнинг деразаси ёнига чиқариб қуяр, бошқасини йўлакдаги стол устига урнатдилар.

Ташқаридан қараганда тантанавор туюлган ҳовлида пинҳоний совуқлик ҳукмор эди. Ҳеч ким овозини чиқариб гапирмас, ашулчилар аллақачон суридан жой олиб, асбобларини созлаган бўлсалар ҳам чалишга, ашулага утишмаган эди.

Қаюмхон Олимовичнинг узига қолса эрталабданок карнай-сурнай чалдириб юборар эди-ю, аммо унинг айрим хатти-ҳаракати ботмаган акаси «Шошмайлар, шошмайлар, ҳали улгураимиз» деб хаширққан юракларга сув сепиб турарди.

Домланинг хотинидан булак ҳеч ким унга яқинлашмас, саломлик ҳам узоқроқдан бош эгиб ёки куксинга қўлни қўйиб айрим бакулишдан нарига ўтмасди.

Уч кечаю уч кундан буён кузига уйку келмай, ҳаловатини йўқотган домланинг бугун ичига туз кирмаган, ҳаяжондан қўзлари лак-лак тушиб кетган эди. Унинг гоҳ иккинчи қаватга чиқиб узоқ йўқ булиб кетиши, гоҳ ҳовлининг уртасида диққатини туплаётган мутафаккирдек ҳаёл суриб қолишини, гоҳ бармоқларини асабий қирсиллатиб, телефонга бетоқат қараб хўрсинишларини кузатиб юрган аспирантнинг ҳатто раҳми ҳам келди. «Дунёнинг ишларига ҳайронман, машҳур олим, қанча мақолалар тупламанинг муаллифи, профессор одамга сайлов-пайловсиз муҳбир-аъзолик унвонини бериб қуяқолса бўлмайдими, агар ихтиёр менда бўлса эди...» ич-ичидан ачинарди аспирант.

Меҳмонлар кечроққа таклиф этилган. Соат туққизларда биринкетин уттизга яқин яна домланинг шогирдлари, узоқ-яқиндаги қариндош-уруғлар тупланишди. Телефон ҳамон жиригламас эди.

Домла ҳовлининг бурчагидаги хонага энди кирган эди, бирдан телефонлар айюҳаннос жаранглаб қолди. Домла югуриб чиқди. Шўҳрат шохсупасига қадам қўйгандан буён қорин қўйиб юборган домланинг телефон томон югуриши анча мушкул кечгани сабабли ҳовлида икки-уч қадам ташлади-ю, ҳамманинг унга қараб турганини сезиб, хушхабарни тезроқ эшитгиси келиб, «трубкани олинг» деди асабий. Шунда у икки қадам семаврид югуришнинг оқибати қандай булишини сездди. Аъзою баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Телефонда бир йигит буйга етган қизини дуриллаган овозда чакирган эди. Домланинг қизи ҳам ёз буйи қишлоқда дам олиб, телефон трубкасини қўлоғига тутишни соғиниб қолган шекилли, жилпанглаб гаплашарди. Отасининг ўкрайиб туриши уни трубкани шартта жойига қўйишга мажбур қилди.

Ҳамма ёққа қоронгулик чуқди. Соат ёндан оша бошлади. Тумонат одам нима қилишга ҳайрон. Тантанали кечани бошлаб юборишга хушхабар етишмайди, кечаги туйда улгудек чарчаган созандалар бунақа утиришни умрида биринчи қуришлари эмасми, эснаб-эснаб беида қузилиб қо-

Тилаб МАҲМУДОВ

ЯШИРИН ОВОЗ

(ҲИКОЯ)



лишти. Шух студентлардан баъзилари стол устида қалашиб ётган товук, яхна тил, жигарлардан, моҳирона ясалган газаклардан секин келтириб самовар орқасида аввал бир шишани, сунг иккинчисини буютишти.

Стол атрафидаги меҳмонлар кук чой ича бериб, ичи шилини кетди чоғи, у ёқ-бу ёққа қарамай бирдан дастурхонга қул узатишти. Аста-секин ҳовлига жон кирди. Қаюмхон Олимович ҳам даврага қўшилиб студентларга айтиб берадиган узининг олатий хангомаларидан бошлади. У ярим соат аввал қанчалик таранг кайфиятда бўлса, энди ечилиб кетди. Яқинда Амриқога борганда бир узбек келиб. «Сизни газеталарда машхур олим» деб ёзишибди, лекин биз сизнинг ҳеч бир йирик асарингизни билмаймиз» деган экан, унга шундай жавоб қайтарибдики, ҳалиги одам узини қаерга қўйишга жой тополмай, узр сурабди ва «энди билдик, ҳақиқатан ҳам зур олим экансиз», деб қойил қолибди. Францияда булган симпозиумда унга ун минут вақт беришган экан, у «мен бир пара»дан гапирдишга одатланиб қолганман, деб йигирма минут ҳеч қанақа қозога қарамай, чет элдаги «ватанфуршлар»ни фош қилибди.

— Япония хонимларини гузал дейишад, — давом этди домла, — бу турги, мен Токиодаги бир учрашувни эслайман. Сувенир олмоқчи булиб таржимон — гузал хонимдан илтимос қилдим. У менга турли-туман арзон, қиммат дуқонларни курсатиб: «Мана бу марваридини олинг, хотинингиз хурсанд булади», — деди. Мен унга вақтида жавоб беришим керак эди. «Хоним бизнинг аёллар марварид учун севмайди, узлари марварид, — дедим». Домланинг чучмал аскияларно, купириб мақта-нишларига урганиб қолган студентлар ҳовлини бошига кутариб хоҳолаб қўйишти. Мийиғида илжайиб, кузи столдан бирон мазали таом излаётганлар ҳам энсаси қотандай «домла мухбир-аъзоликка сайланиш арафасида ҳам уша-уша-я», деган маънода шеригига кузини қисиб қўярди.

Қаюмхон Олимович гапини янги туқилган сийсий латифа билан тугатиб, урнидан турди.

Унинг бунчалик мулойим қуриниши пурганадай ич-ичидан кутуриб турганини, домланинг қадди-қомати худди қурбақа ютган илонни эслатарди. Соат ун бир яримларда Қаюмхон Олимович иккинчи қаватдаги кабинетга кутарилиди. У китоблар қалашиб ётган жавонларга, уз «асарлари»га ҳавас билан тикилиди. Унга яқин мақолалар тупламай, қанча муаллифларнинг китобларига ёзган сузбошилари, унинг таҳрири остида ҳаёт юзини қурган рисола-лар.

Урта Осиенинг машхур алломаларидан хатлар уюшгирди, ҳато Москвадан бир профессор дасту келиб катталарга у ҳақда жуда яхши гаплар айтиб кетди, унинг мухбир-аъзо булиши аниқ. Матназар Жуманиёвнинг рақобатланишга бели чидамайди. Турги, Матназар ҳам ёмон олим эмас. У отир артиллерияни эслатади. «Биз автоматчимиз» — мийиғида кулиб қўйди Қаюмхон Олимович уз ухшатишдан кунгли тулиб. Бунақа пайтда фақат олимликнинг узигина ҳисобга олинмайди, жамоат ишлари... эл орасидаги машхурлик ҳам керак!

...Худди шу лаҳзада Матназар Жуманиёв уйда укаси билан шахмат уйнаб утирарди. Хотини ҳар кунгидан кура бир пиела ортиқ гуруч солиб ош дамлаган, эрига билдирмай сомса, шпринликлар пиширган, тоза дастурхонларини ёзиб, беш-олтита одамга мулжаллаб дастурхон ҳозирлаган бўлса ҳам уйда одатий осудалик ҳукмрон эди.

Ниҳоят кечаси соат ун иккидан уттиз беш дақиқа утганда телефон жаранглаб қолди. Матназар Жуманиёв яна бир бор телефон кунгирогги жиринглашини кулиб туриб, трубкани оҳиста кутарди, хотини, укасига еш бола-дай жовдираганча бошини силкитар, «Раҳмат!», «Раҳмат!» деб такрорлар эди. Ярим соат утмасдан дарвоза олдида машина «гийк» этиб тўхтади. Бир академик дусту ва яқинда диссертация ҳимоя қилган шоғирдлари кетма-кет кириб келишди.

...Қаюмхон Олимовичнинг уйда телефон жирингламади. Соат бирларга борганда сайловда Матназар Жуманиёв ортиқ овоз ол-

гани маълум булди. Ҳамманинг тарвузи қўлтигидан тушган, туй азага айланган бўлса ҳам домланинг акаси ақлли таклиф қилди. «Бугун Қаюмхоннинг 50 ёшга тулган кунини тантанали нишонлаймиз, шу муносабат билан базми жамшидни тонг отгунча давом эттираемиз», деди.

Базм фақат қувончдангина эмас, аламдан ҳам кизиб кетар экан. Ашулчаларнинг қўлда адашиб, сув азобидан тинкаси қуриб, ниҳоят булоққа етиб олган йуловчилардай ишпахаси очилиб кетди, аллақачон кайфи ошиб қолган шоғирдлар домланинг кунглини кутариш учун кетма-кет сўз олишар, шундай буюк инсон билан бир даврда яшаётганидан чексиз бахтиёр эканлигини изҳор этишарди. Ниҳоят гапга чечанроқ бир йигит урнидан туриб Қаюмхон Олимовичнинг ёнига келди-да, жуда масъулиятли минбарга кутарилган одамдай чуқур нафас олиб гап бошлади.

— Азиз домлажон, биз шоғирдларингиз сизни аллақачон аллома деб билаемиз. Ҳаётда жуда куп нарсалар, воқеалар борки, уларнинг моҳияти бевосита қуринмаслиги мумкин. Самолётнинг товущи бир томондан келса, узи бошқа томонга учиб бораётган булади. Кишининг исми унинг кимлигини билдирмайди. Унвонлар, дипломлар инсон тафаккури ва истеъдодининг мезони бўлолмайди. Бугунги воқеа тарихи учун янгилик эмас, аксинча, тарих уз йулдан кетаётганини курсатади. Тарих майдонида жуда куп уйинлар булган, яна булади. Мавлоно Муқимийни эсланг, нима деган эдилар-а?

*«Мулки Ҳинду Марвдин келсам
толардим эътибор,
Шул эрур айбим Муқимий
мардуми Фарғонаман!»*

Хафа булманг домла, дунёда ҳақиқат йуқ ва булмаган!

...Матназар Жуманиёвнинг уйдаги дустлар, ҳамфикрларнинг камтарона давраси ҳам эр-талабга давом этди. Унинг шоғирдларидан бири домлани табриклар экан, сузини қисқа қилиб «Азизлар, дунёда ҳақиқат бор экан-ку», деди.

1979 йил.

Ватани севмоқ иймондандир, деймиз. Бу севги қандай бошланган?

Хар биримиз Ватаннинг энг аввало утмишини билсак, бу тарихни яратган ота-боболаримиз қимлигини, уларнинг Ватанни қандай севганларини аниглаб етсак — ана ушунда вужудимизда иймон уйғонади. Ватаннинг еру осмони, тош-туپроғи ва агрофимиздаги одамларнинг қадрига етамиз. Аниқроғи, кузимиз очилади.

Афросиёб саройи деворига 660-йилда номаяғум рассом чизган ва археологлар, яъни қадимшунос олимлар топган лавҳалардан бирида Самарқанд ҳокими ҳузурига келган элчилар сурати акс эттирилган. Эгниларидо гўзал кийимлар, қўлларидоги патнисда совга-саломлар, юз-қуларидо эса самимий эҳтиром.

Бу суратдан биз уша замоналарда ҳам қуруши мамлакатлар билан борди-келдимизни ва уларнинг Ватанимизга қизиқши кучли булганлигини курамиз. Дарвоқе, меҳмонлардан бирининг қўйгаги этагидо суг тилида шундай сўз бор: «Мен Чагонийен давлати элчисиман. Самарқандликлар динини, урф-одатини урғаниш ниятида келдим...»

Хуш, игна билан қудуқ қазिश натижасида топилган бундай ноёб санъат асарларини, жолиби тарихимизни қандай асраш керак? Келажак авлодларга бус-бутун етказиш йуллари борми? Ахир, вақт утиши билан улар нурайди, рангини йуқотали.

Бу саволга қибрайлик қадимшунос олим Абдулгани Абдураззоқов ўз билими, изланишлари билан жавоб беради.

Декон ўли отадан жуда эрта етим қолди. Аналик етим — тул етим экан, Қаромат опа далада ишлаб фарзандларини уқитди, улғайтирди. Мактабини, Чирчэк киме-технология техникумини «алюбога тамомлаган йигит Политехника институтининг киме-технология қулше-тида ўқиди ва Қибрайнинг энг лобар қизларидан бири — Ташкент чет тиллар институти толибаси Маҳбуба Холмат қизига уйланди.

Эсимда, биз маҳалла болалари катта тош йўшдан ёнма-ён утиб бораётган бу барно келин-куёвга ҳавас билан қараб қолардик. Куёв — буйлари баланд, қалди-қомати келишган, опшок юзли, қошлари қора, қуй қузли. Келин нозик қоматли, иккита урилган узун сочининг учлари қўнироқ-қўнироқ, қорачандан келган, қузлари қулиб туради. Улар жуда улугвор қуринишарди қузимизга.

Ха, улугликка етказди уларни худойим. Уз-узидан эмас, меҳнат, аҳиллик, илм-фан йулидаги фидойилик

билан эришганликларини биз қуриб, эшитиб, қузатиб юрдик.

Институтни тутатган, Абдугани ака Андижон вилоят маҳаллий саноат корхонасида бош муҳандис бўлиб ишларкан, яна ўқисам, қийин мавзуларга қўл урсам, деб орзу қиларди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Киме институти аспирантурасига имтиҳон топширди. Ва аъло баҳолар билан ўқишга қабул қилинди.

Тақдирни қарантки, бу ерда у меҳр-оқибатли зукко устозларга дуч келди. Академия президенти, машҳур олим Ҳабиб Абдуллаев, академик Иброҳим Муминов, Киме институти директори, профессор Ёқубжон Алиевлар бу йигитнинг юксак иқтидорини олдидан сезиб, муомаласи, узини оғир-босиқ тутуши, камтарлигини қуриб, уни тугри йўлга йўналштиришиди, ердан берениши.

Худди шу воқеадан бир йилча олдин, яъни 1958 йили таниқли қадимшунос олим, академик Яҳе Ғуломов раҳбарлигида Фарғона вилоятининг Кува туманидаги тепалиқда қазув ишлари олиб борилган, XI-XII асрларга оид пиша буюмлари топилган эди. Бу буюмларнинг бежирим ва ноёб ишланиши олимларни қизиқтирди қолди. Кимевий технологиясини урғаниш керак. Хуш, бу мавзуну кимеғарларга топширамизми, тарихчи ё шарқшуносгами, деб облон уйлашган, ёш кимеғар-аспирант Абдугани Абдураззоқовни танлашди.

— Камида бир йил араб, форс ёзувларини урганасиз, ўғлим, — деди Ёқуб Юсупович, — чет тили ва рус тилини пухта билиш керак. Ана ундан кейин рус пишаасозлари мухтаҳассиси, академик Михаил Алексеевич Безбородов сабогини оласиз. Демак, аспирантурада уч йил эмас, беш йил ўқишга тугри келади.

— Майли, минг йил бўлса ҳам ўқийман, — йигит ҳаяжонга тушди, — ишончингиз учун раҳмат, домла!

Устозлари тавсия этган мавзу унинг юрагига чўг солди. Қаттиқ қиришиб шарқшунос олим Нажим ака Сотволдиевлан араб, форс ёзувларини урганди. Немис тили, рус тилларини улаштирди. Кейин Михаил Алексеевични излаб, Белорусияга келди. Ҳалемай академик пенсияга чиқиб, Ленинградга жунарган, шоғирдини ҳам тақлиф қилди. Абдугани ака Ленинград тарих-археология институти аспирантурасида ўқиниши давом эттирди.

Бир кунин Ленинград Академиясининг мажлислар залига кириб борган қибрайлик йигит рангли пишадан деворга ишлаган отлик Петр Iнинг суратини қуриб, лол қолди: ажабо, пишадан ҳамма нарса ясаш мумкин-а!

УЛУҒЛИККА ЕТКАЗДИ УЛАРНИ ХУДОЙИМ

Ха, радио-телевизор техникасини, қурилишларни, рўзгор-буюмларини, тиббиётни пишасиз тасаввур қилиб булармикан? Олдий қузойнақдан тортиб, уйларимизни еритиб турган чирокки олинг. Бир кун, ҳатто бир соат деразасиз уйда япаб бўлмаслигини уйланг. Шунинг учун ҳам инсон қадим замонлардаёқ пишани яратган, бир-биридан урганган. Эрон, Миср, Ҳиндистонда эрамиздан аввал икки мингинчи йилларда пишадан фойдаланилган. Муқаддас Қуръон Қаримнинг «Нур» сурасида...бу чирок бир пиша ичидо, у пиша гўе бир дур юлдузга ухшайди...» деган жумла бор.

— Урта Осиёда ҳам пишадан қадим-қадимдан меъморчиликда, табибларнинг идишлари ва пардоз буюмларида фойдаланилган. Мирзо Улугбек қурдирган биноларда ҳам рангли пиша ишлатилган. Қувалда топилган пиша буюмлар эса ниҳоятда антиқа, — деб давом этади олим юз-қуздан нур ёғилиб, — айниқса, қалаҳлар бандининг юқори қисмига жажжи, нафис тарелкачалар урнатилиб, қула ёки дастурхонга бир томчи ҳам шароб туқилмаслиги чоралари қурилгани уни ясаган усталарнинг диди, маданияти юксаклигидан далолат беради.

— Балки бу идишлар совга сифатида Қувага келиб қолгандир? — деб сурайман олимдан.

— Йўқ, — қатъий ва хотиржам жавоб беради у, — ҳатто бу пиша буюмларни пиширадиган юқори ҳароратта чидамли хумдонлар ҳам Қувалдан топилган. Бу хумдонлар Фарғонанин, айнан Қуванин сўз тупроғидан ясалган. Бу хумдонларда пулатни, чуянни ҳам эритиш мумкин. Ха, Фарғона тупроғидан ясалган хумдонлар 1650 даражага ҳам чидайди. Бундан ташқари Кува уша асрларда энг ривожланган, савдо-со-



тиқ йуллари утган марказий шаҳарлардан бўлган.

— Ҳозир ҳам Кувада унлаб корхоналар бор, — дейман олимнинг фикрига қўшилиб, — Кувадада чини заводи, қурилиш материаллари ва шиша идишлари корхоналари ишлаб турибди. Дарвоқе, уша XI-XII асрларда пишанинг неча хил тури бўлган?

— Қирқ хил. Қум ва кулни юқори ҳароратда пишириб, қирқ хил шиша олинган. Ҳозир эса пишанинг минглаб турлари мавжуд.

— Уша давр тажрибасидан ҳозир ҳам фойдаланиладими?

— Ҳар бир давринг уз тараққиети бор, — дейди Абдугани ака, — ҳозир кул урнига ишқор ва тоғ жинсларидан фойдаланилади. Айтайлик, вақти келиб, бирдан ишқор етишмай қолди, шу пайтда эски тажриба ёрдамга келади. Масалан, Жиззах атрофида шурхок ерлар куп, у ердаги усимликларни куйдириб, кулни олиб, шиша ишлашда фойдаланса бўлади. Эски тажриба мисоли хазина, истаган пайтда мурожаат этиш мумкин.

Шундай қилиб, Абдугани ака беш йил ичида аспирантурани ҳам, диссертацияни ҳам ёзиб тугатди. Безбородов худди уз отасидек унга ёрдам берди, илмий иштига раҳбарлик қилди. Тошкентлик устозлари, айниқса Ёқубов Юсулович Алиевнинг ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдамини сира-сира унутмайди.

1964 йили киме фанлари номзоди илмий даражасини олади ва Тошкентда киме институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаш бошлади.

1966 йили республикамик қадимий ёлдорликларини урганиш соҳасида мухим воқеа руй берди. Яъни юқорид айтганимиз Афросиеб деворий суратлари топилди. Лекин буларни

очип ва тозалаш жараёнида бу сержило буюклар ранги узгара бошлади ва қадимий рангларнинг йуқола бошлаш хавфи тугилди. Қазув ишлари вақтинча тухтатилди.

Академияда кенгаш қазирилиб, махус лаборатория очилди, мазкур топилмаларни сақлаш буйича мутахассис тайёрлаш масаласи курилди. Республикамик ҳукумати бу масала юзасидан қарор чиқариб, маблағ ажратди.

УФАНинг Тарих ва археология институтида очилган бу лабораторияга Абдугани Абдуразоқовни таклиф қилишди ва изланишлар натижасида Афросиеб деворий суратларига пурқаш учун махус кимевий дори яратилди. Шу усул самараси улароқ деворий суратлар яшамоқда.

Лабораторияда шунингдек, қадимий металл буюмлар, кийим-кечаклар технологияси ҳам урганилиб, уларни сақлаш усуллари топилди. Мутахассислар тайёрланди. Илмий мақолалар, китоблар чоп этилди. Абдугани ака раҳбарлигида уч киши номзодлик иштини ёқлади. Хуллас, олим 20 йилдан ортиқ умрини Афросиеб саройи суратларини жойидан кутариб, таъмирлаш ва музейга кучиришга сарфлади. Яна ун минглаб топилмаларга қайта ҳаёт бағишлади.

Шароф Рашидов 1970 йили Самарқандда Узбекистон Фанлар Академиясининг Археология илмий-тадқиқот институти очилишига ташкилотчилик қилди. Ҳозир бу институтта академик Яҳё Ғулмов номи берилган. Урта Осиёда ягона бўлган бу илм даргоҳига Абдугани Абдуразоқов, Аҳмадали Асқаров, Абдулаҳот Мухаммаджонов, Уткир Исмолов каби 50 нафар иқтидорли олимлар сафарбар этилди.

Бутунги кунда куччилиги фан докторлари, Узбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари бўлиб етишган бу олимлар институти да маҳаллий мутахассислар тайёрлашишга ва топилмалар сонини кўпайтиришга, уларнинг сақланишига қалб ҳароратлари, куч-қувватларини бағишладилар. Қибрайдан Самарқандга кўчиб борган Абдугани ака бу ерда ҳам ёлдорликларни таъмирлаш ва сақлаш усуллари лабораторияси очиб, унга раҳбарлик қила бошлади. Бир йилдан сунг лаборатория катта бўлимга, яъни республика буйича шу соҳанинг илмий марказига айланди.

Археологлар республикамикнинг қайси бурчагида осори-атиқа ёлдорликларидан дарак топишса — бўлимга хабар беришади. Абдуразоқ ака бошчилигидаги гуруҳ етиб бориб, гўё янги тугилган чақалоқни

йўрғаклаб, уни парвариплагандек, ёлдорликларни таъмирлаб, тиклаб, асраб-авайлаш ҳаракатига тушадилар. Музейларни бой этадилар. Абдугани ақанинг саъй-ҳаракати билан Самарқанднинг Афросиеба, Қашқадарнинг Қуксаройида, Наманганнинг «Мунчоқ тепаси»да ва Сурхондарё вилоятида музейлар бунёд этилди. Бу орала олим докторлик иштини ҳам ёзиб тугатди.

Агар у номзодлик ишида 22 та худудда топилган шиша буюмларини ишланишини тадқиқ этган бўлса, докторлик диссертациясида 305 та худудда топилган шиша буюмларини ҳар томонлама урганди. Номзодлик ишида минг йиллик даврини қамраб олган бўлса, бунда тарихнинг турт минг йиллик қаърига қириб борди. Тўқилиб кетай деб турган қўлезмаларни чапг ютиб, сабот билан урганди. Энг муҳими, у биринчилардан бўлиб, археология фанига табиий фан воситаларини олиб кирди. Жаҳон олимлари бу ишни энг долзарб мавзу деб, юқори баҳо бердилар. Урта Осиёда пишасоэлик соҳасининг ягона мутахассиси деб тан олинди.

Шунинг учун ҳам Қозоғистон, Туркменистон, ҳатто, айрим чет элларда топилган қазилмалар нуҳасини Абдугани акага юборадилар. Олим уларни урганиб, таҳлил қилиб, мақолалар ёзиб жунатади. 1992 йили Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлган Халқаро Конгрессда узбек олими уз нуқти билан кенг жамоатчилик эътиборини қозонди. Шуниси қувончлики, Хитойда, Хиндистонда еки бошқа улқаларда топилган шиша буюмларнинг баъзилари бизнинг юртдан борган элчилар совғаси эканлиги аниқланди. Абдугани ақанинг «Хиндистон ва Урта Осиёнинг қадимий алоқаларини шиша буюмларнинг технологиясини аниқлаш орқали урганиш» сарлавҳали мақоласи Хиндистонда нашр этилди. Ҳозир бошқа худудларга оид шундай тадқиқотлар яратилмоқда. Олим ЮНЕСКО қошидаги пишасоэлик комиссиясининг махус кўмитаси аъзоси.

Шуниси ачинарлики, Абдугани ака раҳбарлигида ишлов берилган ёлдорликлар умри узаймоқда-ю, лекин маблағ етишмаслигидан ишловсиз қолдирилган ёлдорликлар нураб, рангини йўқотмоқда, ут-улан босмоқда. Бу таъшишчи ҳолат олимга кеча-кундуз тинчлик бермайди.

— Ҳозир республикамик худудда 5500 дан ортиқ археологик ёлдорликлар бор, — дейди Абдугани ака, — уларнинг 60 дан ортинг жаҳон аҳамиятига молик. Булардан камида 15 тасини очиқ музейларга айлантириб, валюта ишлаш ва маблағни ёлдорликларнинг умрини узайтиришга сарфлаш зарур. Бундан тап-

қари учта идорани, яъни археология институти таъмирлаш бўлимини, санъатшунослик институтининг таъмирлаш лабораториясини ва «Узбектаъмир» лабораторияларини ягона бир илмий-текшириш ва таъмирлаш марказига айлантириш вақти келди.

Бу тақлифни Ўзбекистон Фанлар Академияси жамоатчилиги маъқуллади.

Ҳозир археология институти ходимлари франциялик, германиялик қадимшунослар билан ҳамкорликда, уларнинг моддий ёрдами билан қидирув-қазув ва таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Франциялик ҳамкасблари Абдугани ақанинг китобларини ўз юртига ҳам олиб кетишган. Олимнинг «Афросиёб деворий расмларини таъмирлаш ва сақлаш усуллари» номли китоби, ҳақто, Франция Президентини Франсуа Миттеран жаноблари эътиборини ҳам тортиб эди. Президентимиз И. А. Каримов 1993 йил ноябрда Францияда бўлиб Франция Миттеран жумладан шундай деган эди:

«...Кўпчиликка маълум бўлган бу шох асар ҳозир ўзи топилган жойда — Афросиёбда намойиш этилмоқда. Уни томоша қилган ҳар бир киши тинчлик ва биродарлик эълчиларини қургандек бўлади. Сизнинг мамлакатингиз ана уша халқларнинг авлодларидир.

Президент жаноблари бир неча ойдан сунг ажойиб мамлакатта ташриф буюришга мени тақлиф қилган экансиз, мен ушбу санъат асарини ҳамда Ислам маърифатига қўйлаб буюк алоомаларни этказиб берган шу диверни ўз кўзим билан қуришга муваффақ бўлман».

Ҳа, ўзбекистонликман, деган ҳар бир киши учун бундай сузуларни эшитиш чексиз фахр-ифтихордир.

Ана шу воқеадан кейин Самарқанд вилоятини ҳокимлиги юқорилдаги китобни куп нусхада қайта нашр этишга маблағ ажратди. Муаллифи уни янги фикрлар билан бойитиб, нашрга топширди.

Жаҳон қурган олим она қиллогини ҳам унутгани йўқ, унутмайди ҳам. Унинг оиласи, келин, қуввалари, набиралари Қўрайда истиколат қиладилар. Абдугани ака учун Самарқанд билан Қўрай гўе бир қалам. Шунингдек, у Қўрай тумани археология ёдгорликларини асраш ташаббускори. Бугунги Қўрайнинг қадимдан Урта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта урдин эгаллашгани ва унинг икки минг йиллик тарихи борлигини далиллар билан исботлаб бермоқда.

Санъат МАҲМУДОВА

Отгамурод ҚУШЖОНОВ,
тарих фанлари номзоди

ТАЛАНГАН САРОЙ

Қадим-қадимдан узининг ширин-шарбат меваларини, озиқ-овқатларининг мул-қуллиги, одамларнинг зукко-зийраклиги, билимдонлиги, санъатта ишқибозлиги ва шариятта садоқатлиги билан дунёга довруқ таратган Хоразм мамлақати доимо ажабийлар эътиборини узига тортиб келган.

Бу воҳанинг македониялик Искандар, араблар, муғуллар ва бошқа истилоқчилар томонидан вайрон қилиниб, ундаги илмдон ва ноёб хунар эгаларининг ҳайдаб кетилгани, бойликларининг авёсиз талон-торож қилинганлиги бизга тарихдан маълум.

Хоразмга чет элликларнинг охирги босқинчилик юриши 1873 йили Русия аскарлари томонидан амалга оширилгани, уларнинг хоразмликлар бошига қўшгина кулфатлар солгани ва мамлакатини очқўзларча талон-торож қилиб, хон ханасида арслар давомида тушланган барча маънавий ва ашъвий бойликларини олиб кетганликлари тўғрисида бизга тарихий манбалар гувоҳлик беради.

Русия армияси хонлик пойтахти Хивани ишғол қилгандан кейин, бош қўмондон генерал-адъютант фон Кауфман қалъага кириб, хивалик ва танпарварларнинг қалъа ичкарисида ҳам минглаб арвалардан қилинган баррикадаларига луч келганида¹, хоразмликларнинг ўз пойтахтини босқинчилардан ҳимоя этиш йўлида жон фидо қилишга ҳам тайёр эканликларини ич-ичдан ҳис қилган бўлса керак.

Бош қўмондон сарой олдидаги майдонда туриб «ғолиб» армиясига юзланиб: «— Мақсагга эришилди... Биз Хива қалъасидамиз... ғалаба қозондик...»² — деб уларни табриклагандан кейин, саройга кириб, икки соат давомида ундаги бойликларнинг барчасини қўздан кечиради ва хон тахтига ўтириб, уша жойда тушланган хиваликларга қарата: «Эндилда сизларнинг дустингиз ва ҳимоячиларингизми, менинг буйруғимни бажармаганлар эса омонлик кутмасин»³ — деб хоразмликларни сузсиз итоат қилишга қақиради.

Шундан кейин тайинланган ма-

сув қурон (отряд) хон саройини талон-торож қилишга киришди. Талон-торож пайтида хон саройи ва унинг олдидаги майдонга 4 та отлик тупи билан 3 та рота, шаҳар дарвозаси олдида эса 4 та илгор рота, иккита 9 фунтлик ва 4 та тоғ тусплари келтирилиб⁴, талончилар қуриқландили. Улар қалъага ва танпарварларнинг қаршилигини туپ ва милтиқ ўқлари зарбаси билан бостириб турдилар.

Хон саройида ва саройдан бошқа жойларда сақланаётган хоразмликларнинг қўшгина ашъвий бойликларини, бебаҳо маданий ва маънавий ёдгорликларини гораб қилишнинг дастури Русия амалдорлари томонидан Хива хонлигига босқинчилик юриши бошланишидан илгаридек жуда пухта режалаштирилган бўлиб, бу ишга Петербургдаги Рус жүрғуфия жамайти бош-қош бўлди.

Туркистонда бир неча марта бўлиб, унинг шароитини яхши урганган йирик шарқшунос П. И. Лерхнинг қандай ёдгорликларга эътибор бериш ва уларни эгаллаш ҳақида ишлаб чиққан режаси Туркистонга юборилиб, босмаҳона йўли билан нашр қилинади ва қўлланма сифатида солдат-офицерларга тарқатилади.⁵ Қўлга киритилган қўлема ва антиқа буюмларни йиғиштириб олиш ва уларни Петербурга жунатиш эса Туркистон генерал-губернаторининг фахрий маслаҳатчиси, шарқшунос А. Л. Кун зиммасига маъмурий йўл билан юклатилади.⁶

Шундай қилиб, Русия амалдорлари ва армия офицерлари томонидан хонлик мулкчини талон-торож қилиш жарағини генерал Головачёв ва у билан бирга бўлган қуроннинг саройида барча қимматбаҳо буюмлар ва маънавий бойликларни бирма-бир қўздан кечириши билан бошланди. Талончилар хон саройидаги хоналарнинг барчасига кириб, улардан йиғиштириб олинган зарур бўлган бойликларни аниқладилар. Ҳатто хон ҳарамини ва ундаги хотин-халақларнинг қувончи бўлиши турди-туман зёб-зийнат безакларини, кийим-кечаклар, ҳарам ошхонаси қурки ҳисоблаган нодир

буюмлар ҳам чор генерали ва унинг атрофидагилар назаридан четда қолмади.⁷

Хон тарихчиси Муҳаммад Юсуф Баенийнинг «Шажарайи Хоразмшодий» асарида таъриф қилинишича, хазинадан мусодара қилиб олинган бойликлар таркибида зийнатланган сандаллар ҳам бўлиб, уларнинг бири Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон (1806-1825 йиллар) давридан илгариги замонларга мансуб экан, яна бири эса, генерал Головачёв тахминига қура, Русия императоридан хонга ҳаля тариқасида бу ерга келиб қолган. Яна, хазинадан йиғиб олинган буюмлар таркибида тангага тулдирилган темир сандик, олтин ва зумрад билан зийнатланган зингуп, Хурасон ва бошқа хоржий мамлакатлардан келтирилган қимматбаҳо тошлар, безатилган шамшир ва ханжарлар, милтиқлар, тушпончалар, янги нухсадаги бир неча инглиз олтиотарлари, Ост-Ҳинд компанияси раҳбарларидан лорд Норсбрук хонга соғва қилган янги нухсадаги қушотар ов милтиги, дала дурбини, ун иккита туфанг, совутилар, дубулгалар, уқ-ёйлар бўлиб, буларнинг «хаммаси... баҳодор нимарсалар эди, Петербургда юборилди»⁸ — деб ёзди Баений.

Петербургга юборилган буюмлар таркибида бир темир сандик ҳам бўлиб, унинг ичи тилла, зумрад, ёқут ва феруза каби қимматбаҳо зийнатлар билан безатилган юган ва эгар-жабулқлар билан тулатилган эди.

Талончилар Матмурод девонбегги ҳовлисидан топишган икки сандикда хон хазинасига қарашли, тилладан ясалган заргарлик буюмларини, қимматбаҳо тошларни ҳам йиштириб олдилар.⁹

А. Л. Куннинг «Известия Императорского русского географического общества» журнаlining 1874 йил 1-сонида чоп этилган «1873 йил Хива хонлигига юриш» деб аталган мақоласида хон саройидан мусодара қилиниб, Петербургда олиб кетилган буюмлар мажмуасига: хонларнинг танга зарб қиладиган 200 та (овиринги турт пуд келадиган) қолипи; Хива хонларининг 25 та муҳри (уларнинг бептаси кумушдан, бошқалари эса тилладан ясалган); теурийларга мансуб 172 та танга; Хивада Қунгиротлар сулоласи даврида ҳукмронлик қилган Оллоқулихон (1825-1842 йиллар), Муҳаммад Раҳимхон (1845-1846 йиллар), Мадаминхон (1846-1855 йиллар) ва Саидмуҳаммадхон (1856-1865 йиллар)

зарб қилдирган қушба тангалар ва бир неча этнографик буюмларни киритган.¹⁰

Кауфман Муҳаммад Раҳимхонни хон қилиб қайта тиклаган бўлса ҳам, уни тахтсиз қолдирди: 1815 йилдан бери саройини безаб турган Хива хонларининг олтин тахти ҳам саройдаги бошқа буюмлар билан биргаликда Петербургда юборилди.¹¹ Бу мустамлакачилик сиёсатининг тақозосими, ё мустақилликнинг қайта тикланмаслиги учун қилиган ирими ёки истилочиларни тахтнинг тилладан эканлиги, қимматбаҳо зийнатлари қизиқтирдими, билмади, ҳуллас, хон уз тахтидан ажралди. Бу талончиликнинг учига чиққан намоёнчи эмасми? Ахир, ҳукмдорларнинг барча расмий қабул ва бошқа тантанали маросимларда, мамлакатни бошқаришда, барча фармонларини жорий қилиш, уларнинг ижросини сурашда тахт — хоннинг яққола ягона қароргоҳи, мамлакат ҳукмдори эканлигининг бирдан-бир рамзи, белгиси, унинг зийнати эди.

Хон тахти — юксак дид билан ясалган нодир буюм сифатида рус олими В. В. Стасовнинг ҳам эътиборини тортган, у: «Бу тахт Хива хунарманд усталари маҳоратининг чўққиси, яъни металлга гул солиш хунарининг бетакрор намунаси-дир»,¹² — деб таърифлайди. «Нью-Йорк геральд» газетаси муҳбири Мак-Гахан асариде эса: «Хон тахти — пасткам суянчиқли, кенг, юмшоқ, чарм курси бўлиб... суянчининг юқори қисмида «1231 йил (ҳижрий — О.К.) Хоразм шоҳи Муҳаммад Раҳим даври» сўзи битилган яси кумуш пластинкадан иборат-дир»,¹³ — деб таърифланади.

Босқинчилар хон саройидаги ашёвий бойликларни очкузларча талон-торож қилиш билан еклиниб қолмасдан, хоразмликларнинг бебаҳо маънавий бойликларини, нодир маданий ёдгорликларини ҳам суғуриб-сидириб олиб кетдилар. Бу билан узининг узоқ ва ажойиб утмиши ила жаҳон тарихида муносиб иш қолдирган бутун бир халқни ўтмиш ёдгорликларидан маҳрум қилдилар.

Бу соҳада жонбозлик курсатган А. Л. Кун: «Хон саройини мусодара қилишда 300 жилдан иборат Шарқ қўлэма намуналарини йиштириб олганман. Уларнинг каттагина қисмини тарихий асарлар ташкил қилади. Кўпчилиги ҳозирги хон (Қунгиротлар) сулоласи даврида форс тилидан Хива, турк лаҳжа-

сига таржима қилинган. Бу асарлар форс тилидаги асл нухсаи билан бирга сақланмоқда экан, демак, бу уларнинг қадр-қийматини янада оширади», — деб ёзди.¹⁴

Бу қўлэма асарлар мажмуасида «Дунё тарихи», Мирхондининг форсида ва Хива лаҳжаларида битилган «Форс тарихи», Мунис Хоразмий қаламига мансуб бўлган «Фирдавс ул-икбол» асари, Оғаҳийнинг Оллоқулихон (1825-1842) давридан, то Кауфманнинг Хивага юришига (1872) қадар Хоразм хонлиги тарихига бағишланган қатор қўлэмалари бор эди.¹⁵

Мунис Хоразмийнинг «Фирдавс ул-икбол» асари Хива хонлиги тарихи ҳақида бўлиб, унда кўпроқ тарихий воқеаларнинг бадиий тасвири, тарихий шахслар қиёфа-тасвирлари берилган.

А. Л. Куннинг ёзишича, бу тарихий асарларни қўлга киритишдан олдин Русия олимларида Хива хонлиги туғрисида тулароқ маълумот берилган манба бўлмаган.¹⁶

Тарихий асарлар билан бир қаторда хоразмлик муаллифларнинг Хива лаҳжасида битилган бир неча бадиий-нарсий битиклари асл нухсалари ҳам олиб кетилди.¹⁷

Хон кутубхонасининг фахри бўлган бу асарлар орасида миниатюралар билан безатилган, зарҳал харфлар билан битилган хатотлик санъати дурдоналари ҳам кўп эди. Уларнинг бари чарм муқова билан муқоваланган эди.

Хон саройидан мусодара қилинган қўлэмалар билан бирга саройдан давлат аҳамиятига эга муҳим ҳужжатлар ва хонларнинг ҳар хил ёзишмалари ҳам йиштириб олинди. Бу ҳужжатлар орасида: хонликнинг ҳар хил манбалардан келадиган даромадлари ва сарф-харажатлари битилган дафтарлар; шунингдек, хоннинг сарф-харажатлари туғрисида Матмурод девонбегги тузган ҳисобот; аҳолидан олинладиган турли-туман соқутилар ва закотлар битилган дафтарлар ва хонликдаги фуқароларнинг рўйхати ҳам бор бўлиб, унга қура хонликдаги утрок аҳоли 300 минг кишини ташкил қилган. Булардан ташқари, қирғиз (қозок — О.К.) ва қорақалпоқлар 160 минг кишини ташкил қилади. Бу рўйхатда туркман уруғлари туғрисида маълумотлар берилмаган. Мак-Гаханнинг китобида уша даврда хонликдаги туркман уруғлари аҳолисининг сони 110 минг кишини ташкил қиладигани ёзилади.¹⁸

Хатлар, шикоятлар туркумидаги ҳужжатлар орасида: мамлакат аҳолисида ер, сув ва бошқа ҳар хил масалалар туғрисида хонга йўлланган турли мазмундаги хатлар ва хон томонидан қўрилган тадбирлар, тижорат иши юзасидан Бухоро, Қазоли, Константинопол ва бошқа жойларда яшайтган хивалиқлардан олинган хатлар бор. Хонларнинг дипломатия муносабатларига тегишли ҳар хил ҳужжатлар туркумида эса: Ост-Ҳинд Норсбрук генерал-губернаторининг хонга йўлланган хати; Туркия султониининг хат ва фармонлари; Русия элчиси, подполковник Данилевский билан Хива хони Оллоқулихон ораларида 1842 йилда имзоланган шартнома; Туркистон генерал-губернаторининг хонга йўлланган хатлари; Англиядан олинган бир мактуб ва хонликнинг чет эллар билан дипломатик муносабатларига доир бошқа ҳар хил ҳужжатлар бор эди.¹⁹

Хоразм тарихини еритишда бирдан-бир ноидр манба ҳисобланган бу тарихий асарлар (қўлёзмалар) ва муҳим давлат ҳужжатлари ҳам ҳозирги кунда уз Ватанидан йироқда — Санкт-Петербургдаги Сапиков-Шчедрин номидаги давлат кутубхонасида чағг босиб ётипти. Ватанимиз тарихини еритишдаги манбаларнинг асл нусхаларидан биз шу тарихка маҳрум бўлиб қолдик.

Кауфмани галаба билан табриклашга келган Бухоро амирлиги ва Куқон хонлиги элчилари ҳам бошқинчиларнинг хон саройидаги талончиликларига гувоҳ бўлганлар.²⁰ Талон-торожнинг барча жарағида иштирок қилиб, уни кузатган Американинг «Нью-Йорк геральд» газетаси муҳбири Мак-Гахан 1875 йили Москвада босилган «Оқсуддаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг қўлаши» асаринда хон саройи хазинаси ва унинг талон-торож қилинишини тасвирлаб, бу ерда курган нарсалари бугун дунёдан келтирилган ноёб санъат дурдоналари эканигини, беҳисоб Хитой чинни идишлари, эрон ва туркман ипак гиламлари, Кашир рўмонлари, ажойиб чопон ва қурол-аслаҳаларни таърифлайди. «Фақатгина XVII-XIX асрларга оид Хитой чиннисидан ясалган ноидр буюмлар 1000 дан ортқ бўлиб, уларнинг купчилиги оқ ва кук рангда, баъзилари ярқираган қизил, жигар ва яшил рангларида экан. Бу ноидр буюмлар рус офицерларига уджа бўлди», — дейди у.²⁴

Русия офицерлари, амалдорлари ва Хива юришида иштирок қилган улуг князь Николай Константино-

вич Романов томонидан улжа қилинган бу ноидр буюмларнинг бир қисми «Ким онди» савдосига қўйилиб, хорижий мамлакатлар фуқароларига сотиб юборилди.

Шундай қилиб, хоразмликларнинг асрлар давомида йигилиб, куз қорачиғидек асраб келинган ноидр моддий, маънавий ва маданый ёдгорликлари талонга учраб, сарой хувиллаб қолди.

Шу уринда яна шуни ҳам таъкиллаш лозимки, хон саройидан ташқарида, жангу жадаллар олиб борилган қалъа ва кишлоқларда, туркман қавмлари устига қилинган киргинли юришларда очкузлик билан амалга оширилган сон-саноксиз талончиликлар, бу ерда ҳисобга олинмаган, улар мусолара қилинган бойликлар мажмуасига киритилмаган. Илонли овули яқинидаги ёвмулларга бўлган ҳужумларда нимаки қимматбаҳо нарсалар бўлса барчасини тортиб олиш, қолгашларини ёқиб юбориш туғрисида берилган буйруқни казаклар аёло даражала бажарганлар, ёвмулларнинг гиламлари, ипак матолари, ҳар хил кумуш, тилла безакларини тортиб олиб, пахта ва ипак толали газламаларни, эскирган гиламларини, дон ва ун маҳсулотларини, ҳар хил опхона, рўзгор буюмларини сочиб, синдириб, оёқости қилиб ташлаганлар. Ҳар галдаги жангдан кейин бундан ҳам баттарроқ талончиликлар такрорланган.

Манбаларни урганиш натижасида бизга яна шу нарса аён бўлдики, бошқинчилар амалга оширган талончиликлар, аввало, навбат билан, ҳукумат амалдорлари томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида, режали равишда қўпин бошқликлари, нуфузли кишилар ва ҳукумат томонида тайинланган соҳа мутахассислари орқали ижро қилинган. Улардан кейин талаш навбати оддий жангчиларга берилган. Солдатлар ниҳоятда очкузлик ва бераҳмлик билан фуқароларни талаганлар, хоразмликларнинг мерос бўлиб келаётган дурдона бойликларини, хотин-халажларнинг кумуш ва тилла тақинчоқларини шафқатсизларча тортиб олганлар.

Хон саройи уч кун мобайнида талон-торож қилинган. «Мунинг сунги куну — деб тасвирлайди Баъний, — Русия аскарларидан бир жамоа Аркка кириб, қолган аҳмолу асқолни торож эдилар». Аскарлар саройдаги буюмларни йиғиштириб олишдан ҳам қура, кўпроқ уларни титқилаб, ағдариб, синдириб ташладилар.

Шундай қилиб, оқпошпо ҳукумати Хоразмни зуравонларча забт қилиш билан тинчликка ҳаёт келтирилган ва бори-йўғи 700 минг нафар аҳолиси бўлган кичик бир мамлакатга нисбатан узининг ҳарбий қудратини ва, шунингдек, талончилик маҳоратини ана шундай намойиш қилди.

МАНБАЛАР

1. М. Алиханов-Аварский. *Поход в Хиву (Кавказских отрядов) в 1873 году*. С. Петербург, 1899 г. стр. 274.

2. Уша жойда.

3. Уша жойда.

4. В. Тихменев. *Хива хонлигининг забт этилиши*. 1873 й. («Фан ва турмуш», 1992 й., 2-сон, 14-бет. *Наширга тайёрловчи тарих фанлари доктори Х. Бобоевков*).

5. Н. Солиқова. *Талон-торож қилинган мулк*. («Ўзбекистон адабиети ва санъати», 1991 й. 19 июль).

6. Уша жойда.

7. Мак-Гахан. *Военные действия на Оксусе и падение Хивы*. (Москва, 1875 г. стр. 180-181).

8. Баъний. *Шажаарий Хоразмшухий*. «Мерос» китобидан (Тошкент, «Камалак», 1991 й. 220-221 саҳифалар). Мак-Гахан. *Уша китоб*, 181-182-бетлар.

9. В. Тихменев. *Юқориди айтилган манбада; Н. Солиқова*. Юқориди айтилган манбада.

10. А. Л. Кун. *Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г.* («Туркестанский сборник» (Т. 83, стр. 187).

11. Мак-Гахан китобидан, 181-бет.

12. Н. Солиқова мақолаасидан.

13. Мак-Гахан китобидан, 181-бет.

14. А. Л. Кун. «Туркестанские ведомости». 1873, № 50), «Туркестанский сборник» (Т. 83, стр. 189).

15. А. Л. Кун юқоридидаги мақолалари, Мак-Гахан асаридида, шунингдек, В. Бартольд «Кауфманский сборник», Москва, 1910)нинг мақолаларидидаги маълумотлар.

16. А. К. Кун маълумоти.

17. А. Л. Куннинг уша асаридидаги «Известия» географического общества» гулламининг 1873 йилги IX жилд, 10-сонидидаги маълумотлар. Шунингдек, Н. Веселовскийнинг «Очерки историко-географических сведений в Хивинском ханстве» (С. Петербург, 1877) китобида қаран.

18. Мак-Гахан асари, 257-бет.

19. А. Л. Кун мақолаларидидаги маълумотлар.

20. М. Алиханов-Аварский асари, 289-290-бет.

21. Мак-Гахан асари, 180-181, 198-199-бет. Шунингдек, Н. Солиқова мақолаасида.

АЛП ЭР ТУНГА КИМ ЭДИ?



ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР тарихида кўплаб ҳукмдорлар утишган. Улардан бири Мадай исми ҳоким бўлиб, у миллодимиздан аввалги VII асрда яшаган ва туркий қавм ҳамда қабилаларнинг скиф-киммерлар номи билан шўҳрат қозонган улкан мамлакатни тиклаган. Ҳозирги улчамлар билан назар ташланганидан бўлса, унинг давлати Хитойдан Қоққаз жумҳурияларини, Русиядан Кичик Осиё мамлакатларигача бўлган ҳудудлар урнида қарор топган.

Мадайга «қора» сифати қўшиб айтилган. Қора кучлилик, довораклик, баҳодирлик ва ишонч белгисидир. Мадай туркий халқлар уртасида Алп Эр Тунга — йулбарсдай баҳодир одам лақаби билан ҳам шўҳрат қозонган. Форс-тожик халқлари эса уни Афросиеб деб аташган. Унинг номи паҳлавий (қадимги форсий) манбаларида Фрасияк шаклида ёзилган. «Афро» ва «Фра» бир хил, яъни нур, гузаллик, мажозий маънода шохларга хос дабалаб, шон-шавкат мазмунига эга. Сияк — форсча «сиех» — қоралир. Сиеб сузи сиеҳ-об, яъни қора сув мазмунини беради. Аслида бу ном Афросиеҳ шаклида бўлган. Демак, Фрасияк ва Афросиеҳ — шон-шавкатли, дабалаби қора шох маъносини беради. Бу эса Мадай қоранинг форсийча номланишидир. Туркийларнинг қадимги қавмларидан бири бўлган олтойликлар уртасида ҳозиргача «Мадай қора» номи билан дostonлар туркуми сақланиб қолган.

Мадай — Алп Эр Тунга ва унинг ота-бобоси Кичик Осиёда жойлашган мамлакатлар устидан у ҳукмронлигини ўт-

Маҳмуд КОШГАРИЙнинг «ДЕВОНУ ЛУГОТИТ ТУРК» китобида «АЛП ЭР ТУНГА УЛДИМИ?» сатрлари билан бошланувчи шерий парчалар келтирилган. Алп Эр Тунга ким булган? Унинг улими қандай юз берган?

казган. Геродот маълумот беришича, уларнинг бу ҳудуддаги салтанати 28 йил давом этган. Мадайнинг Мидия (Эрон)га ҳужуми фожиага тулаган эди: Мидия шоху Фроорт осурияликлар билан булган жангга енгилди. Угли Киаксар (Кайхисрав) кушинни қайта тузиб, отаси учун қасос олишга отланди. У осурияликларни енгиб, Нин шаҳрини қамал қилган пайтда унинг давлати ҳудудига скифларнинг улкан қўшини босиб кириди. Кайхисрав скифларни Мидиядан ҳайлаб чиқаришга муваффақ бўлмади ва хийла йўлини топади. Мадай ва унинг кўплаб жангчиларини ярашиш зиефатига тақлиф этди, уларга беҳуш қиладиларин ароқлардан беради ҳамда шу ерда тиглан утказди.

Мидия (Эрон) шоху Кайхисрав ва Турон ҳукмдори Мадай — Алп Эр Тунга уртасидаги зиддиятлар бадий адабиётга ҳам кучди. Форс-тожик халқлари оғзаки ижодида яратилган унлаб ривоят ҳамда афсоналари, шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Кайхисравга қарши қуйилган Афросиеб Мадай — Алп Эр Тунганинг умумлаштирилган образидир. Бу асарларда Афросиебнинг улими бошқача кечали, яъни Кайхисрав уни жангда мағлубиятта учратади ва қатл эттиради.

Қадимги туркийлар Алп Эр Тунгани удулаб, уни заҳарлаган Кайхисравни эса қоралаб дostonлар айтишди. «Алпомиш» ва «Манас» дostonларида бу воқеанинг жонли тасвири берилган. Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асарига сақланган дoston парчасида эса Алп Эр Тунганинг Кайхисрав томонида улдирилиши узининг аниқ ифодасини топган. Дostonда Кайхисрав мунофиқ кишиларнинг умумлашган образи бўлиб, у дили ва қўли, иши ва сузи бошқача инсондир. Кайхисравнинг бундай қиёфаси Алп Эр Тунгага заҳарли қалаҳни ичириб, яна унинг фожиади тақдир устидан масхаради кулишида кўринади:

*Унинг ишин битирдим,
Дустини ҳам қочирдим.
Удум захрин ичирдим,
Ичди юзи тиртайиб.*

(Шерий парчаларни эски туркий тилдан ўзбекчага академик А. П. Қаюмов таъдил қилган).

Демак, Алп Эр Тунга марсиеси левонда берилган дostonнинг узвий бўлган бўлиб, унда туркий халқларнинг ўз ҳукмдорларига булган меҳр-муҳаббати, унинг фожиади тақдирига аччиш хисси ўз ифодасини топган. Марсиянинг тула матни қуйидаги бандлардан иборат:

*Алп Эр Тунга улдими,
Емон дунё қолдими,
Замон учин олдим,
Энди қирак йиртилур.
Бури бўлиб улдилар,
Ийригиб ека турдилар.
Йилгаб-сиктаб юрдилар,
Кўз ёшлари мул бўлди.
Дунё фурсат кузлади,
Утри тузоқ созлади,
Беклар бегин излади.
Қандай қочиб қутулур?
Одатлар ўн нарс яуқ,
Бошқа баҳона ҳам қул.
Отса замон пойлаб ўқ,
Тоғлар боши янчилур.
Беклар оти чарчлади,
Ғам бекларни янчади.
Юзга заъфар санчади,
Чехралари саргакур.
Душман утин учирган,
Ўз жойидан қучирган,
Куп ишларни бажарган,
Тегди улмининг ўқи.
Отса ўқин замонда,
Унга не бас келади.
Тегин олса нишонга,
Белдан еришди.
Куп ишларни чок-чок қилди,
Битган ярмини тилди.
Кечмиш хогирга келди,
Тун-қун уни истарман.
Тун-қун туриб йилгайман,
Кўз ёшларим соврилур.*

А. АБДУРАҲМОНОВ,
филология фаълари номзоди, доцент.

«МАСНАВИЙ»ГА ҚАЙТИШ

«Муллоий Рум» дейди ул зотни соҳибиршод Шамс Табризий ва отининг жиловидан тугади: «Ким буюк — Муҳаммадми, Бистомий?...» Муҳаммад (Ул зоти муборакка Оллоҳ саломлари булсин) Ҳақнинг пайгомчиси, яъни пайгамбари, оламларга раҳмат қилиб юборилган расули. Бистомий — қул...»

Оятлар... оятлар...

Шамс Табризий беҳуд бўлиб, Румо ҳокига беланади...

Болалигимизда овози арслонлар наърасига ухшаш бир паҳлавий ҳофиз ул зотининг ажабтовур қўшигини қуйларди, биз гоҳ арслон наърасига, гоҳ галати сузлар силсиласига қўлоқ тутардик. «Ман омадам, боз омадам, ҳозо жунун, ал опикийн...»

Кейин Аҳмад Зоҳир ул зотни ёдимизга солди:

«Ман масту ту девона,

Моро ки барад хона...»

Мустириқ шоир Лойикдан сурашди:

— Не ниятинг бор?

Сархуш шоир деди:

— Мавлавийнинг рақси самоъсинги бир кўрсам эди...

Кейин қаердадир ўқидим:

«Маснавий»и маънавий Мавлавий, Ҳас Куръон дар забони паҳлавий...»

Азимул-шаън Куръон — «Умумул китоб» — Китоблар онаси. Оллоҳ таъолонинг баёноти. Дуне ва одамнинг сунгги достони.

«Маснавий» — паҳлавий тилидаги Куръон.

Нима? Бу ширкми? Куфрми? Исеними?

Биз билмасдик.

Билолмадик. Билолмасмиз.

Куп утмади, туркийзабон Ҳофиз «лод» солиб, айқирди:

«Танам саргарди, пойим устувор чандон билмасан...»

Ҳамма қийлу қолга, баҳсу талошга, алданиш ва адашшилларга икки кутб, икки пири комид, икки зоти мубарро Жомий ва Навоий (Оллоҳ жумласидан рози булсин) нуқта қўйди.


«Насойим ул муҳаббат». «Нафаҳот ул унс...»

Аввал калом пирдан. Абдураҳмон Жомий:

«Нафаҳот ул унс мин ҳазарот ул қулс»:

Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад ал Балхийи ар Румий.

Мавлононинг валодати (таваллуди) Балхда содур бўлди. Рабъ ул аввалининг олтинчи, арбъ ва ситамна (604/1207). Мавлоно Баҳоуддин ёзма далолат айланишларки, Жалолиддин Муҳаммад олти яшар чоғида Балх шаҳри-



Мавлоно Жалолиддин РУМИЙнинг Қунё (Туркия) шаҳридаги муборак дахмалари.

да бир неча гудак билан томимизда сайр қиларди. Бир гудак бошқа бирига дедики, кел, бу томдан нарисига сакрайлик. Жалолиддин Муҳаммад деди: «Бу навъ ҳаракат ит, мушук ва бошқа жониворлардан қолгандир. Ҳайф булсинким, одам боласи бу ишлар билан машғул бўлса. Агар сизнинг жонингизда қувват бўлса, келинглар, осмонларга сакрайлик». Ва уша чоғ гудаклар назаридан ғойиб бўлди. Гудаклар қўқувдан йиғлаб, фарёд солдилар. Лаҳза утмай ранги учиб, кузлари мутағайир ҳолда болалар ҳузурда пайдо бўлди.

Дели:

— Сизлар билан суҳбатлашаётган чоғимда кўрдимки, яшил либос кийган жамоат мени сизларнинг сафингиздан олдилар-да, осмонларни сайр эттирдилар ва мулки малакутнинг ажойиботларини кўрсатдилар. Қачонки сизнинг фарёду фиғонингиз эшитилди, бу ерга қайтариб келтиришди.

Дерларки, уша ёшда (яъни, олти ешли чоғларида) ҳар уч-тўрт кунда бир марта ифтор қилардилар. Маккаи муаззамага борур чоғда Нишопурда шайх Фаридиддин Муҳаммад Атторнинг (қолдаса сирруху) суҳбатларига мушарраф булганлар. Шайх Жалолиддин Муҳаммадга узларнинг «Асроннома» китобларини тақдим этди. Бу китобни мудом узлариде асраб эканлар.

Мавлавий дер эдилар: «Мен ошқиклар назариде манзур булган жиём эмасман, балки каломини туғайли мурирлар ботинидан кутарилгувчи завқ ва хушлиққирман. Оллоҳ, Оллоҳ, Агар ул дамни топсанг ва ул завқни тотиб курсанг, ганимат тут, шукрлар қилгилки,

ул менман».

...Ҳамма ёқни қонга белаб ташлаган ёвуз асрнинг сунгги мутасаввуф шоири ҳазрати Муҳаммад Иқбол «Жовиднома» достониде малакут оламита пири Румий билан сайр қилди.

Мавлавий деди:

Шарҳ Ҳақни топди, дунедан кечиб,

Ғарб дуне топти, Оллоҳдан кечиб...

Мавлоно Жалолиддин Румий ижоди қонли Уктабир исенига довур муслмон халқимиз учун бағоят қадри ва дастрас эди. «Тўқсон саккиз фоиҳ халқи бесавод» булган юртимизнинг ҳар бир хонадониде «Маснавийи шариф» бор эди. Мадрасаларда дарелик сифатиде ўқитиларди. Оллоҳга ҳамдлар ва шукрлар булсинким, бутун яна Мавлоно ҳазратларига қайтиш руй берди.

Биз турк уламози Обиддин Пошшо шарҳ қилган «Маснавий»ни сизга тақдим этишдан бурун шуни қайд этиб утмоқчимизки, бу шарҳ «Маснавий» хусусидаги охири гап эмас. Бу буюк фалсафий асар ҳақида асрлар оша дуненинг қўллаб тилларида шарҳлар ёзилган ва ёзилмоқда. Маснавийшунслик анъанасига мутобиқ биз Обиддин Пошшо шарҳига эркин ёндашиш, имкон қалар байтларни назм силкига солдик. Қайлар, иловалар, қисқартишлар руй берди.

Каму кусти учун сиздан минбаъд ўзр сураймиз. Оллоҳ улут «Маснавий»нинг соҳибни бўлмиш ҳазрат Мавлонони ва унинг мушориҳи Обиддин Пошшо жанобларини гарики раҳмат айласин. Алҳамду лиллоҳи, Вассолату вассаламу ала Росуулиллаҳи, Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракатуҳу.

Асқар МАҲКАМ.

Бишнав аз най чуи ҳикоят

мекунад,

Аз жудойиҳо шикоят мекунад.

ТАРЖИМАСИ:

Тингла найдин не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА:

Тингла, най қандай ҳикоятларни сӯзлайди: у фироқдан, гурбатдан шикоят қилаётир.

ШАРҲИ:

«Най» истилоҳидан мудоа, яъни зоти шариф Мавлоно Жалолiddин Румий кӯзлаган мақсад ориф ва оқиллик мартабасига ноил бўлган инсонии комилдир. Бу комил инсоннинг озгандар ҳақиқати ошқона, лаззатбахш ва сермаъно сӯзлар азуҳур этади.

Байтнинг қуйи — искивчи: «Айрилиқлардан шикоят айлагай» мисрасининг маъноси қуйидоғича: ориф ёхуд комил инсон руҳоний дунёдан (яъни асл ватанидан, унинг мангу ва барқарор руҳи ҳали бу фойий оламга инмаган чоғдаги маконидан) жудо бўлгандан сунг, азиятлар ва ёзуғлар тӯла заминга тушганидан ачқик шикоят қилади. Бу шикоят — норозилик, маъзулиднинг бирдан-бир сабаби асл олаmidан айрилишидир. «Най» — комил инсон бу мақомда ўз дарди ёхуд ўткинчи дунё дарди учун фиғону фарёд чекаётгани йўқ. Буюк «Маснавий»нинг илк байти бўлган ушбу сатрларда Мавлоно ҳазратлари арабча «самъ»га тааллуқли бўлган «тингла» амери воситасида най садосига диққатни қаратмоқда. Бунинг боиси инсоннинг эшитиш аъзоси унинг бошқа аъзоларига нисбатан баянд мақомда эканига ишоратдир. «Самъ»дан сунг одам вужудидаги энг муътабар аъзо бўлади. Инсон куз воситасида баъзи «моддиётти махдула» (майда моддий унсурларни кӯради. «Самъ» эса матнавийет ва маъқулотга тааллуқли қуллаб ҳукм ва ҳикмати тинглайди. Шон ва шавкат соҳиби бўлган пайгамбарлар икки жаҳон офиятининг боиси бўлган «продати раббоний»ни (Оллоҳ ҳукмлари) ер юзига ёйган маҳалларидан, асосан, одамларга ваъз ва насихатлар қилишар, умуман, уларнинг ҳамма жидду жаҳдлари илоҳий қонуларни башар фарзандининг қулоқларига етказмоқдан иборат эди. Одам вужудида бениҳоя улуг ўрин тутган куз ақсар ҳолларда, масалан, офтоб нури ёхуд қучли шам ёруғлиги таъсирига дош беролмайди, яъни бетоб ва матвал бўлади. «Самъ» — эшитиш қувваси» эса қуёш, ой, шамъ қа-

би суварий мунаввараларга (суратда ёғур бўлган, зоҳиран равшан бўлган жисмлар) муҳтож бўлмайди. Доимо ақл нури ва қуввати билан ҳар бир нарсадан қуллаб нарсаларни тинглайди, маълумотлар жамъ этади ва инсон қадрини зиёда айлайди. Алахусус, азимш-шаън Куроннинг оёғ ва байинотида (муътабар Қуръоннинг оятлар ва ҳукмларида) «Самъ» (тинглаш аъзоси) ҳамда «басар» (кӯз) ёнма-ён зикр этилади. Бу икки калом келгани замон, албатта, «самъ» олиндида «басар» эса кейинда бўлади (Дарҳақиқат, «асма ул ҳусна» иборасига тааллуқли Оллоҳ таъолонинг тӯқсон тӯқзиш исм ва сифатидан бўлган «самийъ» ва «басийр» («эшитувчи» ва «кӯрувчи») илоҳий истилоҳлари муқаддас Қуръоннинг ақсарият оятларида кетма-кет тилга олинади). Оллоҳ таъоло пайгамбарларнинг барчасига ўз ҳукмларини эшиттирмоқдан ўзга йул билан нозил этмади. Яъни, ҳар бир пайгамбарнинг ер юзидан баъсати (яратилиши) айни «самъ» воситасида юз кӯрсатди. Аммо афсуски, башар фарзанди уртасида эшитишдан маҳрум «иллати уммия»га (карлик) грифтор бўлганлар бор. Маъзур байта орифининг, комил инсоннинг найга нисбатан ташбиҳ бўлинишида жуда кӯп муносабатлар мавжуд. Улардан баъзиларини эълитиб қуйиб ўринлайдир: биринчидан, най одатда қамишдан ясалди. Қамиш кесилмасидан бурун доимо нащў намода ҳаёт кемиради. Кесилгандан сунг қурийд. Комил инсоннинг руҳи ҳам арвоҳ олаmidан (руҳлар дунёсидан) бениҳоят маънавий лаззатлар ичидан яшайди. Гаддор ва қуш-қуруқ бўлган дунёга келгач, айни зилот сувдек руҳлар олаmidан жудо бўлади, гӯё сувсиялиқдан қуриб бошлайди. Иккинчидан, найдан ошқона, лаззатбахш садолар таралади; ориф инсондан ҳам ошқона ва орифона сӯзлар азуҳур этади. Учинчидан, най ноласи тингловчи ишқини зиёда айлайди. Орифининг ҳам каллмот, ҳикмат ва оёти тингловчи ишқини ошириб, қалбини алам ва изтиробдан озод этади. Туртинчидан, найнинг овози ва садосидан кӯп ҳолларда ажиб бир ҳикоят, бир буюк ишқ можароси ҳис қилинади. Ориф сӯзидан ҳам ақсар ҳолларда ҳақиқий ошқларнинг олий аҳволлари ва олами лоҳутнинг асрори улувиъси (руҳоният оламининг илоҳий сирлари) тингланади. Бенишчидан, найнинг санъати зоҳирий жисмида эмас, балки унинг ичидадир. Орифининг камолоти ҳам ботиндир. Олтинчидан, найнинг қомати тўғридир.

Орифининг ҳам ҳолати тўғри ва хулқ қаримдир. Эттинчидан, най қамишликдан кесилгач, ўз олаmidан жудо бўлди, яъни гарибдир. Арвоҳ олаmidан айрилган ориф ҳам дунёда гарибдир. Саккизинчи, найнинг ичи ҳар нарсадан холи, бум-бум, ёлғиз найчининг ишқига тўлгандир. Ориф ҳам ҳар нечук гилду гашликдан бегона, қалби эса раббоний ишқ билан беангандир. Тўққизинчи, най кесилгандан сунг, ўз-ўзича ошқона садо чиқара олмайди; уста бир найчининг дамига (нафасига) эҳтиёжи бор. Ориф ҳам улдуғвор бир силсиллага ворис бўлгани сабабидан бир файзбахш зотга дамоздир. (Бу ўринда тариқат мактабларининг асосчилари бўлган улуг шайхлар силсиласига ишорат қилинади. Маълуумки, ҳар нечук тариқат мактаби ўз пешвосига эга. Биз уларни «нақшбандия», «кубравия», «қодирия», «чистия», «ясавия», «суҳравардия» каби унлаб истилоҳлар билан атаймиз. Бу мактабларнинг оламга маъшуҳ пешволарини жамъ этган «силсила шариф», яъни «улуг силсила» мавжуд. Тасаввуфга доир қуллаб адабиётларда тақорр-тақорр эслатишган бу силсилани тўлиқ ҳолда бу ерда келтиролмаймиз. Шунли алоҳида қайд этиш жоизки, ҳамма силсилалар охир-оқибат ҳазрати пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломга ёхуд ҳафзорларга бориб хотима топади. Бу авъна ҳозир ҳам давом этаётир. Қуллаб муеулмон мамлакатлари, алахусус, Марказий Осиёнинг муеулмонниши миътақаларида суфийликнинг неча ўз йиллик тақрибасига эга бўлган мактаблари бугун ҳам ўз муқаддас аънаналарини сақлаб келаётир. Бу мактабларнинг неча юз муридлари ва шир комиллари бор. (Биз бу ҳақда ўрни билан ҳикоят қиламиз — тарж.)

«Маснавий шариф»да ҳикмат ва руҳониятдан баҳс юритилди. Юқорида зикр этилган байтнинг шарҳида бу нуқтага етарли эътибор қаратилди. Зеро, эътиқод масаласига диққат билан назар ташланса, инсонларнинг ақсари уч тоифага бўлинишига гувоҳ бўлмайми. «Биринчи тоифа инсонлар дунёдаги жамийки ҳодисотнинг холиқи, сонъи (яратувчиси), ҳофиян (асрагувчиси), жаноб вожиб ул вужуди борлигига, руҳининг мавजूдиъяти ва бақосига, «баъдал мавт» — ўлимдан сунг инсонлар учун жаъо ва ёхуд мукофот муқарар эканлигига йиомиларни комилдир. Бу ғурӯҳга мансуб қишлар. Оллоҳ таъолога ибодат келтиридилар; машруъ бўлган амр ва амалларни адо этадилар, билоҳира ўз-

ларини абадий соватдагга ноил айлайдилар. Иккинчи гуруҳга мансуб инсонлар мункирлардир. Улар инсон рухонияти мавжудлигини инкор этишпади, одам ёлғиз жисмдан иборат маълум, вафотидан сўнг баданининг таркиби буткул ҳал бўлиб, батамом фанога юз тутайди, деб даъво қилишади. Рухоният, охират ва улўҳиятни рад этувчи бу тоифа ўзлари каби адашган кимсаларни улўг зарарга ва ўнгарилимас гумроҳликка томон етаклайдилар. Кавну макон, олам интизомининг оддий сабабини хусусида савол қилинса, улар табиатга ружуъ этишади. Жаҳолатда ҳечқисм бўлган бу тоифа ила баҳса қиришқоқ беҳуда ишди. Кейинчи гуруҳ намояндлари шубҳа хайли ҳисобланади. Уларнинг шубҳаси шу қадар зиддиятлики, маълум бир нуқтада кесилишмоқнинг имкони йўқ. Чунотчи, уларнинг шубҳали дътовълари куйидаги зайлдилар: «Мавжудотни Оллоҳ таъоло яратганим? Ғўҳимол ўз-ўзига, балки табиат воситасида вужудга келгандир? Инсонда руҳ деб аталган нарса ҳақиқатдан мавжудми? Ғўҳимол бадан интизоми ва инсонга ҳо фэйз, зако ҳамда ҳисеът унинг бош миъеси тўғайлидир. Илоҳий қудрат ва руҳ, охират ва бақо, руҳоний жаъо ва мукофот борми? Балки руҳоният мавжуд эмасдир, инсон вафот этгач, вужуд интизоми бўзилиб, ажъо бадани ҳал бўлиб, маъъанвий шахсияти қолмас? Шубҳа қавми шу қабилдаги қатъий тасдиқ ёҳуд мутлақо инкорга ҳо келмайдиган дътовълор билан ишайдилар. Буткул шубҳа остида қолган қавмининг фикри саҳиҳ булар деган умидда ҳақиқат исботига тааллуқли баъзи тафеилот билан баҳса қиришмоқчи жоиз кўрдик. Араб, юнон, румо ва Оврупоунинг энг буюк файласуфлари жаноби ҳақнинг вужудини, олам интизоми учун зарур ва даркор бўлган раббоний низоми, инсонда руҳ мавжудиятини, «баъдал мавт» — ўлимдан сўнгги ҳаётнинг боқийлигини исботлаш заминида гоятда аниқ фикр ва мулохазаалар баён этмишларки, бу нуқтада уларнинг жаъи ҳақида мулохаза юритмоқ хйли душвор куринади. Алаълхусе, укувчи мавзудорисидан чекиниб, асл моҳиятини англамоғи огир бўлади. Шу боисдан уч машҳур ҳоқимнинг яратувчи ва яратилми ҳақидаги андишалари баъни билан чекланамиз. Ибтидода кўеш ва унинг мунтаъаз ҳаракатига диққат қилайлик: кўеш гаيري идрок бир жисм экан, ҳар йил, ҳар ой, ҳар кунда мавсумларга кўра муъайян бўлган вақт ва мавъеъда куринади. Кеч асносида адади миллионлардан зиёд бўлган юлдузларга назар ташлайлик: ҳайъат аҳлининг (юлдузалар илми билан шуғулланувчи мунажжимлар) эътироф этишича, ёлғиз ер шаридан куринадиган миллионларча юлдузларнинг ҳар бири камоли интизом билан буюк бир ваъидани ижро этар; ҳаракат жараёнида бири бирига зиён етказмас, мутъе хизматкорлар каби

муъайян ва мунтаъаз замон ҳамда сувратда ҳаракат этиб, аввалдан-нихоҳ жарорат баҳш этарлар. Уларнинг ҳар раёни шу қадар мунтаъазми, масалан, юз, юз эллик йилдан сўнг бир юлдузининг омон кенгликлариде янги бир нуқтада пайдо бўлиши нужум аҳли учун саҳвиез (хатосии) маълум бўлади. Бу маъқул ва мунтаъаз ҳаракатни ижро этган самовий унсурларнинг вужуди кураан аризмиз (ер шар) каби комилан жаъодотдан (жонсиз олам), ақл-идрокдан маҳрум зарротдан (зарралар) мураккаб бўлган жисмлардир. Бу жисмлар фаъқулода мунтаъаз ҳаракатни қаердан олдилар? Бу буюк интизом холикларининг (Оллоҳнинг) амри эмасмикин? Ғўҳимол, нодон мункирининг фикри каби табиат воситасида ёҳуд тасодиф тўғайли ҳосил бўлдимми? Чуқур фикр билан тушунилувчи, оламда кузатилган бу ҳайратбахш интизом учун «тасодиф» ва «табиат» лафзалари маъносиз; диққатсизлик ёҳуд телбаларча истеъмоқ қилинган икки сўзидир. Чунки, ер шар ва барча самовий жисмлар жумла кимёгарлар ва ҳукамонинг фикрий иттифоқиға кўра асл зотида (яъни таркибиде) фаҳм ва ҳаракат бўлган зарралардан таркиб топган жисмлардики, оқил ва идрокдан беғона бўлганлари боис вужудларининг моъеси — зарралар каби таъсиреиз ҳаракат этмоқға гаيري муътадирдилар (яъни қодир эмаслар). Тупроқ, тош ва соир жаъодот кўларимиз ўнгиде. Таъсир этилмагунча ҳаракат этмаслар. Инсоннинг бадани бу қадар мукаммал таркиботдан экан, булак-булак қилинса, парчаланган қием ҳаракат қилишға қодир бўлмайди. Аммо, ҳаёт экан ҳаракат қилади. Фақат бу ҳаракат таъсир майдолида бўлган руҳ воситасидир. Руҳдан жудо гузал моддиёт бўлган инсон бадани уйқудаги кабирдир. Жонсиз зарраларнинг ҳаракатга лаъқатсиз экани баҳсли масала эмас, бинобарин, таркиби ҳаётсиз зарралардан иборат, руҳ ва оруздан маҳрум бўлган жаъийки жием бир таъсир бўлмагунча ҳаракат этмоғи қатъийан маҳол. Руҳ, ақл ва оруздан маҳрум бўлган миллионларча самовий жисмлар машҳур ва маълум бўлган ҳаракатларини, алаълхусе, интизоомларини нечук билдилар? Улар ҳеч қандай таъсиреиз, ўз-ўзларича оқил ва қодир бўлиб қолишди? «Бу ҳаракат тасодифан келди». «Бу интизом тасодифан бўлди» дейилса, инсоф қилинсинки, ушбу баҳсада «тасодиф» лафзини ёлғиз лисон (яъни, тил) сўзлар, бироқ ақл ва виждон рад этар. Мункирлар бундай тасодифининг замирида ёҳуд самовий жисмларнинг мунтаъаз ҳаракатларига сабаб табиатда мавжуд бўлган умумий қонуният, «қувави жоъиба ва дофъа ҳамда ҳарорат» (еринг буюк тортишиш қонуни ва иссеқлик) каби ҳодисалардир, дейишади. «Умумий қонуният» таъбири мункирларнинг «тасодиф» лафзи каби маъносиз. Ҳақиқатда,

жисмларда умумий қонуният бор, аммо камоли ақл ва ҳикмат воситасида пайдо бўлган онгли қонулар умумийдики, бир Ҳоқимни Мутлақнинг, бир Сонийи Аъзомининг мавжуд эканлигини ҳар нарсадан зиёда шаҳодат этишар (яъни тасдиқлашар). «Умумий қонуният»ни яратган ким? Масалан, қувави жоъиба, дофъа ва ҳароратни ким тушуниб, ҳар жиемга зарур бўлган миқдорда заррот ва қувватларини, сўнгра қўрбларини, буюк бир интизомага ҳалал бермайдиган даражадаги суръатларини ким рўебга чиқарган? Фалакларда мунаввар жисмларни таркиб этган мунаввар зарралар ва бошқа нурез жисмларни ташкил этган гаيري мунаввар зарраларни бир-биридан ким жудо этиб, ким муъайян тартибга солган? Бароғат ҳайратбахш бўлган бу буюк интизоми ким юзага чиқарди? Мункирлар қувави жоъиба, ҳарорат ва яна қулаб соир мавод-мавжудотни ақлсиз ва тадбирсиз, деа тасдиқ этадилар. У ҳолда бу беақл ва бетадбир бўлган ажром ва мавод бу буюк интизоомнинг истеҳсоли учун ҳар бирига зарур бўлган зарротни, ажралиш қувватини ва суръатни ўзаро нечук тақсим этадилар. Балки, ақл ва тил билан ўзаро келишиб олгандирлар, чунотчи, «Кураан арга (ер шар) маълум миқдорда зарралар, огирлик ва ҳарорат берамиз. Токи, йигирма тўрт соатда бир марта ва бир йилда муъайян карра айлансин. Қуеш ва бошқа жисмларға ҳам худди шу тартибда қувват берилсин-деа ҳечқис замонлар опа ўз меҳварларида ҳамда меҳварлариде хоррижа, жоъибалари атрофида мунтаъаз ҳаракат қилсинлар, бу буюк интизом ва иттифоқни хиъф этсинлар». Худди шу каби телбаларча ажирашши тинглашни истамаган инкор қилувчи, яъни мункир, буларнинг баърига табиат сабаби, дейди ва узини беақлларча барбод этади.

Табиат нима демек? У анқо каби маълум маълумқми? Табиатдан маъсад, жисмлар, яъни тош, тупроқ, денгиз, ҳаво, ҳарорат, қувави жоъиба, қувави дофъа каби ҳодисот ва моддиётнинг алоҳида олинган ёҳуд ҳам ҳолатдаги исмики? Агар табиат бу ҳодисот ва маводнинг исми бўлса, ёлғиз исмлар эмас, бус-бутун вужудлари билан ақлсиз ва идроксиздир. Ақлсиз ва идроксиз эса ҳеч вақт иттифоқ ёҳуд интизоомли бўлмайди, умумий қонуният тутул хусусий билан ҳам амал қилолмайди. «Билар», «этар» деб даъво қилгувчилар беақл ва беидрок бўлган жаъодотдан ҳам беақл ва беидрокдилар. Номъақул, яъни ақлсиз бўлган модда ақли, яъни маъқул бир амрсиз ҳеч қачон мунтаъаз ва маъқул бўлган нарсани вужудга келтиролмайди. Табиат мавжудотнинг ва унда бор бўлган нарсаларнинг оддий исмидир. Демак, бир қувави ақлия (ақли куч) ёҳуд фелья (ақли ҳаракат) эмас. Кўп замонлар бурун Поред аритилган маъориф лугатида «нотур» яъни, «табиат» лафзининг

маъноси қуйидагича талқин этилади: «Табиаъ» лафзининг уч маъноси бор: бири — алоҳида жисмларнинг жамлагувчи иси; иккинчиси — ҳар бир жисмнинг ибтидода жараён этган аҳволи; учинчи — Оллоҳ таъоло ҳазратларининг нарса ва жисмларга бахш айлаган интизомининг таърифи. Асҳоби маъориф учун табиаънинг маъноси ушбудир. Мункирлар учун табиаъ лафзи йўқдан бор бўлган маъноси бир ҳайл. Ва саҳиҳ таъбир билан айтадиган бўлсак, «табиаъ» мункирларнинг аносидир. Инсоф қилинсин, бир фармон, бир ирода, бир амри Раббоний бўлмагунча инсон каби маъқул, афқол каби мутазам макон вужудга кела билармиди? Бу азим интизомда, бу азим ҳаракатда, бу азим қудрат ва муҳофазада, бу буюк ва олий мақсадда ҳар ким ва ҳар бир нарсага беихоҳ қудрат ва таъбир бахш этган раббоний илми мушоҳада этамиз. Кимда ким бу ҳақиқатни англамас экан, у инсон бўлмади жисм ва бадандангина иборат бир огирлик, уларнинг инкор ва эътирозлари дунёда ўз-ўзларига қилган жаозидир. Улар охирадтан умидсиз, дунёда армон ва муҳаббатлари кун сайин заифлик ва дардага гирифторм бўлган баданларига боғлиқдир. Умид ва муҳаббатлари ҳар он маъв ва паршон, узлари маъёв ва бедармон бўларлар. Мункирлар истаганлари қадар инкорда телбалик этишсин. Камоли қудрати Раббония оқиллар учун бир нури азим, хазиана раҳматдир. Миллионларча аъён башар қалб ҳисси бўлиб «Оллоҳ!» «Оллоҳ!» дея аризи убадти (баъдалаки аризи) қилурлар. Бутпарастлар шундай бир холиқни ҳис этадилар, фақат қалб маълумотлари ҳасби-ла ҳақиқий Холиқни ажрата олмайдилар. Маъорифнинг оламгир нури тавассутида улар ҳам бир кун тариқи мустақиймга (тўғри йўлга) дохил, абдий саодатга ноил бўладилар. Ёлғиз мункирлар учун тариқи ҳидоят (ҳидоят йўли) ихоталангандир. Ибботга муҳтож бўлмаган Раббоний қудрат юқорида шарҳ этилган интизом ва жисмлардан аён будди. Улуг бир қалб-ҳақиқий инсонларнинг жаноб Ҳаққа бўлган эътиқод ва муҳаббатларидан далолатдир. Ҳақ бўлган соеъ яратувчини ҳайвонот олами ақл қомилан иштирок этмаган бир ҳисси маъқул (инстинтқ) ёрдамида танийди.

Масалан, беш-олти ойлик бир товуқ ҳеч қачон шохин (лоҳин) ёхуд тугон (қирғий) каби йиртқич қушни кўрмаган. Инчунин, товуқ ҳайвон бўлгани боисидан ҳеч замонда шохининг йиртқич эканини эшитмаган. Бироқ кезиб юрган ҳолатида шохин ёхуд тугоннинг ҳавода юрганини кўргач, шу пайтга қадар ҳеч қаерда учратмаган бу йиртқич қушнинг душманлигини ҳис эта олади. Узини муҳофаза этишга шайланиб, бошқа товуқларни оғоҳ қилмоқ учун жон ҳолатда фарёд чекади. Ҳайвонотнинг муҳофазиси учун вазъ қилинган (яъни, шай этилган) ва турли ҳолатларда гувоҳ бўлинган



ботиний маъқул ҳисни (инстинтқ) сонини кул (яъни, ҳар бир нарсанинг яратувчиси — Арҳамар Роҳимий (марҳаматлиларнинг марҳаматисидан) узга қандай қувват бунча махлуқотнинг қалбларига вазъ ва эҳсон эта билур эди? Ҳайвонот илми билан машғул бўлган мункирлар (инкор этувчилар) эътироф этарларки, табаддулот ва тағйирот (эволюцион узариш) рўй берса-да, аввалда бир туҳум (яъни, асос) бўлмагунча қалар ер шарида ҳеч бир соҳиби руҳнинг вужудга келиши мумкин эмас эди ва мумкин эмасдир. Уларнинг бу эътирофи руҳ соҳибларини ҳалқ этган (яъни, яратган) ва ҳақиқатда Холиқ кул бўлган Оллоҳ таъоло ҳазратларини тан олишларини тақозо этади. Бироқ улар эътироф этмайдилар. Боқинг, мункирлар Ҳақмоқ гуристонига эҳдуларини нечук дафъ этишлар ва дерлар: Ҳақиқатда, ер кurrasида туҳумсиз руҳ соҳиби вужудга келмайди, аммо эҳтимолки вақт-вақти билан ажроми самовий, яъни юлдузлардан туҳумлар тушмиш-да ҳайвонот вужуди пайдо бўлгандир!!! Юлдузлардан ер кurrasига туҳум тушмиш, қабилдаги поёни ханда, яъни кулиди бир ҳақмоқ булурми? Юлдузларга туҳум қаердан келтирилди экан? Бу мункирлар Қуръонни азийм уш шайъада буюрилган «Оллоҳ ҳузурда ҳайвонларнинг энг бирламчиси ақл ишлатмайдиган кўр ва қарларидир» — васифга лойиққиллар.

Илоҳий! Руҳ соҳиби бўлган ҳар бир махлуққа ер кurrasида бундай теран ҳикмат ва кенг марҳаматлар билан неъматлар бахш этдинг, соҳиби ишқ бўлган ҳар қалбга муҳаббатлар илқо айладиңг, инсон баданидаги ҳориқулда кашфийетинг — ақл, виждон, нутқ, самъ, кўз каби аъзолар мутлоқ вужудингга жисмоний ва маънавий шохидқиллар!

Жаноб вожиб ул вужудни ақдан, ҳикматан фаҳм этган инсон ўз ҳолига назар ташласа, дарҳол англарики, жамоодот ва сойир ҳар навъ махлу-

қотдан олий бир сувратда халқ қилинди. Бу мукаммалик инсоннинг ўз таъбири ва ҳунарири?

Табийки, йук.
Айрча бир маъсуе эҳсон раббоний бўлган инсон бу эҳсоннинг шукронасини қилмаса, бундан ҳам буюк куфрони неъмат булурми? Мункирлар ўз телбаликлари тўфайли дерлар: инсон сойир махлуқотдан ҳам оқил ва мукаррам халқ қилинган бўлса, не учун унинг аҳволида буюк интизомсизлик қўзга ташланади. Жумладан, инсонларда сарқит ва қатл, сархушилик ва казоблик каби фаноликлар бор? Бунга жавоб бермоқ қулайдир. Унутмаслик жоизки, инсонларнинг суvari ва умумияти ва оламларнинг интизомига нисбатан жузъий бир интизомсизликлар шаръий тилда «иродаи жузъия» (яъни, чекланган ирода, эрк) ихтиёр каби бир раббоний неъматнинг қадр-қимматини зиёда ва аъло тарада адо этмоқдан иборатдир. Винобариг, ҳақиқий ва куллий бир интизомни мукамал этмоқ учундир. Инсон боласига илоҳий эҳсон сифатида берилган бу «ихтиёри жузъия» воситасида мўътабар ва мақбул атвор билан Ҳақ ризиосини тошмоқ каби буюк бир неъматга ноил, ҳар жиҳатдан комёб ва комвар бўладилар.

МАСНАВИЙ:

*К-аз найстон то маро бурлидаван,
Аз нафйаром марду зан нолидаван.*

ТАРЖИМАСИ:

*Ким найстодан мени то кесдилар,
Ҳасратимдан марду зан дод этдилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА:

Қамиш ҳолатимдая мени кестанларидан буюв, фаредимга дош беролмай эркагу аёл йиғлайдилар.

ШАРҲИ:

Қамишлик ҳолатидан мақсад (яъни, найнинг най бўлгунга қадар қамишзорда кум-кўк нашъу намо қилгани ишора) мартаба аҳадият ва олами руҳониятдир (ягоналик, Оллоҳнинг якка-ягоналиги) аймон келтирган орифнинг мақоми ва руҳоният дунёси).

Ориф зот дейди: Оллоҳ иродасининг қудратли амри ва тақозоси билан мени руҳоний оламдан жудо этиб, бу дунёнинг ҳажр ва гурбатига ошно айлаганларидан буюв фиғону ҳасратимдан эркагу аёл нолон ва гирёндилар. Бу шариф байт уч йўсунда шарҳ ва таъриф этилиши мумкин: биринчидан: қомил зотнинг олами руҳониятга доир баъйотини (нуқтасини) тинглашга мадори етгунчи, яъни типик ақли, теран қалби киши йук. Ориф ҳар кимга ўз руҳоний олами ҳақида гапирга билмайди. Зеро, ҳайвонга Боғи Эром ҳақида маълумот бери бўлмаганидек, бутун руҳониятини нафса алмаштирган кимсага ҳам

руҳ ва руҳоний лаззат ҳақида сўйлаш бемаъниликдир. Руҳий ҳажр ва жисмоний азият даштага кучган ориф ўз «асл ватан»идан жудо бўлгани боисидан аччиқ фйон чекаётгй. Иккинчидан, нафе ва шайтоннинг таъййқоти, дунёнинг мушкул бўлган ҳолатлари боисидан инсонлар чекадиган га му ҳасратлар эрқагу аёлни камоли диққатчилидган нола кекишга, фарёд кутаришга мажбур этади. Оқил зот кўп замонларда ижтимоий муносабатларнинг нечоги ноумкаммаллиги туфайли гам-гуссага гирифтор булади. Дунёни мукаммал ва тукис кураман, деган зотларнинг қанчаси сиhib, кунфиякун буладилар.

Учинчидан, бир таъриф чақалоқ лисони ҳол билан таъриф этарки, дунёга келган дақиқадан бун хасталик ва сойир га му жафоларга гирифтор бўлганлиги сабабли ота-она бу ҳолга чидаймиг куз ёши тўкар ва жигаргўшаларининг бу ҳолига шафқат назари билан боқар.

МАСНАВИЙ:

*Сийна хоҳам шарҳ-шарҳ аз фироқ,
То бигуям шарҳи дарди иштиёқ.*

ТАРЖИМАСИ:

*Сийна истармен фироқдан поралар,
Шавқ дардидан десам афсоналар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА:

Фироқдан пора-пора бўлган бир сийна (кунгли маъносда) истаيمان. Токи ул кунгли соҳибига (аҳли дил) шавқ-иштиёқим дардини шарҳ айлайин.

ШАРҲИ:

Маънавий ошиқ дейди: Ҳақиқий дуст лиқосини бу дунёда мушоҳада эта олувчи ва ёхуд олами руҳонийнинг фироқида кукси пора бўлган бир мард истаيمان. Токи иштиёқим дарди ҳис айланган олам ва ўз аҳволимдан унга бир-бир сўйласам, фарёд этсам. Маънавий ошиқ вожиб ул вужуд бўлган оламлар Раббига нуруний ва руҳоний ришталар воситасида болганан зотдир. Нуруний ва руҳоний ришталар ошиқнинг кунглидаги маъсум ва покиза туйғулардир. Бу туйғуларни куриб ёхуд ҳис қилиб бўлмайди. Зеро, айни шу дардли иштиёққа мубтало кишиларгина бу ҳолини мушоҳада эта оладилар. Акс ҳолда сўйланган дард гайри оқил сомеъга огирилик қилади. Маънавий ошиқнинг маънавий ишқи маънавият, бил-хосса, раббоний маънавият соҳибларига хосдир.

МАСНАВИЙ:

*Ҳар кесе ки дур монд аз асли хеш,
Боз жуяд рўзгори васли хеш.*

ТАРЖИМАСИ:

*Кимсаким тарк айлади ўз аслини,
Қайта иалар рўзгорин васлини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА:

Ҳар кишики узининг аслидан узоқ қолса, уша ўтган рўзгорининг (тириклик) васлини такрор истайди.

ШАРҲИ:

Башар фарзандининг асли руҳоният оламидир. Дунё аса имтиҳон саҳнаси, инсон муваққатдан (вақтинча) қолдиган бир маҳбас — зиндондир. Маҳбас ва завол маҳали бўлган бу дунёда бир кимсаннинг ўз шахро ватандан айро қолиб ҳижрон ва гурбатга гирифтор бўлгач, ўз кивдик қони тўкилган тупроғни нечоги орзу этиши баёнга муҳтож эмас. Шундай экан, Оллоҳнинг орифи асл ватани бўлмиш руҳоният оламини батариқи авло орзу этиши авндир. Фақат дунёда вақтинчалик қолмоқ учун амр этилганидан, ватда қилинган ажал келтулга қадар заруратан яшар. Ориф кунгли гирифтор бўлган жафодан, қилинажак сабури ризодан комрон булади. Инсон бу фано гузароғида то ҳаёт экан, ибодат ила машгул бўлмоққа мажбурдир.

МАСНАВИЙ:

*Ман ба ҳар жамъияте нолол шудам,
Жуфти хушҳолону бадҳолон шудам.*

ТАРЖИМАСИ:

*Мен неча жамъиятин колониман,
Жуфти хушҳолини бағи бадҳолини ман.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА:

Мен ҳар бир жамъият ичиде зор-нолол бўлдим. Ҳоллари хуш бўлганлар билан ва аҳволлари ёмон бўлган кимсаларга-де жуфт бўлдим, уларга ҳамроҳлик қилдим.

ШАРҲИ:

Юқорида зикр бўлдиким, ориф ва оқил бўлган зот фироқдан сийнаси пора-пора бўлган бир ошиқни истайди. Токи камоли иштиёқига доир бўлган аҳволдан огоҳ этсин: «Тингловчи гумон қилмасянки, мен ёлғиз орифи биллаҳ бўлган зот билан ҳамсухбат буламан ва ўзга инсонлар жамъиятини буткул тарк этаман. Йўқ, мен барчани севаман. Бироқ, ёлғиз Ориф ва ошиқ бўлган зотга дақиқ аҳволи руҳониятимини баён ва ийрод этаман. Башар авлоди Оллоҳ таъоло томонидан гоят карамли ва иззат-этиборли мақомада яратилгандир. Шоёни марҳамат, муҳаббат ва саодатдир. Шу боисдан мен барчасиза маънаву дустман ва яхшилик умидида ҳар кимнинг истаёдодига мувофиқ ҳақиқатини баён этаман».

МАСНАВИЙ

*Ҳар кесе аз занни худ шуд ёри ман,
Аз даруни ман накуст асрори ман.*

ТАРЖИМАСИ:

*Шубҳадан ким будди менга ёрлар,
Ич-ичимдан изламас асрорлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА:

Ҳар ким ўз шубҳа-гумони боисидан менга дуст будди, ботиний асрорини ки қидирмади.

ШАРҲИ:

Мен инсонларга насихат қилгудек бўлсам, улар: «Насихатни англадик ва сўйлагувчи орифга дуст тутиндик», дейишади. Баъзи инсонлар қолан (суза) ва фикран сўйлашади. Аммо ҳақойиқ ва асрорини изламайдилар. Сузаларимда яширин бўлган маънолар ҳақиқатини англамоқ учун феълан қонг эрмаслар. Ботиний асрорини англай билмак учун ишқи раббоний ва файзи самодоний тақозо этилади. Раббоний ишққа ноил бўлмоқ хилқатан олий қалб этаси этиб яратилмоқ демакдир. Шунинг баробарида дунёда машруф бўлган кўллаб инсоний вази-фаларни имкони этгунга қадар ийрод этмоғи лозим. Олий хилқат бўлган зот садақот, намоз, уруж ва ҳамида ахлоқ баробарида машруф бўлган синф ва санъат аҳли булса унинг ривожу равнақига тadbир қилмоғи зарур. Узини ёлғиз ибодатга асир айлаб, кўллаб дуневий вази-фаларни тарк этган ва унутган инсон хатога йул қўйган булади, аксинча дунёнинг иши экан, деб ибодатни зоеъ этган нодон истиқболни абтол ва паршон этади. Одам руҳ ва бадандан яралган жиҳатидан руҳ саодати учун аҳволи руҳония билан ҳам интизомни дунё учун умри дунёвия ҳилан машгул бўлиб, абадий саодат касб этади.

МАСНАВИЙ

*Сирри ман аз нолол ман дур нест,
Лек чашму гушору он нур нест.*

ТАРЖИМАСИ:

*Сиррим оху нолшимдан дур эмас,
Бу қулоқ, бу кўзда лек ул нур эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА:

Менинг сирим менинг фиғону фаредимдан узоқ эмас, фақат сиримни англагувчи кўз ва қулоқларда ул нур йўқдир.

ШАРҲИ:

Ориф дейди: «Менинг сирим ва ҳақиқатимга боис саломат инсониятдир. Аҳвол ва ноламдан узоқ бўлмаган, каломим ҳақиқатини англаган бақом ва ноили маром булур. Лекин баъзи инсонларнинг кўз ва қулоқларида ишқ нури ёхуд заковат нури бўлмагунча бизааруа ҳақиқатдан узоқ бўлишади. Заковат нури ва ишқ ановрига соҳиб бўлмаганлар ҳақиқатомларига солиқ, ади ва ишқикатта молик бўлсалар марҳамати раббонияга ноил ва гулшансароий саодатга воисил буладилар.

(Давоми бор).

Мущорих Обиддин ПОШПО,
Мутаржим Асқар МАҲКАМ.

ТЕАТР САНЪАТИ пайдо бўлибдики, ижрочилар саҳнага уз қиёфаларини узгартириб чиқадилар. Бунда турли-туман буюқлардан моҳирона фойдаланадилар. Ранг, буюқ инсон қиёфасини таниб бўлмас даражада узгартириб юборади. Инсоннинг юз тузилишини буюқ ва бошқа воситалар ёрдамида узгартирувчи кишиларни «гримчи» деб атайдилар. Буюқ шоиримиз Чулпон узининг мақолаларидан бирида буни «юз ясаш» санъати деб атайди. Бинобарин, бу ҳақиқатан ҳам катта санъат. Бадиий тимсолни тасаввур қалами билан чизилса, тарихий шахс ролини ижро этаётган артист юзи ҳам уникала ухшаши шарт. Юз ясаш устасининг рассомлик маҳорати ана шунда кузга яққол ташланади. Шу боис, моҳир гримчиларни «гримчи-рассом» деб атайдилар. Маъбуотда уларнинг фаолияти, санъати ҳақида камдан-кам ёзилади. Спектакллар, фильмларга бағишланган мақолаларда уларнинг номи деярли тилга олинмайди. Шунинг учун гримчиларни купинча бутафорлар сингари «куз илғамас санъаткорлар» деб атайдилар. Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими Сурыат Жалилов ана шундай санъаткорлардан, яъни гримчи-рассомлардан биридир.

Сурыат Жалилов машҳур ижодкор, Ўзбекистон халқ артисти, Обид Жалиловнинг ўғлидир. Унинг бутун умри санъат даргоҳида ўтди. У 15 ёшида Ҳамза номидаги академик драма театрининг гримчи-рассоми В. П. Луцихинга шоғирд тушиб, 1961 йилга қадар шу театрга ишлади. Унинг театргаги 13-14 йиллик фаолияти бир мактаб бўлди. «Алишер Навоий», «Бой ила хизматчи», «Юрак сирлари», «Ҳамлет», «Отелло», «Қароқчилар», «Ганг даресининг кизи» сингари унлаб спектаклларда А. Хидоятлов, Ш. Бурхонов, О. Ҳужаев, Н. Раҳимов, С. Табибуллаев каби улуг актёрлар билан бирга ишлаб, улардан кўп нарсаларни ўрганди. Устозларга ва ёшларга саҳнавий қиёфа яратишда катта наф келтирди.

Ижодкор 1966 йили ҳозирги Санъат институтига педагогик ишга жалб этилди. Шундан буён талабаларга инсон анатомиясидан то буюқларнинг хусусиятларига — барчасини амалда ўргатиб келмоқда.

Жалиловнинг гримчилик хонаси институт уқув театри биносига жойлашган. Устахонасига кирганимизда у ниманингдир устиди қуймаланиб ўлтирарди. Уста қайсидир спектакль қаҳрамонига парик ясаётган экан. Икки томонга таранг тортиб қуйилган утча қора капрон ипдан ниҳоятда тез курмак қилиб боғич ясади. Кейин шу боғич ипларга соч тодалари терилди, дастгоҳ бунатишгач 18 яшар қизнинг тарашига ҳо-

ЮЗ ЯСАШГА ФАРАНГ

зирланган қоп-қора майин сочини эслатувчи узунлиги бир метрча келадиган соч шокисласи юқорига кутарилди. Бундай соч шокисласидан йигирма туртта туқилиши керак. Актриса ушбу уламани тақиб олгач, сочи тақимини упадиган жонона айланади. Ана шу вазиятнинг узиеқ бу ишнинг қанчалик мураккаб эканлигиндан далолат.

Гримчи-рассом С. Жалиловнинг охириги сабоғи уз шоғирдларини диплом спектаклида чиқариш билан якун топади. Яқинда бешинчи курс сиртки актёрлик бўлими талабалари «Афандининг беш хотини» спектаклини тайёрлашди. Талаба С. Казакова ушбу спектаклда Таманно ролини ўйнайди. Уста юзига оқши ранг утирган Сайрага «Табий ҳусни бузмаган ҳолда саҳнавий қуркамлик ато эта бил», — деб унинг юзига оқши ранг утирган биллиран-биллимас қизини ранг сурди кейин чап кулчи устига нуҳотдек қора хол қуйди.

Юқориди айтилган улама сочлардан бирини олиб, талабанинг сочларига ўргандек қилиб улади. Кузгу олдида холдор, йўғонлиги билмакдек келадиган узун тим қора сочлари елқасини безаган гузал аёл пайдо бўлди.

Устанинг образ моҳияти, феъл-атвориға қараб ташқи образлиликни яратиш ўқуви ва тахлийий мўлоҳазаларининг теранлигига тан бермай илож йўқ. М. Байжиевнинг «Виждон тарозуси» (режиссёр М. Узоқов) спектаклида Азиз ролини ўйнавчи талаба Ш. Саломовни грим қиларкан, «Узи, сен қиёфасини яратётган Азиз ким?» — дея савол берди уста.

— Асарнинг бош қаҳрамони, — жавоб берди талаба.
— Умуман туғрику-я, мен унинг сажинисини суряпман.

— Азиз бир кема одамни ҳалокатдан қутқарамади деб, нур касаллигига йулиққан одам.

— Бундай касалликка йулиққан одамнинг эти сал тилиниб кетса, қонни тухташти жуда қийин. Нозига қолдирган хати унинг бу дунёдаги сунги сўзи экани бежиз эмас, — деди ва қафларига жигарранг буюқ суртар экан, — бу ранг озгинлик ҳосил қилади. Жигарранг оқ ранг билан қоришиб кетса,



хасталик аломатини билдиради, — деди уста.

Нози ролининг ижрочиси Дурдона Юсупова ҳам гримдан сунг узгардиқолди. Бир неча дақиқада талабанинг чузиқ, қошиқдаққина юзи юмалоқ тортиб, кулчалеқ бўлиб қолди. «Анор тусли рангдан фойдаландик, бу қисман навқиронлиқни куз-куз қилиб туради» — деди С. Жалилов, Чиндан шундай эди. Нозининг рангидаги қизиллик соғломлик нишонаси эди.

Жалилов талабаларга улуг сиймолар қиёфаларини яратиш устида ҳикоя қиларкан, «Алишер Навоий», «Улугбек хазинаси», «Мирзо Бобур» сингари кўп қисми видеофильмлар (Республика телевидениесида ҳам ишлайдди) бўйича олиб борилган изланишлар ва, айниқса, Ҳамза номидаги театр актёрларининг тажрибалари ҳақида завқ билан гапиришдан сира чарчамайди.

Утан йили Санъат институтининг драма ва мусиқий драма театри актёрлиги кафедраларида «Кайнона», «Заҳарли томчилар», «Чинор остидаги олипуш», «Чимиддик», «Олчазор», «Афандининг беш хотини», «Виждон тарозуси» каби ундан ортиқ диплом спектакллари қийилди. Ушбу асарларнинг ҳар бири бўйича актёрлар учун образининг ташқи қиёфаси устиди ижодий изланиш демакдир. Бинобарин, изланиш — янгилик топиш демакдир. «Устоз янгилик доимо ҳамроҳингиз бўлсин», — дейишди Сурыат Жалиловнинг шоғирдлари. Биз ҳам шу истакка тилақдошмиз.

Сотимбой ТУРСУНБОВ.

Тешабой БАЯНДИЕВ,
санъатшунослик доктори

ГАРРИБОЙ ИНЖИК ҲАҚИДА АФСОНА



Драматургия ҳар қандай сахна асарининг пойдевори эканлиги ҳаммага аён. Лекин уша пойдевор асосида қад кутарган бинонинг, яъни спектаклнинг гузаллиги, томошавийлиги, томошабинларга ҳақиқий эстетик заъф бериши режиссернинг истеъдодига, ҳаёлоти бойлигига, қолаверса, ижрочиларнинг маҳорати ва тажрибасига боғлиқ.

Драматург Кенгесбой Раҳмонов узининг бой ижодий тажрибасидан унумли фойдаланиб, ниҳоятда сахнабоп комедия яратганини инкор этмаган ҳолда, театр ижодий жамоасининг, айниқса, ёш режиссерлар ва актёрларнинг яратувчилик, янгиликка интилиш руҳида олиб бораётган изланишларини, томошабинларни театрга қайтариш бора-бора қорақалпоқ миллий театр санъати учун аънавий бўлиб қолган айрим қарашларни чуқимасдан узгартираётганликларини таъкидлаш уринилдир.

Режиссер Бердибой Утебоевнинг «Инжиқнинг муҳаббати» спектакли ихчам, «ичак узди» куллиги ҳолатларга бой, қорақалпоқлар учун миллий хусусиятга айланиб қолган ҳозиржавоблик ва аскияга мойиллик спектакль қаҳрамонларининг сажияларида кузга яққол ташланади. Бундай хусусиятлар асар бош қаҳрамони Гаррибой ва унинг отаси Худоёр тимсолиларида узининг чиройли ифодасини топган.

Асарда ҳам, спектаклда ҳам барча куллиги ҳолатларнинг асосий сабабчиси Гаррибойдир. У тахминан 37-38 ёшларда. Лекин шу пайтгача уйланмаган. Онасининг оламдан ўтганига ҳам ун йилдан ошган. Аккалари эса аллақачон оилали, болачақали бўлишиб, отасидан булак чиқиб кетишган. Ота кенжа угли Гаррибойни ҳам уйлантириб, уни уйли-жойли қилиш орузида, чунки ой-

ладаги рўзгор ташвиши — молларга қарап, ситир соғиш, сут пишириш, хамир қилиб, пурсидлоқ нон ёпиш-у, кир ювишгача ҳамма юмушни қурнишдан инжиқ туялган Гаррибой қойилмақом қилиб улдалайди. Отаси Худоёр Гаррибойни эркакларга ярашмайдиган, унга шон-шухрат келтирмайдиган оила ташвишларидан тезроқ қутқариш ниятида. Лекин... лекин Гаррибойга отаси олиб бермоқчи булган қизларнинг бирортаси ҳам ёқмайди. Инжиқлик Гаррибой учун бир ниқоб, холос. У дилдан севмаган, кунгли хуш қурмаган, отаси бўйнига арқон солгандай зурлаши натижа-сида ноилжоз учрашадиган қизлардан қутулишнинг бир йули.

Гаррибойнинг инжиқлиги бизга машхур рус адаби Н. В. Гоголнинг «Уялиниш» комедиясидаги Подколесин образини эслатса-да, аслида ундан кескин фарқ қилади. Подколесин табиатан инжиқ одам. Гаррибой эса ундан уз мақсадига эришиш йулида бир восита сифатида фойдаланади.

Спектаклда Гаррибой ролини театрнинг умидли ёш актёрларидан Қурбонбой Қаландаров ижро этади. У новча ва кетмон сопидан салгина йўғорноқ йигит. Лекин истариста иссиқ, ҳозиржавоб, «ҳазилинг ярашса, отангни ҳам аяма», деганларидек урни билан буш келмайди-ларидан. Қизларга ҳам бир қарашда аниқ баҳони беради-қуяди.

Мана, инжиқлиги бутун овулга дoston булган Гаррибой билан уни севиб қолган қизлардан бири Ойжамол (Млара Шомуротова) билан учрашув сахнаси. Кўз олдигизга келтиринг, бир томонда, она сutiга туйғаман етим қузидай озгин, дароз Гаррибой, иккинчи томонда бақ-бақалоқ, гўе зулдирдек юмалаб кетадиган Ойжамол. Бу фақат спек-

такль қаҳрамонларининг бир-биридан кескин фарқ қиладиган ташқи қиёфалари, холос. Режиссер ва актёрларнинг талқинида уларнинг ички дунёлари ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Гаррибой зехни уткир, ҳозиржавоб. У калтафаҳм, қупол, ландовурларнинг устидан қулиб, чиройли ҳазил қилиш қобилиятига эга йигит. Ойжамолда эса худо банддаларига фаҳм-фаросат улаштираётганларидека бироз кечикиброк қолган, жисми феъли-атворига монанд, боқибегам. Унинг Гаррибойга муҳаббат изҳор қилишлари томдан тараша тушгандай қупол, ҳаракатлари эса қовушмайдиған. Шунинг учун ҳам унинг сахналаги гатти-ҳаракатлари томоша залида утирганларнинг бегубор ичак узди култиларига сабаб булади. Гаррибой қиздан қанчалик узоқлашишга, ундан тезроқ қутулишга баҳона ахтарса, Ойжамол йигитни узининг «сулувлиги» билан асир қилиб, уни қуддан чиқармасликка ҳаракат қилади. Қаҳрамонлар сажиясидаги номутано-сибликлар спектаклнинг томошавийлигини таъминлайди, томошабинлар қалбида ҳолат кулгисини уйғотди. Худоёр угли Гаррибойга тошган қизлардан яна бири — Рисгул. Бу қиз чаққон, ташпаччилик, юлчиликда тажрибага эга. Жуссаи нозик булишга қарамай, ўзи ишлайдиган боғча болаларининг насибини катта-катта сумкалардан уртуртасини «миқ» этмасдан кутариб кетаверади. Бу «удлабурон» қизнинг тили ҳам бурролигини, узига гард юқтирмасликка ҳаракат қилишини айтмайсизми? Айбисиз парвардигор, деганларидек, Рисгулнинг ҳам битта нуқсони бор. У «р» ҳарфини тугри талаффуз қилолмайди.

Спектаклдаги Рисгул ролини ёш актриса Руза Сахиева ижро этади. У қаҳрамоннинг жисмоний камчилигини яширишда беозор, лекин жуда куллиги деталь топган. Сезгир қизлар психологиясини яхши билиб олган Гаррибой гўе бир нарсани пайқагандай бўлиб, ундан «исмингиз ким?» деб сурса, қиз бечора айбини сездирмасликка ҳаракат қилиб, гоҳ паспортигин, гоҳ гувоҳнома-сини узатади. Йигит билан қиз орасидаги бундай мулоқот томоша залида култи уйғотиши табиий. Энг жозибали, қизик томони шундаки, Гаррибой Рисгулга бу саволни мутлақо қутылмаган бир вазиятда беради. Бундан узини йўқотиб қузеган қиз бечора пошпа-пиша сумкаларини тингиб, ҳужжатларини ахтариб кетади, ниҳоят топиб, унга узатади, йигит эса ҳеч нарса бўлмагандай: «Ҳа, эсимга тушди, исмингиз Рисгул эди-а?» — деб қўя қолади. Томошабинлар эса Рисгулнинг ҳолати-

дан, хатти-ҳаракатларидан маза қилиб қулишади.

Ғаррибой отасининг тазийқи туфайли думбул қизлар билан учрашсада, орзусидаги дилбарни бари бир учратишига ишониб яшайди. Ниҳоят, Ғаррибой кутилмаганда, уша узи орзу қилган дилбарни учратади.

Кундалик уй юмушлари билан банд Ғаррибой саҳнага ҳовлиққан ҳолда кириб келади. Чамаси оғилхонадаги қунғир говмиш туғолмасдан қийналаётганга ухшайди. Доялик қулидан келмаслигини билиб (буни эғнидаги кийимларидан пайқаш мумкин) колхоз фермасига яқинлигига ишга келган ёш ветеринар врач қизни зудлик билан олиб келишни отасидан илтимос қилади. Орадан қуп утмай, саҳнага эғнида оқ халат, хушбичим, истараси исик, қадди-қомаги-ю, юриш-туришлари узига хуп ярашган Ойчулпон (Сулувхон Ғаниева) кириб келади. Қизнинг хушмуомаласи, сузларидаги самимият, олмадай қип-қизил озуларидаги табассум Ғаррибойни бир зумда узига ром қилади. Йигит уни бир қарашда севиб қолади. Қиз ҳам йигит дилидагини қузларидан севиб, узи ҳам унга мойиллик билдиради. Инжиқлик ниқоби остида узига муносиб ер ахтарган Ғаррибой Ойчулпонни аравачага утиргизиб, саҳнадан олиб чиқиб кетади.

Шу уринда спектаклдаги араваининг моҳияти тугрисида икки оғиз суз. Арава спектаклнинг бошидан охирига қалар саҳнанинг қок уртасида туради. Милдийликнинг кичкинагина бир тимсоли бўлган арава спектаклга хужа курсинга, зурма-зурани киритилмаган. У спектаклда қатнашувчи барча персонажларга хизмат қилади. Режиссёр воқеаларнинг ривожига, қаҳрамоннинг тугнашувларида, узаро муносабатларини белгилашда, саҳнада қулили ҳолатларни яратишда ундан усталик билан фойдаланади. Арава, бир суз билан айтганда, персонажларга ҳар хил шарафотларда ҳам саҳнада эркин ҳаракат қилишга қумаклашади. Жумладан, кескирдакларини чүзишиб, бисотларидаги бор «антиқа ва ута ноёб» ибораларни, «образли ухпатлашларни» ишга солиб, Ғаррибойни таллашиб, даҳанаки жанг қиладиган Ойжамол билан Рисулга ҳам, қизларнинг ҳамласидан узини панага олиб қочишда Ғаррибойнинг жонига оро кирдиган ҳам мана шу арава. Хуллас, арава спектаклда бир зум ҳам беқор турмайди. У доимо актёрларнинг хизматига.

«Инжиқнинг муҳаббати» спектакли драматург, режиссёр ва ижодий жамоанинг катта ютуғидир. «Интилганга толе ер» деб шуни айтадилар.

ЧУЛПОН

ЙҮЛ ЭСДАЛИГИ

КУНГИЛСИЗ ЧИҚИШ

Тугридан-да, уйдан чиқишим қуп кунгилсиз бўлди.

Узим бу кезувимнинг қандай тотли умидлар орқасида булғонини билганим ҳолда, негадир, чиқишим қуп совуқ ва тушунаки бўлди.

Узотғучи йуқ.

Узим елгиз.

Энг яқин дустларим, деб ишониб юрган кишиларим «хайр»дан бошқани билмадилар: узотиб қуйишининг керак эканлиги тугрисида уйлари тарикча бир нарса келтирмаганларга ухшади.

Кунгилсиз, тушунки руҳ билан чиқиб кетдим.

Елғизлик, урганган ердан айрилиш оғирлиги бир озгача мени эзиб борди, бир озгача қийналдим. Бир оздан суз эски танишим «хаёл» қумагимга етди: узим унинг билан кенг кункинг юмшоқ қурпалари устида оғоногон чоқда, гавдам чарчаш, толиқишни сезмасдан илгари отилар эди.

Хаёл, гузал хаёл, қара, мен сенинг тугрингда илгари нима деб эдим:

«Хаёл, хаёл, елгиз хаёл гузалдир,

Ҳақиқатнинг қузларидан

қурқаман;

Оловдаги қолдузлар ким, амалдир,

Ҳаётини алар учун екамён.

Гузал хаёл, кел бошимда гул

уйнат,

Меним исриқ тилагимни эрқалат!..»

Менинг бу уйларим хаёл тугрисида қуп тугри эди. Ул меним энг умидсиз, энг қийналгон, энг эзилган чоқларимда келиб бошимдан силар, сийпар, юпатар, эрқалатар эди.

Ул борида меним елғизлигим биланмас, кузимнинг ёқут ёшларини сосиқ япроқлар силамас, етилган қизларнинг ипак елғиқлари (румолари) каби юмшоқ булгон хаёлнинг қулиари силарлар эди.

Уйдан кунгилсиз чиқгон эдим.

Кунглимни елғизлик, етлик тугриси айлантириб олгон эди.

Хаёл келди ва мени бу қийинликдан ҳам қутқазди! —



КЕТИШ

Биз кетиб борар эдик.

Қулоқларимга отсиз аробанинг тақир-туғури эшитилар эди.

Теваракни еруғ қилиб тургон ер юлдузлари — чироғлар париларнинг қузларидай йироқдан йиттиллаб қуринар эдилар.

Биз қоронгиликга кириб борар эдик. Еруқдан қоронгиликга чиқиб биздек тентакларнинг иши булмаса, кимнинг иши?

Икки еғимизда зур боғлар қаторлашиб чизилиб кетганлар эди. Уларнинг хилча беллик, тугри буйлик, қуп бутқоқлик таналари қоронгида бир тулпам «хаёл — ваҳм» каби қуринарлар эди. Олачуқ ва капаларда ениб тургон ёғдусиз, хира чироғларнинг оловлари меним умидсиз чоқдоғи қуларимга ухшаб милтирар эдилар.

Милтираган, хира чирог, сен

йуқсул,

Ел қаттиқроқ келиб урса учарсен;

Ер олдоғон севгучининг руҳидай

Бир «лип» этиб йуқларга кучарсен!

Қоронгидан қурқиб, гужум бўлиб — бекиниб етгон дарахтлар бизнинг аробамизнинг ели билан қурқа-қурқа қимирлаб қуйиб, тагин тик бўлиб қоларлар эди.

Чоғ-чоғ, у ер — бу ердан эшитилган қуп товушлари, варамининг йўталгани каби туюлар эди.

Қоронгилик, меним умид билан порлаб боргон кунглимни узининг қурқунч қучоқлари орасига олиб учирмакчи булади, кунглум эса «хаёл»нинг қукидан туғшуси келмай, қоронгиликга санқосиз қарғишлар юборар эди.

Қизил гулдан ясалгон чамбарак малика — қизининг бошига тож булғонидай, кунглимнинг аччиғ, ёмон қарғишлари қоронгиликнинг бошига «даҳшат тожи» бўлиб ултирар: қо-

ронгуликнинг «вахм»ларини тагинда, кучайтириб, унинг «азаматини» тагинда, орттирар эди.

Ортик мени таним бутунлай қоронгуликнинг кучоғига кирган, кунглим ҳам хаёл қукидан тушиб, шунда йўқолур каби эди. Бутун кучимни бир нуқтага йиғиб, курашиб турар эдим. Боргон сори уйлос қуролларининг кучсизлангани сезила, танларимда ҳам бир хил қалтироқ сезар эдим, бутун борлигим бир безгак ҳоли кечирар эди.

«Муъминлар» ётар чоқларида, узларини уйқура берар чоқларида «Оллоҳ» исминни айтиб ётарлар, узларини уйқунинг кучлик қуллари орасига кумар эдилар.

Мен-да бутун истагим, бутун амалларим билан «севганимнинг исмини» айтдим ва қоронгуликнинг чуқур кучоғига отилдим...

ТЕНГИЗЛАР...

Тоғ бошида, кумак супада қизил лоладан қурпа ёпиниб ётқон «сабо»нинг турганига, сочларини ёйиб учганига, далаларда ёввойи гул, боғлар ва чаманларда экма гулларнинг исларини иснаб, ашула қилиб, қушқак айтиб утганига аллақанча чоғ бўлгон эди.

Мен қоронгуликнинг кучоғидоги ириклик, хушсизлигимдан энди узимга келган, қузларимни очгон эдим.

Қиздиргучи қуеш йуқ, қора-заҳар булутлар ҳам йуқ. Кук аллақандай чумал бир тусда турар эди.

Отсиз аробамиз йуқ қанотлари билан секингина учиб борар эди. Хаёл аралаш томошога толгон қузларим олдидо учмоқ манзараси очилди: тенгсиз!

*Қизқизил лола — қизғолдоқ
тенгизи!
Кенг толада, кук майсалар ичидо
Лола куннинг кенг тенгизи
қурунчи,
Қизил туси хаёлимдай йиғилиб
Танларимга ипак янглиг бурунчи.*

*Қузларимга қизил тусдан ингичка,
Юмшоқ парда секингина тортилди,
Ушала чоқда кенг қуруғуви
қузларим
Қурмак бўлгон истагимга тор
келди...*

*Қизил лолалардан бириккан тенгиз
кенг эди,
Бутун борлигимни узига ураб,
чудлаб тортар эди.
Қизил тенгиз — севги.*

Унинг — меним севги йулдамда учраши севгимнинг умилли, соф, оппоқ эканлигини курсатар эди.

Оҳ, агар бир булбул бўлса эдилди, гул тенгизининг қизил тулкинларига қуниб, ишқимнинг оғир бир нағмасини сайраса эди.

Унинг орқасидан кун гулларнинг тенгизлари, сориқ, зангор гулларнинг тенгизлари, яна тагин қизил лола тенгизлари қатор-қатор қизилиб кетганлар эди. Тенгизлар, гузал гул тенгизлари!

ТОҒЛАР ВА УЛАРНИНГ ГУЗАЛЛИК ВА ХУНУКЛИКЛАРИ...

Вафо қурмаган ошқининг кунлидай бузғунлиқга учрагон Жиззах шаҳридан чиққонимиздан кейин «тук кук» тусидаги, тасбеҳ доналаридай қизилиб кетган қатор-қатор тоғлар қуринмакка бошлади.

Меним севгим каби, йирокдан чиройлик бўлиб қуриган ва бу кичкинагина деб уйлангон тоғлар, екин етгач дев гавдасидай кенгайган, ваҳмдай усган эди. Қукимтил қора бадалларига чиқиб қолгон майсалар тенгизига тушган ой ёғдусидай қуринар эди. Тоғлар, сарв (кипарис)дай бир туқтамай юксалмак, кутарилмас устаганлар-да, қузни уйнатур қалар қутарилганлар эди. Бирок сарвнинг буйини Шарқ шоирлари «ёр»нинг буйига ухшатар эдилар, тоғларнинг буйини на Шарқ, на Ғарб шоири ундай ингичка тушунчалик нарсеге ухшатомайди. Бир Шарқ шоири: «Тоғлар, гузал юртимни соқлагучи деворлар каби» деган эди, мен эсам:

*Юксак тоғлар меним баъзан
олдонгон
Хаёлимдай юксакларга усмишлар;
Хаёлимни «ҳақиқатлар» тусмишли,
Бирок тоғнинг юксалишин қандай
қушлар тусмишлар?
дедим...*

Бу бир савол, мунинг жавобини кунглим бера олғони йуқ. Буюк табиат, товушингни чиқор, бир наъра тортким, суроғимга жавоб бўлсун! Тоғларнинг энг бошига олбости ултришилдек бир ултриши билан қушқурук — қора тошлар ултурунолар. Уларни қурганда гүе, бу қора нарса қукдаги энг юзи қора олбостиларнинг бири бўлғондир, маликалар, фаришталарни узининг хунуқликлари билан тулдирғоч, улар қутарганлар-да тоғ устига тошлонлар-да, бу эса тоғ устига юқори қукдан торвойиб тушиб ултуриб қолғондир; ени-беридоги, теграсидоги, пастрлардоги майда қора тош-

лар унинг суюқ гавдасидан синиб тушган синиқлардир, демак мумкин.

Олбостиларнинг пастидо ва балатида қора лочин, юзи қора сор, йиртгучи чузаҳот юрадир. Кучлик қанотлари билан хавони ериб, уткур қузлари билан «қурбон» истаб боради. Товфиқ Фикратнинг «Дин шаҳид истар, осмон қурбон,

Ҳар замон, ҳар тарафдо қон, қон, қон!» — дегани бошқа нарсеге бўлса-да, мен шунга ҳам ухшатмоқчи бўлдим.

Тоғлар, мени қуркиталар, юрагимни тулкинлантиралар, титраталар эди. Сорлар, чузаҳотлар ва лочинлардан пастрак гуруллаб учгон бир қушқина меним қурқгон кунглимни озроқ юпатар эди...

КАПАЛАКЛАР

Севгига йуқиқгон кишининг бир «кунгли очатургон аглањжаси!» капалак! Бу қандай гузал, қандай чиройлик маҳлуқ!

Тоғнинг ёнидан утиб борғонимизда қукаллар, орасидан визиллаб учиб чиқди. Худди меним ошқингимни билгандай, меним теразамга қараб уча бошлади. Биз-да секин борамиз, ул-да секин учиб келади.

Ортик биз икки дарди бирлашган эдик: ул меним теразамнинг ёнидоги ип устига кунғон эди. Ул суйлагандай бўлди, тилангандай, сайрағондай бўлди. Чинданла ул менга гуллар билан ўпишганлиги туғрисидоги уйноқи эртагини айтиб берар эди:

*Турдим уйқудан,
Енгил силқиндим,
Тоғ устларидан
Талаго индим,
Учдим бир талай:
«Қурбонинг булай
Кел бир упайин,
Тоғни иринингдан
Суриб утайин!
Дедим лолага,
Уйлади, уёлди лола.
Қизорди лола,
Ҳам зўрга-зўрга:
«Хур» дели менга.
Учдим лолани, қучдим лолани,
Сурдим лолани, очдим лолани.
Бошқа гуллар-да қизил
юзларини менга тулдилар,
Упиб булғочдин уёлиб
қузни менга тикдилар...*
*Мен ошқиман, мен,
Мен содқиман, мен.
Севгидан бошқа
Истама мендан!..*

¹ Аглањжа — уйин, рақс.

Лола ошиқи капалак узининг кичкинагина эртакини битирган, жим булгон эди. Мен-да узимнинг қизил лоламини тушунган, унинг юмшоқ юзларига иссиқ иринларимни югурткан, тополмоғонимдан капалакдан уелуб бошимни эгкан эдим...

ЗАРАФШОН

*«Куз олдимда оқиб ётгон Зарафшон,
Еш боладай эркалайдир, уйнайдир,
Ховликма ҳам бўлса узи куп чаққон
Унча-мулча тусижларни куймайди.*

*Унинг ўзи шу йўқоқи қилиғи,
Шу ховликма одати-ла куп қурқинч,
Сувларнинг норли қиздай силлиғи
Куп танларни оғларарлиқ улуг куч!*

Зарафшоннинг севгига тегишли ёғи бордир. Мана, қандайдир юкори томондоғи улуг ва ҳайбатли тоғлар ошиқдир. Куеш, унинг севган кузларидир. Қачонким куеш кулиб қараса, ошиқ тоғ чидай олмайди, эрийдир, куз ёшларини оқиша бошлайдир, шул куз ёшлари настрада биргалашиб Зарафшон деган дарё булурлар. «Зар» тоғ ошиқнинг куз ёшларидир, дарё ушал зар куз ёшларини «соғлувчи»дир.

Куз ёшлари узлари ҳам ошиқдирлар. Уларнинг суйганлари зур тенгиздир, улардан бахтли булгонлари тенгизнинг кучоғига тушарлар, бахтсизлари далаларда ерга синтиб йўқ бўлиб кетарлар.

Зарафшон ишқидир...

*Тоғлар, юксак тоғлар ошиқдирлар...
Куеш зур тенгизлар маъшуқалардир...
Маъшуқа кулар, маъшуқа мағрур,
Ошиқ йнғлар, ошиқ эзилар, ошиқ
оқар, ошиқ чоплар, ошиқ юғурлар.
Дарё ошиқ, тоғлар ошиқ, куеш ошиқ,
Қорлар ошиқ, сувлар ошиқ, тенгиз
ошиқ,*

*Маъшуқалар кула-кула қочарлар,
Ошиқлари йнглай-йнглай чопларлар,
Узларини ҳалокатга отарлар,
Базиллари тилакларига старлар,
Қулариди ерга синтиб кетарлар...*

Мен-да қочгон маъшуқамни кувиб борамен, ётайинми қучоғига кирайинми, ё ерга, йўқликка синтиб битайинми?

ҚУЕШМИ, УМИДИММИ, СЕВГИММИ?

Кукдағи булут, оқ булут парчалари устиди қизил долалар очилгон эди. Қизил долаларнинг қизил сувлари кун ботиш ёқда кук юзига сочилгонлар эди. Куеш ботар эди.

Унинг сунг тиглари юксакларда лола бўлиб очилгонлар эди. Куешми ботади?

*Меним умидимми кетадир?
Севгимми битадир?*

*Меним умидим ҳам шу куеш
кабими битадир?
Меним севгим ҳам шу куеш
кабими битадир?*

Қурқамен...

Йўқ. Бу куеш букун ботади, яна эртага эрта билан бош кутариб чиқар. Бирок дунё шу дунё, табият шу табият, борлиқ шу борлиқдир. Меним умидим ҳам шу чоғда куеш билан биргами ботади? Йўқ, ул баъзан ботади, унинг ҳам шундай кечи бор. Яна тонгги келгач, бош кутариб чиқар.

Бирок севги, ушал севги, ишқшул ишқ, муҳаббат — шул муҳаббатдир: ул мангуга ботмас!

Унинг, дунё каби кеч-кундузи, ёруғлик-қоронғулиғи бордир. Бирок узи мангудир, абадийдир, битмасдир, туганмасдир.

*Меним севгим абад билан
тутошқон,
Азал билан кучоқлашқон, уришқон,
Унинг бордир, қундузлари,*

*туллари,
Ёруғлиғи, қоронғуси, булари —
Барчаси-да, утагургон нарсадир,
Бирок ўзи мангу булгон нарсадир!*

Меним севгим ҳам қалбимда қизгалдоқ — лола бўлиб очилмиш, танамга қизғилит тусларини тарқата бошламиш эди. Куешнинг қизиллиғи билан мунинг қизиллиғи, капалак билан доланинг бирлашганидай бирлашиб кетган эди.

Тинлиқ... кукдағи қизилиқ билан меним кунглимдағи қизилиқ битгунча тинлиқ... Сунтра: аччиқ бир «оҳ» билан кечанинг сирли қучоғига кумилмиш...

ЧИН БИРЛИК

- Мен йироқ йўздан келдим, сизнинг учун келдим.
- Куп яхши, нима истайсиз?
- Айта олмайман!
- Нима учун!
- Меним тилим айтишдан ожиздир, меним қаламим айтгандир.
- Англамадим.
- Эзасиз.
- Ҳеч...
- Кийнайсиз!
- Асло
- Шафқат!
- Нима демакчисиз?

- Уқинг.
- Нимани?
- Меним дostonларимни, «Олтин дафтар»ни.
- Берингиз!
- Уйноқи қузлар ортиқ бир нарсани куталар эди.
- Қалтирагон бармоқлар, қулар «Олтин дафтар»ни тоширдилар.
- Бутун тилагим, истагим шунда ёзилмишдир.

— ...
Уткур, олис қулар йўллар устиди эди:

«Қоронги кечада кукка куз

тикиб,

Энг ёруғ қолдуздан сени

сурайман;

Ул қолдуз уелиб, бошини букиб

Айтали: «Мен уни тузда

кураман:

Тушимда кураман: шунчалар

гузал,

Бизданга гузалдир, ойданда гузал!»

(«Олгун дафтар»дан).

— Шеърлар кучсиздирлар, тилаганингиз англага олмайлар.

— Англагадирлар.

— Англагонингизни кўрмайман!

Ул ҳамма долни англагонини кўрсатмак учун қучоғимга отилгон эди. Иринларим иссиқ ва тогли иринларига тегиб, бир-биримизнинг севгимиз ичиди кумилган, ботқон чоғимизда «чин бирлик» шуидир деб уйдилдим...

27 май, 1921 йил.

Нашрга тайерловчи
Сирожидин АХМАД.



МУСИҚА ВА ТАРБИЯ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлига кириб, ривожланган, тараққий этган жамиятни куриш сари бораётган бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларни маънавий ва сиёсий онгли шахс этиб тарбиялаш, эстетик маданиятини ошириш муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда.

IX аср охири ва X аср бошларида яшаб ижод этган буюк алома Абу Наср ибн Муҳаммад Форобийнинг «Соф биродарлар мактуби» номли асариди мусиқанинг нақадар таъсирчан эканлиги ҳақида шундай ривоят келтирилади:

Кунлардан бир кун эйтиборли бир киши ўз ҳузурига мусиқа илмининг билимдонларини чорлайди. Уларнинг ўз маҳоратларига қараб даврдан жой эгаллашларини айтади. Шу пайт саройга жуддур кийим кийган бир киши кириб келади, йиғилганларни ҳайратга солиб, шоҳаншоҳ ул кишини давранинг турига таклиф этади. Подшоҳ ўз илтифотининг маъносини йиғилганларга билдиради: ул кишининг маҳоратлари ниҳоятда беқиёсдир, дейди ва ўз сузининг иёботи учун ул кишидан бирор куйни ижро этиб беришларини сурайди. Нотаниш киши ёнидан бир ёғоч асбобни чиқариб, бир-бирига улаб, шундай бир куйни чаладики, мажлис аҳли бу куй сеҳридан сел бўлади. Меҳмон кейин яна бир куйни чалади, куй шунчалик таъсирчан ва мунгли эдики, утирганлар ундан қайғуга тушадилар. Сунг у яна бир шундай куйни ижро этадики, утирганлар ухлаб қолишади. Шундан кейин у хонадан чиқиб кетади.

Балки, ушбу ривоятда муболага ва буртгирма купроқдир, лекин шунини ишонч билан айтиш керакки, ҳар қандай санъат, агар у чинакам бўлсагина, тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига, энг назик қалб торларига, онги, тафак-

курига таъсир этади, кишини уйлашга, фикр юритишга, ҳаёл суришга, ҳулосалар чиқаришга имкон яратади, ундайди. Зотан, санъатнинг қудрати ҳам ана шундайди.

X аср охири ва XI аср бошларида яшаб, ижод қилган Абу Али ибн Сино кенг халқ орасида фақат ўткир табиғгина эмас, балки адабиёт ва санъатнинг чин муҳлиси, уларнинг тараққиети учун фидойи бўлган инсон сифатида ҳам машҳурдир. Чунончи, у узининг «Аш-шифо» китобиди мусиқанинг яратилиш тарихи, куй ва оҳангнинг бола қалбига эстетик таъсири ҳақида қимматли фикрларни баён қилади. Олимнинг таъкидлашича, инсон ўз табиғига қура мусиқага мойил, айна бир вақтда мусиқани тинглаш, у билан шуғулланиш қанчалик эрта бошланса, инсонда ана шу гузал санъат турига бўлган мойиллик ва эҳтиёж ҳам шунчалик тез, барвақт ривожланиб боради. Ибн Сино мусиқанинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирар экан, уни жисмоний тарбия билан бирга боғлаб олиб боришнинг аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

Алишер Навоийнинг айтишича, санъат ҳам, санъаткор ҳам турғи, покиза ва ҳаққоний бўлмоғи лозим, чунки санъатдаги турғилик, поклик ва ҳаққонийлик халққа чинакам фойда келтириши мумкин.

Бугунги кунда мусиқа фидойиларининг асосий вазифаси улуг аждодларимизнинг бой илмий меросини урганиш ва уларни ёш авлод қалбига жо этишдан иборатдир. Бу борадаги асосий вазифаларни баён этишдан аввал эстетик ва муסיқий тарбия тушунчалари теварагида бир оз мулоҳаза юритайлик.

Эстетик тарбия — умумтарбиянинг таркибий қисми сифатида шахснинг эстетик қарашлари ва дидларини собитқадамлик билан

шакллантиришда ҳаёт ҳодисалари ва санъат асарларини эстетик қабул қилиш, шунингдек, санъат соҳасида мустақил ижод қилиш қобилиятини ривожлантиришда муҳим роль уйнайди. Мусиқа кишиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этишдан ташқари, нафас олиш, қон айланиш, юрак уруши, мушаклар ҳаракатида ва бош мия биотокларининг узгаришига ҳам бевосита таъсир кўрсатиши илмий асосда исботлаб берилган. Масалан, моҳир созанда, республикада хизмат кўрсатган артист Турғун Алиматов танбур ва сатода ижро этган «Чули Ироқ», «Муножом», «Тановар» каби куйлар кишини чуқур уйга толдиради, узоқ утмишни, ҳаёт кечинмаларини еслашга ундайди. Созанда Тоҳир Ражабовнинг қашқар рубобида ижро этган шух ва дилрабо куйлари эса тингловчига завқ-шавқ бахш этади, унинг чеҳрасини очади, кайфиятини кутаради.

Ўқувчи ёшларни ахлоқий-эстетик руҳда тарбиялашда мусиқа санъати катта аҳамиятга эга. Эстетик жиҳатдан тарбия топган киши, айна пайтда, юксак ахлоқли, фазилатли инсон ҳамдир. Шунга қура, ўқувчи ёшларни эстетик руҳда тарбиялаш ахлоқий, жисмоний тарбиянинг ажралмас қисми саналмоғи лозим.

Ўқувчи ёшларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш борасида мактабда амалга ошириладиган ишлар синфдан ташқари турли мусиқавий тадбир ва машғулотлар жараёнида давом эттирилади. Булар — мусиқа ва хор тугарақлари, мактаб радиозеллиннинг мусиқавий эшиттиришлари мажмуи, мусиқа шинавандалари клуби, «Хушшовоз» куриги, мусиқалии викториналар, таниқли бастакор, ижрочи ва хонандалар билан учрашувлар, жамоа тарзида концерт ҳамда спектаклларни куриш кабилардир. Ушбу тадбирларнинг самараси мактаб ўқувчиларининг

МУҲАММАД АЛАЙҲИССА- ЛОМ ВАСИЯТЛАРИ

фаоллигига, уқитувчиларнинг ташқилотчилигига ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда маориф ходимлари олдида эстетик тарбия ишини тобора такомиллаштириш, янги шакл ва услубларни излаб топish каби долзарб вазифалар турибди.

Уқувчиларни мусиқа оламига олиб киришда бадий ҳаваскорлик тугараклари, жамоалари муҳим урин тутади. Бугунги кунда республикамизда 1900 дан ортиқ бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолият курсатмоқда. Уларнинг таркибиде эса 600 мингдан ортиқ санъат мухлислари иштирок этаётир. Кўпгина халқ ҳаваскорлик жамоаларига «Халқ дастаси» деган фахрли ном берилган. Мусиқа соҳасида қобилиятли, истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг ижодини ойнаи жаҳон орқали бутун республикага кенг ёйиш борасида қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Ушбу ишларни кенг кулабда амалга ошириш борасида республика миқёсида ҳар йили «Санъат байрами», «Навруз», «Ҳосил байрами» ва бошқа номдаги куриқлар мунтазам ўтказилмоқда. Турли олий уқув юртиларида ҳам бу борада ишлар яхши йўлга қуйилган. Жумладан, ҳар йили республикамизда «Талаба баҳори» куриги (фестивал) муваффақиятли ўтмоқда.

Мусиқа санъатини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг, жумладан, радио ва телевидениенинг роли беқиёсдир.

Оқори синф уқувчилари бутун дунёнинг бой ва хилма-хил мусиқаси оғушида яшаётган ҳозирги даврда улар тинглаётган мусиқанинг сифати ва мазмуни ҳақида гамхурлик қилиш жуда муҳим вазифа. Ёшлар кўпроқ замонавий куй-қушиқларга меҳр қўймоқдалар, шунингдек, биз учун янгилик бўлган рок, поп ҳамда енгил жанрдаги мусиқа турлари ёш авлод қалбини тула забт этишга муваффақ бўлди. Бугунги кунда турли номдаги дасталарнинг сони кўпайиб кетди. Аммо уларнинг барчаси ҳам санъат йулида фидойийлик курсата оладилар, деб ишонч билдира олмаيمиз. Уларнинг мусиқий маъ-

лумотларига, дунёқарашларига, онгликларига, қушқичи шоирлар ва бастакорлар билан алоқаларининг мустаҳкам бўлишига эътиборни қаратмоқ жоиз. Янги ташқил этилган дасталарнинг деярли барчаси ўз репертуарларини замонавий енгил мусиқа ва қушқилар билан бойитишга ҳаракат қилмоқдалар, бу яхши, албатта. Аммо уларнинг гоъвий ва мантқий савияси, гоълар, оҳанглар дунёси кунгилдагидай эмас.

Ёшларни мумтоз мусиқа мероси билан яқиндан таништириш, ҳаваскорлик тугараклари, клублар, санъат саройларида ташқил этилган халқ чолгу асбоблари оркестрлари фаолиятларини кенг ёйиш — мусиқа санъати ривожини ва тараққийтини таъминлайди, деган умиддаимиз. Мазкур оркестрларда нафақат миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни, қолаверса, қардош халқлар санъати ва маданиятини тарғиб қилиш вазифалари амалга оширилмоғи мақсадга мувофиқдир. Бу билан ёшларнинг ватанпарварлик ва байналмилаллик туйғуларини шакллантирган ва устирган бўлаимиз. Жамоа билан ишлаш жараёнида ёшлар ўз-ўзини бошқариш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, бир-бирларига ёрдам қилини чузиш каби яхши хислатларни ургандилар. Оркестрда бир-бирлари билан йиллар давомида душлашдилар, раҳбар ёрдамда куйларнинг бастакорлари ҳақида, уша куйнинг ёзилиш услуби ҳақида маълумот оладилар. Бундан ташқари, ўз ижролари билан тингловчига эстетик завқ берадилар.

Мусиқа воситалари билан ахлоқий тарбиялаш жараёни ўзига хос хусусияти, ҳиссий таъсири билан кўзга ташланади. Гоъвийлик мусиқа санъатида ҳам муҳим мавзу эгаллайди. Бизнинг асосий вазифамиз мусиқа санъатини кенг оммабоп, замонавий руҳ ёрқин акс этган янгидан-янги етук асарлар билан бойитишдан иборат бўлмоғи лозим.

Фахриддин ХАЛИЛОВ,
Низомий номидаги Тошкент
Давлат педагогика институтининг
доценти,
педагогика фанлари номзоди.

— Ё Али, ҳалим, яъни мулоим, юмшоқ кишида уч аломат бордир: ораси бузилган киши билан алоқани тиклар; қушидан ҳеч иш келмайдиган, яъни ўз тирикчилигини ўзи қуриши қийин бўлган кишига эҳсон қилар; унга кимки зулм қилса, ушани авф этар.

— Ё Али, муминнинг уч аломати бордир: намозни вақтида ўқир, рамазон ойи рўзасини тутар; молининг закотини бериб боради.

— Ё Али, аҳмоқнинг уч аломати бордир: Аллоҳ таълонинг фармонларини бажо келтирмас; беҳуда сузларни кўп сузлар, яъни Оллоҳ таълонинг зикридан холи, беҳуда сузларни сузлар; бандаларнинг орқасидан гийбат этар.

— Ё Али, бахтиёрликнинг аломати учдир: ҳалоли лўқмани булар; ҳамиша аҳли илмлар билра суҳбатда булар; беш вақт намозни жамоат билра адо қилар.

— Ё Али, бадбахтнинг аломати учдир: ҳаром лўқмани булар; аҳли илм суҳбатидан қочар; жамоат билан ўқишга имкони була туриб, намозни танҳо адо қилар.

— Ё Али, солиҳ кишининг аломати учдир: иҳлос билра тоат қилар; гуноҳ ишлардан ўзини тияр; ёмонлик қилганга яхшилик қилар.

— Ё Али, бадкорнинг аломати учдир: Аллоҳ таълонинг тоатини эсидан чиқарар; Аллоҳнинг бандаларига қўполик, дағаллик қилар; яхшилик қилганга ёмонлик қилар.

— Ё Али, яхши кишининг аломати учдир: ўзи билра Аллоҳ таъоло орасида муомалани рост этар; гуноҳларини тавба ва истиффор билра салоҳга келтирар; ўзига раво кўрганни бошқаларга ҳам раво кўрар.

Пулат ЗОХИДОВ,
архитектура доктори

МЕЪМОР- МУҲАНДИСЛАР СУЛТОНИ

Меъморий талқиқотлар натижаси умуман қувонтирса-да, аммо хали ҳал этилмаган тарихий муаммолар жуда кўп эканини эътироф этмоқ керак. Масалан, Самарқанд расадхонасининг дастлабки қурилиши қандай бўлгани тўғрисидаги баҳслар шу вақтгача ниҳоясига етгани йўқ, қолангера, бундай дунга машҳур обидани бунёд этган меъморнинг номи ҳамон номатмув бўлиб қолмоқда. Бундан бир неча йил муқаддам Тейхондаги Сипохсолор масжиди кутубхона-сидан бир тарихий ҳужжат топилди. Бу ҳужжат машҳур математик олим Ғиёсиддин Қошийнинг Самарқанддан отасига юборган хатидир. Ана шу хат уша машҳур меъморнинг номини аниқлашга ердан берди, десак хато бўлмайди.

Расадхона қурилишда Улуғбек ва унинг атрофидаги астроном олимлар бевосита қатнашганлари тарихий манбалардан маълум. Айниқса, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Қоший, Али Қулчи каби машҳур олимларнинг расадхона асосий асбобларини яратишдаги ҳиссалари, шубҳасиз, катта бўлган. Хусусан, Улуғбек «Зичи жадидаи Қурағоний» асарининг муқаддимада чўқур миннатдорчилик билан: «устоз, илму фан билимдон, ҳақиқат ва талқиқотда йўл кўрсатувчи... Қозизода Румий ердани ва ҳамкорлигида расадхона яратишга қирришчи», — деб олимнинг қизматини ҳурмат билан таъкидлаб ўтади. «Муҳандислар султони» деган юксак мактовга сазовор бўлган Ғиёсиддин Жамшид Қошийнинг расадхонага қириш жараенида шахсан иштирок этганини юқорида эслатилган хатидан билиб олиш мумкин. Айни вақтда расадхона биносининг лойиҳаси бирор меъмор бошчилигида меъморий-илмий асосда яратилганига ҳеч шубҳа йўқ. Меъморнинг шахси ҳақида аниқ маълумот сақланмагани сабабли турли тахминлар пайдо бўлиши табиий ҳол деб қараш керак. Масалан, Д. Вороновский Шарқ астрономлари ҳақидаги талқиқотида Али Қулчини Самарқанддаги расадхона қурилишига бошчилик қилган истъодли меъмор, деб таърифлайди. Бундан бир неча йил аввал М. Булатов Ғиёсиддин Қошийнинг отасига ёзган хатидаги маълумотларга суёниб, Улуғбек расадхонасининг барча лойиҳа — тарх ишларини сарой меъмони Тоҳир ибн Муҳаммад бажарган, деган тахминни далил эълон қилди.

Хўш, меъмор Тоҳир ибн Муҳаммаднинг узи ким? Унинг номи қасрдан олиниди? Ахир бундай ном бирор манба ва ҳужжатда учрамайди-ку? Тарихий ҳужжатларни кузатсак, меъморнинг номи нотури аниқлангани ошкор бўлди.

Маълумки, Самарқанддаги Гури Амир меъморий мажмуининг ташқи пештоғи китобасида ал-банно (яъни меъмор) Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфохонийнинг номи сақланиб қолган, бинонинг қурилиш санаси 1403 (1405) йил деб тахмин этилади. Бухородаги Улуғбек мадрасасини безаклари орасида эса Исмоил ибн Тоҳир Исфохонийнинг номи учрайди. Бу бино 1417 йилда қурилгани аниқ.

Меъмор Муҳаммад ва Тоҳирнинг Исфохоний нисбасини эътиборда оласак, мантаник ва тарихан икки меъмор — ота ва уғилдек бўлиши мумкин эди. Шу тахминга асосланиб М. Булатов Самарқанддаги расадхонанинг меъмони Тоҳир ибн Муҳаммад бўлган, деган хулосага келади. Демак, Ғиё-

сиддин Қошийнинг хатида зикр этилган Устод Исмоил отаси Тоҳир бошчилигида расадхонани қуришда қатнашган бўлиб чиқади. Хуллас, бу уринда «гуе арзимаган» — аслида эса фоят катта хатога йўл қўйилган. Оқибатда қатор чалқаш хулосалар юзга чиққан.

Энди, уша тарихий хат — ҳужжатни диққат билан кузатайлик. Самарқанд шаҳридаги улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи ва иштирокчиси Ғиёсиддин Қоший (вафоти 1429 йил) уш хатида расадхона тарихига оид аниқгина муҳим маълумот беради. Олимнинг «Ҳозир расадхонанинг асосий қисми тугалланди» деганига қараганда, унинг маълумотлари ишончли ва асосли эканига шубҳаланмас бўлади. Расадхонанинг астрономик меридиани чизганини аниқлаш учун қурилиш майдончаси саҳнини текислаш пайтида Ғиёсиддин меъморнинг уғли билан баҳслашиб қолади. Ерни текислаш учун егочдан ҳар томони 4 ҳошимий газга тенг учбурчак асбоб тайёрланган бўлиб, ерни текислашдан олдин меъморнинг уғли (номи келтирилмаган) учбурчакнинг икки томони тенг эканлигини текшириб куради. Қоший эса ҳар қандай олдий учбурчак ердамида ҳам ернинг текислигини аниқлаш мумкинлигини айтиди. Меъморлар ер сатҳини текислаб бўлишганидан сўнг, кўпчилик қузатувчилар Қошийдан олдий учбурчак ердамида ер текислаш усули қандай бўлишини сўриштиришди. Шунда Қоший кўпчилик олдида масаланинг геометрик исботини чизиб кўрсатади. Бу воқеани кузатиб турган Устод Исмоил қатъийлик билан барча баҳс беҳуда, учбурчакнинг икки томони тенглигини текшириш зарур, деб хулоса чиқаради. Албатта, устод меъмор масаланинг амалий қулай томонига эътибор бериб, ерни осон ва хатосиз текислаш услубини қўллаган. Математик олим ҳам узининг назарий-ҳандасий исботларида ҳақ, чунки ерни олдий учбурчак билан ҳам текислаш мумкин, лекин бу алоҳида кузатиш ва зийракликни талаб этади.

Меъморий баҳсининг моҳияти ва натижасидан қатъий назар, Қоший хатидаги меъмор таърифи алоҳида қатъийбор лойиқ. Қоший баҳслашган қимса — меъморнинг уғли, у ҳали унча машҳур бўлмаса керак, шунинг учун ҳам олим унинг номини келтирмайди. Лекин Қоший уша еш бинорнинг отаси номини «Устод Исмоил», деб ҳурмат билан таъкидлайди. Қоший меъмор Исмоилни «Устод» деб угуллаши меъморнинг макъси ва обрӯ-эътибори жуда муътабар киши эканини кўрсатади.

Қошийнинг меъмор ҳақидаги сузларини бир жойга жамласак, Улуғбек расадхонасининг бош меъмони — Устод Исмоилга маълум бўлади. Бизга бу ном Бухородаги Улуғбек мадрасаси китобасидан маълум эди. 1417 йилда тугалланган мадрасанинг беш пештоғи ичкарисидати «намоён» ичига «хатти офтоб» усулида арабча имлода «Амали устод Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфохоний ал-банно» жумласи битилган. Бу қисқа тарихий битик бизга машҳур меъморлар сулоласи ҳақида тарихий ҳақиқатни очиб берганга ухшайди. Дастлабки хулосалар тизимини таъкидлаб ўта-миз.

— Самарқанддаги машҳур Гур Амир меъморий мажмуи ал-банно устод Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфохоний бошчилигида қурилган. У ердаги ишлар асосан 1403 (1405) йилда тугалланган.

— Орандан чамаси 12 йил утгандан кейин Улуғбек ирода-си билан Бухоро шаҳрида ал-банно устод Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфохоний бошчилигида маҳобатли мадраса қад қутарган. Мадраса қурилиши беш пештоқда қайд этилганидек, 820 ҳижрийда, яъни милодий 1417 йилда та-мом бўлган. Тахминимизча, Устод Исмоил Мирзо Улуғбек-нинг тақлифи билан Ғиждувон ва Самарқанддаги мадрасаларни барпо этишда қатнашганга ухшайди. Улуғбек қурир-ган уч мадрасанинг безаклари усул ва услуб жиҳатидан ўза-ро яқин ва монанд эканлиги ана шундай хулоса қилинган асос беради. Улуғвор мадраса қуриб, ўз маҳоратини намойиш этган меъмор подшо назаридан четда қолмаган бўлса керак, албатта. Демак, устод Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфохоний Ғиждувон ва Самарқанддаги мадрасаларнинг бош меъмони бўлган десак, хато бўлмайди.

Улуғбек расадхонаси қурилишида, Қоший хатидан маълум бўлишича, устод меъмор Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳ-

муд Исфажоний уз угли билан ишлаган. Расадхона тахминан 1422 йилда тугалланган.

Меъморий обидларда сақланиб қолган тарихий ёзувларни таққослаб кузатсак, Амир Темур ва Мирзо Улугбек давридаги меъморларнинг исми-шарифидати Ибн Махмуд нисбаси уларнинг узаро қаринош эканлигини тасдиқлайди. Бинобарин, Бухородаги Улугбек мадрасасининг меъмори Исмоил ибн Тоҳир ибн Махмуд аслида Гур Амир меъмори Муҳаммад ибн Махмуд Исфажонийнинг жиғани бўлиб чиқади. Хуллас, Исмоилнинг отаси Тоҳир билан Муҳаммад ака-ука бўлиши мумкин, чунки М. Булатов тахмин этганидек Тоҳир Муҳаммаднинг угли эмас, балки биролари, яъни акиси ёки укасидир. Яна бир муҳим хулоса: Тоҳир ибн Муҳаммад номи меъмор бўлмаган.

Амир Темур улкан давлат бошқарувида салтанат маргаблари тузукини ҳам таваб берди, махсус қонун-қондаларини ўн икки тоифа кишиларига мослаб белгиледи. «Бу ўн икки тоифани салтанатим фалақининг ўн икки буржи ва давлатим қорхонасининг ўн икки ойи деб ҳисоблайдим» («Темур тузуқлари», 64-бет), — деб таъкидлайди Амир Темур. У ҳар бир тоифага таъриф берад экан, саккизинчи тоифага кирувчи ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларни «салтанат қорхонасига ривож берувчилар» деб улуғлайди. «Уларни уз аτροφимга туллашим» деб алоҳида курастиб утди. «Муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бустонларнинг лоийха тарҳини чиздирдим» («Темур тузуқлари», 66-бет), — деб фахрланди. Шарафиддин Али Язлий Самарқанддаги улкан Масжиди Жомеъни таърифлар экан, Амир Темур номидан «Обидаларимиз (авлодларга) бизнинг кимлигимиздан далолат берадилар», — деб ёзган эди.

Олий иморатларнинг баъзиларида ал-банно — меъмор-муҳандисларнинг номлари сақланиб қолган, баъзи усталарнинг номларини уша давр воқеаномаларидан топамиз. Ибн Арабшох узи гувоҳ бўлиб таъкидлаганидек, Амир Темур дорулсалтана Самарқандда узига тоба жойлардаги олимлар, турли мутахассислар, касб-хунар усталарини йитган эди. Шаҳрисабзгаги Оксарой кошқорий бекзаклари орасида Муҳаммад Юсуф Табризий номи сақланиб қолган. Шоҳизинда зияратгоҳининг ўймакор дарвозасида Юсуф Шерозий номи бор. Туман ого хонақоҳининг кошқорий ёзувлари ниҳоятда Шайх Муҳаммад ибн Ҳожи Бандир ат-Табризий номи қайд этилган. Ибн Арабшох Самарқандда машҳур бўлган ижодкорлар қаторида буг устаси Шаҳобиддин Аҳмад аз-Зарлақани, «наққошларнинг энг устуни» Абдулҳай ал-Бағлодий, «энг кузга қуриланган сангтарошлардан Олгун бор эди» деб эслайди. Номлари маълум меъморларнинг энг улуги, шубҳасиз, Гур Амир меъморий мажмуини бунед этган Устод Муҳаммад ибн Махмуд Исфажонийдир. Унинг биродари (акаси ёки укаси) Тоҳир ибн Махмуд Исфажонийнинг фаолияти ҳақида ҳозирча бирор маълумот топилмади. Лекин унинг фарзанди Исмоил ибн Тоҳир ибн Махмуд Исфажонийнинг номи икки йирик меъморий иншоот қурилиши билан боғлиқлиги аниқ маълум бўлди. У 1417 йилда Бухородаги машҳур мадрасани қуриб, унинг пептоғига уз номини тугро услубида «хатти офтоб» шакли билан ёзиб қолдирган. Уша даврда меъмор — ал-баннонинг обриси жуда баянли бўлгани учун ҳам уз номини бинонинг кузга ташланган жойига фахр билан ёзиб қуйишга журъат этган. Худди шу бинодан кейин қурилган энг кузга ташланган жойидаги кошпикорий пардозда арабий ёзувлардан маълум: «Амал ал-абад ал-заиф Муҳаммад ибн Махмуд ал-банно ал-Исфажоний». Бизнинг фикримизча, барча тарихий вазият ва хабарлар Гур Амир билан Жомеъ Масжиди биноларидаги услубий ягоналик, яқинлик, ухшашлик, буюк ижодкорлик маҳсули эканлиги уша икки Муҳаммад аслида бир буюк меъморий даҳо Устод Муҳаммад ибн Махмуд Исфажоний эканини тасдиқлайди. Ҳозирча шундай хулоса учун ҳамма асос бор.

Устод меъмор Муҳаммад Исфажоний меъморий мактабининг вақиллари, айниқса, устод меъмор Исмоил ижоди Мирзо Улугбек даврида равнақ топди, ажойиб меъморий ихтироларга олиб келди.

УЛУГБЕКНИНГ ҚУТИСИ


Улугбекнинг ҳалокатидан сунг кут йиллар мобайнида Самарқанд осмонини жаҳолатнинг қора бутуллари қоплаб олди. Буюк мунажжим ва шоҳ атропоғига ҳам бўлган олимлар, санъаткорлар анжумани тезда тарқалиб кетди. Уша олим ва зиёлиларнинг кейинги тақдирлари ҳақида узок Ҳиндистон, Туркия, араб мамлакатларида ҳозир ҳам қатра маълумотлар, ҳатто моддий, ашевий далиллар топилмоқда. Жумладан, Ҳиндистондаги музейларнинг бирида ҳошиясига Улугбек шарафига зарҳал узўйла байт битилган чинни пиеланинг сақланаётгани сўзимизнинг исботи бўла олади. Биз Улугбек номи билан боғлиқ ноёб ва нафис ўймакор ёғоч қути ҳақида хабар бермоқчимиз.

Тарихдан маълумки, қадим замонда кутубхоналарда китоблар махсус қути ва сандикларда сақланган. Абу Али ибн Сино уз хотираларида Бухоро амирининг машҳур кутубхонасидаги қўлэзма китоблар махсус ёғоч сандикларда тартиб билан сақланганини алоҳида таъкидлаб утди. Самарқандда Улугбек томонидан йигилган ноёб китоблар ҳам шундай сандикларда сақланган бўлиши табиий.

Бундан бир неча йил муқаддам турк олими, Истанбулдаги Нафис санъат академиясининг меъморлик ва шаҳарсозлик тарихи ўқитувчиси Жалол Асад Арсевиеннинг француз тилида чоп этилган «Турк бекад санъати» китоби билан танишар эканмиз, ёғоч ўймакорлиги санъатига бағишланган қисмида ниҳоятда чиройли, бежирим кутунинг суратини қуриб қолдик. Муаллифнинг таърифига қура, бу қути Улугбек Қурагон хонадонига мансуб бўлиб, ўймакор нақш ичида Султон номи курастилган эка. Улугбек номи билан бевосита боғлиқ бу қути ҳар жиҳатдан ҳам ноёб ва нафис санъат намунаси эканлиги қурибни турсити. Агар Улугбек даврига мансуб ёғоч ўймакорлиги намунаси Самарқандда деярли сақланиб қолмаганини эътиборга олесак, бу топилманинг тарихий ва билимий қадр-қиммати янада ортади. Қути ноёб санъат намунаси сифатида Истанбулнинг Тупқопу музейида сақланмоқда.

Ёғоч қути қуринишидан анча шинам, пишшик ва мустаҳкам, (31x20x18 см) ҳозирги хонака қутиларини эслатади. Қути деворлари яхлит сандал дарахти тахтаси парчасидан ясалган. Бурчаклари қушнинг равишда тилла куббали гулмих билан мустаҳкамланган. Копқок билан боғланган уртадаги сарҳақда зулфининг шакли ғажақ, гулдор. Қути юзаси майда ўймакор нақш билан пардозланган. Самарқанд архитектура ёдгорликларига хос майда усимликсимон исلمي катта маҳорат билан ишланган. Исلمي шаклининг жуда чиройли композициясида анъанавий билд, барг, шобарг, гунча каби унсурлар узаро монанд ва мутаносиб берилган. Ўймакор нақш атропоғи, айниқса, қути копқоқининг ҳошияси майда салаф калама билан безатилган.

Улугбек шахсига тегишли юксак санъат асари бўлган бу кутунинг Туркия заминидан топилиши ажабланарли эмас. Модомики, машҳур олим Али Қулчи, Истанбулдаги машҳур Ая София мадрасасининг бош мудarrisиси бўлиб ҳурмат қозонган экан, дедмак Улугбекка мансуб китоблар олимнинг ихтиерида, уша юклар қаторида Самарқанддан оlib кетилгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Келажакдаги изланишлардан Улугбекнинг шахси ва илмий фаолиятига оид янги-янги тарихий маълумотлар топилишига ишончимиз қомил.



Ушбу қути Улугбек Қурагон хонадонига мансуб бўлиб, у ҳозирги кунда Истанбул Тупқопу музейида сақланмоқда.

Кутлуг ИНОЯТОВ,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори

ХОТИРАЛАР ҲАЗИНАСИ

Мана, бешинчи йилдирки, Ўзбекистонимиз мустақиллик йулидан дадил олимламоқда ва бу йилда туғилган масалалар оқилона ҳал этилаётган.

Маданиятни кутариш, аҳолининг кенг қатламларини маънавий қадриятлардан баҳраманд этиш, тарихий ёдгорликларни афваллаб-асраш еш, мустақил давлатимизнинг энг муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш шу вазифалар сирасига кирилади.

Одамларимизни тарихий воқеалар ва тарих фани ютуқларидан баҳраманд этишда, уларнинг дунёқаролини бойитишда, маънавиятини қайта қуришда музейларнинг аҳамияти беқийсдир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамқимизнинг тарихи ҳамда маданий меросини сақлаб, тарғиб қилиб келаётган республикамиздаги энг йирик фан ва маданият уюқларидан биридир. Музей узининг янги мақомига мустақиллик йилларида эришти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги қарорига биноан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи ва В. И. Ленин Марказий музейининг Топкент филиали базасида мустақил илмий муассаса сифатида ташкил этилди. Ҳозирда илмий ходимларимиз музейнинг ихтисослашувчи, ижтимоий фанларнинг кўпчилик етакчи йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Улар ишлаётган музейшўнослик масалалари, материаллар туپлаш ва йиғиб олиш усуллари, экспозиция, музей жағмармаси, маданий-оммавий ишлар соҳалари қимматли тадқиқотлар манбаи саналади.

Музей инсоният жамиятининг тараққиети ҳақидаги илмий қарашларнинг дастлабки манбаларидан бошлаб, моддий ва маънавий маданиятимизга доир ёдгорликларни туپлаш, йиғиб бориш, коллекциялаш, ҳисобот юритиш, сақлаш, урганиш, ҳужжатлаштириш ва фойдаланиш ишларини таъминлаб келмоқда. Музейшўнослик ишларини яна бир муҳим соҳаси экспозиция ва курғазмалар яратиш, маъруза ва экскурсиялар олиб бориш, ноширлик йўли билан илму фанни тарғибот қилишдир.

Мустақиллик йилларида қадар музей фаолияти ва унинг курғазмалари йўналиши биринчи галда партия ташкилотлари қарорларини амалга оширишга қаратилган эди.

Бугунги кунда олимизда турган вазифа: ҳозирги замон тарих фани, музейшўнослик соҳасида ўзинида ва чет элларда эришилган натижаларга таяниб, яхлит илмий ҳамда бадиий ечимини топган курғазмани яратишдан иборат.

Музей ҳазинагоҳларида туپланган ёдгорликлар асосида биз ўзбек давлатчилиги тарихи, тарихий шахслар ва воқеалари, халқаро алоқалар, улкамиз миллий хусусиятларининг узига ҳосилгини курғазмада ақс эттиришга ҳаракат қилдик. Дастлаб курғазманинг гоёвий-бадиий ечимлари тизимини ишлаб чиқдик. Бунда ҳар бир тарихий шахс ва воқеали илмийлик-тарихийлик мезонлари асосида баҳоланди. Шу асосларда яратилган курғазма таништактанларда тарихий тараққиётимизнинг умумий жараени, Ватанимиз тарихининг еркин, қаҳрамонлик саҳифалари ва маданий юксалишининг катта муваффақиятлари ҳақида яхлит тасаввур уйғотлади.

Янги курғазманинг асосий моҳиятларидан бири тарихга улуқсиз ендашув бўлиб, у тарқибий қисملари мутаносиб, бир-бири билан мантиқан узвий боғланган ягона ва яхлит жараени ташкил этади. Иш жараенининг турли босқичларида олим ва мутахассисларнинг маслаҳат, муҳокамалари жалб қилинишига эришидик, улар билан режаларимизни пишиқлаттирдик.

Музейнинг янги курғазмасида Ўзбекистон тарихи қадим-

қадим замонлардан то ҳозирги кунларгача ноёб қазилмашўнослик, этнографик, нумизматик материаллар, турта асрлар, янги ва энг янги тарихга доир ҳужжатлар ердамида мустақиллик тамойиллари асосида ҳолис, ҳаётий еритилди. Буни тарихимизнинг барча босқичларини ифодалаган залларида кузатиш мумкин. Милоддан аввалги IV-III асрларда юзага кела бошлаган қадимги ёзув (оромий, бақтрия, сўт, хоразмий, турк, араб ёзуви ва ҳоказолар), товар-пул муносабатлари тарихи ва танга зарб қилиш (милоддан олдинги III-II асрлар) Ўзбекистоннинг кўнра маданияти ва бадиий санъати масалаларини еритган янги-янги материаллар залларида уз ўрнини топган.

Курғазмаларни яратишда музей жамоаси ушбу асосий йўналишларга амал қилди: Ўзбекистон — мустақил давлат, унинг ҳудуди инсоният маданияти юзага келган ва ривожлана бошлаган энг қадимги улқалардан бири (1 миллион йиллар мўқалдам); милоддан олдинги биринчи миңг йилликлаб бу ерда қадим давлат тузилмалари бунед этилган (Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия); тарихимизнинг турли босқичларида Ватанимизнинг номи ҳар хил аталган: Турон, Туркистон, Мовароуннаҳр, Ўзбекистон. Музей залларида ўзбек давлатчилигининг юзага келиши ва тобора тақомиллашиш бораётгани уз аксини топган.

Бу курғазманинг қадр-қиммати халқимиз тарихи, унинг қаҳрамонларга утмиши, жасорат ва филокорлиги, ватанпарварлиги, ажойиб ағналарига бой ҳаёти, меҳнатсеварлиги, доно ва зукколиги каби унинг ўзига ҳос томонларини босқичма-босқич, еркин материаллар ердамида очиб беришга ҳаракат қилинганлигида, деб ўйлаймиз.

Биринчи бор курғазмадан Ипак йўли билан боғлиқ материаллар кенг жой олди. Эндиликда юртимизда китъалараро савдо қилган қарвонлар ҳақида мароқли суҳбат олиб бориш ва ҳозирги алоқаларимизнинг бошланишига савҳат қилиш имкониятлари очилди. Шунингдек, халқимизнинг ижтимоий турмуши, ўзбек халқ усталарининг ишларини намойиш этиш, уларнинг ҳар бир ишини санъат даражасига етиб бориш жараениларини ҳам изчил курсатишга алоҳида эътибор берилган.

Музей тарихида биринчи бор буюк илоҳиёт алломалари бўлган Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Б. Марғилоний, А. Ясавий, Б. Нақшбанд каби бобоқалонларимизни юртдошларимизга қуратиш ва улар ҳақида суҳбатлар олиб боришга эришидик. Шунингдек, номлари бугун жаҳонга маълум машҳур бўлган буюк қомусий олимларимиз Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Улғубек ва бошқалар музей залларидан узларининг муносиб уринларини эгаллашган.

Ўзбекистон халқларининг чор Россияси томонидан олиб борилган мустамлака, босқинчилик сиеасига қарни курашлари мавзусида гапирилган бўлиб ҳам янги материаллар билан бойитилган.

Музейдаги энг асосий бўлим «Ўзбекистон — мустақил республика» деб аталади. Бу бўлим тарихимизда муҳим бўлиш ясаган 1991 йилнинг 31 августига давлатлик маънавий мустақил деб эълон қилинган кейинги ривожланиш хусусиятларини ақс эттиришга бағишланган. Бу залда турли хил экспонатлар воситаси билан юртимиз ҳаётидаги туб узаришлар ақс эттирилди. Демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, бозор иқтисодиети шароитида аҳолини ҳимоялаётган омилар яратиш тизими, мустақил Ўзбекистон халқининг маънавияти ва руҳияти бандан бўлишига ва уни мустаҳкамлашга қаратилган ишларимиз уз ифоласини топган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил декабрида қабул қилган «Республика музейлари ишини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори уз вақтида

қабул қилинган муҳим қадам бўлди. Бу ҳужжат музей ҳақида йиғилиб қолган жуда кўп муаммоларнинг ечилишига олиб келди. Республика музейлар тизimini тақомиллаштириши, уларни моддий-техник жиҳатдан мустақамлаш, ноёб ёдгорликларимизни сақлаб қолиш, дуненинг ривожланган мамлакатлари музейшуносликда эришган ютуқлари ва тажрибасидан фойдаланиш каби жуда катта муаммоларни ҳал қилиб берди. Шу қарорга биноан биз музей фаолиятини ривожлантиришнинг 1995-2000 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари ва тақомиллаштиришнинг дастурини ишлаб чиқмоқдамиз. Музей фондларининг асосини Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг жамғармалари ташкил этади. Тошкент жамоатчилик туғараги тарихида 1876 йилда иш бошлаган бу музей 120 йиллик фаолияти давомида жуда бой, ноёб қилмишнуслик, нумизматика, этнографияга оид ва бошқа турлиги бойликларни туп-тагилди.

Қадимшўнослар томонидан топишган Тош асрига оид қуроллар: Октош, Қуйи Бузсув (Тошкент вилояти), Омонқўтон, Қулбулоқ, Мачай ва ҳоказо; янги тош асрига оид Дарвоза Қир, Қизил Қир (Бухоро) Жингелди ва Жонбосқалъа (Хоразм), Тешиктош ғоридан топишган оламга машҳур неандерталь типидagi бола қолдиқлари; бронза асрига оид Сополиттепа, Жарқўтон, Болаликтепа. Замонбобо, Ҷуст ва бошқа мажмуаларга оид ёдгорликлар музей қурғазмасидан муносиб жой олган.


Музейнинг этнографик жамғармаси ҳам ўзининг бой ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Халқ дўнариманчилиги, қулдочилиқ соҳасининг танилган марказларидан: Рипштон, Уратепа, Ҳужакент, Ҷуст, Самарқанд, Тошкентда ишланган буюмлар, қандакорлик ишлари, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Тошкент, Фарғона каби марказлардан йиғилган мискарлик буюмлари санъат даражасига кутарила олган. XIX-XX асрларга оид сўзана санъатининг ақли лол қолдирувчи намуналари — шoҳи сўзаналар казинаҳоқларимизда сақлаб келинмоқда.

Музей нумизматика жамғармаси ҳам дунелаги кўплаб нумизмат ва коллекционерларнинг диққатини узиға тортмоқда. Бу ерда милоддан олдинги IV асрга оид тангалардан тортиб, кейинги барча даврлар ва сулолалар тарихига тааллуқли танга, муҳр, тамға сингари зарб қилинган нумизматик ва бонистика буюмлари мавжуд. Сосонийлар, Қушон

подшолиги ва грек-бактрия замонларидан етиб келган тангаларнинг қадр-қиммати баланг ҳисобланади. Искандар Зулқарнайф замоннда зарб қилинган танга пуллар, грек драхмаларига ўхшашмалар, қадимги рим тангалари шулар жумласидан. Қадим замон тангаларига нисбатан Урта асрларда зарб қилинган Араб халифалиги, Тохарийлар, Сомонийлар, Шайбонийлар, Бухоро, Хива, Қўқон холиқлари тангалари анча тула ва мунтазам йиғилган. Биз тарихий қадр-қиммати нуқтаи назардан энг ноёб ва қизиқарли ёдгорликлар, сўзсиз, мамлакатимизнинг бош музейида сақланиши ва кенг халқ оmmasининг мулки сифатида намойиш этилиши даркор, деб ҳисоблаймиз. Қурғазмаларнинг мазмунини янада чуқурроқ ва ифодалироқ очиб бериш, жонли тасаввур қилиш учун техник воситалар, аудио, видео аппаратура ҳамда бошқа рангтаъсир воситаларидан кенг фойдаланиш зарур. Шунингдек, мазмун ва ифодали бўлиши учун ҳозирда голограмма, макет, модель, план каби воситалардан фойдаланиш шароитлари ҳамда Селенгур гори, Қулбулоқ мажмуаси қабиларнинг кесмасини еса эттириш шарт-шароитлари ўрганилмоқда. Қулдочилиқ жараени, иппасозлик, дегрезлик (металл қуйиш) ишларини ифодали курсатишни режалаштирмоқдамиз. Ҳозирда XIX-XX асрга оид хонадоннинг қуринишидан бир лавҳа ишлаб қуйилди.

Музей намойиш воситалари, инвентарь ва жиҳоз масаласи қаноатланиди эмаслигини айтиб ўтишимиз керак. Биз қурғазмага компьютер ўрнатиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Унга тарихий воқеликлар ва тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади. Бу еса томошабинга ўзини қизиқтирган факт е воқелик ҳақида етарли маълумот олиш имконини беради. Фикримизча, олий ўқув юрларнда музейшунос мутахассислар тайёрлаш муаммоси ҳал қилинишининг аҳамияти каттадир. Муаммоларни ҳал қилиш учун баъзи бир масалаларни халқаро қурғазмалар ташкил этиш йўли билан ечиш мумкин, деб уйлаймиз. Бу мавзуга ҳам ҳукумат қарорнда етарлича эътибор берилган. Шунингдек, Маланият ишлари вазирилик қoшида тузилаётган илмий ишлаб чиқариш маркази ҳам бизга катта ердам бермоғи керак.

Марказий Тарих музейининг келажаги порлоқ, Том маънодаги маданият ва маънавият қадриятлари учoғига айлантириш, уни ҳақиқий тарихий казина қилишга интилиш бу ҳаммамизнинг бурчимиздир.



Этнография ва халқ амалий санъати экспозиция хонасида.

ҲЕЧ КИМ АЙТОЛМАГАН

● СЎЗ ●

Халқимизда «Бола бошидан» деган доно нақд бор. Ана шу сузлар давҳамиз қаҳрамони Рустам Эрматов ҳам бевосита тааллуқли. Чунки ёш мусаббир гуллар маскани бўлиш гузал Наманган шаҳридаги урта мактабда таҳсил олиш билан бирга санъат мактабиди ҳам Е. Е. Сергеевскаядан бошлангич тасвирий санъат сирларини урганди. Болалигидан ранглар билан «тиллагини», қаерга бормасин, қаерда бўлмасин, мўйқалам унинг ҳамроҳи бўлди, санъатнинг сеҳриди, сирли олами уни узига тортаверди.

Урта мактабни тамомлагач, Наманган Давлат университетининг бадий графика ва меҳнат факультетиди Б. Орипов, М. Раҳмонбердиев, Т. Ашуров, А. Турдалиевлар қўлида таҳсил олди ва ўқиниши битиргач шу ерда ўқитувчиликда қолдирилди. Аммо орадан куп муддат ўтмасдан узининг билимини ошириши зарурлигини ҳис этган Рустамжон Топкентга йўл олди ва айтии кунда Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтиди аспирант. У маънавий хазинасини бойита борар экан, узининг буюқлар билан ошно эканлигини ҳам унутгани йўқ. Унинг кургазмага қуйилган асарларини кузатар экансиз, она юрти Наманганнинг, туғилиб ўсган маскани Унҳаёт кишлоғининг нафасини туйгандек бўласиз. Рустамнинг ижоди жуда ранг-баранг бўлиб, унда на-турморт, манзара, портрет ва турли мавзудаги асарлар кенг урин олган. Асарларнинг асосий қисмини мавзулар асосида ишланган композициялар ташкил этади. Уларда расмом оддий инсонлар дарди, орзу-умидлари, турмуш тарзларини буюқлар орқали майин бадийи фидодалаган. Бундай асарлар сирасига «Бетоблик», «Итироб», «Айрилик», «Хазон булган умр», «Ўзгизликда», «Бу дунёга нима учун келинади» кабилар кирди. Рустам ўз тенгдошларининг фикр-уйлари, ҳаётини, қувонч ва ташвишларини ҳам четлаб ўтмаган. «Баҳор», «Ҳинд либосидаги қиз», «Хаёл», «Умр-оқар дар», «Ўшлик» асарлари шулар жумласидандир.

«Хаёл» асариди оддий кишлоқ қизининг булоқ бўйига келиб челақда сув олаётгани тасвирланган. Булоқ бўйида тут дарахти, ундан сал нарироқда эса гувала девор ва очик

эшик. Бу ерда тут дарахти умрбўқийлик, булоқ суви эса қизнинг поклик рамзи сифатиди фидодаланган. Очик эшик эса девор ортида келажакда қизни ким ва нималар кутишидан дарак беради. Келажак ҳаёлида утирган қиз эса ҳатто челагининг тулиб кетганини ҳам сезмайди. Асар узининг самимийлиги билан барчанинг диққатини тортади.

Яқин-яқинларда матбуот саҳифалариди ёпшасига эл назарига тап-ланган етим гудаклар мавзуси ёш мусаббирга ҳам туртки берган. Бу унинг «Хазон булган умр» асариди ўз аксини топган. Атрофи панжара билан уралган «Болалар уйи» остонасига жигарғушасини ташлаб кетаётган она азим дарахтга сунганча маънос турибди. Ерда бир туда хазон уюмлари. Бу аёлнинг, яъни онаниннг умри эндиликда бесамар утишидан дарак беради. Ахир аёл фарзанди учун яшайди, фарзандсиз ҳаётини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Асарни курган тасвирий санъат мухлисарида бундай оналик шаънига доғ тушираётган аёлларга нисбатан нафрат туйғуси тулиб-тошди.

Расмом ижодиди муваффақиятди чиққан асарлардан яна бири «Оила»дир. Кечки пайт бутун оила—йигит, аёл, ёш бола ва чақалоқ—хонтахта атрофиди жамулжам бўлиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Болақай қўлида шикилдоқ билан укасини овутипти. Стол устида, ерди китоб, йигит қўлида ручка, қоғоз. Аёл фарзандлари учун нарса туқияпти. Деворда картина осигилқ. Асарни кузатар экансиз, кунлингизда осу-да, фаровон, бир-бирига меҳрибон оилаларга ҳавас уйғонади. Асардаги ҳар бир чизақ ўз урнида тортилганга ишонч ҳосил қиласиз.

Расмомнинг «Қишқи булоқ», «Овчи булоқ», «Ҳовли» каби манзара жанрида ишланган асарлари ҳам узига хослиги билан сизни ром этади. Расмом буюқлар орқали ўз Ватанига, диёрига булган муҳаббатини тулкинилаиб фидодалаган.

Бир сўз билан айтганда, Рустам Эрматов тасвирий санъат оламида далил қадамлар, узига хос йўл билан, ҳеч ким айтолмаган сўзни айтиш учун ёниб кириб келаяпти. Биз унинг фараҳбахш ишида зафарлар тилаб қоламиз

МОҲИНУР.

ИНСОННИНГ ҲАЁТИ, умрининг маъно-моҳияти тугрисида гап кетар экан, жумладан, унинг буш вақти, фақат инсоннинг узигагина тегишли дамларнинг қандай ўтиши, утказилиши тугрисидаги масала ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, умрининг олтин даври — ёшлиқдаги ҳаёт, бу ҳаёт лаҳзаларининг оқилона утказилиши, жумладан улар ҳаётида буш вақтининг урни алоҳида таҳлил ва муҳокамга арийдиган муаммодир.

Айтиш керакики, кейинги вақтларда ёшлар буш вақтининг маданий ҳордиққа даҳлдор улуши сезиларли ортли. Бунда «маданий вақт»нинг асосий қисмини оммавий ахборот воситалари, энг аввало, телевидение, радио ва матбуот эгаллайди. Масалан, ёшлар асосий гуруҳларининг телекурсагуварлини Ўзбекиликда томиша қилишга сарфлайдиган вақти биргаликда утказиладиган барча маданий тадбирларга сарфланадиган вақтдан бирмунча кутроқдир.

Буш вақтдан оқилона фойдаланилса, оммавий ахборот воситалари ролининг ортли бориши, албатта, ижобий ҳолдир. Аммо бунда бир нарса, яъни уткинчи ҳаваслар, турли даҳлати ур-сурларни намойиш этувчи фильмлар устун келишини, ўқиб эса журнал ёки газе-та билан чеклиб қолаётганлигини айтиб ўтиш уринишидир, бунди ижобий ҳол деб, баҳолаб бўлмайди.

Санъатта «реактив» муносабат, яъни, мунтазам музика «оғушида» бўлиш, фрагментар ўқиб (транспортида), «киномания» (ҳар кунди барча дастурларда бериладиган барча бадийи фильмларни куриш), айрим ёшларнинг магнитофон ёзуварига берилиб кетишлари (бундай тасмаларни тузиш ва тинглашга ҳар кунди 2-3 соатлаб вақт сарфланади) каби фақтларни ҳеч ким инкор қилмайди.

Ҳозирги даврнинг хусусиятларидан бири шундаки, республиканиннг бозор муносабатларига қадам қўйиши билан хизмат курсатиш ва ёшлар эҳтиёжларини қондиришнинг пулли шақлари ҳам ҳаётга борган сари кутроқ кириб кела бошлади. Ҳордиқ чиқариш инфраструктураси объектлари ёшлардан анча узоқлашди.

Маданиятга «хизмат курсатиш тармоғи» деб қараш маданий-ҳордиқ муассасаларини бозор шароитларида ривожланишининг салбий оқибатларидан биридир. Уларнинг хизматлари савдо, транспорт, маиший хизмат ва шу қабиларга тенглаштирилмоқда ҳамда маданият муассасалари томонидан пулли хизматлар курсатиш тобора кенгаймоқда.

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИ ҲАҚИДА

Маданий жамиятда маданиятнинг реактиви — кунгил очарлик вази-фаси маданиятнинг асл моҳиятига қарши бормаслиги керак. Акс ҳолда «оммавий маданият» аломатлари асл маънавий қадриятларни издан чиқаради. Мана шунинг оқибатида истеъдод урнини машҳурликка интилиш, санъат урнини сунъийлик эгаллайди. Пировардида, маданият урнини, машҳур кинорежиссер Ролан Биков ибораси билан айтганда, «кунгил майлига хизмат кур-сатиш соҳаси» эгаллайди.

Шу боис, уз-узидан маданият, фан, техника, санъатнинг улкан ютуғи ҳисобланувчи телевиденига, унинг ижтимоий-тарбиявий хизмати-га катта эътибор берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Видеоезув воситасида у ёки бу ахборотни, шу жумладан, санъат асарларини оммалаштириш ҳамда уларни уйда, оилада ва махсус жойлар (видеосалонлар)да такрор намоиш қилиш имконияти мавжуд. Бунинг ижобий аҳамиятини ҳеч бир илкор этмаган ҳолда, ҳозирги пайтда видеорепертуарни шакллантириш стилияли тарзда амалга ошадиганлигини, видеотекаларга ижтимоий ва маънавий жиҳатдан салбий руҳдаги материалларнинг кўпроқ кириб келаётганлигини ҳам эътироф этишимиз керак.

Видеотехникадан бундай фойдаланишнинг олдини олиш чоралари қандай? Умумий чоралар ҳақида гап борар экан, шуни назарда тутиш керакки, видеомаданият-оммавий маданият тармоқларидан биридир. Видеотехникадан ижтимоий фойдала мақсадларда фойдаланишнинг бош воситаси — республикада умумий маданиятни юксалтириш, аҳолининг барча қатламларини эстетик тарбиялашни яхшилашдир.

Юксак маданиятли, чинакам зиёли, онгида чин ахлоқий ва эстетик қадриятлар мустаҳкам урин олган инсонда порнография, жоҳиллик, зуравонлик тамойилларига салбий муносабат кучли бўлади, ва бундай шахсларда буш вақтни ана шундай видео ёзувларни қуришга сарфлаш иштиғи умуман юзага келмайди.

Ёшларни эстетик руҳда тарбиялаш, уларда ҳар қандай салбий таъсир ва интилишларга қарши кучли иммунитет ҳосил қилишда маънавий идеалларнинг аҳамияти катта-

дир. Мустақиллик йўлига кириб, далил ривожланаётган бизнинг Ватанимизда томирлари тарихимизга, олис халқ хотирасига ҳамнафас ижтимоий-маънавий идеалларимиз бор. Биз уларнинг бор жойбаси, аҳамиятини чуқур очишимиз, кенг оммалаштириш йўлларини излашимиз галдаги вазиफलандир. Улар инсон, айниқса ёшлар тарбиясига таъсирчан омил бўлади.

Республикамиз Президенти бундай идеалларни кишиларни тарбиялашда ута муҳим, биринчи даража-ли вазифа деб қараб, бундай дейди: «Бу муҳим вазифани бажариш учун укув ва тарбиядаги услубларни мутаслиб такомиллаштироқ керак...

... Ахир, маданиятимиз тарихимиз — бизнинг энг катта, куз қорачи-гидек асрайдиган бойлигимиз. Улар ҳеч қачон эскирмайди, инкирозга юз тутмайди, яроқсиз ҳолга кел-майди. Улар одамни, жамиятни ман-нан ешатириб турадиган бебаҳо неъматдир. Ана шу неъматдан ҳар бир кишини баҳраманд этиш — биз қўраётган жамиятнинг асосий мақ-садидир».

Буш вақтни оптималлаштириш масаласига келсак, бунда таълим мазмунини ҳамда ҳажмини белги-лаш муаммосини эътибордан чиқар-маслик керак. Маълумки, ҳар 10 йилда ахборот ҳажми икки марта кўпаяди. У ёки бу янги материални улаштиришда укуччилар миясига кўпроқ юк тушади, умумий ва касб таълимини эгаллашга борган сари кўпроқ вақт сарфлашга тўғри кела-ди. Демак, материал илмий асослан-ган ҳолда танланиши керак, акс ҳол-да буш вақтдан фойдаланиш муам-моси буш вақтнинг йўқлиғи ту-файли юзага келмаслиги ҳам мум-кин.

Бундан ташқари, демократлашув, ошқоралик, бозор иқтисодиёти ёш-ларга минтақавий микроҳордиқ ту-зилмасидан халқро ва давлатлара-ро макротизмга чиқишнинг реал имкониятларини яратмоқда. Маса-лан, бошқа мамлакатларга дам олиш ва даволаниш учун тўсиқсиз бориш, маданий ҳордиқ мақсадида хорижий ҳордиқ тизимдан фойда-ланиш ва бошқалар. Миллий Уйго-ниш ҳаракати санъат, спорт, кун-гил очилар, ёшлар уйиллари, му-сиқали беллашувлар, амалий-бадий санъатнинг хилма-хил миллий тур-

ларини кенгайтириш имконини бе-ради. Давлат мустақиллиги шароит-ларида республикада ингитдан ша-клантирилаётган очиқ фазодаги боғлар ва музейлар, қуриқхоналар катта эстетик ҳамда тарбиявий аҳа-мият касб этади, улардан соғлом-лаштириш ва сайру саҳаат тадбир-ларида сервис хизматларини курса-тишда фойдаланиш мумкин. Ҳор-диқ соҳасини кенгайтиришни ёш-ларни хайрия жамиятлари ва меҳр-шафқат жамғармаларига, экология мувозанат ва атроф-муҳитни муҳо-фаза қилиш уюшмаларига, ижти-моий ночор ва кам таъминланган оилаларга беғараз оталиқ ердами бе-риш, халқ тарихи ва моддий мада-ният ёлгорликларини тиклашга жал-лиқ қилиш орқали таъминлаш мум-кин.

Маданий ва ҳордиқ инфраструк-турасини мустақил, нодавлат театр-лари, халқ студиялари, дискотека-лар, видеосалонлар, оммавий то-мша-кунгил очар байрамлари, театр-лаштирилган томошалар ва сайил-ларни ривожлантириш ҳамда кен-гайтириш ҳисобига бойитиш сўзсиз ижтимоий ҳаракатчан маънавий му-ҳитни яратди.

Давлат амалий ҳатти-ҳаракатлари нуқтаи назаридан асосий нарса — бу ёшларнинг ҳар қандай эҳтиёж-ларини ҳуқуқий овоз қуйиш ва таъқ-иларни бекор қилиш, хилма-хил дид ва эҳтиёжларни аниқлаш, уларни реал воқеликка амалга оширишни-нг вариантли тизимлари, усуллари ва механизмлари асосида моделлаш-тиришдир. Бунда жараёларни ре-жалаштириш ва тартибга солишда Шарқ маънавияти хусусиятларини, оилавий турмуш тарзининг оқил та-лаблари албатта ҳисобга олиними керак. Европанинг ҳордиқ ва кун-гил очиш шаклларини миллий ёш-лар муҳитига механик ва сунъий та-рзда олиб кириш салбий оқибатлар-га олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, ёшларнинг буш вақтларидан меъерда, мақсадга му-вофиқ фойдаланиш, уни оптимал-лаштириш ҳуқуқий, демократик жа-мият қурилишининг фаол субъекти бўлган ёшларда янги тафаккур ҳам-да дунёқарашни шакллантириш-нинг муҳим жиҳатларидан бири ҳи-سوبланади.

Бахтиер САИДОВ.

Азиз муштарий! Аввало куйидаги ҳикматларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сузларни топиб, очкични ҳал этинг.

1. Алишер Навоий:

Булиб ганчкорлиг сийман равоқи,
Нечун 7, 15, 16. ичинда кўзиниң оқи.

2. Мудаввар мустақим улса раҳамкор,
Чекиб андоқи жадвал бирла 9, 2, 5, 19, 15, 5.

3. Шарққа машҳур буюк наққош Моний,
Агар кимки расмдаги ҳар бир чизикқа жон бағишлай олар экан, у 8, 2,
1, 11, 2, 12. калитини эгаллаган булади.

4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

Ул хатки, анда сани мен ёд этгаймен,
Қуз оқида кошки 8, 2, 10, 15, 21. этгаймен;
Кишриқлардин анча қалам рост қилиб,
Қуз қорасидан анча милод этгаймен.

5. Бобораҳим Машраб:


Сетор деманг 6, 16, 18, 3. дилим сурғувчи танбур,
Кунглим исҳарин ғамларини сурғувчи танбур.

6. Абдулла Орипов:

Эшилиб, тулганиб, ингранали куй,
Асрлар ғамини суйлар «4, 13, 1, 15, 14, 15, 12».

7. Эркин Воҳидов:

Рубобим тори иккидур:
Бири қувноқ, бири маҳзун,



Ки 20, 2, 17, 12, 3, 4 сатри иккидур:

Бири дилхуш, бири дилхун.

Энди шаклдаги рақамларни жавоб сузлардаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштиринг. Сунг эгри чизик йуналиш бўйича нуқталар қаршисидаги ҳарфларни кетма-кет ўқиш билан тилсимни ҳал этинг. Ундан икки мисра ҳикмат ва унинг муаллифи аён булади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

4-СОНДА ЧИҚҚАН ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБИ

Ейлар бўйича: 1. Ширкат. 2. Ҳалим. 3. Чархий. 4. Ҳижоз. 5. Тоғлиқ. 6. Ширач. 7. Қазвин. 8. Чигир. 9. Қиймат. 10. Тагор. 11. Шохрух. 12. Сурия. 13. Ширвон. 14. Чодир. 15. Фитрат. 16. Тақир. 17. Ҳисори. 18. Ургут. 19. Шунқор. 20. Тошгуз. 22. Мунис. 23. Қибрай. 24. Майиз.

Очқич: 1. Оқсарой, 2. «Чули ироқ». 3. Шагранж. 4. Гилкор. 5. Ул.

Ҳикмат:

Шижоатли кишиларни дуст тут, чунки Тангри таъоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Тилсим

5

1996

Ўчредитель:
Министерство по делам
культуры
Республики Узбекистан.

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
М. НАБИЕВА.

Расом
Р.ҚУНГИРОВА.

Мусаҳҳиҳ
М.АБДУЛЛАЕВОВА.

Муҳарририят тураржойи:
700000. Тошкент — ГСП,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:

Бош муҳаррир — 36-78-90.
Бош муҳаррир уринбосара —
33-07-94.

Масъул котиб — 36-58-69.
Санъат ва маданият назарияси
— 36-58-69.

Мусиқа ва халқ ижодиёти —
36-56-01.

Мадааний-маърифий муассасалар
— 33-07-94.

Тасвирий санъат — 36-58-69.

Расом — 36-56-02.

Мусаҳҳиҳ — 36-56-02.

Теришга берилди 28.05.96 й.
Босишга рухсат этилди
4.09.96 й.

Қоғоз ҳажми 60x84 1/8
Офсет босма.


Шартли босма тобоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,88.
Шартли буюқли нусха 18,5.
Буюрма № 398.

5182 нусхада чоп этилади.
Сотувда эркин нарх.

«Шарқ» нашриёт-маъбаа
концернининг босмаҳонаси,
700083

Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

© «ГУЛИСТОН» 5,1996.





АВТОПОРТРЕТ. УМР — ОҚАР ДАРЁ.

ҲАЁЛ.

УХЛАЁТГАН ГЎЗАЛ.

УЛУГЛАШ.



Баҳоси: чакана савдода —
эркин нарҳда.

ИНДЕКС 75233.

Душчилик

Тошкент давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси-
нинг катта ўқитувчиси, хонанда Шомаҳмуд ШОРАҲМЕДОВ.



Машраб НУРИНБОЕВ сувратга олган.